

Э. ТАЛАБОВ

# اللغة العربية

АРАБ ТИЛИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН

## КИРИШ

**Араб тилининг бешиги.** Ҳинд океанидан то Фирот дарёсигача, Форс қўлтиғидан то Қизил денгизгача чўзилган катта ярим орол Арабистон аталади.

Арабистоннинг катта қисмини саҳро ва чўллар ташкил қилади; жануби шарқдагина тепаликлар, унча баланд бўлмаган тоғлар бор. Ярим оролда ҳайқириб оқувчи дарёлар йўқ. Онда-сонда учраб турадиган дарё ўзанлари йилда бир марта — ёмғир мавсуми пайтидагина сув билан тўлади. Арабистон иссиқ минтақага жойлашган, унда йил бўйи аёвсиз иссиқ ҳукмронлик қилади. Ёмғир мавсумидан кейин саҳрога қисқагина кўклам келади, ҳаммаёқ кўм-кўк ўтлоққа айланади, воҳа ва водийларда ҳаёт қайнайди. Кўп ўтмай булоқлар қуриydi, утлоқлар қовжираб қолади. Аёвсиз шамоллар мавсуми бошланади. Ҳар бир шамол ўз номига эга. Саҳро араблари — бадавийлар уларни қайси томондан эсишига, келтираётган ҳидига қараб энгил ажратиб олишади: сабо, самум, хамсийн. Нисбатан майин шамоллар шимолдан эсади. Ғарб шамоллари саҳрога Қизил денгиздан намликни суради. Жанубдан эсувчи шамоллар экватордан иссиқ келтириб атрофни қуйдиради. Саҳро ўртасида ниҳоятда кучаяди, йўлида учраган барча мавжудотни йўққа чиқаради, барбод қилади.

Араб ярим ороли бир неча иқлимларга бўлинади. Чекка жанубдаги ерлари Яман — Бахтли ўлка дейишади. Ундан шарққа қараб Хадрамавт чўзилган. Хадрамавт Умон ўлкасига чегарадош. Ямандан шимолроқни Ҳижоз дейдилар. Арабистоннинг қадимги обод шаҳарлари Макка ва Мадина шу иқлимда жойлашган. Ҳижоз ва Қизил денгиз ўртасида чўзилган тор ҳосилдор соҳилни Тихома деб аташади. Жанубдан Ҳижоз, шимолдан Сурия, шарқдан эса Ироқ билан чегараланадиган катта майдон Нажддир. Бу ерда учқур араб тулпорлари боқилади. Нажддан шарқи жанубга қараб Ямома ва Баҳрайн иқлимлари чўзилган. Баҳрайн ўзининг дури ва хурмоси билан донг таратган. Ярим оролнинг маркази иккита катта саҳро билан банд. Булар ар-Рўбъу-л-Холи ва Нуфуд саҳроларидир.

Ана шу катта майдонда қадимдан араблар яшайди.

**Араблар.** Энг қадимги арабларнинг излари эраמידан олдинги биринчи мингйилликнинг бошларига тақалади. Араблар ўзларини қадимги Қаҳтон (жанубий араблар) ва Аднон (шимолий араблар) уруғидан тарқалганмиз дейишади.

Қаҳтон уруғи ўз навбатида иккига ажралали:

а) Химёрийлар: Қудъа, Танух, Калб, Жухайна, Узро қабила-лари;

б) Қаҳдонлар: Тайй, Ҳамдон, Амилат, Ҷузом (ундан Лаҳм ва Ҳинда бошланиш олган), Азд (ундан Ғассон, Ҳузоба, Абс ва Ҳазраж бошланиш олган) ва Аммор қабилалари.

Аднон уруги ҳам икки гуруҳга ажралади:

а) Мударийлар: Қайс, Айлон (ундан Ҳавозин, Сулайм ва Ғатофон, Ғатофондан эса Абс ва Зубён бошланиш олган), Тамим, Ҳувайл, Канъон (ундан Қурайш бошланиш олган) қабилалари;

б) Рабиъийлар: Асад, Воил (ундан Бакр, Тағлиб, Бакрдан Ҳанифа бошланиш олган) қабилалари.

**Араб тили.** Араб тили соми<sup>1</sup> тиллар гуруҳининг жанубий шохобчасига тааллуқлидир. Араб тили тараққиёти уч босқичга бўлиниб ўрганилади: қадимги, классик ва ҳозирги замон араб тили.

Қадимги тил бизгача баъзи ёдгорликларда етиб келган. Тадқиқотчилар шу ёдгорликлардаги ёзувлар асосида унинг грамматик қурлишини ва қисман сўз бойлигини аниқлашга муваффақ бўлишди.

Классик араб тилининг намуналари эса бизгача жуда кўп миқдорда етиб келган. Биз уларда мукамал грамматик қурилишга эга бўлган, кенг лексик таркибли, жоҳилий даври назми ва таъсирдор қабилалар лаҳжалари нодир хусусиятларини ўзида умумлаштира олган бой тилни кўрамыз. Классик араб тили тақомилида муҳим роль ўйнаган қабила лаҳжалари орасида энг эътиборлиси қурайш лаҳжасидир. Қурайшлар яшайдиган жой — Макка ва унинг атрофи савдо маркази сифатида қадимги араблар ҳаётида катта аҳамиятга эга эди. Маккага ҳар йили турли қабилаларнинг минглаб вакиллари келиб-кетар, улар гуруҳида қурайш лаҳжаси қабилалараро тил вазифасини ўтарди. Унинг энг нафис иборалари бошқа қабилалар лаҳжасига кўчар ва шунингдек, бошқа қабилалар вакилларидан эътиборга молик луғавий бирликларни қабул қилар эди ҳам. Йилда бир эълон қилинадиган осойишталик даврида урушларни вақтинча тўхтатиб Маккага тўпланган халқ ўз масканларига қайта тарқалишаркан, араблар ярим оролининг турли бурчакларига қурайшнинг умумлашиб қолган сўзлари, иборалари, нафис тил услубларини ҳам ўзлари билан олиб кетишар ва тарқатишарди.

Сайллар пайтида шоирлар куч синашардилар. Барча қабила вакиллари иштирок этган бу тортишувларда ким ютиб чиқса, ўша шоирнинг қасидаси теридан ишланган саҳифаларга битилиб, Каъбага осиб қўйиларди. Классик араб тилининг шаклланишида бу икки манбанинг сезиларли таъсири бор.

Классик араб тили ислом байроғи остида Яқин ва Ўрта Шарққа, Марказий Осиё ва Африканинг кўп қисмига тарқалди. Ўрта Осиёда у узоқ вақтларгача халқаро ва билим тили бўлиб келди. Ўзлари-

---

<sup>1</sup> Сомий тиллар туркуми уч шохобчага бўлинади: жанубий — ҳабаш, араб ва суқотра тиллари; шимоли-ғарбий — аромий, яҳуд (иврит), финикий, маовий, угорий, аморий; шимоли-шарқий — аққод тили (бобил ва ассирий лаҳжалари билан). Бу тилларнинг кўпи ўлиб кетган; ҳабаш тили амҳар, курага, ҳарар, тигрә, тигривя каби лаҳжалар шаклида мавжуд; иврит Исроилда қайта тикланди; Кавказдаги айсор тили ассирий (аққод) лаҳжасининг давомидир.

пинг чуқур илмий мулоҳазалари билан дунё фанининг равнақига сезиларли таъсир кўрсатган фан даҳолари, буюк ватандошларимиз Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий ва Маҳмуд Замахшарийлар шу тилда самарали ижод қилишган. Классик тил ҳозирги замон араб тилининг шаклланиши учун замин бўлди.

Ҳозирги замон адабий араб тили Арабистон ярим ороли ва ундан шимолроқдаги ҳамда Шимолий ва Шарқий Африкадаги йигирмадан ортиқ давлатнинг расмий тили. Қундалик газета ва журналлар ушбу тилда чиқади, радио унда ахборот беради, китоблар нашр этилади. У ўтган аср охириларида шаклланди.

Барча араб давлатлари учун умумий бўлган адабий араб тилидан ташқари, ҳар бир алоҳида араб давлатида маҳаллий лаҳжалар мавжуд. Бирмунча умумлаштириб олсак, улар қуйидагилар: саудия, яман, сурия-фаластин, ироқ, миср, судон, мағриб.

**Сўз таркиби.** Араб тилининг сўз таркиби араблар тарихий тараққиётини ўзида жамлайди. Қадимги араб тилида сўзлашувчи қабилалар тили ҳар жиҳатдан қабил аъзолари эҳтиёжи учунгина зарур бўлган сўз бойлиги билан чегараланарди. Кейинроқ Аднон ва Қаҳтон гуруҳларининг аралашиб кетиши натижасида тил бойиди, мукаммаллашди. Истилолар пайтида араб тилининг маҳаллий халқлар тиллари билан тўқнашуви унга жуда кўп янги унсурлар олиб кирди. Ҳозирги замон адабий араб тили ҳам лексик нуқтаи назардан анча жиддий ўзгаришларга учради.

**Грамматик қурилиши.** Олимларнинг фикрларига кўра, араб тили қадимги сомиёлик хусусиятларини бошқа қардош тиллардан кўра кўпроқ сақлаб қолган. Араб тилида флексия (пштиқоқ) воситасида сўз ясаш усули кенг қўлланилади. Тўғри, ўзбек тили ҳам флексив тиллар сирасига кирди. Бироқ ҳамма гап шундаки, арабий исмларда рўй берадиган флексиялар кўпинча сўз таркиби ичиде — «синин» орқали рўй беради. Феъллар замон, шахс, сон, жинсларга мувофиқ флексиялар олади.

Араб тилидаги сўз туркумлари, бизнинг тилларни ўрганишда одат бўлганидек, ўн ёки шунга яқин ададга эга деб тушунилмайди. Улар учтадир: феъл, исм ва ҳарфлар. Араб морфологиясидаги сўз туркумлари, аслида, туркум гуруҳларидир.

Исм туркуми ўз таркибига от, сифат, сон, олмош, сифатдош ва масдарларни олади. Сўнги иккисиде феъллик хусусиятлари ҳам мавжуддир. Исмлар келишик (бош, қаратқич, тушум), жинс (музаққар ва муаннас), грамматик сон (бирлик, иккилик, кўплик) ва ҳолат (ноаниқлик ва аниқлик) категорияларига эга. Сўзларнинг ўзаро боғланишлари сўз тартиби билан ҳам, келишиклар ёрдами билан ҳам, шунингдек, ёрдамчи сўзлар воситаси билан ҳам олиб борилади.

Феъллар таркибига замон шакллари, даражалари, шунингдек, ўз мазмунларига кўра, сифатдош ва масдарлар кирди. Умуман, феъллар турли шаклларнинг жуда ривожланганлиги ва кенг қўлланилиши, феъллий бобларнинг (асосан ўнта) мавжудлиги, барча



бобларнинг ҳамма замонларда туславиши, шахс шакллари (бирлик, иккилик, кўшлик) нинг мавжудлиги, майллар (аниқлик, буйруқ, истақ, шарт, кучайтирма) нинг ривожланганлиги, даражалар (аниқ, мажҳул) нинг мавжудлиги билан характерланади.

Ҳарф (ёрдамчи сўз) лар боғловчи, кўмакчи (предлог), юклама ва ундовларни ўзида жамлайди. Араб тилининг боғловчи ва кўмакчи системаси жуда ривожланган, ундовларнинг баъзилари жинс шакллариغا эга. Юклама системаси унчалик ривож топмаган.

**Имло. Транскрипция.** Араб тили ўзига хос ва мукамал ёзув системасига эга бўлиб, унда ундош ва чўзиқ унлиларгина ўз ифодасини топган. Ҳарфлар ўнгдан чапга томон ёзилади. Тилдаги мавжуд қисқа унлилар ёзилмайди. Араб тилининг ёзув системаси тилдаги барча хусусиятларини тўлиқ акс эттира олади.

Араб алифбоси араб тили учун жуда мос бўлишига қарамай, араб ёзуви билан тилининг фонетик системаси ўртасида каттагина фарқ мавжуд. Ана шу қийинчиликларни бартараф қилиш мақсадида мутахассислар тилининг барча хусусиятларини тўла тавсифлашда жуда қўл келувчи транскрипциялаш усулидан фойдаланишди. Биз дарсликда совет арабшунослари томонидан қабул қилинган фонематик транскрипциядан фойдаланамиз. Унга ҳозирда истеъмолда бўлган ўзбек алифбоси ва босмаҳона имкониятларини ҳисобга олиш асосида баъзи-бир ўзгаришлар киритилган. Аслида транскрипцияга алифбони тўлиқ ўзлаштириб олгунга қадар эҳтиёж сезилади, сўнг унинг зарурияти қолмайди. Чунки араб унлилари талаффузида хилма-хиллик йўқ, улар доимо бир турли айтилади. Тилдаги айрим ўзгаришлар (эмфатик товушлар таъсири остида тил олди портловчиси «т» нинг эмфатиклашуви ва шу каби) лар эса алифбода ўз аксини топган.

Араб алифбосида 28 та ҳарф бор. Улар ёрдамида 31 товуш (28 ундош ва 3 чўзиқ унли) ифодаланади. Унда ҳар бир ҳарф алоҳида, сўз бошида, ўртасида ва охирида келадиган шаклларга эга. Демак, ҳар бир ҳарфнинг хат тизмасида ёзилиши унинг қандай вазиятда турганига боғлиқ. Ҳарфларнинг кўпроғи (22 таси) ҳар икки томондан бошқа ҳарфларга бириктириб (қўшилиб) ёзилади. Қолганлари (6 та ҳарф) эса фақат бир томондангина бириктирилади.

Кўпчилик ҳарфлар имло нуқтаи назаридан бир-бирларига ўхшаш шаклларга эга бўлиб, уларни фарқлайдиган белги уст ёки осларига қўйилувчи диакритик нуқталардир. Нуқталар сони бир, икки ёки учга бўлиши мумкин. Мазкур хусусиятга асосланиб алифбодаги ҳарфларни ўхшаш шаклларга эга бўлган бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Олтига ҳарф алоҳида, ҳеч қайси гуруҳга кирмовчи шаклга эга; уларда ҳеч қандай диакритик нуқталар ҳам йўқ.

Ҳарфлар сатр устигами ёки остига ёзилишлари билан ҳам ўзаро фарқланади.

Араб алифбоси узоқ тараққиёти давомида жиддий ўзгаришларга учраган. Натижада ёзув (хат) нинг кўп турлари пайдо бўлган. Булар куфа, риқъа, насх, насталик, таълиқ, шикаста кабилар бўлиб

ҳар бири маълум бир тарихий даврни ёки шароитни ўзида акс эттиради. Энг кенг тарқалган хат шакли — насҳда хатларнинг сиртки кўриниши ҳозирги босма ҳарфларникидан унча фарқ қилмайди.

Араб алифбосида ҳарфлар, бошқа кўпгина халқлар ёзувларида мавжуд бўлганидек, бош ва кичик шаклларга эга эмас.

### АРАБ АЛИФБОСИ

Транс-крипция	Ҳарфнинг аталиши	Ҳарфнинг ёзилиши	Транс-крипция	Ҳарфнинг аталиши	Ҳарфнинг ёзилиши
д.	д.а.дун	ض	а.	'алифун	ا
т.	т.а.'ун	ط	б	ба.'ун	ب
з.	з.а.'ун	ظ	т	та.'ун	ث
'	'айнун	ع	с:	са.'ун	ت
ғ	ғайнун	غ	ж	жи.мун	ج
ф	фа.'ун	ف	х.	х:а.'ун	ح
қ	қа.фун	ق	х	ха.'ун	ص
к	ка.фун	ك	д	далун	ش
л	ла.мун	ل	з:	за.лун	س
м	ми.мун	م	р	ра.'ун	ر
н	ну.нун	ن	з	за.'ун	ر
ҳ	ҳа.'ун	ه	с	си.нун	ذ
в,у.	ва.вун	و	ш	ши.нун	د
й,и.	йа.'ун	ي	с.	с.а.дун	ذ

# АЛИФБО, ФОНЕТИКА

## Биринчи дарс:

### ТОВУШЛАР СИСТЕМАСИ. УНДОШЛАР

Ҳар бир тил ўз нутқ системасига эга. Араб ва ўзбек тилларида ҳар икки тил учун уйқаш, бир хил талаффуз қилинадиган товушлар бор. Айни пайтда ҳар бирининг ўзигагина ҳос, бошқасида учрамайдиган товушлар ҳам мавжуд. Биз ўз она тилимизда гапирганимизда тилимиз, лабимиз ва бошқа нутқ аъзоларимизни бирор товушни талаффуз қилишимиз учун қандай ҳаракат қилдираётганимизни сезмаймиз ҳам. Талаффуз кўникмаси гўдақлигимиздан ҳосил қилинган. Бироқ ўзбекча сўзлашниш кўникмаси араб тилида гапириш учун ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайди. Арабча тўғри сўзлашниш учун қатор янги кўникмалар ҳосил қилиш керак.

Араб тилида ундошлар, асосан, товуш пайчаларининг ҳаракат ва ҳолатига ёки оғиз бўшлиғининг қайси қисмида тўсиққа учрашларига, фақат шовқиндангина иборат бўлишларига ёки аксинча, овознинг шовқиндан устунлигига, шунингдек, талаффуз қилиниш усулларига боғлиқ равишда бир-бирларидан фарқланади.

Араб ундошлари товуш пайчаларининг ҳаракат ва ҳолатига кўра — жарангли ва жарангсиз, пайдо бўлиш ўринларига кўра — лаб, танглай одди, танглай ўртаси, чуқур танглай орқаси ва бўғиз товушлари бўлиши мумкин.

Ундошлар артикуляция усулига кўра портловчи, сиргалувчи (фрикатив), қоришиқ (аффрикатив), титровчи (вибрант) ва бурун иштирокида талаффуз қилинувчи (сонант) бўлади. Умуман айтганда, араб ундошларига ҳос энг характерли хусусиятлар — шовқиннинг мавжудлиги, мусиқавийлик, юмшоқланиш (палатализация) ва товушнинг ошиғич куч билан артикуляция қилиниши (эмфатиклик) дир.

### ПОРТЛОВЧИ ШОВҚИНЛИЛАР

Араб тилидаги портловчи товушлар ҳам ҳавонинг нутқ аъзоларидаги тўсиқни ёриб ўтиб, «портлаш» йўли билан чиқиши натижа-сида талаффуз қилинади. Портлаш юқори ва пастки лаблар, тил ва тишлар, тил ва танглай ўрталарида, хуллас, нутқ аъзоларининг турли ўринларида содир бўлиши мумкин.

«б» фонемаси — лаб ўртаси ундоши, жарангли. Бу товуш ўзбек тилидаги «б»нинг нусхаси. Бироқ араб «б»си, ўзбек тилида-

Араб ундош фонемаларининг таснифи

Артикуляция ўрни бўйича		Танглай								Бўғиз			
		лаб-лаб	лаб-тиш	тишлар ўртаси	тиш органи (олдий)	тиш органи (эмфатик)	тил олди	танглай ўртаси	чуқур танглай орқаси	товуш пайчалари	ҳалқум		
Артикуляция усули бўйича													
Портловчилар	шовқинчилар	жарангли	б			д	д						
		жарангсиз				л	т		к	қ	'		
	сонантлар	м					н						
Сирғалулчилар	шовқинчилар	жарангли			з	з	з			ғ			
		жарангсиз		ф	с	с	с	ш		х	ҳ	х.	
	сонантлар	в					л		й				
Қоришиқ	шовқинли						ж						
Титровчи	сонант						р						

гидек, сўз ўртаси ёки охирида жарангсизланмайди, яъни «п»лашмайди.

1-машқ. Араб «б» фонемасини ўзбек адабий тилидаги «б» фонемаси ва унинг нусхалари билан таққосланг:

- баввиб — бориб (борип)
- калбун — келиб (келип)
- шарибти — борибди (борипти)
- харабтум — қараб тур (қарап тур)

«т» фонемаси — танглай олди товуши, тиш ортида талаффуз қилинади, жарангсиз. Ўзбек тилидаги «т» нинг нусхаси (эквиваленти).

«д» фонемаси — танглай олди товуши, тиш ортида талаффуз қилинади, жарангли. У жарангсизлар таъсири остида ўз жарангини йўқотмайди. Бинобарин, унинг ўзбек тилидаги каби «т»лашуви рўй бермайди.

2-машқ. Араб ва ўзбек тилларидаги ўхшаш товуш бирикмалари талаффузини таққосланг:

самадтум	—	бадтар (баттар)
судти	—	кўрсатди (кўрсатти)
баррапта	—	қандда (қантта)
қуд	—	дуд (дут)

«к» фонемаси — танглай ўртаси ундоши, жарангсиз. Араб «к»си рус тилидагидек чуқур эмас. Шунингдек, у ўрнига қараб баъзан юмшоқ, баъзан эса қаттиқ талаффуз қилинмайди ҳам. Балки у доимо бир хил — худди ўзбек тилидагидек, бир оз юмшоқроқ артикуляция олади.

3-машқ. Рус тилидаги «к»нинг тубандаги қаттиқ нусхаларига араб «к»сининг талаффузини таққосланг:

кадрун	—	кадарун
красивый	—	каразиййун
классик	—	кила.сикиййун
кто?	—	кита.бун

«қ» фонемаси — чуқур танглай орқаси ундоши, жарангсиз. Тил ўзагининг иштироки билан талаффуз қилинади. У ўзбек «қ» фонемасига тўла мосдир.

### ТИШ ЎРТАСИ СИРҒАЛУВЧИЛАРИ

«с:» фонемаси — танглай олди сирғалувчиси, жарангсиз, шовқинли. У устки ва остки тишлар ўртасида талаффуз қилинади. Бундай товуш ҳозирги замон ўзбек тилида йўқ. Унинг артикуляциясида тил учини тишлар орасига шундай жойлаштириш керакки, у юқоридаги тишларга маҳкам жипслашиб турсин. Шунда тил учи билан пастки тишлар орасида кичик тирқиш қолади. Нутқ аъзоларининг шундай ҳолатида «с:» куч билан талаффуз қилинади.

4-машқ. Нутқ аъзоларингизни «с:» ундоши артикуляцияси учун зарур ҳолатга келтиринг ва уни бир неча марта такрорлаб «с:» ундошини талаффуз қилинг.

5-машқ. Кўзгу ва техник воситалар кўмагида «с:» фонемасини тўғри талаффуз қилишга эришинг:

с:абатун	мус:батун	шаббис:
с:абитун	мус:битун	ташаббас:
с:ақфун	тас:аббата	тава:рас:

6-машқ. Қуйидаги арабча сўзларнинг талаффузида «с:» ундоши билан оддий «с» сирғалувчиси ўртасидаги артикуляция фарқида эътибор беринг:

сабтун — с:абтун  
 суба.тун — с:аба.тун  
 субу.тун — с:убу.тун  
 са.битун — с:а.битун

«з:» фонемаси — таъглай олди сирғалувчиси, шовқинли, жа-рангли ундош. Уни тўғри талаффуз қилиш учун нутқ аъзоларини «с:» артикуляциясидаги каби ҳолатга келтирилади. Талаффуздаги ягона фарқ — товушнинг иштирокидир. Муқобил товуш ҳозирги замон ўзбек тилида йўқ.

7-машқ. Нутқ аъзоларингизни «з:» артикуляцияси учун зарур ҳолатга келтиринг. Кейин уни бир неча бор такрорлаб талаффуз қилинг.

8-машқ. «з:» фонемасининг тўғри талаффуз қилинишига аҳамият беринг. Машқни бажаришда техник воситалар ва кўзгудан фойдаланинг:

з:икрун	з:аҳабун	з:авқун
з:акарун	з:а.ҳибун	з:авва.қун
маз:ку.рун	маз:ҳабун	таз:ҳи.бун
муз:а.каратун	маз:ҳу.бун	муз:аййалун
лаз:з:из:	талаз:з:аз:	наффиз:

9-машқ. Муштарак сўзларни ўқинг, «з:»нинг ўзбекча талаффузда оддий тили орти «з:»га айланиб қолишига аҳамият беринг:

маз:ку.рун — мазкур  
 з:икрун — зикр  
 лаз:э:атун — лаззат

### «Б», «Т», «С:» УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ

«б», «т», «с:» ундошларининг ёзувдаги ифодаси бир гуруҳни ташкил қилади. У сатр устига битилади. Ҳарфларни диакритик нуқталарнинг сони ва қаерга қўйилганига қараб бир-биридан ажратилиш мумкин.

Ҳарфларнинг ёзилиши				Транскрипция	Ҳарфларнинг аталлиши
алоҳида	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида		
ب	ب	ب	ب	б	ба. 'ун
ت	ت	ت	ت	т	та. 'ун
ث	ث	ث	ث	с:	с:а. 'ун

Жадвалдан кўришиб турганидек, уч ҳарфнинг барчаси ҳарфлар тизмасида икки томондан бириктирилади, яъни бошқа ҳарфларга қўшилиб ёзилади:

ت ت ت ت ت ت      د د د د د د  
 ث ث ث ث ث ث      ب ب ب ب ب ب  
 ث ث ث ث      ب ب ب ب

10-машқ. «б», «т» ва «с» ундошлари ҳарфий ифодаларининг ҳар бир шаклини бир қатордан ёзинг:

Н а м у н а:  $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$

11-машқ. Қуйидаги ҳарф тизмаларининг ҳар бирини бир қатордан ёзинг:  
ббб, ттт, с:с:с:, бтс:, тбс:, с:бт, с:тб

12-машқ. Ҳарф бирикмаларини дафтарингизга кўчиринг ва транскрипцияланг:

Н а м у н а:  $\text{ب}$   $\text{بب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{ب}$   $\text{بب}$

### ҲАРАКАТЛАР

Араб алифбоси ёрдамида барча ундош товушларни ва чўзиқ унлиларнигина ифодалаш мумкин. Қисқа унлилар ёзувда ўз аксини топмаган.

Ўқишда жуда аниқлик талаб қилувчи манбалар — назм обидалари, дарсликлар ва қомуслардан фойдаланишни жўнлаштириш мақсадида қисқа унлиларни ифодалаш учун қўшимча белгилар — ҳаракатлар қўйилади.

Ҳаракат — маълум ўриндаги ундошдан сўнг қандай унли талаффуз этилишига ишора қилувчи белгидир. Ҳаракатлар ҳарф устига ё тагига қўйилади.

Қисқа унли «а» фатҳа  $\text{ـ}$  (фатх.атун) ҳаракати билан ифодланади. Фатҳа қайси ҳарфдан сўнг талаффуз этилса, ўшанинг устига қўйилади:

$\text{ا}$  (ба),  $\text{ا}$  (та),  $\text{ابت}$  (с:абата)

Қисқа унли «у» дамма  $\text{ـ}$  (дамматун) ҳаракати билан ифодланади. Дамма ҳарф устига қўйилади:

$\text{و}$  (бу),  $\text{و}$  (ту),  $\text{و}$  (с:у)

Қисқа унли «и» касра  $\text{ـ}$  (касратун) ҳаракати билан ифодланади. Касра ҳарф остига қўйилади:

$\text{ي}$  (би),  $\text{ي}$  (ти),  $\text{ي}$  (с:и)

### СУКУН

Сўз таркибидаги айрим ундошдан сўнг ҳеч қандай унли талаффуз қилинмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолат махсус «сукун»да  $\text{ـ}$  (суку.нун) ўз ифодасини топган.

Сукун (тиниш)ли ҳолат араб тилида сўз ўртаси ва охиридагина

рўй бериши мумкин. Сукув белгиси ўша ҳаракатсиз (унлисиз) ҳарф устига қўйилади:

Сўз ўртасида:  $\text{تَبَّت}$  (тас:буту) Сен мустаҳкам турибсан.

$\text{تَبْتُ}$  (тубту) Тавба қилдим.

Сўз охирида:  $\text{تَب}$  (с:уб) савоб иш қил!

$\text{بِت}$  (бит) тунаб қол!

Сўз бошида сукувли (унлисиз) ҳолат кузатилмайди.

13-машқ. Дафтарингизга кўчиринг ва ҳаракатлантиринг:

$\text{تَبْتُ}$  (с:абута) мард бўлмоқ, мард бўлди

$\text{تَبَّت}$  (с:абата) саботли бўлмоқ, саботли бўлди

$\text{تَب}$  (туб) тавба қил!

$\text{تَبِت}$  (с:аббит) мустаҳкамла, маҳкам қил!

## Иккинчи дарс:

### СИРГАЛУВЧИ УНДОШЛАР

Бу товушлар ҳаво оқимининг нутқ аъзолари орқали сирғалиб ўтишидан пайдо бўлади.

«з» фонемаси — шовқинли жарангли ундош. У танглай олдида пайдо бўладиган оддий тиш орти сирғалувчисидир.

«с» фонемаси — шовқинли жарангсиз ундош. У тишлар ортининг фаол иштироки билан пайдо бўладиган оддий танглай олди сирғалувчисидир.

«ш» фонемаси — шовқинли жарангсиз ундош. У тил олдида талаффуз қилинувчи танглай олди товуши.

«ф» фонемаси — шовқинли жарангсиз ундош. У лаб ва тиш ўртасида пайдо бўлади.

«ғ» фонемаси — шовқинли жарангли чуқур танглай орқа товуши.

«х» фонемаси — шовқинли жарангсиз чуқур танглай орқаси товуши. Бу ундошнинг талаффузи бир оз юмшоқ рус танглай орқа «х» фонемасидан фарқ қилади ва ўзбек тилидаги «х»га тўлиқ мос келади.

### ҚОРИШИҚ ТОВУШ

Одатда қоришиқ (аффрикат) товушлар нутқ органларининг бир ўрнида бир пайтнинг ўзида пайдо бўлган икки ундошнинг ажратилмай, бир товушдек талаффуз қилинишидир. Араб тилида фақат биргина қоришиқ товуш (аффрикат) мавжуд:

«ж» фонемаси — танглай олди ва тил олди ундоши, жа-



равгли ва шовқинли товуш. У ўзбекчадаги «ж» фонемасига мос бўлиб, бир пайтнинг ўзида ҳам «д», ҳам «ж» фонемалари унсур (элемент)ларини ўзида жамлайди.

### БЎГИЗ ТОВУШЛАРИ

Араб тилида тўртта бўғиз товуши мавжуд. Уларнинг иккитаси («ҳ» билан «'») товуш пайчаларида, қолган иккитаси («х.» билан «'») ҳалқумда пайдо бўлади.

«х.» фонемаси — бўғизнинг ҳалқум қисмида пайдо бўлувчи жарангсиз шовқинли сирғалувчи ундош. Унинг талаффузида бўғиз мушаклари таранглашиб, бир-бирларига яқинлашиб келади. Улар жуда тигизлашиб, ўртада тор йўлак ҳосил бўлади. Ташқарига отилаётган ҳаво ана шу тор йўлак орқали ўта туриб, мускуллар устидан «сирғанади». Натижада жарангсиз шовқин тарзида «х.» ундоши талаффуз бўлади. Бунда товуш пайчалари собит, юмшоқ танглай кўтаришган, бурун бўшлиғига олиб борувчи йўл берк бўлади; барча нутқ аъзолари таранглашган бўлади.

Ўзбек тилида бундай товуш йўқ.

**14-машқ.** Нутқ аъзоларингизни «х.» фонемаси талаффузи учун зарур ҳолатга келтириш, сўнг уни талаффуз қилиш.

**15-машқ.** Ўқинг, «х.» фонемасининг турли ўринларда талаффуз қилинишига аҳамият беринг:

х.алла.қун	х.улқу.мун
х.аби.бун	х.уррун
х.ика.йатун	х.уд.у.рун
бах.рун	мах.аббатун
мих.баратун	мух.камун
мифта.х.ун	фух.у.матун

**16-машқ.** Сўзлар охиридаги «х.» фонемасининг талаффузини ўрганиш.

на.фих.	ка.фих.
лаққих.	фа.тих.
қах.қих.	фаттих.

**17-машқ.** Техник воситалар ёрдамида иккиланган «х.»нинг раво талаффуз қилинишига эришинг; нутқ аъзоларингиздаги ўзгаришларни кузатинг:

бах.х.а.рун, сах.х.а.рун, фах.х.а.рун, сух.х.а.рун, шах.х.а, тамах.х.ах.а, лах.х.ана, лах.х.а.рун, тасах.х.ара

### «Ж», «Х», «Х» УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ

Ҳарфларнинг ёзилиши				Транскрипция	Ҳарфларнинг аталиши
алоҳида	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида		
ж	ж	ж	ж	ж	жи.мун
х	х	х	х	х	х.а. 'ун
х	х	х	х	х	ха. 'ун

«ж», «х.» ва «х» ундошларининг ёзувдаги ифодалари бир гуруҳни ташкил қилади. Ифода этувчи негиз белги икки унсурли: биринчи унсур кичик бурчаксимон бош қисм, иккинчи унсур эса юқоридан пастга йўналиб ўнгга қайрилиувчи каттароқ ярим доира. Ёзув пайида биринчи унсур сатр устида, иккинчиси тагида ёзилади. Биз ҳарфларни ўзаро фарқлашда нуқтанинг бор-йўқлиги, ёхуд унинг қаерда эканлигига эътибор беришимиз лозим.

Учала ҳарф ҳам ҳар икки томондан бошқа ҳарфларга бириктирилиши мумкин. Демак, ҳар бири тўрт шаклга эга. Сўз бошида ва ўртасида ёзилиш шаклларида фақат биринчи унсур ёзилади. Сўз охирида ёзиладиган шакл алоҳида ёзиладиган ҳарфдан биргина ўнгидagi бириктирувчи чизиқчиси билан фарқланади. Умуман, биринчи унсур сатр устида ёзилсада, мазкур сўнгги ҳолатда у бир оз кўтарилганроқ бўлади. Ҳарф бирикмаларига қаранг:

- а) сўз бошида:      جتب حتب ختب  
 б) сўз ўртасида:    بجت تبث ثجت  
 в) сўз охирида:    بج تج خج

18-машқ. Ҳарф бирикмаларини араб алифбосида дафтарингизга кўчиринг.

жжж, х.х.х., ххх, х.жх, х.хж, хжх., хх.ж

19-машқ. Ҳарф бирикмаларининг ҳар бирини бир қатордан кўчиринг ва транскрипцияланг:

حب حث جث جت حث حتب بج تج خج

20-машқ. Сўзларни талаффуз қилинг:

х.аббун, х.уббун, х.убу.бун, тах.та, х.а.жибун,  
 х.ажи.бун, ба.х.и.с:ун, бах.с:ун, х.ибатун

21-машқ. Фонетик имло:

ثبت	(с.абута)	حبت	(хабата)
حبت	(хабус:а)	تجت	(тах.та)
حجب	(х.ажаба)	بحج	(бах.бах.а)
بحث	(бах.с:ун)	بحج	(бах.ижа)

### УНДОШЛАР ИККИЛАНИШИНИНГ ИМЛОСИ

Араб тилидаги ҳар бир ундош ўзининг чўзиқ ва қисқа шаклларига эга. Бошқача айтганда, ундош айрим пайтларда бир ўринда икки бора (қўш) айтилиши мумкин. Буни ундошларнинг «иккиланиши» ҳодисаси дейилади. Иккиланиш ҳодисасини икки бир хил ундошнинг биринчиси сукунланган ҳолат деб талқин қилинади. Мисоллар:

шаддун — шад-дун      саллама — сал-ла-ма  
 маррун — мар-рун      дарраса — дар-ра-са

Араб тилида бундай фонетик ҳодиса кўп учраб туради. Иккила-

ниш сўз ўртасидаги турли мавқеларда, турли-туман унлилардан олдинда ёки кейинда рўй бериши мумкин. Иккиланиш сўз бошидагина рўй бермайди.

Икки бир хил ундош ёнма-ён келса, яъни иккиланиш ҳодисаси рўй берса, ёзувда уларнинг ифодаси сифатида иккита ҳарф ёзишдан четланилади. Бир ҳарфгина ёзилиб устига «шадда» (ташдид) ишораси қўйилади:

بِتْ (битту), تَبَّتْ (тас:аббата), حَبَبْ (х.ажжаба)

Агар ташдидланган ҳарфдан сўнг касра ўқилиши зарур бўлса, у ташдиднинг устига қўйилади:

تَبَّتْ (с:уббита), حَبَبْ (х.ужжиба)

### ТАНВИН ТУШУНЧАСИ

Араб тилида кўпчилик исм (от, сифат, сон, масдар, сифатдош)-лар «танвин» [танви.вун] деб аталувчи қўшимчалар билан тугайди. Сўзнинг бош келишиқдаги шакли, масалан, «-ун» тарзида ўқилувчи танвин билан тугайди. Худди ҳаракатлардек, танвинлар ҳам алифбода ўз аксини топмаган. Шу туфайли, улар қўшимча белгилар сифатида илова қилинади. «-ун» танвини ' шаклида бўлиб, у сўзнинг охиридаги ҳарф устига қўйилади:

تَبَّتْ (с:абатун) қатъийлик  
بَحْتُ (бах:с:ун) баҳс

22-машқ. Уқнинг, бўғиз ундошларининг талаффузига аҳамият бериш:

с.абтун, с:а.битун, бах.х.ун, тах.та, х.аббун,  
тас:аббутун, тас:аббата, х.абас:ун, х.ажжа

23-машқ. Қуйидаги сўзларни араб алифбосида кўчиринг, ҳаракатлар имласини таҳлил қилинг:

бах.х.ас:а, бух.х.ис:а, бах.х.ис:, тах.х.ата,  
тах.х.ит, с:уббита, с:аббит, х.ажжаба, битту

24-машқ. Ҳарф бирикмаларининг ҳар бирини неча турли ўқий оласиз? Ҳар бир шаклни дафтарингизга ёзинг ва транскрипцияланг.

ثَبَّتْ تَحْتِ حَبِّ حَبِّ حَبِّ حَبِّ

25-машқ. Дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатлантинг ва ёд олинг:

حَب	(х.аббун) уруғ	ثَابِتْ	(с:а.битун) қатъий
حَب	(х.уббун) севги	ثَبَّتْ	(с.аббата) мустаҳкамламоқ
بَحْتُ	(бах.с:ун) баҳс	بَحْتُ	(бах.ас:а) баҳс қилмоқ
بَحْتُ	(бахтун) бахт		

## Учинчи дарс:

### УНЛИЛАРИНИНГ ФОНЕТИК ТАВСИФИ ЛАБЛАНГАН ВА ЛАБЛАНМАГАН УНЛИЛАР

Унли товуш талаффузининг асоси мусиқавий тондир. Унлилар акустик нуқтаи-назардан овознинг устунлиги билан ажралса, физиологик томондан оғизнинг очилиш даражаси билан белгиланади. Унлилар талаффузида асосий вазифани товуш пайчалари, тил ва лаблар бажаради.

Араб унлилари талаффуз пайтида тилнинг оғиз бўшлигидаги уфқий ҳаракатига ва оғизнинг очилиш даражасига қараб қатор билан, тилнинг тик ҳаракатига қараб эса кўтарилиш билан фарқ қилади.

Қатор — олд, ўрта ва орқа бўлиши мумкин; кўтарилишга кўра эса унли юқори, ўрта ва қуйи даражада белгиланади. Лабнинг талаффуз лаҳзасида туган ўрнига қараб унлилар лабланган ёки лабланмаган бўлади. Лабланган унлилар талаффузида лаблар олдинга чўччайиб чўзилади. Лабланмаган унлилар талаффузида эса лаб фақат айрим султ ҳаракатлариникина бажаради.

#### Араб унлиларининг тасвифи:

Лабнинг иштироки	Лабланмаган			Лабланган		
Кўтарилиш Қатор	юқори	ўрта	қуйи	юқори	ўрта	қуйи
олд	и.и.					
ўрта						
орқа			а.а.	у.у.		

Жадвалда икки аъзо (лаб ва тил)нинг ҳолатига аҳамият берилган. Улар товушларнинг пайдо бўлишида энг фаол иштирокчилар бўлса-да, бошқа нутқ аъзолари ҳам ҳар бир унли талаффузида озми-кўпми иштирок этади.

Жадвалдан кўриниб турганидек, араб тилида олти унли фонема мавжуд. Улар аслида уч навда бўлса-да, нусха (вариант)лар эмас, балки талаффуз миқёсида ўзаро фарқланади. Бу ҳол араб тилида сифат жиҳатидан фарқловчилик — маъно ажратувчилик хосасини келтириб чиқаради.

«а» (қисқа) ва «а.» (чўзиқ) унли фонемалари — ўрта қатор, қуйи кўтарилиш лабланмаган унлилардир. «а» фонемаси ўзбек тилидаги муқобил товушнинг ўзгинаси бўлиб, «а.» талаффузи жиҳатидан олдингисига тўлиқ мувофиқ келгани ҳолда, сарф этилган вақт билан фарқланади (тахминан икки марта чўзиқ).

«а» ва «а.»лар оғизнинг ўртача очилиши, тил олд қисмининг

пастга тушиши ва лабларнинг керилиши билан талаффуз қилинади. Уларнинг бошқа нусха (вариант)лари ҳам мавжуд. Мисол учун мазкур унлилар эмфатик ундошлар билан ёнма-ён талаффуз қилинганда йўғоилашади. Биз бу ўринда асл фонемалар тўғрисида сўз юритганимиз учун нусхалар тўғрисида сўзламаймиз.

**26-машқ.** Кўзгу воситасида машқ қилиб, тубандаги сўзлар таркибидagi «а» ва «а.» фонемаларининг тўғри артикуляция олишига эришинг:

баб	вав	зав	х.ах.
ба.б	ва.в	за.з	х.а.х.
дад	фаф	раp	хах
да.д	фа.ф	ра.р	ха.х

**27-машқ.** Ўқинг:

дараса	да.раса	хабура	ха.бара
катаба	ка.таба	хатала	ха.тала
бадала	ба.дала	шаруфа	ша.рафа
радафа	ра.дафа	калама	ка.лама

«и» ва «и.» унли фонемалари — юқори кўтарилиш, олд қатор лабланмаган товушлардир. Улар талаффузида лаблар бир оз очилади, тил пастки тишларга тақалади. «и» ўзбек тилидаги муқобил товушнинг ўзи, «и.» ундан чўзиқлиги билан фарқ қилади.

**28-машқ.** Товуш бирикмаларини юқоридан пастга қараб ўқинг. Машқни бажаришда кўзгудан фойдаланинг:

биб	вив	зиз	х.их.
би.б	ви.в	зи.з	х.и.х.
дид	фиф	риp	хих
ди.д	фи.ф	ри.р	хи.х

**29-машқ.** Ўқинг, сўзлар таркибидagi «и.» фонемасини тўғри талаффуз қилишга эришинг:

зи.ба	зи.ла	зи.га
ши.ха	ши.ба	ши.ма
фи.да	қи.ла	қи.ва
ни.ла	ми.ла	ми.да

«у» ва «у.» фонемалари — юқори кўтарилиш, орқа қатор лабланган унлилар. «у» фонемаси ўзбек тилида мавжуд; «у.» эса ундан талаффуз муддатининг икки бора чўзиқлиги билан фарқланади. Шундай қилиб, мазкур икки унли лабнинг пассив иштироки билан талаффуз қилинувчи «а» ва «а.», «и» ва «и.» фонемалари каби ўзаро меъёрдагина фарқ қилади, артикуляция ўринларида ҳеч қандай ўзгариш кузатилмайди.

30-машқ. Товуш бирикмаларини ўқинг, улардаги чўзиқ увлилар талаффузига алоҳида эътибор беринг:

дуриса	ду.риса	ху.бира	ху.бира
рудифа	ру.дифа	шу.рифа	шу.рифа
будила	бу.дила	фу.хира	фу.хира

### ТИТРОВЧИ СОНАНТ

Араб тилида битта титровчи сонант мавжуд. У тил учининг қаттиқ таъғлайга мунтазам урилиб туриши жараёнида талаффуз қилинадиган «р» фонемасидир. Бу фонема араб тилида худди ўзбек «р»си каби бир оз юмшоқроқ артикуляция бўлади.

### «Д», «З», «Р», «З» УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ

Ундошлардан «д» ва «з»ларнинг ёзувдаги ифодалари бир гуруҳни ташкил қилади. Бу икки ҳарфни ўзаро ажратувчи белги бир нуқтадир. Ҳарфлар сатр устига ёзилади, бошқа ҳарфларга фақат ўнг томондангина бириктирилади. Шунга кўра, уларнинг алоҳида ва сўз бошида келувчи шакллари, шунингдек, сўз ўртаси ва охирида келувчи шакллари бир хил ёзилади. Шундай қилиб, ушбу белгилар аслида тўрт шаклда ёзилса-да, амалда икки ёзилиш формасига эгадир.

алоҳида	Ҳарфларнинг ёзилиши			Транскрипция	Ҳарфларнинг аталishi
	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида		
د	د	د	د	д	да.лув
ذ	ذ	ذ	ذ	з:	за:а.лув
ر	ر	ر	ر	р	ра.'ун
ز	ز	ز	ز	з	за.'ун

Ундошлардан «р» ва «з»ларнинг ёзувдаги ифодалари ҳам бир гуруҳни ташкил қилади. Уларни ажратувчи белги ҳам бир нуқта. Бу икки ҳарф сатр остига ёзилади ва ўнг томондангина бошқаларга бириктирилади. Бошқача айтганда, улар чап томондан бириктирувчи чизикчаларга эга эмас.

Бу ҳарфлар, шундай қилиб, сўз бошида келганда алоҳида шаклда ёзилади. Шунингдек, улардан кейин келаётган якка ҳарф ҳам алоҳида шаклда ёзилади. Агар икки ёки ундан охиқ ҳарф келаётган бўлса, уларнинг биринчиси сўз бошида ёзиладиган шаклда қўйилади:

دب دج دث ذح  
دبت دجج رثب رنج

Чунончи, юқоридаги қоида мазкур «д, з:, р, з» ларнинг алифбо-даги ифодалари ўртада келган ҳолатларга ҳам татбиқ қилинади:

تد بذب ترجم حزبت

31-машқ. Фақат ўнг томондан қўпиловчи ҳарфлар ёйма-ёк келган ҳолатдаги имлога эътибор беринг:

دذر ذرز زرد ذذ ذرز زردذ

32-машқ. د ва ز . ر ва ذ ҳарфларининг ҳар бир ёзилиш шаклини бир қатордан ёзиб чиқинг.

33-машқ. Бирикмаларнинг ҳар бирини бир қатордан ёзинг:

بدر بذر برح برج جد جزر ترب

34-машқ. Сўзларни бир неча марта ўқинг, сўнг араб алифбосида дафтарингизга кўчиринг ва ҳаракатлантинг:

х.адас:а. х.адас:ув, барада, бардун, барих.а,  
барх.ун, барбата, хабура, хабарун, биз:рун

35-машқ. Имло:

دبذب، حبر، حدر، جن، حد، بد، بحر، خبز، دب

### «С» ВА «Ш» УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ

Ҳарфларнинг ёзилиши				Транскрипция	Ҳарфларнинг аталиши
алоҳида	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида		
س	س	س	ش	с	си.нун
ش	ش	ش	س	ш	ши.нун

«с» ва «ш» ундошларининг ёзувдаги ифодалари бир хил белгидан тузилган. Син ҳеч қандай қўшимчага эга эмас. Шиннинг уст томонга қўйилувчи учта нуқтаси бор. Нуқталар эҳром шаклида тахминан иккинчи кертик устига қўйилади.

Бу гуруҳдаги ҳарфлар икки унсурдан ташкил топади: биринчи унсур сатр устига чизиладиган учта кертик, иккинчиси сатр остига жойлаштириладиган ботиқ синиқ ярим доирадир. Алоҳида ва сўз охиридаги шаклларда дастлабки негиз белги сақланади, сўзнинг боши ва ўртасидаги шаклларда биринчи унсургина ёзилади.

36-машқ. س ва ش ҳарфларининг ҳар бир унсури ва шаклини бир қатордан ёзинг.

37-машқ. Кўчириг, «син» ҳарфининг турли ўривлардаги кўринишлари имлосига аҳамият беринг:

تربس	جس	ست
يجس	حسب	سخر
دربس	رسب	سحر

38-машқ. Кўчириг, «шин» ҳарфининг турли ўривлардаги кўринишлари имлосига аҳамият беринг:

خرخش	بشر	شبر
حبش	خشپ	شت
بشيش	رشخ	شر

39-машқ. Имло:

جس، حسب، درس، رسب، بشيش، شجر، خشب

### БЎҒИНЛАР

Сўзлар талаффузида чиқарилаётган ҳавонинг муайян оралиқдан гоҳ кучайиб, гоҳ эса сусайиб, бўлиниб-бўлиниб ўтишидан бўгин ҳосил бўлади. Араб тилидаги ҳар бир бўгинда унли билан бирга ундош ҳам бўлиши шарт. Бўгинлар ундошлардан бошланади. Шунини айтиш керакки, араб фонологиясидаги бўгин тушунчаси ўзбек тилидагидан бирмунча фарқ қилади. Чунончи, ўзбек тилидаги қоидага асосан, бўгин ясаш учун биргина унли кифоя.

Араб тилида бўгинларнинг уч тури мавжуд: қисқа, чўзиқ, ўта чўзиқ.

Қисқа бўгин бир ундош товуш ва ундан сўнг талаффуз қилинувчи бир қисқа унли товуш мажмуасидан иборат:

ка-та-ба, да-ра-са, з:а-ҳа-ба, ба-х.а-с:а

Чўзиқ бўгинлар икки турли: ёпиқ, очиқ.

Ёпиқ чўзиқ бўгин икки ундош ва улар ўртасида жойлашган бир қисқа унли йигиндисидан иборат:

дар-сун, бай-гун, қад-рун, бах.-с:ун

Очиқ чўзиқ бўгинда бир ундош ва ундан сўнг бир чўзиқ унли айтилади:

қа.-ла, на.-ма, ла.қу., си.ри.

Ўта чўзиқ бўгин икки ундош ва улар ўртасига жойлашган бир чўзиқ унли мажмуасидан иборат:

да.л-лун, ма.д-да, ма.р-рун, х.а.р-рун

Мисолларнинг барчасида дастлабки бўгинлар ўта чўзиқдир. Бундай бўгинлар тилда нисбатан кам учрайди. Одатда, сўзларда бўгинлар ўзаро ҳамжиҳатликда келади:

му-та-ма.д-дун, йа-та-дах-ха-лу.на



Араб тилида бўғинлар ҳеч қачон унли товушдан бошланмайди; улар унли ёки ундош билан тугайди. Араб тилида ҳам худди ўзбек тилидагидек, бўғинларнинг икки ундош билан бошланиши кузатилмайдди.

40-машқ. Сўзларни бўғинларга ажратинг ва турларини аниқлаб белгилар қўйинг:

кита.бун, мадрасатун, муларрисун, мах.каматун,  
шукрун, мади.натун, курсийун, мута-ма.сун,  
муқтадирун, буйу.тун, мада.рисун

41-машқ. Ҳарфнинг, сўнги транскрипциялаб бўғинларга ажратинг, турларини аниқлаб:

درس، حدس، جسس، شجر، بدر، بحر، حرب، حزب

42-машқ. Ёдлаш учун сўзлар:

حزب	(х.избун) фирқа	سبب	(сабабун) сабаб
حرب	(х.арбун) уруш	درس	(дарсун) сабоқ
حبن	(хубзун) нон	جسس	(жисрун) қўприк
بدر	(биз:рун) уруғ	شجر	(шажарун) дарахт

## Тўртинчи дарс:

### СОНАНТЛАР

Араб тилида сонантлар уч турли: портловчилар туркумига кирувчи бурун сонантлари «м» ва «н», сиргалувчи сонантлар «в» ва «л» билан «й» ҳамда титровчи сонант «р».

Бурун сонантлари ҳаво оқимининг бурун бўшлиғи орқали эркин ўтиши натижасида содир бўлади.

«м» фонемаси — бурун сонанти. Бу ундош икки лаб ўртасида айтилади. Унинг талаффузида нутқ аъзолари таранглашмайди.

«н» фонемаси — таггай олди товуши бўлиб, тил олдида айтилади. Унинг талаффузида ҳам нутқ аъзолари таранглашмайди.

Сиргалувчи сонантлар талаффузи соф сиргалувчиларники каби бўлиб, ягона фарқ буруннинг фаол иштирокидир.

«в» фонемаси — икки лаб ўртасида пайдо бўлувчи жарангли сиргалувчи сонант. У ўзбек «в» сига мосдир.

«л» фонемаси — тил олди таггай ундоши. Унинг артикуляцияси лаҳзасида тил учи таггай олдига ёпишиб туради ва икки ёнда қолган тор тирқишлар орқали ҳаво оқими ўтиб туради; нутқ аъзолари таранглашмайди. «л» фонемасининг яна бир нусхаси бор. Унинг айтилиш пайтида нутқ аъзолари ниҳоятда таранглашади. Жуда кам қўлланилувчи бу нусха ўз табиати билан русчадаги «л» га тенглашади.

43-машқ. Ҳқинг, оддий «л» билан нусха «л» талаффузидаги фарққа аҳамият беринг:

Оддий «л»:	билла.ҳи лилла.ҳи Абдулла.ҳи	Нусха «л»:	валла.ҳи талла.ҳи Абдалла.ҳи
------------	------------------------------------	------------	------------------------------------

44-машқ. Рус ва араб тилларидаги «л» фонемаларини ўзаро қиёсланг. Нутқ аъзолари ҳолатларидаги фарққа диққат қилинг:

лукватун	—	луг
лиса.пун	—	лиса
лусун	—	лось
ла.кинна	—	лакнун
лубна.ну	—	либо

«й» фонемаси — ўрта тавглай сирғалувчи сонанти. У ўзбек тилидаги «й»га тўлиқ монанддир.

### ЧҶЗИҚ УНЛИЛАРНИНГ ВА «В», «Й» УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ

алоҳида	Ҳарфларнинг ёзилиши			Трансрипция	Ҳарфларнинг аталиши
	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида		
ا	ا	ا	ا	а.	'алифун
و	و	و	و	у, в	ва.вун
ى	ى	ى	ى	и, й	йа. 'ун

Алиф — алифбонинг дастлабки ҳарфи. У ўзи алоҳида равишда бирорта товушни билдирмайди. Алифнинг ёзув тизмасидаги вазифаси ундан олдиндаги, устидаги ёки тагидаги белги ва ҳаракатларга боғлиқ бўлади. Чунончи, алифдан олдинда фатҳа бўлса, чўзиқ «а.» тарзида ўқилади. Шунингдек, алифнинг усти ёки остида ҳамза бўлса, у ана шу ҳамза учун таянч (тиргович) вазифасини ўтайди. Алиф фақат ўнг томондан бошқа ҳарфларга бириктирилиши мумкин.

Вов — икки унсурдан иборат. Биринчи унсур сатр устига ёзиладиган ботиқ камалак шаклидаги бош қисм. Иккинчи унсур сатр тагига ёзиладиган давом қисм. У чапга бир оз эгилиброқ турувчи ёй шаклида бўлади. Вов бошқа ҳарфларга фақат ўнг томондан бириктирилади.

Ҳеч бир ҳаракатга эга бўлмаган ва бўғинни тугаллаётган вовдан олдинда дамма бўлганда, у чўзиқ «у.» талаффуз қилинади. Бошқача айтганда, вов ҳарфи чўзиқ «у.» унлисининг ёзувдаги ифодаси вазифасини бажаради.

«Ё» (йо) ҳарфи икки унсурлидир. Дастлабки унсур тўнтарилган кичик ёйча шаклида бўлиб, сатр устига ёзилади. Иккинчи ун-

сур ботиқ ёйсимон давом қисм. У сатр тагига ёзилади. Сўз охирида ёзиладиган шакл алоҳида ҳарфга ўхшаса-да, айрим жузъий фарқлар бор: у ўнгдан бириктирувчи чизиқчага эга ва сатр устига чиққанроқдир.

Сўз боши ва ўртасидаги шакллар сатр устида ёзиладиган ўша таяниш кертик шаклида бўлиб, тагига икки нуқта қўйилади.

«Ё» ҳарфидан олдинда касра келаётган бўлса, ҳарф чўзиқ «и.» пинг ёзувдаги ифодаси вазифасини билдиради. Бундан ташқари, у ҳамзага таянч вазифасини бажариши ҳам мумкин. Мазкур ҳарф ҳар икки тарафдан бошқа ҳарфларга бириктирилиши мумкин.

45-машқ. Йадвалда кўрсатилган уч ҳарфнинг ҳар бир шаклини бир қатордан ёзинг.

46-машқ. Сўзларни дафтарингизга кўчиринг ва ўқинг. Уларда алиф чўзиқ «а.»ни ифодалайди.

### باب ثابت جدار خراب دار ديار

47-машқ. Сўзларни дафтарингизга кўчиринг ва ўқинг:

وتر، وداد، ورد، دور، بدو، ثبوت، خروب،  
ورود، خروخ، يد، جيد، بيت،، خير، تدریب

48-машқ. Араб алифбосида дафтарингизга кўчиринг:

вардун, вадда, с:аврун, дабу.рун, дуру.жун, бу-ру.жун,  
йарваза, йа.ху.рун, дайрун, хайрун, х.айс:у

49-машқ. Ўқинг. Техник воситалар ёрдамида талаффузингизни текширинг.

з:айлун, з:уба.бун, маз:ку.рун, з:икрун, з:а.кирун,  
бавва.бун, ба.бун, з:аку.рун, би.ба.нун, мах.с.у.ла.тун

50-машқ. Ҳар бир сўзни бир қатордан ёзинг:

خير، ورود، بابوج، بابور، بواب خیار، ذباب،  
خدیو، حدیدی، جدید، دیر

### УРГУ

Ўзбек тилидагидан фарқли равишда, араб тилида ургули бўгин кучли ва анча юқори овозда талаффуз қилинади. Ургунинг ўрни, сифати ҳаммавақт бўгиннинг тури ва сонига боғлиқ бўлади.

Араб тилидаги ургулар асосий (‘) ва иккинчи даражали (”) бўлади. Асосий ургули бўгин овознинг юқорилиги билан ажралиб туради — у алоҳида куч билан, бошқа бўгинлардан ажратилиб талаффуз қилинади. Иккинчи даражали ургу тушган бўгин асосий ургулидан бир оз суёт, бироқ ургусизлардан бирнунча кучли айтилади. Ҳар бир сўзда бир асосий ва бир ёки иккита иккинчи даражали ургули бўгинлар бўлади.

Асосий ургу ҳеч қачон сўз охирига тушмайди. Агар сўз охиридан иккинчи бўгин чўзиқ бўлса, асосий ургу ўшанга тушади:

мак-тў.-бун, да-рас-тум, мум-тад-дун

Сўз охиридан иккинчи бўгин қисқа бўлса, ургу ундан олдинги учинчи бўгинга тушади. Бунда ушбу бўгиннинг чўзиқ ёки қисқалиги этиборга олинмайди:

мак-та-бун, ма-ша́.-ки-лу, та-каб-бу-рун,  
х.а.ди с:а-тун, ма-х.а́.-ра-тун, х.а-иф-та́-та-х.а

Икки бўгинли сўзларда ургу, хоҳ чўзиқ, хоҳ қисқа бўлсин, биринчи бўгинга тушади:

қўл-ту, да́.-ма, на́.-ла, йа́.-дун

Иккинчи даражали ургулар, асосий ургули бўгиннинг ҳар икки томонида чўзиқ бўгинлар мавжуд бўлса, ўшаларга туриши мумкин:

му́с-та́х-ди-му́н, дар-рас-ту-му́.-ҳум

Эслатилган ўринлардаги бўгинлар қисқа бўлса, уларга ҳеч қачон иккинчи даражали ургулар тушмайди.

Агар юқори тон (меъёр)да айтилувчи асосий ургули бўгинни

» белгиси билан, иккинчи даражали ургу тушган бўгинни

» белгиси билан ва ниҳоят, урғусиз бўгинни » белгиси билан шартли ифодаласак, улар ёрдамида сўзнинг оҳанг тасвирини чизиш мумкин:

с:а́.-би-тун, му-ҳан-ди-су́.-на, му́с-та́х-ди-му́н

Юқоридаги нормаларга биноан, араб тилида ургулар қатъий ва собит бўлади, деб ҳукм чиқариш мумкин. Сўзлар таркибида бўгинлар нисбати ўзгарса, ургу кўчиши юз бериши мумкин.

**51-машқ.** Сўзларни бўгинларга ажратинг, ургуларини топиб шарҳланг:

таз:киратун, кутубун, мажаллатун, хами.сун,  
сафи.натун, мутама.ссун, курсиййун, мушта-  
рака.тун, макту.ба.тун, мустамлака.тун

**52-машқ.** Ургуларга риоя қилиб ўқинг:

بحر، بواب، ثبات، خروب، تثبیت، وجود، شرح، دفاتر، سرداب

**53-машқ.** Бўгинларга ажратиб кўчиринг, ҳар икки турли ургуларини белгиланг ва мелодик тасвирларини чизинг:

баладун, била.дун, булда.нун, сами.рун, мукарримун,  
макрамун, макту.ба.тун, мака.ти.бу, мака.ти.бу

**54-машқ.** Фоветик имло:

بيروت، حدث، يثرب، دبدب، بد، سد، سدود، حدود، بيان، خبز،  
ذباب، سر، سراب، شبر، شرح

55-машқ. Едлаш учун сўзлар:

باب (ба.бун) эшик	يد (йадун) қўл
بدوى (бадавиййун) кўчманчи	جديد (жади.дун) янги
بواب (бавва.бун) дарвозабон	بيت (байтун) уй

## Бешинчи дарс:

### ЭМФАТИК ТОВУШЛАР

Араб тилидаги «с.», «д.», «т.» ва «з.» фонемалари эмфатик (опиғич куч билан талаффуз қилинувчи) ундошлардир. Бу ундош товушлар талаффузидаги асосий шарт — тил орқасининг юмшоқ танглайга кўтарилиши ва барча нутқ аъзоларининг ортиқча таранг-лашувидир. Агар биз эмфатик ундошлар пайдо бўлаётган ўришларда талаффуз қилинадиган оддий ундош товушлар «с», «д», «т» ва «з:» ларга назар ташласак, уларни эмфатик товушларга нисбатан анча суст эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Эмфатик ундошлар қўшни унлиларга таъсир қилиб, улар артикуляциясини ўзгартира олади. Таъсир даражаси қуйидагича:

1. Эмфатик ундошлар таъсир доирасига тушган ўрта қатор унлилари «а» ва «а.» лар ўз характерларини ўзгартириб, орқа қаторда айтилади.

2. Эмфатик ундошлар таъсир доирасига тушган «и» ва «и.» лар олд қатор унлилари характерини йўқотиб, ўрта қаторда талаффуз қилинади.

3. Орқа қатор фонемалари «у» ва «у.» лар ўзгаришларга учрамайди.

Эмфатик товушларнинг бевосита таъсири остида баъзи ундошлар ҳам янги артикуляцияцион хусусиятлар касб этиши мумкин; чунончи, «б», «ф», «м», «н», «к» ва «ш» ундошларининг талаффузи собит ҳолат олади, қаттиқ ва кучли талаффуз қилинади. Айниқса, «т» ундоши жиддий ўзгаришларга учрайди — ассимиляциялашади ва эмфатик шакл олади.

Эмфатик товушлар ўзбек тилида йўқ. Уларнинг айрим кўри-нишларигина баъзи шеваларда учраб қолади.

«с.» фонемаси — танглай олдида талаффуз қилинувчи тиш орти эмфатик сирғалувчиси; шовқинли жарангли ундош. Унинг артикуляция олиш асосида нутқ аъзоларининг ҳолатлари оддий тиш орти сирғалувчиси «с»нинг талаффузида қандай бўлса, ўшандай. Бошқача айтганда, тил учи пастки тиш тизмасининг ички томонига бир оз тегиб туради. Тилнинг ўрта қисми қаттиқ танглайга қараб кўтарилади ва ҳаво ўтиши учун тор тирқиш ҳосил қилади. Аъзоларнинг ана шундай ҳолатларида ҳаво сирғалици билан «с.» талаффуз қилинади. Бироқ шуни эздан чиқармаслик керакки, эмфатик талаффузда оддий ундош талаффузидагига нисбатан ҳаво ўтиш йўли анчагина тор бўлади; тил ва бошқа барча аъзолар ниҳоятда таранглашади; тил орқаси юмшоқ танглайга қараб тўлиқ тортилади; ҳаво сирғалиб куч билан ташқарига отилади.

Бундай товуш ўзбек тилида йўқ. Бироқ уни Фарғона водийсининг баъзи ноҳияларидаги шеваларда истеъмолда бўлган орқа қатор «о»си ва «а»сидан олдинда кузатиш мумкин:

сот (ссот), сариқ (ссарық)

56-машқ. Нутқ аъзоларингизни «с» фонемаси артикуляциясига мос ҳолга келтиринг ва уни талаффуз қилинг.

57-машқ. Ҳақиқат, «с» ундошининг қисқа унлилардан олдинда талаффуз қилинишига эътибор беринг:

с.абрун	с.арфун	сигарун
с.абара	с.арра.фун	с.иғратун
с.абурун	с.убайрун	с.ифрун

58-машқ. Ҳақиқатдаги «с» ундошини тўғри талаффуз қилинг:

мас.дарун, мас.а.диру, мас.ду.рун, мус.а.даратун,  
с.афс.а.фун, с.афс.афатун, мас.а.рифун, тас.ри.фун

59-машқ. Иккиланган «с»нинг талаффузини машқ қилинг:

бас.с.а.с.атун, бас.с.атун, бас.с.ир, табас.с.ара,  
рас.с.а.с.атун, мутара.с.с.ун, хас.с.а.с.ун

60-машқ. Сўз охиридаги «с»нинг тўғри артикуляция қилинишига аҳамият беринг. Машқни кўзгу воситасида бажаринг:

наққис.	қаррис.	на.қис.
раххис.	тараххас.	тана.қас.
қарис.	бас.с.ис.	тақаррас.

«д» фонемаси — эмфатик танглай олди товуши, шовқинли, жарангли тиш орти портловчиси. У барча сифатлари билан «д» фонемасига мос келгани ҳолда, биргина фарқ бор. У ҳам бўлса, нутқ аъзоларининг охирида куч билан таранглашувидир. Бошқача айтганда, унинг артикуляцияси пайтида тил учи танглай олдида тортилиб, қаттиқ жинслашади. Тил орқаси юмшоқ танглайдан максимал узоқлашади, ↓ айни шу лаҳзада ҳаво оқими шиддат билан ташқарига отилади ва «д» фонемаси талаффуз қилинади. Артикуляция пайтида бурун бўшлигини танглай билан боғловчи тирқиш ёпиқ бўлади. Шу сабабли ҳаво оқими фақат оғиз бўшлиғи орқали ташқарига йўл олади. Бундай товуш ўзбек тилида йўқ.

«д» ундоши барча эмфатик товушлар каби араб (сомий) тилигагина хос бўлиб, уни ўзлаштириш шогирдлардан қатта қунт ва маҳорат талаб этади. Шунга кўра, фонокабинетда узоқ муддат шуғулланиш керак.

61-машқ. Нутқ аъзоларингизни «д» фонемаси артикуляциясига мос ҳолга келтиринг ва бир неча бор «д» ундошини айтинг.

62-машқ. Ҳақиқат, «д» фонемасининг сўз бошида, қисқа унлилардан олдинда талаффуз қилинишига аҳамият беринг:

д.агмун	д.игмун	д.иддийун
д.афрун	д.ирсун	д.уфурун
д.аррун	д.иррун	д.умрун

63-машқ. Турли товушлар ўртасидаги «д» фонемасининг артикуляция қилинишини техник воситалар ёрдамида машқ қилинг:

рад.ийун	муд.иббун	мад.му.нун
рид.ва.нун	муд.жирун	мад.му.нун

64-машқ. Қуйидаги мисоллар ёрдамида ўртада иккиланган ҳамда сўз охиридаги «д»нинг тўғри артикуляция олишига эришинг. Машқни кўзгу воситасида бажаринг:

над.д.ир	хад.д.иб	хад.д.ир
танад.д.ад.	хад.д.ид.	қад.д.иб
тараффад.	тага.мад.	х.аффид.
қаррид.	гаммид.	тах.аффад.

65-машқ. Ўқинг, «д» ва «д» фонемалари артикуляцияси ўртасидаги фарқларга алоҳида эътибор беринг:

д.абба	— дабба
муд.аббабун	— мудаббабун
тах.д.и.рун	— тах.ди.рун
над.лун	— надлун

### «С.» ВА «Д.» ЭМФАТИК УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ

«с.» ва «д.» ундошларининг ёзувдаги ифодаси бир гуруҳни ташкил қилади. Асосий белги икки унсурдан иборат. Биринчиси ясси доира шаклида, у сатр чизиги устига ёзилади. Иккинчи унсур ботиқ ёйсимон чизик — биринчи унсурнинг давоми бўлиб, сатр чизиги тагига ёзилади.

алоҳида	Ҳарфларнинг ёзилиши			Транскрипция	Ҳарфларнинг аталиши
	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида		
ص	ص	ص	ص	с.	с.адун
ض	ض	ض	ض	д.	д.адун

Икки ҳарф ўртасидаги фарқ бир нуқтада. Ҳарфлар икки томондан бошқа ҳарфларга бириктирилиши мумкин. Демак, ҳар бирининг тўрттадан ёзилиш шакли бор.

66-машқ. «с.» ва «д.» ундошларининг ҳар бир ёзилиш шаклини бир қатордан ёзинг.

67-машқ. Дафтарингизга кўчиринг, «с.» ва «д.» ундошларининг ёзилиш шаклларига аҳамият беринг:

جص	بصر	صبر
رصاص	حصر	صبوح
حض	حضور	ضرب
حرض	تحضير	ضد

68-машқ. Араб алифбосида дафтарингизга кўчиринг:

с.абрун, с.аба.х.ун, с.аба.х.а, д.идда, д.ах.вун,  
тас.ви.рун, рас.адун, х.ад.ара, рас.а.с.ун

69-машқ. Қуйидаги сўзларни дафтарингизга кўчиринг ва ўқинг:

ضريب، صاحب، ضرس، خصائص، تضارب، حرص، رضوض

70-машқ. Едлаш учун сўзлар:

صحيح	(с.ах.и.х.ун) тўғри	ضد	(д.иддун) қарши
صباح	(с.аба.х.ун) тонг	ضرب	(д.арбун) зарб
ضرر	(д.арарун) зарар	صاحب	(с.а.х.ибун) дўст

## Олтинчи дарс:

### ЭМФАТИК УНДОШЛАР

(давоми)

Танглай олди эмфатик «т.» фонемаси — шовқинли жарангсиз тиш орти сирғалувчиси. Унинг артикуляцияси эмфатик «д.» никига тўла мос бўлгани ҳолда, жарангнинг йўқлиги билан фарқланса, нутқ аъзоларининг ҳолати оддий тиш орти жарангсиз портловчиси «т.» талаффузидаги кабидир. Фарқ шуки, тил учи танглай олдига тортилганда қаттиқроқ жипселашади. Тил орқаси юмшоқ танглайдан имкон борича узоқлашади ва шу лаҳзада ҳаво оқими шиддат билан отилиб чиқади. Артикуляция лаҳзасида бурун бўшлигининг йўлаги ёпиқ бўлади. Шу сабабли ҳаво оқими фақат бўғиз бўшлиғи орқали тўғри сиртга йўл олади.

Бундай товуш ўзбек тилида йўқ. Баъзи шеваларимизда оддий «т» орқа қатор унлилари қўшничилигида баъзи бир хусусиятлари билан унга яқинлашади. Масалан: олтин (олтын), йўқотдим (йўқоттым).

71-машқ. Нутқ аъзоларингизни «т.» фонемаси талаффузи учун зарур ҳолатга келтиринг. Уни кўзгу орқали бир неча бор такрорлаб, «т.» фонемасини талаффуз қилинг.

72-машқ. Ўқинг. Сўзлар таркибидаги «т.» фонемасининг турли ўринларда тўғри артикуляция олинишига аҳамият беринг:

т.алабун	т.ифлун	т.уззун
т.арт.аратун	т.амт.ама	т.ама.т.имун
мит.рақатун	мат.а.фун	мит.фа.йатун

73-машқ. Иккиланган «т.» фонемасини тўғри талаффуз қиливишига эътибор беринг; машқни кўзгу ёрдамида бажаринг:

мут.т.арадун, хат.т.афа, тахат.т.афа, хат.т.а.фун,  
хат.т.абун, хат.т.ун, қат.т.уи, хат.т.а.т.ун



74-машқ. Ҳқиғг, талаффузингизни магнит лентасига ёзиб, текшириб кўринг:

қут.бун	қат.и.рун	гат.аса
шарт.ун	қат.и.бун	шат.ранжун
шуру.т.ун	шат.и.рун	гат.т.а.сун

75-машқ. Ҳқиғг, «т» ва «т.» ундошлари талаффузи пайтида содир бўладиган нутқ аъзоларидаги ўзгаришларни кўзгуда кузатиёг:

хартун	—	харт.ун
харата	—	харат.а
хари.тун	—	хари.т.ун
хати.рун	—	хат.и.рун

76-машқ. Сўз охиридаги «т.» талаффузини машқ қилинг:

раққит.,	машшит.,	тамашшат.,	тараққат.,
харрит.,	кашшит.,	тахаррат.,	тақашшат.

«з.» фонемаси — танглай олди ундошларидан, шовқинли жарангли тиш орти сирғалувчиси. Талаффуз қилиниш услуби «с.» фонемасиники билан тўлиқ мос келади. Ягона фарқ — «з.» жаранглидир. Фонема артикуляцияси асносида барча актив ва пасив иштирок қилувчи нутқ аъзоларининг қаттиқ таранглашувини эсдан чиқармаслик керак.

Бу хилдаги ундош ўзбек тилида йўқ. «з.»нинг ёндаги унли ва ундошларга таъсири барча бошқа эмфатик товушларники кабидир.

77-машқ. Турли товушлар ўртасидаги «з.» фонемасини техник воситалар ёрдамида машқ қилинг:

з.анна	з.пра.фун	з.улмун
маз.ру.фун	маз.лу.мун	лаффиз.
лафз.иййун	маз.ну.нуъ	талаффаз.
муз.а.ҳирун	муз.а.ҳаратун	таз.а.ҳурун

78-машқ. Қуйидаги мисоллар ёрдамида яққиланган «з.»нинг тўғри артикуляция олишига эришинг. Машқни кўзгу воситасида бажаринг:

лаз.з.а, ваз.з.ара, наз.з.аратун, таваз.з.аф,  
муназ.з.имун, йатаваз.з.афу.на, наз.з.ир

79-машқ. Муштарак сўзларни ўқиғг. Ўзбекча нусхалардаги фонетик ўзгаришларга аҳамият беринг:

з.а.ҳирун	—	зоҳир
наз.арун	—	назар
лафз.ун	—	лафз
манз.аратун	—	манзара

#### АРАБ УНДОШЛАРИНИНГ ЖАРАНГСИЗЛАНМАСЛИГИ

Маълумки, ўзбек тилидаги баъзи жарангли ундошлар сўз ўртаси ва охирида ўз ёнларидаги жарангсиз ундошлар таъсири остида жарангсизланади: «б»-«п» ташади 'д»-«т»лашади; «з» эса «с»га

айлантирилиб талаффуз қилинади. Бошқача айтганда, асл фонемалар ўрнида уларнинг жарангсиз нусхалари ишлатилади:

келибди — келипти  
юриб — юрип

Шубҳа йўқки, бундай ўзгаришларга асли арабча бўлган ўзлаштирилган сўзлар ҳам учрайди:

мазкур (маз:ку.рун) — маскур  
китоб (кита.бун) — китоп  
араб ('арабун) — арап

Булардан ташқари, жонли ўзбек тилида сирғалувчи шовқинли жарангсиз «ф» ҳам кўпинча шовқинли портловчи «п» тарзида талаффуз қилинади:

дафтар (дафтарун) — даптар  
ҳафиз (х.афиз.) — хапис

Араб тилидаги талаффузда эса, юқоридагиларга зид равишда, сўз ўртасида ёки охирида ундошларнинг ҳеч қачон жарангсизланмаслиги ёки бошқа ўзгаришларга учрамаслигини кўрамиз. Улар ҳаммавақт аниқ ва равшан айтилади.

80-машқ. Талаффуз қилинг, жарангли ундошларнинг жарангсизланишига йўл қўйманг:

с.абрун, с.а.бирун, жабба.рун, х.ас.бун, х.иса.бун,  
раббун, дуббун, мизла.қун, музминун, мах.ф.у.з.ун,  
сафарун, с.а.фарун, руба.бун

#### «Т.» ВА «З.» ЭМФАТИК УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ

Ҳарфларнинг ёзилиши				Транскрипция	Ҳарфларнинг аталиши
алоҳида	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида		
ط	ط	ط	ط	т. з.	т.а. 'ун з.а. 'ун
ظ	ظ	ظ	ظ		

Эмфатик «т.» ва «з.» ундошларининг ёзувдаги ифодаси бир гуруҳни ташкил қилади. У икки унсурдан иборат бўлиб, ҳар иккиси ҳам сатр устига ёзилади. Унсурларнинг биринчиси ясси ярим доира, иккинчиси тепага тортилувчи чизиқча. У алифни эслатади.

Жадвалдан кўриниб турганидек, бу икки ҳарф ўртасидаги фарқ бир нуқтадир. Ҳарфлар ҳар икки томондан бириктирилади. Демак, уларнинг тўрт шакллари мавжуд.

81-машқ. «т.» ва «з.» ундошларининг ҳар бир унсури ва ёзилиш шакли-  
ни бир қатордан ёзивг.

82-машқ. Дафтарингизга кўчиринг. «т.» ундошининг бош, ўрта ва чап  
томонда ёзилиш усулларига аҳамият беринг:

طبیط	تطور	طب
بطوط	بطاطس	طبيب

83-машқ. Дафтарингизга кўчиринг. «з.» ундошининг бош, ўрта ва чап  
томонда ёзилиш усулларига аҳамият беринг:

بظ	بظر	ظراط
ظظ	تشظى	ظر

84-машқ. Араб алифбосида ёзивг:

т.абарун, бат.т.а.т.ун, хат.арун, бут.у.т.ун, сат.рун,  
з.абйун, з.иррун, вуз.у.бун, х.аз.з.ун

85-машқ. Фонетик имло.

رطب، خطاط، طرد طبييب، خطر، ظرط، حظ، وظوب، ظبي، ظظ

86-машқ. Едлаш учун сўзлар:

خطاب	(тат.ви.рун) ривожлантириш	طير	(т.айрун) қуш
طيار	(тат.авв.урун) ривожланиш	رباط	(риба.т.ун) алоқа
تطور	(т.аййа.рун) учувчи	رطب	(рат.бун) нам
تطوير	(хит.а.бун) нутқ		

## Еттинчи дарс:

### БЎГИЗ ТОВУШЛАРИ

(давоми)

«» ('а й н у н) фонемаси — араб ва умуман, барча сомиёй  
тиллар учун хос товуш бўлиб, ҳалқумда талаффуз қилинувчи шов-  
қинли портловчи ундош. У бўғизнинг мушаклари ниҳоятда таранг-  
лашиб жипселангач, паузадан сўнг бирданига бўшашуви оқибатида  
нафас куч билан ташқарига отилган лаҳзада талаффуз қилинади.  
Бунда товуш пайчалари тўлқинланиб ҳаракатга келади. Юмшоқ  
танглай кўтаришган, бурун бўшлиғига ўтиш йўли ёпиқ бўлади.

Бундай товуш ўзбек тилида йўқ. Уни тўғри талаффуз қилиш  
кўникмалари ҳосил қилиш барча эмфатик товушлар артикуляция-  
сидаги каби мушкулдир. Уни тўлиқ ўзлаштириш учун фонокаби-  
нетда узоқ фурсат машқ қилиш керак.

87-машқ. Нутқ аъзоларини юқорида баён қилинган шартларга риоя қилиб айн фонемаси талаффуз қилинадиган ҳолатга келтиринг. Сўнг айни бир неча марта талаффуз қилинг. Машқни кўзгу воситасида бажаринг.

88-машқ. Сўзларда иштирок этаётган айн ундошининг тўғри талаффуз қилинишига эришинг. Машқни техник воситалар ёрдамида бажаринг:

'аламун	'ирфа.нун	'умрун
'ақдун	'илмун	'урфун
ма'динун	'наф'ун	'ка'қун
та'ри.фун	'миқра'атун	'рафа'а

89-машқ. Сўз охиридаги айн фонемасининг талаффузини машқ қилинг. Машқни кўзгу воситасида бажаринг.

вадди', салли', сарри', самми', саққи', манни',  
қарри', шарри', қат.п'

90-машқ. Иккиланган айн фонемасини талаффуз этинг:

на"ара	ма"ара	қа"ада
на"ама	ра"ада	тана"ама
ба"ада	тава"ада	тана"ара

91-машқ. Муштарак қўлланувчи сўзларнинг арабча нусхаларидаги талаффузга эътибор беринг:

'ирфа.нун	—	урфон
'ада.латун	—	адолат
ва'датун	—	ваъда
ма'рифатун	—	маърифат

#### ДИФТОНГЛАР

Араб тилида иккита дифтонг бор: «ав» ва «ай».

Араб дифтонгларининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар махсус фонемалар ҳам, бириккан товуш бирликлари ҳам эмас. Балки таркибда лаб-лаб танглай сирғалувчиси сонант «в» ва танглай ўртаси сирғалувчиси сонант «й» товушлари мавжуд бўлган бўғинларда вазият тақозоси билан вужудга келган товуш бирикмаларидир.

Д и ф т о н г « а в » — қисқа «а» унлиси «в» сонантидан олдинда келган вазиятда содир бўлади.

Д и ф т о н г « а й » — қисқа «а» унлиси «й» сонантидан олдинда келган вазиятда содир бўлади.

Ҳар икки дифтонгда ҳам бўгин ташкил қилувчи унсур «а» фонемаси аниқ ва равшан талаффуз қилинади. Иккинчи унсурлар «в» ва «й» сонантлари нисбатан сустдир. Дифтонгли бўғинга урғу тушиши мумкин:

с:авратун — с.ав-ра-тун

муғаййирун — му-ғай-йи-рун

Араб дифтонглари ҳеч қачон бўғинни бошламайди, балки тугаллайди. Ҳар икки дифтонгнинг ҳам иккинчи унсури барча ундошлар каби иккиланиши мумкин:

давва.рун      т.аййа.рун  
 навва.рун      саййа.рун

«ав» дифтонги кўп лаҳжаларда лаблаянган тил орқа унлиси «у.» га, «а» й дифтонги эса лаблаянмаган тор тил олди унлиси «и.» га айлавиб кетади:

даврун — ду.рун      дайрун — ди.рун  
 с:аврун — с:у.рун      сайрун — си.рун

### « ' » ВА « ғ » УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ

Ҳарфларнинг ёзилиши				Транскрипция	Ҳарфларнинг аталиши
алоҳида	сўз охирида	сўз бошида	сўз ўртасида		
ع غ	ع غ	ء ء	ء ء	' ғ	'айпун ғайвув

«'» ва «ғ» ундошларининг ёзувдаги ифодаси бир муштарак имловий шаклдан иборат. Уларни ўзаро фарқлайдиган белги ғайн ҳарфи устидаги бир нуқта. «'» ундошининг ёзувдаги ифодаси ҳеч қандай қўшимча кўрсаткичга эга эмас.

Айн ва ғайн ҳарфлари ўз тузилишларига кўра икки унсурдан иборат. Биринчи унсур сатр устига ёзилади, у ўнг томондан очилувчи ботиқ қавс шаклида, иккинчи унсур пастлашиб ўнгга йўналадиган ярим доира. У сатр чизиги тагида давом эттирилади.

Айн ва ғайннинг сўз бошида ёзиладиган шакллари дастлабки унсурдан иборат. Сўз ўртасида ва охирида ёзиладиган шаклларида мазкур унсур тўнтарилган ёпиқ учбурчак шаклини олади. Сўз охирида ёзиладиган шаклнинг яна бир хусусияти шуки, унда иккинчи унсур тўла сақланиб қолади.

Бу ҳарфлар ҳар икки томондан бошқа ҳарфларга бириктириб ёзилади.

92-машқ. Айн ва ғайн ҳарфларининг ҳар бир ёзилиш шаклини бир қатордан ёзинг.

93-машқ. Қуйидаги сўзларнинг ҳар бирини бир қатордан ёзинг. Имлога аҳамият беринг:

جدع	بشع	بعد	عاج
شجاع	بجمع	بعض	عريض
دغادغ	تدبيغ	بغض	غضب
داغ	تبغ	صغر	غرب

94-машқ. Ҳқинг. Араб алифбосида дафтарингизга кўчиринг:

ба'и.дун, 'аламун, 'адуввун, бу'дун, 'адда,  
'ади.дун, ғарбун, гад.абун, ғимдун, с.аббиг

**«Ф», «Қ» ВА «К» УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ**

Ҳарфларнинг ёзилиши				Транскрипция	Ҳарфларнинг аталиши
алоҳида	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида		
ف	ف	ك	ف	ф	фа. 'ун қа.фун ка.фун
ق	ق	ق	ق	қ	
ك	ك	ك	ك	к	

«ф» ундошларининг ёзувдаги ифодаси сатр устига ёзиладиган яссиз ярим доира, унинг бош қисмида бир нуқтали кичик айлана бор. «Фо» икки томондан қўшилувчи ҳарф.

Ҳарфнинг сўз бошидаги ва ўртасидаги шакллари ўша айланага қисқаради ва зарур бириктирувчи чизиқчалар билан таъминланган бўлади. Сўз охиридаги шакл эса алоҳида шаклга монанд, ягона фарқи — ўнг томонидаги бириктирувчи чизиқча.

«Қоф» ҳарфининг барча унсур ва шакллари «фо» никига мосдир. Уларни ўзаро ажратувчи фарқ нуқталарнинг иккиталиги ва ярим доиранинг ўта ботиқлашиб сатр остига тушганлигидир.

«Қоф» ҳам сатр устига ёзилади, у икки унсурдан иборат. Биринчи унсур «фога» ўхшаш, фарқи — ўнг томони тепага алиф чўзиқлигида давом эттирилади. Иккинчи унсур ўша жойдан ўнгга қиялатиб тортиладиган чизиқча. Бу ҳарф ҳам ҳар икки томондан бошқа ҳарфларга қўшилиб ёзилиши мумкин. Бинобарин, тўртта шаклга эга.

95-машқ. Ҳрганилган уч ҳарфнинг барча шаклларини бир қатордан ёзиб чиқинг.

96-машқ. Сўзларни дафтарингизга кўчиринг, имлосига аҳамият беринг:

تصادف	شرف	سفر	فرد
صدف	صفف	فخفخ	قطع
فرق	تفریق	سقط	فخر
غرق	حق	تقریر	قبر
راك	ذلك	فكر	كسر
شكاك	شك	حكم	كرسى

97-машқ. Араб алифбосида дафтарингизга кўчиринг:

каби.рун, каз.а., ракада, такси.рун, шари.кун,  
шубба.кун, қут.рун, қас.с.а.с.уц, рақс.ун, бур.қун,  
с.идқун, фақрун, фустуқун

## ДИФТОНГЛАРНИНГ ЕЗУВДАГИ ИФОДАЛАРИ

«ав» дифтонги олдиндаги ҳарф устига қўйиладиган фатҳа ва сукунли «вов» ҳарфи ёрдамида ёзилади:

دور (даврун) давр                      زوج (завжун) жуфт

«ай» дифтонги олдинги ҳарф устига қўйиладиган фатҳа ва сукунли «ё» ҳарфи воситасида ёзилади:

جيش (жайшун) қўшин

ريب (райбун) шак

Дифтонгларнинг иккинчи унсурлари иккиланган пайтда сукунлар ташдид билан алмаштирилади:

سيد (сайидун) жаноб

دور (даввир) айлантир, бура

98-машқ. Ўқинг, транскрипцияланг ва дифтонгларнинг осларига чизинг:

صوت، تصوت، شوط، سوط، صوف، تصوف

بيت، جيش، بيري، كيف، خير، دير، قيروان

99-машқ. Араб алифбосида ёзинг:

байбата, шайхун, байда, завжиййун, шавкатун,  
тас.аввурун, тас.аввафа, райба, қайдун

100-машқ. Фонетик имло:

بعد، غدیر، عزیز، غزیر، بدیع، تدع، دور، قیع، غیر  
بجع، دغدغ، دیر، سیر، ثور، فوق، تغرد، صید، شعب

101-машқ. Едиш учун сўзлар:

عصر ('ас.рун) аср	جيش (жайшун) қўшин
عريض ('ари.дун) кенг	حکم (х.уқмун) ҳокимият
عدو ('адуввун) душман	غضب (ғад.абун) ғазаб

## Саккизинчи дарс:

### БҮҒИЗ ТОВУШЛАРИ

(давоми)

«ҳ» фонемаси — жарангсиз шовқинли сирғалувчи. У бугизда, товуш пайчаларининг ўзаро яқинлашган ва енгил таранглашган ҳолатида артикуляция олади. Талаффуз пайтида юмшоқ тавглай кўтарилган, бурун бўшлиғига ўтиш йўли ёпиқдир. Шунингдек, товуш пайчаларининг яқинлашувидан пайдо бўлган тирқиш орқали сиртга йўл олган ҳаво оқими уларда бир оз қаршиликка учрайди.

«х» фонемаси талаффузи пайтида шутқ аъзолари эркин вазиятда бўлади. Бундай товуш ўзбек тилида мавжуд.

«'» (ҳ а м з а т у н) «ҳ а м з а» фонемаси — товуш пайчаларида пайдо бўладиган жарангсиз шовқинли портловчи ундosh. Унинг артикуляция усули қуйидагича: товуш пайчалари ўзаро жипслашиб, вужудга келтирган жуда қисқа тўхталиш натижасида тўсилган ҳавонинг сиртга интилиш кучидан яна ажралишади. Портлаб отилган ҳаво оғиз бўшлиғига ўтади ва шу аснода енгил томоқ қирилишини эслатувчи товуш талаффуз қилинади. Юмшoқ тавглай кўтарилган, бурун бўшлиғига ўтиш йўли ёпиқ.

Ўзбек тилида бундай товуш йўқ. Бироқ унга яқин товушни араб тилидан қабул қилинган баъзи сўзлар талаффузида учратиш мумкин.

Таъкидлаганимиздек, ҳамза ундosh товуш. Шунга кўра, у ёлғиз ҳам, иккиланган ҳолда ҳам талаффуз қилиниши мумкин. Иккиланган ҳамза айтилганда товуш пайчаларининг жипслашув муддати икки бора ортиқ бўлади.

102-машқ. Юқорида айтилган шартларга амал қилиб шутқ аъзоларивғизни «» фонемаси талаффуз қилиниши учун зарур ҳолга келтиринг ва уни талаффуз қилинг.

103-машқ. Уқинг:

'усратун	му'аррихун
'ухра.	му'аз:з:инун
'ахи.рун	му'аххирун

104-машқ. Ҳамзанинг сўз охирида талаффуз бўлишига аҳамият беринг. Машқни техник воситалар ёрдамида бажаринг:

'иҳда'	'алжи'	'иқра'
ҳадди'	'илжа'	қарри'

105-машқ. Иккиланган ҳамза талаффузини кўзгуда машқ қилинг:

таса' 'ала	ра' 'аса
таса' 'улун	ра' 'ис

106-машқ. Муштарак сўзлардаги фонетик ўзгаришларни қайд қилинг:

ра'йун	— рай	қа.'илун	— қойп
ра'и.сун	— раис	да.'иратун	— доира

«Л», «М», «Н» ВА «Х» УНДОШЛАРИНИНГ ИМЛОСИ

Ҳарфларнинг ёзилиши				Транскрипция	Ҳарфларнинг аталлиши
алоҳида	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида		
ل	ل	ل	ل	л	ла.мун
م	م	م	م	м	ми.мун
ن	ن	ن	ن	н	ну.вун
ح	ح	ح	ح	ҳ	ҳа.'ун



«л» ундошининг ёзувдаги ифодаси икки унсурдан иборат. Биринчи унсур сатр устига ёзиладиган тик чизиқ; иккинчиси сатр остида давом этувчи ботиқ ярим доира. У «с» ҳарфиникидан бир оз кичик. «Лом» икки тарафдан бошқа ҳарфларга бириктирилиши мумкин. Бинобарин, унинг тўртта ёзилиш шакли мавжуд. Сўз бошида ва ўртасида дастлабки унсур ёзилади.

«м» ундошининг ифодаси икки унсурдан иборат. Биринчиси — чизиқ устига ёзиладиган думалоқ кичик доира. Иккинчиси — сатр тагидаги узун тик чизиқча. У пастга борган сари бир оз ўнгга оғдириброқ ёзилади. «Мим» икки томондан бириктирилиши мумкин.

«н» ундошининг ёзувдаги ифодаси «б» ҳарфига ўхшайди. Бир жиддий мулоҳазали фарқ шуки, «нун»нинг ярим доираси ўта ботиқ ва сатр остида ёзилади. Ҳарфнинг мавжуд ягона нуқтаси ярим доира ўртасидан бир оз ўнпроққа қўйилади.

«ҳ» ундошининг ифодаси ўзига хос доира бўлиб, ҳар икки томондан бошқа ҳарфларга бириктирилади. Бу ҳарф турли даврлар хатларида турли шаклларда учрайди.

107-машқ. Ҳурфиланган ҳарфларнинг ҳар бир ёзилиш шаклини бир қатордан ёзинг.

108-машқ. Қуйидаги сўзларни имло қоидаларига риоя қилиб дафтарингизга кўчиринг:

نال	قبل	لبلب	لعب
دلال	سل	كلب	لفذل
مجرم	قسم	ثمر	ملول
نون	رسم	سمع	مصير
رسام	زين	صنم	نعيم
نعمان	دين	منعم	نسيم
قوه	فيه	مهم	هم
تنزه	وجه	مهبول	هون
هذه	توجه	فهم	هوى

109-машқ. Араб алифбосида дафтарингизга кўчиринг:

лах.х.аз.а, лузу.мун, малзу.мун, мулх.из.ун,  
қул, на.зилун, майлун, малака, мулкун, мама.-  
лику, мутамалликун, қала, сирна, тадмуру

110-машқ. Транскрипцияланг:

هدام، ذهب، كره، نيه، نوع، نوم، هدهد، منوم  
منجم، تمرين، مجنون، منبر، قبول، ذاهبات

111-машқ. Айн талаффузини такрорлаш учун сўзлар. Кўзгу воситасида бажаринг:

عالم علم علام علب بعض لعين مانع مع

112-машқ. «х.» талаффузини такрорлаш учун сўзлар. Техник воситалар ёрдамида бажаринг:

حساب حاسب رَحال بَحار مفرح مفتاح بحبج

113-машқ. Айн ва ҳамза ундошлари талаффузидаги фарққа эътибор беринг:

'ан'ана	—	'ан'ана
'иржа.'ун	—	'иржа.'ун
'а.на	—	'а.на
'аржа'а	—	'аржа'а

### ҲАМЗАНИНГ ЕЗИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

«'» (ҳамза) ундоши алифбода ўз аксини топмаган. У қўшимча

белгиси билан ифодаланади ва алифбога илова қилинади. Ҳамза белгиси ҳарфлар тизмасида тутган мавқега қараб ўзи алоҳида ёки **ا** ва **ى** ҳарфлари таянчилигида сатр усти ёки остига қўйилиши мумкин. Мазкур ҳарфлар ҳамзага таянч вазифасини бажарганида ўзлари ҳеч қандай товушни билдирмайди. Айрим ўринда ҳамза белгисини қандай ёзиш ва таянч учун қандай ҳарф танлаш жумбоғи мазкур белгининг ҳарфлар тизмасида тутган ўрни ва икки томондаги ҳаракатларнинг нисбатига мувофиқ ҳал қилинади.

Сўз бошида ҳамзага таянч вазифасини алиф бажаради.

Агар сўз бошида ёзилаётган ҳамзадан сўнг «а» ёки «у» бўлса, ҳамза белгиси муносиб ҳаракат билан таянч ҳарф (алиф) устига қўйилади:

أَب	(‘абун) ота	أُمُّ	(‘уммун) она
أَصْلُ	(‘ас.лун) асл	أَكْتُبْ	(‘уктуб) ёз!

Сўз бошидаги ҳамзадан сўнг қисқа «и» ўқилса, ҳамза белгиси касра билан биргаликда таянч ҳарф (алиф) остига қўйилади:

أَبْنُ	(‘ибнун) ўғил	اسْمَعْ	(‘исма‘) тингла!
--------	---------------	---------	------------------

Сўз ўртасидаги ҳамзага таянч вазифасини зикр қилинган уч ҳарф **ا**, **و** ва **ى** дан бири бажаради. Улардан қайси бири маълум бир ҳолат учун яроқлилиги масаласи «ҳаракатларнинг катталиги» қондасига биноан ҳал этилади. Унга мувофиқ, «и» унлисининг ифодаси «касра» энг каттадир. «у» унлисининг ифодаси «дамма» эса ундан кичик, бироқ «а» унлиси ифодаси «фатҳа»дан каттадир. Демак, фатҳа ҳамма ҳаракатлардан кичик, бироқ «сукун»дан катта.

Ўртадаги ҳамзанин таянчини топиш учун унинг ўнг ва чапиди келаётган ҳаракатлар ва сукувни қиёслаштириб кўрамиз. Уларнинг қайси бири катта бўлса, ўшага табиатан мувофиқ ҳарф ҳам-

зани «кўтариб» келади — унга таянч вазифасини ўтайди. Мисол учун «су'а.лун» (сўроқ) сўзини олиб кўрайлик. Кўришиб турибдики, ҳамзанинг ҳар икки томонидаги «у» ва «а.» ушлилари қиёсланса, ҳарфлар катталиги қондасига асосан «у»нинг кучлилигини аниқлаймиз. Бинобарин, бу ўринда ҳамзага таянч вазифасини ўз

табиати билан «у»га мос келувчи «вов» бажаради: **سؤال**. Мапа бу сўзларнинг имлосига қаранг:

**سَأَلَ** (са'ала) сўрамоқ

**فَأَسَّ** (фа'сун) болта

Ўртадаги ҳамзага «ё» ҳарфи таянч бўлганда, ёзувни жўнлаштириш учун унинг диакритик қўш нуқтаси тушириб ёзилади:

**سَمِ** (са'има), **جِئْتُ** (жи'ту)

Ҳамза сукундан сўнг келганда, баъзан учраб турадиган жуфт вовлик ҳолатда ҳамзанинг таянчи «ё» ҳарфи билан алмаштирилиши мумкин. Бироқ у нуқталарсиз ёзилади:

**مَشْنُومٌ** ёки **مَشْنُومٌ** (маш'у.мун) машъум

**مَسْنُولٌ** ёки **مَسْنُولٌ** (мас'у.лун) масъул

Ўртадаги фатҳалик ҳамза чўзиқ «а.» дан кейин келганда, ҳеч бир таянчсиз ёзилади:

**تَفْأَلٌ** (тафа'ала)

**سَأَلٌ** (са'ала)

Сўз охиридаги ҳамзанинг ёзилиши қуйидагича:

а) ҳамзадан олдинда чўзиқ ушли ёки сукун бўлса, у таянчсиз ёзилади:

**سُوْءٌ** (су'ун), **مَجِيْءٌ** (мажи'ун), **شَيْْءٌ** (шай'ун)

б) ҳамзадан олдинда қисқа ушли бўлса, ўшанинг табиатига мувофиқ ҳарф унга таянч бўлиб ёзилади:

**جَرُوْءٌ** (жару'а), **قَرَأٌ** (қара'а), **بَرِيْءٌ** (барп'а)

114-машқ. Ҳамза белгисини ёзиб машқ қилинг. Уни таянч ҳарфлар устига ёзиб, маъқилгини давом эттиринг.

115-машқ. Дафтарингизга кўчириб ёзинг ва ҳамзанинг турли ўринларда ёзиллиш шаклларини таҳлил қилинг:

برى	فجأ	سوئل	أبد
اقويا	بر	بئر	أبل
شا	برى	مؤخر	أخت

116-машқ. Араб алифбосида дафтарингизга кўчириш:

'абри.лу	'уммаҳа.туш	'имма.
'ажалун	'ус.лу.бун	'ибилун
'аби.	'улу.фун	'ист.аблун

117-машқ. «Харакатларнинг катталиги» қондаси асосида қуйидаги сўзларда ишлатилаётган ҳамзаларга таянчларни аниқланг:

мута'алликун	жу'арун	би'са
ма'лу.фун	ру'у.сун	ра'и.сун
та'ли.фун	ру'йа.	с.а.'имун

118-машқ. Ҳамзанинг сўз охиридаги имлосини машқ қилинг:

ша.'а	ғулу.'ун	фаши'а
мару'а	фа.жа'а	марн'а
фаса'а	вас'ун	васи'а

119-машқ. Кўчириб ёзинг ва транскрипцияланг:

جرؤتم، وأوأ، وثام، وبأ، متوى، مؤن، لاجى، هائب

120-машқ. Имло:

عسل، بديع، رعد، غرف، صفصاف، قذف، فريق، قيد، كعب، بكر  
شى، ضاء، ابل، ام، ابن، اسم، فجاء، سؤال، سأل، مسئول

121-машқ. Едлаш учун сўзлар:

أبل	( 'ибилун) туя	شارع	(шари'ун) кўча
رأس	(ра'сун) бош	سكر	(суккарун) шакар
صوت	(с.автун) товуш	نوم	(навмун) уйқу
يوم	(йавмун) кун	بنت	(бинтун) қиз

## Тўққизинчи дарс

### ИККИЛАНИШНИНГ СЎЗ ЯСАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Араб тилида ундошларнинг иккиланиши — қўшалоқ талаффуз қилиниши фонематик (маъно ташувчилик) хусусиятига эга; ундан янги сўз шакллари ясашда кенг қўлланилади:

Иккинчи ундош иккиланган ҳолат:

دَرَسَ	(дараса) ўрганмоқ	دَرَسَ	(дарраса) ўргатмоқ
ذَكَرَ	(з:акара) эсламоқ	ذَكَرَ	(з:аккара) эслатмоқ
ضَرَبَ	(д.араба) урмоқ	ضَرَبَ	(д.арраба) дўшпосламоқ

Сўз охири иккиланган ҳолат:

سَار (са.ра) юрмоқ      سَار (са.рра) сирлашмоқ  
جَار (жа.рун) қўшни      جَار (жа.ррун) тортувчи

Қўриниб турибдики, иккиланиш ҳодисаси таъсирида сўз шакллари янги маъно касб этади. Сўзларнинг бундай хусусияти фақат араб тилигагина хос бўлиб, ўзбекчада кузатилмайди.

### УНЛИЛАРНИ ЧЎЗИҚ ҲЎШИШНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Ўзбек тилида бўғин таркибидagi унлини истаганча чўзиб айтиш мумкин. Бу билан сўз маъносига ўзгариш кузатилмайди. Араб тилида эса унлиларни чўзиб талаффуз қилишнинг фонематик хусусияти бор — сўз янги маъно касб этади:

كْتَب (катаба) ёзмоқ	—	كَاتِب (ка.таба) ёзишмоқ
ذَكَر (з.акара) эсламоқ	—	ذَاكِر (з.а.кара) музокара юритмоқ
مَد (маддун) чўзиш	—	مَاد (ма.ддун) чўзувчи
خَفِر (хаф.рун) уятчан	—	خَفِير (хаф.рун) соқчи

122-машқ. Унлиларнинг талаффуз олиш тарзига — чўзиқ ё қисқалигига аҳамият беринг:

хазала	—	ха.зала
'ас:ара	—	'а.с:ара
с.а'афа	—	с.а.'афа
масса	—	ма.сса

123-машқ. Қўш талаффуз қилинувчи қуйидаги ундошларнинг тўғри артикуляция олишига аҳамият беринг:

Мирри.ху, каттаба, Са.мирра., сурра, байъата,  
с.аббара, шавваҳа, шаббара, дарраса, айъана

124-машқ. Дафтарингизга араб алифбосида кўчиринг:

лаффиз., массид, зи.да, қаббид., дабдаба,  
саммид, фидсун, з:аҳабна., ғуфранун

125-машқ. Дарсхонада ўқинг; «ф» фонемасининг равшан ва аниқ артикуляция олишига эришинг:

فوق، رفع، حافظ، فقط، فرق، فلك، صف، صفصاف

### ИМЛОДАГИ ҚЎШИМЧА ВОСИТА

«а» унлиси алиф ёрдамида ёзув тизмасида қайд қилинишини биламиз. Шу билан бир қаторда, мазкур чўзиқ унли «ё» ҳарфи во-

ситасида ҳам ифодаланиши мумкин. У ҳолда мазкур ҳарфдан олдинда фатҳа мавжуд деб фараз қилинади; бу ҳолат сўз охирида рўй беради:

كبرى (кубра.) энг катта (муан.)  
 بشرى (бушра.) тўғри йўл  
 موسى (му.са) Мусо

«а.» ни ифодалашдаги турлиликни бир-биридан фарқлаш учун мазкур вазифадаги алифни **ألف ممدودة** «чўзиқ алиф», «ё» ни **ألف مقصورة** «қисқа алиф» деб аташ расм бўлган.

126-машқ. Ўқинг ва эслаб қолинг: сўзлардаги «ё» ҳарфи «қисқа алиф» вазифасида келган:

شبرى، وثتى، جملى، حسنى قربى، وسطى، اسطى

127-машқ. Араб алифбосида дафтарингизга кўчиринг. Сўзлардаги чўзиқ «а.» — «қисқа алиф» воситасида ёзилади:

Кисра., 'И,са., Мус.т.афа., суфла., қусра.,  
 фу'ла., мада., қала., т.ала., ҳада.

### ҲАМЗАНИНГ ТУРЛАРИ

Сўз бошида келувчи ҳамза икки турли бўлади: бириктирувчи ва айирувчи.

Бириктирувчи ёки «васл» ҳамзаси — ўзи бошлаб келаётган сўз-ни олдинги сўз билан талаффузда бириктиради. Таркибида васл ҳамзаси бўлган бўлган мутлақ олдида тўлиқ ўқилса ҳам, аслида, ёрдамчи хусусиятга эга. У икки учдошли бошланиш талаффузини осонлаштириш йўлидаги юз берган мураккаб ўзгаришлар натижа-сида вужудга келган:

بِنَى дан дастлаб: بِنُ сўнг: ابْنُ ('ибнун) ўғил

سَمُو дан дастлаб: سَمُ сўнг: اسْمُ ('исмун) исм

ثَنَى дан дастлаб: ثَنَانُ сўнг: اثْنَانُ ('ис:на.ни) икки

Бу турдаги ҳамзалик бўғиннинг сўнгги ундоши талаффузда олдинги сўзнинг сўнгги ундоши ва ҳаракати билан бирикиб бир ёшиқ бўғинни ташкил қилади. Ҳамза ва унинг ҳаракати бутунлай ўқилмайди, балки бўғинга сийгиб кетади. Бундай ҳолатда васл ҳамзасининг ўзи ёзилмайди ҳам — унинг ўрнига ёзувда «васла» аломати қўйилади:

وَلَدَوِاسْتَقْبَالَ (валадун ва-стиқба. лун) бола ва келажак

قَالَ اقْرَأْ (қала-қра') «Ўқи!» деди.

أَنْتَ أَسْمَعُ ('анта-сма') «Сен тинглагил!»

Айирувчи ёки «қатъ» ҳамзаси сўзда ҳеч қачон сингиб кетмайди, балки допм тўлиқ ўқилади, аниқ талаффуз олади ва ёзувда сақланади. Айирувчи ҳамзалар икки турли бўлиши мумкин.

1. Ўзақ таркибига кирувчи ҳамзалар; бундай ҳамзалар сўзнинг псталган ўрнида — боши, ўртаси ва охирида келиши мумкин:

أَدَبٌ ('адабун) адаб; адабнёт

سُئِلَ (су'ила) сўралмоқ

قَرَأَ (қара'а) ёзмоқ

2. Грамматик шаклларнинг маъно ажратувчи бўлаклари вази-фасини бажарувчи ҳамзалар; бундай ҳамзалар ўзларига юклатил-ган вазибаларига кўра, сўзларнинг турли ўринларида келиши мумкин:

а) кўшлик шакллари таркибида:

أَقْلَامٌ ('ақла.мун) қаламлар

أَشْهُرٌ ('ашхўрун) ойлар

б) айрим буйруқ шакллари таркибида:

أَكْتُبُ ('актиб) ёвдир!

أَبْعُدُ ('аб'ид) узоқлат!

в) шахс шаклларида:

أَكْتُبُ ('актубу) ёзянман

سَأُذْهِبُ (са'аз:ҳабу) бораман

г) ранг-тус ва жисмоний камчиликларни билдирувчи сўзлар тар-кибида жинс кўрсаткичи сифатида:

أَسْوَدُ	('асваду),	سَوْدًا	(савда.'у) қора
أَطْرَشُ	('ат.рашу),	طَرَشًا	(т.арша.'у) гунг

128-машқ. Сўзларни дафтарингизга кўчиринг ва эсда тутинг — улардаги ҳамзалар васлдир:

استعمار، اختيار، اعتبار، استماع، انكسار، انقلاب

129-машқ. Сўзларни дафтарингизга кўчиринг ва эсда тутинг — улардаги ҳамзалар қатъдир:

اكل، اشياء، اقرار، اصل، اعماق، اكبر، انوار، انور

## ЛИГАТУРАЛАР

Алиф ҳарфи коф ёки лом ҳарфларидан кейин келганда, улар махсус бириктирилиб қўшалоқ тарзда ёзилади. Буни фанда лигатура деб номлашади.

ك билан ا бириктириб كا лигатурасини ташкил қилади:

کاتب، کاسب، مکاتب، مکالمات، امریکا، کاف

ل билан ا бириктириб لا лигатурасини ташкил қилади; ушбу лигатуранинг لا тарзида ҳам ёзиш мумкин:

لا، لام، لارم، ملازم، ملاکم، کربلاء، لاز

130-машқ. Дафтарингизга кўчиринг, сўзлардаги мавжуд ка лигатурасининг тўғри шакл олишига эътибор беринг:

کاشف، کاغذ، کالم، مکالمات، سکاकिन، دکاकिन، دکان

131-машқ. Дафтарингизга кўчиринг, сўзлардаги мавжуд لا (ل) лигатурасининг тўғри шакл олишига эътибор беринг:

لابس، لاح، لافح، ملابس، متلاکم، حامله، اصلا، سهلا

132-машқ. Араб алифбосида ёзинг:

сала.мун, така.фулун, така.сулун, кала.мун, ла.ми-сун, ка.фу.рун, ка.сихун, така.си.ру, тала.ша.

## ҲАРФЛАРНИНГ СОН ҚИЙМАТЛАРИ

Араб алифбосида ҳар бир ҳарфнинг рамзий сон маъноси бор. Улар қуйидагича:

ا	— 1	ی	— 10	ق	— 100
ب	— 2	ک	— 20	ر	— 200
ج	— 3	ل	— 30	ش	— 300
د	— 4	م	— 40	ت	— 400
ه	— 5	ن	— 50	ث	— 500
و	— 6	س	— 60	خ	— 600
ز	— 7	ع	— 70	ذ	— 700
ح	— 8	ف	— 80	ض	— 800
ط	— 9	ص	— 90	ظ	— 900
				غ	— 1000



Қийматларни эслаб қолишни осонлаштириши мақсадида ҳарфларнинг қиймат тартиблари сақлангани ҳолда, қуйидаги сунъий сўзлар ясалган:

ابجد هوز حطي كلمن سعفص قرشت ثخذ ضظغ

(‘абжад ҳавваз х.ут.г.я. каламан са‘фас. қарашат с:аххаз: д.аз.ағ). Бу таснифни сўзларнинг дастлабкиси номи билан «Абжад ҳисоби» деб юритилади.

Ҳарфларнинг сон қийматлари ўрта асрларда хронология, астрономия, математика каби фанларда кенг қўлланилган. Ҳар бир алоҳида сўзнинг сон маъносини билиш учун уни ташкил қилувчи ҳарфларнинг сон қийматларини жамлаш керак: «Абжад» сўзи, масалан, 10 ( $1+2+3+4=$  **ابجد**) га тенг. Нодир китобларда сон қийматига ишора қилинаётган сўзнинг устига чизиқча тортилади:

خالد (ха.лидун) =  $600+1+30+4=635$

عليشير (‘али.шер) =  $70+30+10+300+10+200=620$

133-машқ. Ушбу сўзларнинг сон қийматларини топинг:

استاذ، سلام، بشر، كتاب، طالب

134-машқ. Сўзларни араб алифбосида ёзинг ва сон қийматларини топинг:

с.а.дирун, бадрун, қадрун, қадирун, рафи.қун

135-машқ. Ҳарфлар бирикмасига айлантиринг:

1870, 1917, 1941, 1945, 1990, 1991, 2001

136-машқ. Сўзлар ва сўз бирикмаларини араб алифбосида кўчириг:

‘иқра’ ва-ктуб, қаламун ва-‘ақла.мун, ‘интиха.бун ва-нтиба.қун, ‘амалун ва-х.тима.лун, ‘алфун ва ‘ала.фун, ‘асра.рун, с:а.ирун ва-нқила. бун, тафа. улун, таша. умун

137-машқ. Имло:

لاعب، مائل، دلائل، استعمار، كبرى، صغرى، ابن،  
اسم، ما اسمك؟ الفاظ، قرأ، أكل، شىء، انت اقترئ

138-машқ. Едлаш учун сўзлар:

ثائر (с:а.ирун) инқилобчи  
اديب (‘ади.бун) ўқимчили  
انتباه (‘интиба.қун) диққат

كتب (катаба) ёзмоқ  
درس (дараса) ўрганмоқ  
قرأ (қара’а) ўқимоқ

## РАҚАМЛАР

Араб тилида «0» (нол)ни «сифр» صفر (с.пфрун) деб аталади. У бир нуқта шаклида ёзилади. Бирликлар қуйидагича:

1	—	۱	4	—	۴	7	—	۷
2	—	۲	5	—	۵	8	—	۸
3	—	۳	6	—	۶	9	—	۹

Ўнлик ва бошқа барча мураккаб рақамларни ясаш бизда ҳозир мавжуд бўлган тартибдан фарқ қилмайди. Арабча рақамлар ўнгга қараб ёзилади. Мисоллар:

10	—	۱۰	100	—	۱۰۰	1000	—	۱۰۰۰
11	—	۱۱	200	—	۲۰۰	2000	—	۲۰۰۰
19	—	۱۹	900	—	۹۰۰	9000	—	۹۰۰۰
20	—	۲۰	921	—	۹۲۱	9213	—	۹۰۲۱
90	—	۹۰	999	—	۹۹۹	9546	—	۹۲۱۳

## Баринчи дарс:

### ЎЗАК ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ УНДОШЛАР

Араб тилида ўзак ундошлардан иборат: у иш-ҳаракат, парса, ходиса, белги тўғрисидаги умумий маънони англатади. Ўзакни сўзнинг бирламчи скелети деса ҳам бўлади. Сўз ўзакни ташкил қилувчи ундошлар орасида ундошларни алмаштириш усули билан ясалади. Илмий адабиётда «ички флексия» номи билан юритиладиган бу усул араб тилида кенг тарқалган бўлиб, уни бошқа тиллардан кескин фарқловчи морфологик кўрсаткич ҳам шудир.

Сўзларни таҳлил қилиш ва ўзагини топиш жуда жўн. Ўзак, асосан уч ундошли, қисман тўрт-беш ундошлидир. Мисол учун биз уч ундошли **علم** (бирламчи маъноси — «билмоқ») ўзагини олиб кўрсак, ундан шакллари турли-туман, маънолари ҳам турлича бўлган, бироқ шунга қарамай, умумий алоқадорликка эга бўлган қуйидаги сўзларни учратамиз:

<b>علم</b> ('илмун) билим	<b>تعليم</b> (та'ли.мун) билдириш
<b>علم</b> ('алима) у билди	<b>معلوم</b> (ма'лу.мун) билинган
<b>عالم</b> ('алимун) билувчи	<b>معلم</b> (му'аллимун) билдирувчи

Сўзларга назар ташласак, барчасида **علم** ўзагининг беистисно такрорланаётганини кўрамиз.

Қуйидаги сўзлар тўрт ва беш ундошли ўзақлардан ясалган:

<b>ترجم</b> (таржама) у ўғирди;	ўзаги:	<b>ترجم</b>
<b>زلزل</b> (залзала) у қимирлатди;	ўзаги:	<b>زلزل</b>
<b>عندليب</b> ('андали.бун) булбул;	ўзаги:	<b>عندلب</b>
<b>عنكبوت</b> (анкабу.тун) ўргимчак;	ўзаги:	<b>عنكبت</b>

### ЎЗАК УНДОШЛАРИНИ ТОПИШ. ЎЗАККА ТЕГИШЛИ БУЛМАГАН УНДОШЛАР

Янги сўз шакллари ясаш жараёнида ўзакка ундошлар орттирилиши ҳам мумкин. Шунга кўра, маъноси бир-бирига мантқан яқин, бир умумий гуруҳга тегишли деб аташ мумкин бўлган сўзларнинг барчасида такрорланаётган ундошларгина сўзнинг ўзагига тегишли бўлади. Буни қисқалтириш усули билан топиш мумкин.

Маъноси яқин ва бир гуруҳга тегишли деб мантиқан айтиш мумкин бўлган сўзларнинг барчасида такрорланиши кузатилмайдиган ундошларни ўзакка тегишли бўлмаган ундошлар деб атаймиз. Бундай товушлар янги сўз шакллари ясашда унлилар билан бир қаторда фаол иштирок этади. Булар, анъанавий араб грамматикасида таъкидланишича, 9 та:

ت س ل م ن و ي ة

Ўзакни адаштирмай аниқ белгилай олиш учун ҳосилалиги маълум бўлган икки-уч сўзни билиш кифоядир. Мисол учун,

قادر (қа-дирун) қудратли, белгиловчи  
 تقدير (тақдирун) баҳолаш  
 مقذور (мақдурун) қиймати белгиланган

сўзларини билишнинг ўзи, уларнинг ҳаммаси учун ўзак умумий, у  
 كُتِبَ ўзагидан ясалган сўзлар

Ўзак	Маъноси	Транскрипция	Сўз шакллари
كُتِبَ	китоб	(кита.бун)	کتاب
كُتِبَ	ёзув	(кита.багун)	کتابة
كُتِبَ	ёзмоқ; ёзди	(катаба)	کتب
كُتِبَ	ёзув столи	(мақтабун)	مکتب
كُتِبَ	ёзилган	(макту.бун)	مکتوب
كُتِبَ	ёзувчи	(ка.тибун)	کاتب
كُتِبَ	ёзув...и	(кита.биййун)	کتابی

قدر дан иборат эканлигини белгилашга ёрдам беради. Қолган ундошлар ўзакка тегишли бўлмаганлардир.

Ўзак турли ундошлардан иборат бўлса, тўғри топилган бўлади. Бироқ айрим ҳолларда ўзакнинг икки сўнги ундоши қўшалоқ (иқкиланган) бўлиши ҳам мумкин:

سَرٌّ (سَرْرَ)، مَدَّ (مَدَدَ)، مَرٌّ (مَرْرَ)

#### СЎЗ ҚОЛИПЛАРИ ТУШУНЧАСИ

Араб прагматикасида умумий морфологик ҳодисаларни шартли равишда қолип (модел)лар билан ифодалаш одатдир.

Ўзакни ифодаловчи биринчи ундошни **ف**, иккинчисини **ع** ва охиригини **ل** билан шартли белгиласак, уч ундошли ўзакни **فعل**

қолипи (модели) билан ифодалаш мумкин. Бунда қолип ундошларининг қандай ҳаракат билан ўқилиши сўзнинг айнаи шу ўрнидаги

ундошларининг ҳаракатига боғлиқ бўлади. Мисол учун **قدر** (қадрун) сўзининг қолипи **فعل** (фа'лун) шаклида бўлади. Бинобарин, **خير** (ҳайрун) ва **درس** (дарсун) сўзлари ҳам шу қолипдадир.

Ҳар бир сўзнинг қолипини тўғри аниқлаш учун унинг ўзак ундошини тўғри топа олиш муҳим аҳамиятга эга. Қолипини аниқланилаётган сўзда қўшимча ундошлар ёки чўзиқ унлилар мавжуд бўлса,

**فعل** га орттирилади:

1. Турли ўзақлардан бир қолипда ясалган шакллар:

سلم	—	سليم	(сали.мун)		فعل	(фа'и.лун)
كرم	—	كريم	(кари.мун)			
قدم	—	قديم	(қади.мун)			

2. Бир ўзақдан турли қолипларда ясалган шакллар:

جمع		—	جمع	(жама'а)	—	فعل	(фа'ала)
		—	جمع	(жам'ун)	—	فعل	(фа'лун)
		—	مجمع	(мажма'ун)	—	مفعول	(маф'алуи)
		—	تجميع	(тажми.'ун)	—	تفعيل	(таф'и.лун)
		—	اجتماع	('ижтима.'ун)	—	افتعال	('ифти'а.лун)

Агар ўзақ тўрт ундошли бўлса **فعل** га яна бир лом орттирилади:

ترجم	(таржама)		فعل	(фа'лала)
زلزل	(залзала)			

### СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Араб тилида сўзлар ўз семантик белгилари ва грамматиқ хоссаларига кўра, туркумларга бўлиниб ўрганилади.

Сўзнинг семантик белгиси унинг нарса, ҳаракат, хосса каби маъноларининг ифодалашидир. Грамматиқ хосса деганда эса сўзнинг морфологик ва синтактик хусусиятлари назарда тутилади. Сўзни таркиб нуқтаи назардан ўрганиш морфология — «сарф» (**الصرف** 'ас.-сарфу) нинг вазифаси. Гапнинг ўзи, маълумки, сўзлардан тuzилади. Сўзларнинг гапдаги вазифасини синтаксис — «наҳв» (**النحو** 'ан-вах.ву) ўрганади.

Араб тилидаги барча сўзлар уч қисмга — «туркум»га бўлиниб ўрганилади; булар: исм, феъл ва ҳарфлардир. Тил ҳақидаги билимда «туркум» — маъно ва лексик-грамматиқ хоссалари муштарак бўлган сўзларнинг мажмуасидир. Шу нуқтаи-назардан қараганда,

араб сарфидаги туркум тушунчаси нисбий характерга эга. Ҳамма гап шундаки, мазкур қисмларнинг ҳар бири ўз ичига бизнинг тушунчамиздаги бир неча туркумларни олади. Шунга кўра, уларни туркум гуруҳлари деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Исм (الاسم 'ал-'исму) лар гуруҳига от, сифат, сон, олмош, сифатдош ва масдарлар киради. Сўнгги иккисиди феъллик хусусиятлари ҳам мавжуддир. Феъл (الفعل 'ал-фи'лу) лар гуруҳига барча замон, майл ва даража шакллари киради. Ҳарф (الحرف 'ал-х.ар-фу) ларга эса ёрдамчи сўзлар — юклама, кўмакчи ва боғловчилар киради.

## ОТ

Араб тилида от нарса ва шахс маъносини ўзида жамлайди. Нарсадаги умумлашган, мавҳум ҳамда алоҳида ажратилган белгиларни аташ, исталган ҳодисани нарса сифатида ифодалаб бериш отнинг вазифаси. Барча тиллардаги каби, араб тилида ҳам отларнинг аниқ (реал) маънолари турли-туман. Улар шахс, нарса, ҳодисалардан ташқари яна мавжудот, ҳаракат, ҳолат ва муносабатларни ҳам атайди.

Отлар «сарфий» (морфологик) жиҳатдан турли келишик қўшимчалари, эгалик қўшимчалари, аниқлик аломати (артикли) олиши мумкин, отларга кўмакчи (шредлог) лар ортирилиши мумкин. Отларнинг келишикларда турланиши уларнинг «наҳвий» (синтактик) муносабатларини ҳам белгилайди. Бу жиҳатдан отлар гапда эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол бўлиб келиши мумкин.

Отлар яна атоқли, турдош ҳамда якка ва жамловчи бўлади.

## АТОҚЛИ ВА ТУРДОШ ОТЛАР

Атоқли отлар айрим шахс, маълум нарса ёки ҳодисани бошқалардан айириш учун қўйилган махсус номлардир. Булар:

Атоқли отлар:	زيد	Зайд.	محمود	Маҳмуд.
Географик номлар:	ليبيا	Ливия,	عدن	Адан.
Қабила номлари:	طي	Тайй,	غطفان	Ғатафон.
Тарихий воқеалар:	الميلاد	Мелод.	الهجرة	Ҳижра.

Газета, журнал ва китобларнинг номлари: الاهرام «Ал-Аҳром».

الطريق «Ат-Тарик», الفلاح «Ал-Фаллоҳ».

Турдош отлар жуда хилма-хил маъноларни ифодалаши мумкин:

Жовзодни:	رجل	(ражулун) киши,	دب	(дуббув) айиқ.
Нарсаи:	دفتر	(дафтарун) дафтар	قلم	(қаламун) қалам.
Воқеа-ҳодисани	درس	(дарсун) дарс,	عمل	(амалун) иш.

Ҳаракат, ҳолат, хосса, белги ва муносабат каби тушунчаларни:  
سلم (силмун) тинчлик حرب (ҳ.арбун) уруш, نوم (навмун) уйқу

1-машқ. Ўзақ ундошларини тошинг:

قاتل، قتل، مقتول، مقاتل، قتال، قتيل، اقتتل، مقتل

2-машқ. Ўзакники бўлмаган ҳарфларни ажратинг:

ذکر، ذاکر، ذکور، مذکور، اذکر، مذاکر، تذکر، تذکار

3-машқ. Ўзақ ундошларини ажратиб ёзинг:

عقل، عاقل، معقول، عقلاء، اعتقال، عقال، معتقل

4-машқ. Ўзакники бўлмаган ҳарфларни ажратиб ёзинг:

خرج، خراج، خروج، خارج، خرجات، اخراج، استخراج

5-машқ. Тўрт ундошли ўзакдан ясалган сўзлардан ўзақ ундошларини ажратиб ёзинг:

شرش، شرشور، شرشار، شراشير، مشرش، تشرش  
صفف، صفاف، صفاصيف، مصفف، تصفف، متصفف

6-машқ. Қолипларини аниқланг:

كبر	(кибрун),	كبر	(кибарун),	كبير	(каби.рун),
صغر	(с.ағура),	صغر	(с.игарун),	صغير	(с.ағи.рун),
		كبار	(киба.рун)		
		صفر	(с.ағарун)		

7-машқ. Қуйидаги қолипларга мувофиқ келувчи қандай сўзларни биласиз?

فعل (фа'лун), فعل (фи'алун), فعل (фа'ала)

8-машқ. Араб алифбосида кўчиринг ва қолипларини аниқланг:

- а) с.адрун, с.а.дирун, мас.дарун, мас.дурун
- б) д.арбун, д.а.рибун, мид.рабун, мадр.убун
- в) фатх.ун, фа.тих.ун, мифта.х.ун, мафту.х.ун

9-машқ: Қуйидаги сўзларни атоқли ва турдош отларга ажратинг:

طشقند، بغداد، طالب، كبير، صغير، علي، حسن  
لبنان، سمرقند، بخارا، شجر، مهندس

10-машқ. Тубандаги турдош отларни араб алифбосида кўчиринг:

шажарун, сайфун, фарқун, булбулун, фирақун, низ.амун

11-машқ. Тубандаги атоқли отларни араб алифбосида кўчиринг:

Зулайха., Мах.а.сину, Зайнабу, Дувайниййун, Саййидун,  
'Ах.маду, Зайдун, С.адру-д-ди.ни, Сумайра.

من جد وجد  
السلم بنا و الحرب خراب

СЎЗЛИК

من	(ман) ким?	وجد	(важада) топди
جد	(жадда) қидирди	بنا	(бина.ун) қуриш
مدرس	(мударрисун) ўқитувчи	خراب	(хара.бун) бузиш
مفتاح	(мифта.х.ун) очқич, калит	سيف	(сайфун) қилич

*Иккинчи дарс:*

ОТЛАРДА ЖИНС

Араб тилида икки грамматик жинс мавжуд; булар — музаккар (مذكر «муз:аккарун» эркақлик) ва муаннас (مؤنث «му'аннас:ун» аёллик) жинслари.

Муаннас жинсларнинг асосий прамматик белгиси «ة» (-атун) (юмалоқ «т») бўлиб, у сўзнинг охирига қўйилади. Ёзувда сўзлар тизмасидан бу хилдаги отларни ажратиб олиш қийин эмас:

جريدة	(жари.датун) газета	سفرة	(суфратун) дастурхон
نافذة	(на.физ:атун) дераза	طاولة	(та.вилатун) стол

Музаккар жинсдаги отлар эса мазкур аффикс (қўшимчага) эга эмас:

قلم	(қаламун) қалам	كتاب	(кита.бун) китоб
-----	-----------------	------	------------------

Жуфт қўлланилиши мумкин бўлган ҳолларда, исталган музаккар шаклдаги отдан таввинини тушириб қолдириб, ўрнига ўша «ة» қўшимчасини ортгириб муаннас шакллар ясаш мумкин:

طالب	(та.либун) толиб	طالبة	(та.либатун) толиба
تلميذ	(тилми.з:ун) ўқувчи	تلميذة	(тилми.з:атун) ўқувчи қиз

ОТЛАРДА ҲОЛАТ

Араб тилида от ноаниқ ёки аниқ ҳолатлардан бирида қўлланилиши мумкин. Ноаниқлик деганимизда ҳали биз сўз юритмаган, бизга ҳали маълум бўлмаган нарса ёки ҳодиса тушунчасини назарда тутамиз. Ноаниқ отлар прамматик ноаниқ шаклда бўлади. Бу — сўзларнинг охири таввинга тугалланадиган шакли бўлиб, у



ҳолат категорияси мавжуд бўлган барча тиллардаги воаниқлик артикliga тўла мувофиқдир:

بيت (байтуи) (қандайдир, нотаниш) уй  
باب (ба.бун) (қандайдир, нотаниш) эшик

Биз илгари сўз юритган, барчага таниш ёҳуд ҳаммага маълум нарсa-ҳодиса номлари аниқ ҳолатда бўлади. Шунингдек, бу гуруҳга аниқ ҳолатда бўлиши грамматик талаб қилинган исмлар ҳам киради. Аниқ ҳолатдаги исмлар аниқлик артикли билан айтилади. Бу артикл араб тилида **ال** ('ал-)дир. У сўз бошига ортирилади. Аниқ ҳолатдаги сўзнинг охири танвиhsиз ўқилади:

المعلم ('ал-му'аллиму) (таниш, маълум) ўқитувчи  
المجلة ('ал-мажаллату) (таниш, маълум) журнал  
الميلاد ('ал-ми.ладу) (ҳаммага маълум янги эра ҳисоби)

### Мелод

Аниқлик артикли исмнинг жинси, сони ва келишигидан қатъи назар бириктирилаверади. Артиклининг вазифаси қуйидагича:

Грамматик воаниқ исмларни грамматик аниқ ҳолатга кўчиради:

كتاب (кита.бун) — الكتاب ('ал-кита.бу) китоб  
فلاح (фалла.х.ун) — الفلاح ('ал-фалла.х.у) деҳқон  
عامل ('а.милун) — العامل ('ал-'а.милу) ишчи

Барчага маълум ва таниш нарсa-ҳодисани алоҳида қайд қилади:

القمر ('ал-қамару) Ой, العرب ('ал-'арабу) араблар.

Мавҳум маънодаги айрим тушунчаларни таъкидлайди:

المجد ('ал-мажду) ғалаба, الخير ('ал-хайру) яхшилик

Бир турга кирувчи нарсаларга ишора қилувчи жамловчи отларни ёки умумий тушунчаларни ифодалайди:

الفواكه ('ал-фава.киҳу) мевалар, الحديد ('ал-х.ади.ду) темир.

Аниқлик мазмунини артикلسиз ҳам ифодалаш мумкин. Баъзи сўзлар артикلسиз ҳам аниқ ҳисобланади:

а) киши номлари:

مريم (марйаму) Марям, علي ('алиййун) Али

б) шаҳар номлари, географик бирикмалар:

بغداد (багда.ду) Бағдод, مكة (маккату) Макка

в) олмошлар (кўрсатиш, кишилик каби)'

هذه (ҳа.з:а., ҳа.з:иҳи) бу, هو، هي (ҳийа, ҳува) у

Аниқлик артиклининг ҳамзаси бириктирувчидир.

### АНИҚЛИК АРТИКЛИНИНГ АССИМИЛЯЦИЯЛАШУВИ

Барча араб ундошларини шартли равишда «ой» ва «қуёш» ҳарфлари номи билан аталувчи икки турухга бўлишади. Ҳар гуруҳда 14 тадан ҳарф бор.

«Ой ҳарфлари»:

«Қуёш ҳарфлари».

ا ب ج ح خ ع غ ف ق ك م و ه ي  
ت ث د ذ ر ز س ش ص ض ط ظ ل ن

Сўз «ой ҳарфлари»дан бирортасидан бошланганда, аниқлик артикли унинг олдига қўшилгач, тўла ўқилаверади. Бироқ олдинда бошқа сўз бўлса, артиклининг ҳамзаси бириктирилувчилиги туфайли унинг охириги бўғинига васлаланади. Ёзувда аниқлик артиклининг ундоши сукун олади:

الارض و القمر ('ал-'ард.у ва-л-қамару) Ер ва Ой

الكتاب و الجريدة ('ал-кита.бу ва-л-жари.дату) китоб ва газета

Агар сўз «қуёш ҳарфлари» нинг биридан бошланса, унга артикл орттириш жараёнида ассимиляция ҳодисаси рўй беради — артиклдаги лом ўз талаффузини йўқотиб, таркибга «сияғиб» кетади. Унинг бадалига «қуёш ҳарфи» иккилантирилиб талаффуз қилинади. Бошқача айтганда, артикл таркибидаги сиргалувчи сонант «л» ўздан кейин келаётган қуёш ҳарфининг товушдаги ифодасига ўхшаб қолади — ассимиляциялашади. Ёзувда аниқлик артикли устига васла аломати қўйилади. Аниқлик ҳолатига кўчирилган сўзнинг ўша дастлабки «қуёш ҳарфи» устига шадда аломати тортилади. Шундай қилиб, олдиндаги сизнинг сўнги бўғини шу дастлабки ундош билан бириктириб бир чўзиқ ёпиқ бўғинни ташкил қилади:

التلميذ و الدفتار ('ат-тилми.з:у ва-д-дафтару) ўқувчи ва дафтар

الشارع و الطريق ('аш-шар.и'у ва-т.-т.ари.қу) кўча ва йўл

### ОТЛАРДА ТУРЛАНИШ. КЕЛИШИКЛАР

Араб тилида грамматик муносабатлар учта келишик ёрдамида амалга оширилади; булар — бош, қаратқич ва тушум келишиклари. Ушбу уч келишик ноаниқ ва аниқ ҳолатлардаги исмлар учун алоҳида-алоҳида қўшимчаларга ёга.

Отлар араб тилида уч келишикли (тўғри) ва икки келишикли (потўғри) турланишларга эгадир.

Уч келишикли турланишдаги отларнинг келишик қўшимчалари мана бундай:

- 1) бош келишикта: ноаниқ ҳолатда —  $\overset{\circ}{\text{—}}$  (-уи) даммали танвин  
 аниқ ҳолатда —  $\overset{\cdot}{\text{—}}$  (-у) дамманинг ўзи  
 2) қаратқич келишигида: ноаниқ ҳолатда —  $\overset{\cdot}{\text{—}}$  (-ин) касрали танвин  
 аниқ ҳолатда —  $\overset{\cdot}{\text{—}}$  (-и) касравининг ўзи  
 3) тушум келишигида: ноаниқ ҳолатда —  $\overset{\cdot}{\text{—}}$  (-ан) фатҳали танвин  
 аниқ ҳолатда —  $\overset{\cdot}{\text{—}}$  (-а) фатҳавининг ўзи

Ноаниқ шаклда танвинга тугалланувчи барча сўзлар уч келишликли турланишга эга.

#### Отларининг уч келишликли турланиши

Келишик	Шахс	Ҳолат			
		ноаниқ	аниқ		
Бош	музак.	بيت	إبایتунІ	ألبیت	Ғал = байтуІ
	муан.	غرفة	ІғурфатунІ	ألغرفة	Ғал = ғурфатуІ
Қаратқич	музак.	بيت	ІбайтинІ	البيت	Ғал-байтиІ
	муан.	غرفة	ІғурфатинІ	ألغرفة	Ғал-ғурфатиІ
Тушум	музак.	بيتا	ІбайтанІ	البيت	Ғал = байтаІ
	муан.	غرفة	ІғурфатанІ	ألغرفة	Ғал = ғурфатаІ

*Эслатма:* Музаккардаги сўзлар ёзувда тушум келишитивининг ноаниқ шаклида битта қўшимча алиф олади. Муавнас шаклларда бу ҳолат кузатилмайди.

13-машқ. Жинсларини аниқланг:

عالم، عامل، مدرسة، نافذة، ثبات، مدرسة

14-машқ. Муавнас шакллар ясанг:

اديب، طبيب، كاتب، قادر، مكتوب، مفتوح، كاذب

15-машқ. Музаккар шакллар ясанг ва маъноларини белгиланг:

صديقة، رئيسة، رفيقة، شاعرة، مصدرة، كذابة

16-машқ. Қуйидаги отлардан муавнас шакллар ясаш мумкинми?

مكتب، شارع، كتاب، بيت، قلم، دفتر، كرسي

17-машқ. Қуйидаги отлардан музаккар шакллар ясаш мумкинми?

قدرة، قوة، جريدة، مكتبة، جامعة، حادثة

18-машқ. Аниқ ҳолатга келтиринг ва ҳаракатлантиринг:

صنف، صف، طالبة، تيار، لغة، مهندس، سلم

19-машқ. Ноаниқ ҳолатга келтиринг ва ҳаракатлантиринг:

الصدقة، الطير، النهاية، البداية، الكلمة

20-машқ. Дафтарингизга кўчиринг ва ҳолатларини белгиланг:

سمرقند، خوارزم، بخارا، دمشق، سوريا، يمن

21-машқ. Аниқ ва ноаниқ ҳолатларда турланг:

مدينة، شارع، طريق، نافذة، قاموس، لغة

22-машқ. Араб алифбосида дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг ва келишикларини белгиланг:

ба.биц, 'ат.-т.а.вилату, жа.ми'атан, 'ал-мактабати, хай-рун, 'ат.-т.айра, хубзун, дафтараи, қа.му.син, 'ас-си.ну

23-машқ. Имло:

كمال، كلام، الرقم، درسا، خبراء، المكتبة، كتاب

24-машқ. Таржима қилинг ва ёз олинг.

جمال الخلق من جمال التربية.

## СУЗЛИК

بيت	(байтун) уй	غرفة	(ғурфатун) хона
رجل	(ражулун) киши	مرأة	(мар'атун) аёл
جمال	(жама.лун) гўзаллик	جريدة	(жари.датун) газета, рўаном

## Учинчи дарс:

### СИФАТ

Араб тилида сифатлар нарса, шахс ёки ҳодисанинг турли белгиларини кўрсатади:

بيت كبير	(байтун каби.рун) катта уй
غرفة جميلة	(ғурфатун жа.ми.латун) чиройли хона
فلاخ عربى	(фалла.х.ун 'арабиййун) араб деҳқони
علم احضر	('аламун 'ахд.ару) яшил байроқ

Сифат — ҳолат, жинс ва келишик шаклларига эга бўлса-да, тобе

хусусиятга эга. Ҳамма гап шундаки, сифатнинг ўзи алоҳида равишда ҳеч бир ҳолат, жинс ёки келишикда бўла олмайди, балки уларни ўзи мослашаётган отдан олади — қабул қилади. Худди шу хусусиятлари унинг синтактик вазифасини белгилайди: сифат гапда мослашган аниқловчи бўлиб келади. Айрим ҳолларда у исмий кесимни ёки қўшма кесимнинг исмий бўлагини ташкил қилиши ҳам мумкин.

Нарса ёки шахснинг сифат ифодалаган белгиси бевосита унинг ўзигагина хос бўлиши ёки бошқа нарсага муносабатига кўра тушинилиши мумкин. Шунга мувофиқ равишда сифатлар аслий ва нисбий бўлади.

### АСЛИЙ СИФАТЛАР

Нарсанинг ранг-туси, инсон ва жониворларнинг физик ва ички хусусиятлари, хуллас, сезги аъзолари билан билиб бўладиган белгилар аслий сифатда ифодаланади. Аслий сифатнинг гапдаги вазифалари мана бундай:

1. Жонзод ёки нарсанинг физик хусусиятларини ифодалаш:

كبير	(каби.рун) катта	صغير	(с.ағи.рун) кичик
طويل	(т.ави.лун) узун	قصير	(қас.п.рун) қисқа

2. Инсон ва жонворларнинг ички характерларини ифодалаш:

قوى	(қавиййун) кучли	ضعيف	(д.а'и.фун) кучсиз
جسور	(жасу.рун) ботир	خواف	(хавва.фун) қўрқоқ

3. Инсон ва жонворларнинг сиртқи характерини ифодалаш:

سمين	(сами.нун) семиз	هزيل	(ҳази.лун) озғин
------	------------------	------	------------------

4. Сифатларнинг аслий турлари яна ранг-тус ва сиртқи хосса каби кўпгина мазмунларни ҳам ифодалаш мумкин.

Аслий сифатларнинг кўп тарқалганлари қуйидаги қолиплардадир:

فعليل	(фа'и.лун)	—	كبير	(кас.и.рун) кўп
			قليل	(қали.лун) оз
فعل	(фа'алун)	—	حسن	(х.асанун) яхши, чиройли
			عزب	('азабун) сўққабош
فعل	(фа'илун)	—	فرح	(фарих.ун) қувноқ
			عدل	('адилун) адолатли
فعلول	(фа'улун)	—	كسول	(кас.улун) ялқов
			صبور	(с.абу.рун) бардошли

فعل (фа'лул)	—	صعب (с.а'бун) қийин
		سهل (саҳлул) осон, жўн
فعال (фа'а.лул)	—	طيار (т.аййа.рул) учқир
		غدار (гадда.рул) сотқин

### СИФАТЛАРДА ЖИНС

Аслий сифатлардан муаннас шакллар ясаш отлардаги каби сўз охирига «ё» орттириш билан амалга оширилади:

حسنة → حسن	كبيرة → كبير
ضخمة → ضخم	عدلة → عدل

فعل (фа'улул) туридаги сифатлардан муаннас шакллар ясалмайди. Мазкур қолипнинг ўзи ҳар икки жинс учун яроқлидир:

عجوز (ажу.зун) қари киши ёки аёл
غفور (гафу.рул) раҳмдил киши ёки аёл

### СИФАТЛАРДА ҲОЛАТ

Сифатлар ҳам отлар каби турли ҳолатларда бўла олади. Бунда сифатлар отларнинг ҳолат олиш тартибларига риоя қилади:

الكبير → كبير	العرب → عذب
الصغير → صغير	القلق → قلق

Сифатларнинг маълум ўринда қандай ҳолатда келиши уларнинг гапдаги вазифаси ва бошқа гап бўлақлари билан муносабатларига боғлиқдир.

### АСЛИЙ СИФАТЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ

Сифатлар ҳам отлар каби турланади. Бошқача айтганда, барча сифатлар келишиқ қўшимчаларини отлар каби қабул қилади.

Келишиқ	Ноаниқ		Аниқ	
	музаккар	муаннас	музаккар	муаннас
Бош	كبير (каби.рул)	كبيرة (каби.ратун)	الكبير (‘ал-каби.ру)	الكبيرة (‘ал-каби.рату)
Қарат.	كبير (каби.рин)	كبيرة (каби.ратин)	الكبير (‘ал-каби.ри)	الكبيرة (‘ал-каби.рати)
Тушум	كبيرا (каби.ран)	كبيرة (каби.ратан)	الكبير (‘ал-каби.ра)	الكبيرة (‘ал-каби.рата)

Сифатнинг маълум ўривда қайси келишиқда келиши унинг гапдаги вазифаси ва бошқа сўзлар билан муносабатига боғлиқдир.

### ГАП. СОДДА ЙИГИҚ ИСМИЙ ГАП

Кесимнинг ифодаланишига кўра гаплар икки турли бўлади: **есмий** ва **фезлий**.

Исмий гапларда кесим исм (от, сифат, сон, олмош)ларнинг бирортасидан ифодаланиб келади. Бу турдаги гапларда эга ва кесим муносабати (предикативлик) қуйидагилар билан белгиланади:

Сўз тартиби билан — эга олдинда, кесим ундан кейин келади.

Ҳолатнинг турлилиги билан — эга аниқ, кесим ноаниқ бўлади.

Оҳанг билан — эга юқори, кесим сустроқ овозда айтилади.

Исмий гапнинг кесими эга билан қуйидагича мослашади:

а) грамматик жинсда — эга вазифасини бажараётган исм кесим вазифасидаги исми ўз жинсда келишга мажбур этади;

б) грамматик сон билан — эга кесимнинг ададини ўзига муносаиб бўлишга мажбур қилади;

в) келишиқ билан — эганинг ўзи бош келишиқда келгани ҳолда, кесимни ҳам мазкур келишиқда бўлишини талаб этади.

هذا طالب	Бу толибдир.
الطالب نشيط.	Толиб фаолдир.
هذه طالبة.	Бу толибадир.
الطالبة نشيطة.	Толиба фаолдир.
المدرس عالم.	Ўқитувчи олимдир.
المدرسة عالمة.	Ўқитувчи аёл олимадир.

### МУАНАСЛИҚ БЕЛҒИСИ ОЛГАН СЎЗЛАРДА УРҒУНИНГ КЎЧИШИ

Маълумки, музаккир сўзлардан муаннас шакллар ясалганда сўз охирида янги бўгин пайдо бўлади. Демак, бўгинлар муносабатида ўзгариш вужудга келади. Ана шу янги грамматик муносабат кўп сўзларда бўгиннинг кўчишига сабаб бўлади:

са.кинун — са.кинатун, кá.тибун — катибатун

Урғулар барча ҳолларда ҳам кўчавермайди. Уч ва ундан ортиқ бўгинли музаккар шакллардан муаннас сўзлар ясалгандагина урғу кўчиши мумкин. Яна шарт шуки, орқадан иккинчи бўгин урғусиз қоладиган ҳолат мавжуд бўлиши керак.

мудáррисун — мударри́сатун  
муҳáндисун — муҳанди́сатун

Қуйидаги ҳолатларда урғу кўчмайди:

а) икки бўгинли сўзлардан муаннас шакллар ясалганда:

йибун — йибнатун, зáвжун — зáвжатун

б) уч бўғинли сўзларнинг иккинчи бўғини чўзиқ бўлганда:  
хаммá.лун — хаммá.латун, сахíййун — сахíййатун

### Биринчи матн

هذا بيت. هذه جامعة. البيت صغير. الجامعة كبيرة. هو طالب.  
هي طالبة. الطالب نشيط. الطالبة نشيطة. هذا كرسي. هذه طاولة.  
الكرسي قصير. الطاولة طويلة. هو مدرس. هي مدرسة. المدرس  
جالس. المدرسة قائمة. هذا كتاب. هذه مجلة. الكتاب قديم و المجلة  
جديدة.

25-машқ. Муаннас шакллар ясанг, урғуларини қўйинг:

صغير، قصير، فرح، قوي، شديد، حزين

26-машқ. Музаккар шакллар ясанг, урғуларини қўйинг:

كبيرة، نشيطة، طويلة، قديمة، جديدة، قائمة

27-машқ. Нуқталар ўрнига сўзларни мослаб қўйинг:

هو . . . (толибдир) . . . هي . . . (ўқитувчидир) . . . الطالب . . .  
(ўтирибди) . . . (бу) . . . جامعة. التلميذة . . . (ўтирибди) . . . الطالبة  
(турибди) . . . هذا . . . (китоб) . . . كبير. المدرسة . . .  
(фаолдир) . . . المعلم . . . (фаолдир) . . . (дорилфунун) . . . كبيرة  
هؤلاء الطلاب من كلية اللغات الشرقية لمعهد الاستشراق. اولئك الطالبات من معهد الطب لهذه المدينة. هذا الضيف سوري و ذلك الضيف عراقي. هما طالبان في معهد التربية. هذه الضيفة جزائرية و تلك يمنية. هما مشغولتان عند الاستاذ المشهور الاوزبكي.

### Бирикма ва иборалар

معهد التربية	педагогика институти
جوقة موسيقية	музикачилар труппаси
لغات شرقية	шарқ тиллари
مملوء ب	••••• билан тўлдирилган
اما ... ف	••••• га келсак, у
جامعة طشقند	Тошкент дорулфунуни
معهد اللغات الشرقية	шарқ тиллари институти

94-машқ. Жавоб беринг:

من هو؟ اهو ضيف عراقي او سوري؟ اين الضيوف مصريون و يمنيون؟ اين الضيفة اليمنية؟ هل هي راقصة ايضا؟ من هاتان الاجنيتان؟ هل هذا الطالب من معهد الطب؟ اهذه الطالبة من معهد التربية؟ اين الاستاذ؟

95-машқ. Таржима қилинг:

Бу толиб Аҳмаддир. У сурьялидир. У сурьяли толибдир. Бу толиба Ҳусниядир. У ўзбекдир. У шарқ тиллари институти толибасидир. Ҳусния Ўзбекистон пойтахтида яшайди. Аҳмад ва Ҳусния дўстдирлар. Улар дўстдирлар.

96-машқ. Ўзбекчага ўғиринг:

هذه الجوقة الموسيقية شعبية. حول هذه الجوقة جمهور شعبي.  
بين الجمهور عجوزان و شابات. هذا الطالب من لبنان و تلك الطالبة من  
تونس. ذاك الطالبان من معهد اللغات الشرقية. هما طالبا قسم اللغة  
العربية.

97-машқ. Грамматик таҳлил қилинг:

اليوم عيد كبير بمناسبة الذكرى السنوية الجديدة لثورة الشعب  
الليبي. بين الجماهير الشعبية طلاب سوفياتيون و لبنانيون و جزائريون  
و كذلك ضيوف من البلدان الصديقة المختلفة. هم جالسون على  
المقاعد. العيد في الدوام.

98-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

العلم في الصغر كالنقش في الحجر.  
اليوم سلام و غدا كلام

#### СУЗЛИК

استاذ	(’уста.з:ун) устоз, профессор	تجارة	(тижа.ратун) савдо
جمهور	(жумҳу.рун) тўда	حجر	(х.ажарун) тош
جوقة	(жавқатун) труппа	شبان	(шубба.вун) ёшлар
عيد	(’идун) байрам	ذكرى	(з:икра.) эслаш, юбилей
طقس	(т.ақсун) об-ҳаво	كلية	(куллиййатун) факультет
لامع	(ла.ми’ун) порлаб турувчи	لافتة	(ла.фитатун) пештоқ безаги, алвон
لعب	(ла’бун) ўйин	مختلف	(мухталифун) турли
مسرور	(масру.рун) шод, хур рам	مزين	(музаййанун) безатилган
مصفق	(мус.аффиқун) қарсақбоз	ممتع	(мумти’ун) қизиқарли
نساء	(ниса.’ун) хотинлар	ضيف	(д.айфун) меҳмон
دوام	(давомун) давом этиш	ثورة	(с:авратун) инқилоб

#### Еттинчи дарс:

#### ФЕЪЛ

Араб тилида феъл нарса (шахс)нинг ҳаракат ё ҳолатини ифода-  
далайди:

كتب الطالب. Толиб ёзди.  
ضحك الولد. Бола кулди.



Бу хусусиятларга мувофиқ, феълларни икки турга ажратиш мумкин: ҳаракат билдирувчи феъллар ва ҳолат билдирувчи феъллар.

Феълни аташда бош шакл сифатида 3 шахс, бирлик ва музаккардаги ўтган замон формаси олинади. Араб феълларининг ўзагида уч-тўрт ундош бўлиши мумкин. Феълларнинг катта қисми уч ундошли ўзақдан иборат бўлиб, уларнинг умумий қолипи қуйидагича:

فعل (фа'ала, фа'ила, фа'ула)

Қолиплардан кўриниб турибдики, ўзакнинг биринчи ва учинчиси ўзгармас ҳаракатлидир. Иккинчи ундошдаги ҳаракат эса, қолипифодалаётган феъл табиатига монанд равишда, дамма, фатҳа ва касралардан бирида ўқилади. Мисоллар:

فعل (фа'ала) — كتب (катаба) у ёзди; ёзмоқ  
 فعل (фа'ила) — شرب (шариба) у ичди; ичмоқ  
 فرح (фарих.а) у қувонди, қувонмоқ

Феъллар араб тилида ўтимли ва ўтимсиз бўлиши мумкин. Феъл замон шаклларида тусланиши, шахс, сон, жинс ва турли замон қўшимчалари қабул қилиши мумкин. Шунингдек, араб тилида феъллар даража ва майл шаклларига эгадир.

Араб тилида феъл жуда муҳим сўз туркуми бўлиб, кенг қўлланилади ва турли шаклларга бойлиги билан ажралиб туради. Исмларнинг кўпчилиги феъллардан ясалади.

### ЎТИМЛИ ВА ЎТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР

Бирор нарса ёки шахсга ўтадиган ҳаракат — «ўтимлилик» — араб тилида «фа'ала» туридаги феълларда мужассамланган. Ўтимсиз феъллар «фа'ула» турида бўлади. «Фа'ила» туридагилар бўлса, қисман ўтимли ва қисман ўтимсиз бўлиши мумкин. Мисоллар:

درس (дараса) ўрганмоқ; у ўрганди — ўтимли  
 كبر (кабура) катта бўлмоқ; катта бўлди — ўтимсиз  
 ضحك (дах.ика) кулмоқ; у кулди — ўтимсиз  
 فهم (фаҳима) тушунмоқ; у тушунди. — ўтимли

### ФЕЪЛ ЗАМОНЛАРИ. ЎТГАН ЗАМОН

Маълумки, ҳар бир феъл шаклида мужассамланган замон ундан аглашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг нутқ лаҳзасига муносабати кўрсатади. Араб тилида икки асосий замон шакли мавжуд: ўтган ва ҳозирги-келаси. Ҳозирги-келаси замон шаклига аниқлик киритилса, икки кўрсаткичга ажралади. Булар — ҳозирги ва келаси замонлардир. Мазкур икки замон мазмуни бир морфологик шаклда намоён бўлса-да, лексик воситалар ёрдамида ўзаро фарқланади.

Араб тилидаги феълнинг ўтган замони нутқ лаҳзасигача бўлган иш-ҳаракатни ифодалайди. Ўтган замоннинг кўрсаткичлари шахс-сон қўшимчаларидир. Қўшимчалар феъл шакли охирига қўшилади:

Шахс	Жинс	Грамматик сон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	نا (-на.)	—	ت (-ту)
2	музак.	تعم (-тум)	تما (-тума.)	ت (-та)
	муан.	تعمين (-тунна)		
3	музак.	وا (-у.)	ا (-а.)	ت (-ти)
	муан.	ن (-на)	تا (-ата)	ت (-ат)

Жадвалдан кўришиб турибдики, араб феъллари шахс кўрсаткичларига жуда бой. Чунончи, учинчи шахсда у барча сон ва жинс шаклларига эгадир. Иккинчи шахсда иккилик ҳар икки жинс учун умумий. Биринчи шахсда эса мазкур иккилик шакл сифатида йўқолиб кетган. Унинг ўрнида кўплик шакл қўлланилади. Айни пайтда биринчи шахснинг бирлик ва кўплик шакллари ҳар икки жинс учун умумийдир.

كتب (катаба) «ёзмоқ» феълининг ўтган замонда тусланиши

Шахс	Жинс	Грамматик сон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	كتبنا (катабна.)	—	كتبت (катабту)
2	музак.	كتبتم (катабтум)	كتبتما (катаб-тума.)	كتبت (катабта)
	муан.	كتبتمين (катаб-тунна)		كتبت (катабти)
3	музак.	كتبوا (катабу.)	كتبا (катаба.)	كتب (катаба)
	муан.	كتبنا (катабна)	كتبنا (катабата.)	كتبت (катабат)

Араб тилидаги феъллар тусланганда кишилик олмошлари шахс шакллари ёнида туриши шарт эмас. Чунки замон шаклларининг ўзидан олмош мазмуни англашилади:

كتبنا Биз ёздик.  
 كتبتما Сиз (икковингиз) ёздингиз.

Иш-ҳаракатнинг бажарувчисини оломош тарзида такрорлаш у мантиқий урғу олгандагина зарурдир. Бу ҳолда оломош кўпинча феъл шаклидан олдинда келади. Бироқ у орқага қўйилиши ҳам мумкин:

كتب هو هذه الرسالة. Бу хатви у ёзди.  
هو كتب هذه الرسالة. У бу хатви ёзди.

Ўтган замон феъл шакли ҳеч қандай тус (вид)га ишора қилмайди. Шунга кўра, бошқа тилларга, жумладан ўзбекчага ҳам, таржима қилишда ҳар бир шаклнинг матеда бажарган мазмунига эътибор қилинган ҳолда, тугалланган ёки тугалланмаган тарзда ўгирилади:

درس هذا النص. Бу матни ўрганди.  
Бу матни ўрганиб чиқди.

Ўтган замон феълнинг инкор шакли ما (ма.) инкор юкламаси ёрдамида ясалади. Юклама бевосита феълнинг олдида алоҳида қўйилади:

ما كتب هذه الرسالة. У бу хатни ёзмади.  
ما درس هذا النص. У бу матни ўрганмади.

### КўПЛИКДАГИ АНИҚЛАВМИШНИНГ ИЗОФАДА ҚўЛЛАНИЛИШИ

Кўплик ва иккиликдаги исмлар гада изофа таркибида аниқлавиш (қаралвиш) вазифасини бажараётганда қуйидагича расмийлаштирилади:

1. Қайси жинсга тааллуқли бўлишидан қатъи назар, иккиликдаги сўз изофа таркибида қаралвиш вазифасини бажарса, охиридаги «вун» тушириб қолдирилади:

فلاحا قرية، فلاحا القرية қишлоқнинг икки деҳқони  
عاملتا معمل، عاملتا المعمل фабриканинг икки ишчи аёли

2. Тўғри кўпликдаги музаккар сўз ҳам изофа таркибда қаралвиш вазифасини бажарса, охиридаги «нун»идан айрилади:

فلاحو قرية، فلاحو القرية қишлоқнинг деҳқонлари  
مهندسو مصنع، مهندسو المصنع заводнинг инженерлари

3. Синиқ кўпликдаги ва муаннас кўпликдаги сўзлар шундай вазифани бажарганда, фавқулодда ўзгаришлар кузатилмайди; танвиш мавжуд бўлса, у умумий ҳолида мувофиқ тушиб қолади, танвишсиз шакллар бевосита аниқловчи (қаратқич)га бириктирилади:

فلاحات قرية، فلاحات القرية қишлоқнинг деҳқон аёллари  
عمال مصنع، عمال المصنع заводнинг ишчилари  
معامل مدينة، معامل المدينة шаҳарнинг фабрикалари

Иккилик ва кўпликдаги аниқланмиш (қаралмиш), изофа бирикмалари таркибидаги барча аниқланмишлар каби, гадаги турли бўлақлар вазифасини бажаради, албатта. Бошқача айтганда, улар келишиқларда турланиши мумкин.

### Иккилик ва кўпликдаги сўзларнинг изофа таркибида турланиши

Сон	Жинс	Келишиқ		
		бош	қаратқич	тушум
И к к и л и к	музак.	فلاحة قرية (фалла.х.а. қарйатин)	فلاحة قرية (фалла.х.ай қарйатин)	فلاحة قرية (фалла.х.ай қарйатин)
	муан.	فلاحة قرية (фалла.х.ата. қарйатин)	فلاحة قرية (фалла.х.атай қарйатин)	فلاحة قرية (фалла.х.атай қарйатин)
К ў п л и к	музак.	فلاحة قرية (фалла.х.у. қарйатин)	فلاحة قرية (фалла.х.и. қарйатин)	فلاحة قرية (фалла.х.и. қарйатин)
	муан.	فلاحة قرية (фалла.х.ату қарйатин)	فلاحة قرية (фалла.х.ати қарйатин)	فلاحة قرية (фалла.х.ати қарйатин)
Синиқ кўплиқ		عمال مصنع (‘умма.лу мас.па’ин)	عمال مصنع (умма-ли мас.па’ин)	عمال مصنع (‘умма.ла мас.па’ин)

### Кўплик қўшимчаларининг изофада ўқилиши

Иккиликлар ва музаклардаги тўғри кўпликлар изофа таркибида аниқланмиш бўлиб келганда ўқилиш тартиби қуйидагича:

Агар қаратқич васлалик бошланишда бўлса, иккиликдаги ва тўғри кўпликдаги қаралмишларнинг келишиқ қўшимчалари билан бириқиб бир ўта чўзиқ бўғинни ташкил қилади:

كتابا ابن العامل ишчи ўғлининг иккита китоби

(кита.-ба.б-нил-‘а.мили)

مجلتا ابنة الفلاح деҳқон қизининг иккита журнали

(мажалла-та.б-натил.-фалла.х.и)

مهندسو اتحاد المؤسسات муассасалар бирлашмаси-  
нинг инженерлари

(муҳанди-су.т-тих.а.дил-му‘ассаса.ти)

Маъқур ҳолат, шаксия, қаратқич аниқлик артиклига эга бўлган пайтда ҳам рўй боради:

- فلاحة القرية (фалла.-х.а.л.-қарйати) қишлоқнинг икки деҳқони  
 فلاحنا القرية (фалла.х.а.-та.л.-қарйати) қишлоқнинг икки деҳқон  
 аёли  
 فلاحو القرية (фалла.-х.у.л.-қарйати) қишлоқнинг деҳқонлари

### ИСМЛАРНИНГ ҲОЛАТГА КЎРА МАЪНОЛАРИ

Биз биламизки, грамматик «ноаниқлик» сўзловчига нотаниш ва номаълум нарса-шахсни, «аниқлик» эса унга таниш ва маълум бўлган нарса-шахсни ифодалашда қўлланади. Баъзи ҳолларда «аниқлик» тушунчаси айрим сўзларга басталанган бўлиши мумкин. Бундай сўзларнинг мазмуни унинг ноаниқ шаклидагидан кўра бир оз тор, бироқ аниқдир:

يوم (йавмун) кун	اليوم ('ал-йавму) бугун, аниқ бир кун
عراق ('ира.қун) қирғоқ	العراق ('ал-'ира.қу) Ироқ; аниқ бир қирғоқ
يمن (йаманун) ўнг	اليمن ('ал-йаману) Яман; аниқ бир ўнглик
مدينة (мади.нату) шаҳар	المدينة ('ал-мади.нату) Мадина; Шаҳар

### АЙИРУВЧИ ОЛМОШЛАР

Амалиётда маълумки, исмий гапларнинг кесими ҳамма вақт ҳам ноаниқ шаклда бўлавермайди. Кесим аниқ шаклда ҳам келиши мумкин. Бундай ҳолларда гапда эга ва кесим ўртасига ажратувчи грамматик ифода — айирувчи олмошлар орттирилади. Улар учинчи шахсдаги кишилик олмошларига шаклан мосдир.

Аниқ шаклдаги от-кесимнинг ифодаланиши қуйидагича:

\* От-кесим грамматик аниқлик мазмунидан бириктирилган исмдан иборат:

←  
 هذا هو اليمن. Бу Ямандир.

هذه البلاد هي فلسطين الثورة. Бу ўлка — қўзғалган Фаластиндир.

От-кесим қаратқичдаги аниқловчи ёрдамида аниқланган:

هذه الطالبة هي بنت المهندس. Бу толиба — инженернинг қизидир.

От-кесим сўзловчига таниш ва маълум бўлган шахс-нарсани ифодалайди:

هؤلاء الطلاب هم العرب. Бу толиблар араблардир.

هذه هي القرية. Бу (ўша) қишлоқдир.

## МУРАККАБ БОҒЛОВЧИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

اما . . . . ق (amma. . . . fa . . . .) мураккаб боғловчисга таънинг исмдан иборат бирор бўлагини — кўпинча эгани — алоҳида ажратиб кўрсатиш вазифасини бажарувчи таъкид юкламасидир.

Қоидага мувофиқ, اما дан кейин келаётган ва таъкидланаётган сўз мураккаб боғловчининг иккинчи қисми ق дан сўнг қайтувчи олмоштаранда такрорланади. Ёзувда ق унга бириктириб ёзилади.

Мураккаб ق . . . اما боғловчиси ўзидан кейин келаётган ва у билан грамматик ва маънаво боғланган сўзларнинг келишикларига ҳеч бир таъсир қилмайди. Мазкур боғловчи одатда ўзбек тилига «... га келсак, у...» ёки «... бўлса, у...» тарзларида ўгирилади. Мисоллар:

اما ذلك الطالب فهو مجتهد جدا. Анови толибга келсак, у жуда ҳаракатчандир.

اما هذان الضيفان فهما مصريان. Бу икки меҳмон бўлса, (улар) мисрликлардир.

### Биринчи матн

كتبت هذا النص على السبورة. ثم قرأنا النص بانتباه. ذهب الطالب الى الجامعة. دخلت المدرسة غرفة الدرس. هل ذهبت الى النادي؟ نعم، نحن طلاب الصف الاول ذهبنا الى النادي بعد الدرس. ماذا عملتم اليوم في النادي؟ قرأنا الجرائد العربية الجديدة و المجلات الانجليزية القديمة. اذهبتن الى المكتبة ايضا؟ نعم، نحن دخلنا قاعة المطالعة و جلسنا على الكراسي. هما جلسا على الكرسيين الاماميين. انا جلست خلف محمود و بخنيار. مدرس الجامعة هناك. اما مدرستا معهد اللغات الشرقية فهما هناك ايضا. هما جالسان مع المدرسات الاجنبية. درس هذا الصديق اللغة العربية في العراق. هذا اليوم هو العيد. هذه الجمهورية هي اوزبكستان. الجمهورية هي الوطن لنا. طشقند هي عاصمة جمهورية اوزبكستان الحبيبة.

99-машқ. Саволларга ёзма жавоб беринг:

اكتب هذا النص على السبورة؟ من قرأ النص؟ الى اين ذهبت الطالبة؟ من دخل غرفة الدرس؟ اين المدرس؟ الى اين ومتى ذهب المدرس؟ هل ذهبتن الى النادي؟ اقرأتم الجرائد العربية هناك؟ قرأتم مجلات اجنبية ايضا؟ من قرأ؟

100-машқ. Матн асосида бешта альтернатив сўроқ гап тузинг.

101-машқ. Сўз ва бирикмаларни мослаб нуқталар ўрнига қўйинг:

... (ўқитувчилар) المدرسة الابتدائية . . . . (бу ердадир) . . . . هم . . . .

(Ўтарибдилар) . مع الطالبين النشيطين والمجتهدتين و  
 (Бу толиб ва мударрис) . . . . . (икки ўқитувчи аёл)  
 (Ўрганди) اللغة العربية في مصر. . . . . (Мен бўлсам)  
 فدرست اللغة في ليبيا ثم في السودان.

102-машқ. Ўқинг ва давом эттиринг:

درست المدرسة نصيبه اللغة العربية في تونس هي ...

103-машқ. Оғзаки таржима қилинг:

Бу дугонам Ироқ республикасидадир. У ўзбек тилини Топкент дорулфунунида ўрганди. Мен рус тилини мактабда ўргандим. Булар ўша арабларми? Йўқ, булар ўзбеклардир. Улар араб тилини қаерда ўргандилар? Биз араб тилини Шарқ тиллари институтида ўргандик.

104-машқ. Таржима қилинг. Сўнг дафтарингизга кўчириб ҳаракатланг:

من هؤلاء الشبان الازكياء؟ هؤلاء الشبان الازكياء طلاب في معهد اللغات الاجنبية. هل انتم درستم اللغات الاجنبية؟ نعم، نحن درسنا اللغات الاجنبية في المدارس الثانوية. اما نحن فدرسنا اللغات الاجنبية في المدارس الابتدائية. اية لغات؟ درسنا اللغات المختلفة كاللغة الانجليزية و اللغة الالمانية و اللغة الفرنسية و اللغة الاسبانية. اما هم فدرسوا اللغات الشرقية في المدارس الخاصة.

105-машқ. Тусланг:

درس، ذهب، دخل، خرج، رجع

106-машқ. Бирикмаларни турланг:

مهندسو معلم، مدرسو جامعة، معلما مدرسة، تلميذتا صف

## Иккинчи матн

### في شقة العامل

شقة عامل مصنع السيارات في بيت ضخم. و هذا البيت واقع في وسط المدينة في الشارع العريض باسم نوائي. هذه هي شقة العامل. هذه الشقة كبيرة و نيرة. في الشقة صالة و عدة غرف. وهي غرفة النوم و غرفة للاولاد و مطعم. في الشقة مرافق عصرية: حمام و مغسلة و مطبخ و فيه فرن للغاز. للشقة شرفة واسعة.

الصالة كبيرة جدا. سقف الصالة عال و هناك قنديل ذهبي بعدة مصابيح كهربائية. ارض الصالة مفروشة ببساط ملون جميل. للصالة نافذتان كبيرتان.

فتح العامل النافذة و دخل الصالة الهواء الصافي و سطع نور الشمس على الاثاثات الاثاثات. في الشقة جديدة و ثمينة. في ركني الصالة اريكتان. اريكتا الصالة كبيرتان.

دق العامل التلفون و تكلم بالتلفون مدة طويلة. اما زوجة العامل فهي جلست على الكرسي القائم حول الطاولة و شاهدت التلفزيون الشغال في الركن البعيد. فتحت زوجة العامل الدولاب المنقش في الركن القريب و اخذت الاشياء اللازمة لاکرام الضيف.

دخلت الصالة ابنة العامل بابر يق الشاي. ثم شربوا الشاي الذيذ الازبكي بالفناجين.

### Бирикма ва иборалар

بساط ملون	ранг-баранг гилам
اکرام ضيف	меҳмон қилмоқ
غرفة لنوم	ухлаш учун хона
مصباح كهربائي	электр лампаси
قنديل ذهبي	тиллараңг қандил
دولاب منقش	нақшинкор жавон
فرن للغاز	газ ўчоғи
باسم، باسم	номидағи
ابريق الشاي	чайнак

107-ماشқ. Матн асосида ёзма жавоб беринг:

هل فتح العامل باب الدولاب المنقش؟ ماذا اخذ العامل منه؟ ماذا في ركني الصالة؟ بما دخلت ابنة العامل؟ اين ابن العامل؟ من جلس على الكرسي؟ اين الكرسي قائم؟ من دخل ايضا؟ ما هو طعم الشاي الازبكي. ما هو لون الشاي؟

108-ماشқ. Фаъл шаклларидан фойдаланиб бешта гап тузинг:

سطع، اخذ، فتح، عمل، شرب، دخل

109-ماشқ. Таржима қилинг:

Бу ўзбек деҳқонининг уйидир. Ўзбек деҳқонининг уйи қагадир. У қишлоқнинг ўртасидадир. Уйда ухлаш учун хона, ошхона ва



меҳмонхона бор. Ювинишхонага келсак, у боғнинг ўртасидадир. Ҳар бир хонада дераза бор. Меҳмонхонада иккита кресло, битта узун стол ва курсилар бор.

110-машқ. «Деҳқоннинг уйи» мавзусида уй ишоси ёзинг.

111-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

من زرع المعرفة حصد الشكر.  
من كثرة الملاحين غرقت السفينة.

### СЎЗЛИК

اثاث	(ас:а.с:ун) жиҳоз	ابريق	(‘ибри.қун) чойнак
انتباه	(‘интиба.ҳун) диққат	اريكة	(‘ари.катун) кресло
امامى	(‘ама.миййун) олдинги	جرس	(жарасун) қўнғироқ
دولاب	(ду.ла.бун) жавон	رکن	(рукнун) бурчак
سطع	(сат.а‘а) порламоқ	حول	(х.авла) атрофида
دق	(даққа) чалмоқ	سقف	(сақфун) шифт
شرفة	(шурфатун) болохона	شاهد	(ша.ҳада) тамоша қилмоқ
شرب	(шариба) ичмоқ	شيشي	(шай‘ун) нарса
شغال	(шағгалун) ишлаётган	ابنة	(‘ибнатун) қиз
قنديل	(қиндилун) қандил	صالة	(с.а.латун) вал
لون	(лавнун) ранг	مرافق	(мара.фиқу) қулайликлар
مطعم	(мат.‘амун) ошхона	مطبخ	(мат.бахун) ўчоқ боши
مغسلة	(мағсалатун) ювиниш хонаси	مفروش	(мафру.шун) тўшалган
ناد	(на.дин) клуб	ذكى	(з.акиййун) заковатли
عال	(‘а.лин) баланд	كثرة	(кас:ратун) кўплик
ملاح	(маллах.ун) денгизчи	سفينة	(сафи.натун) кема
زرع	(зара‘а) экмоқ	حصد	(х.ас.ада) йиғмоқ
غرق	(ғарика) чўкмоқ	عمل	(‘амила) ишламоқ

### Саккизинчи дарс:

#### Бирикма олмошлар

Гап таркибидаги бошқа бўлақларга муносабатига кўра, олмошлар алоҳида ва бирикма тарзида бўлишини биламиз. Бирикма олмошлар гапда қайси бўлақ билан грамматик муносабатда бўлса, унинг қошида келади ва ёзувда ўшанга бириктириб ёзилади. Бундай сўз одатда от, феъл ёки кўмакчи бўлиши мумкин. Бирикма олмошлар қуйидагилардир:

Шахс	Жинс	Кўшлик	Иккилик	Бирлик
1	умумий	تانا (-на.)		ى (-и.)
2	музак.	كۈم (-кум)	كما (-кума.)	ىك (-ка)
	муан.	كۈننا (-кунна)		ىك (-ки)
3	музак.	خۈم (хум)	خۇما (-хума.)	ىخۇ (-ху)
	муан.	خۈننا (-хунна)		ىخا (-ха.)

Бирикма олмошлар ўзлари бириккан сўз туркумига алоқадор равишда гапда турли вазифаларни бажаради.

### ОТ ҚОШИДАГИ БИРИКМА ОЛМОШ

Бирикма олмошлар отга бирикиб келганида эгалик олмошлари вазифасини бажаради. Бириктириш қуйидаги асосда бўлади: **от**, худди изофа таркибидаги аниқланмишдек, аниқ ҳолатда, бироқ аниқлик артиклизиз қўйилади; унинг орқасидан нарсанинг **жинси**, **сони** ва шахсига мувофиқлаштирилган бирикма олмош қўшиб ёзилади. Бунда бирикма олмош расмий равишда қаратқичдаги аниқловчи вазифасини ўтайди:

کتابه (кита.буху) унинг китоби  
رفیقنا (рафи.қуна.) бизнинг ўртоғимиз

Агар от муавнаслик белгисига тугалланса, у оддий муқобил ҳарф билан алмаштирилади:

جريدتنا бизнинг газетамиз  
مجلتكم сизнинг журналингиз

Бирикма олмошлар синиқ ёки муавнас кўшликлар билан келганда, бевосита уларга бириктирилади:

کتبهما улар (иккови)нинг китоблари  
مجلاتكن سизлар (муан.)нинг журналларингиз

Бироқ бирикма олмошлари ҳар икки жинсдаги иккилик ва музаккардаги тўғри кўшликларга бириктирилганида, улардаги сўнгги «нун» лар, худди изофаларда кўргангиздек, тушириб қолдирилади:

مدرساکم сизларнинг икки ўқитувчингиз  
مدرستاکم сизларнинг икки аёл ўқитувчингиз  
مدرسوکم сизларнинг ўқитувчиларингиз

Маълумки, бирикма олмошлари турланмайди. Улар билан бири-киб келаётган отлар эса, гацдаги вазифаларига кўра, исталган келишиқда бўлиши мумкин:

Келишиқ	Кўплиқ	Иккилик	Бирлик
Бош	معلموك (му'аллиму.ка)	معلماك (му'аллима.ка)	معلمك (му'аллимука)
Қарат.	معلميك (му'аллими.ка)	معلميك (му'аллимай.ка)	معلمك (му'аллимика)
Тушум			معلمك (му'аллимака)

Бирикма олмошлар отлар билан бир таркибви ҳосил қилганда қуйидаги ўзига ҳосликларга риоя қилинади:

1. Биринчи шахс бирликдаги олмош бириктирилаётганда, у бевосита отнинг сўнгги ундошига қўшилиб ёзилади ва ўқилади:

کتابى (кита.би.) менинг китобим

دفترى (дафтари.) менинг дафтари

2. Мазкур олмош бириктирилаётган сўз чўзиқ унлига тугалланса, у «-йя» тарзида талаффуз қилинади:

معلموى (му'аллиму.йя) менинг ўқитувчиларим

دفترای (дафтара.йя) менинг икки дафтари

Юқоридаги бирикмаларнинг от қисми турланганда, муносабат билдирувчи келишиқларда ўша «-йя» таъкид билан ўқилади:

	Кўплиқ	Иккилик
Бош к.	معلموى (му'аллиму.йя)	معلمایا (му'аллима.йя)
Қарат. к.	معلمى (му'аллими.йя)	معلمى (му'аллимай.йя)
Тушум к.		

3. От касрага ёки чўзиқ «и.» ва «ай» қўшмчаларидан бирига тугалланганда, унга бирикаётган учинчи шахс олмошлари касрала ҳаракат олади (бундан бирликдаги муаннас шакл мустасно):

معلمه (му'аллимиҳи),

معلميه (му'аллими.ҳим),

معلميهما (му'аллимай.ҳима),

معلمهم (му'аллимиҳим)

## КЎМАКЧИЛАР ҚОШИДАГИ БИРИКМА ОЛМОШ

Бирикма олмошлар кўмакчилар қошида келганда қуйидаги ўқиш ва имло қоидаларига амал қилинади:

Бирикма олмошлар қисқа унлига тугалланувчи кўмакчиларга бевосита бириктирилади:

قبلنا (қаблана.), بعدك (ба'дака), عنده ('индаҳу)

Шу турдаги кўмакчиларга биринчи шахс бирикма олмоши бириктирилганда, «нун» орттирилади ёки сўнгги ҳаракати тушириб қолдирилади:

عندنى ('индани.) ёки عندى ('инди.)

↓ (ли-) кўмакчисига бирикма олмоши бириктирилганда, ҳаракати фатҳага айлантирилади: لك (лака), له (лаҳу)

Тарнибан ўхшаш : (би-) кўмакчисида бу ҳолат кузатилмайди:

به (биҳи), بك (бика)

Юқорида қайд қилинган ҳар икки кўмакчига биринчи шахс бирлик олмоши бириктирилганда, ҳаракатлари тушириб қолдирилади:

بى (би.), لى (ли.)

Сукунга тугалланувчи кўмакчиларга бирикма олмоши бевосита уланади:

منك (минка), عنه ('анҳу)

Бироқ биринчи шахс бирлик кўрсаткичи бириктирилганда, ўртага бир нун орттирилади:

منى (минни.), عنى ('анни.)

الى туридаги кўмакчиларга бирикма олмоши қўшишдан олдин уларнинг охири сукунланиб «дифтонглаштирилади»:

الينا ('илайна.), عليكم ('алайкум)

فى кўмакчисига барча олмошлар бевосита бириктирилгани ҳолда, биринчи шахс бирлик кўрсаткичи орттирилганда, ёзувда у шаддаланиб икки бора (дубора) ўқилади ва фатҳали ҳаракат олади:

فى (фиййа)

فى ва على туридаги кўмакчиларга учинчи шахс олмошлари орт-

тирилганда, қойдага мувофиқ олмошлар касрали ҳаракатлантирилади:

فيهن (фи.ҳинна), عليهم ('алайҳим)

Бундан бирлик ва муаннасадаги бирикма олмоши мустаснодир. Қўмакчилар қошидаги бирикма олмошлари гапда тўлдирувчи ёки ҳол бўлиб келади:

а) тўлдирувчи —

قرأت في الجريدة مقالة عنك. Газетада сенинг ҳақингда мақола ўқидим.  
اخذت الجريدة، فيها مقالات عن اصداقائي. Мен газетани олдим; унда дўстларим ҳақида мақолалар бор.

### ФЕЪЛИЙ ГАПЛАР

Гапнинг кесими феълдан ифодаланса, феълий гап бўлади. Араб тилида феълий гапнинг кесими эгадан олдинда ҳам, орқада ҳам келади. Эга олдинда келганда феъл-кесим тўлиқ мослашади:

الطالب كتب. Толиб ёзди.  
الطالبان كتبَا. Икки толиб ёзди.  
الطلاب كتبوا. Толиблар ёздилар.

Бироқ бу таркибдаги гаплар амалда жуда оз қўлланилади. Кенг қўлланиш топган турда феъл-кесим эгадан олдинда келади. Бундай гапларда бош бўлақларнинг ўзаро муносабати айрим ўзига хосликларга эгадир.

Гапнинг эгаси инсонни англатувчи исмдан ифодаланганда, олдинда келаётган феъл-кесим доимо бирликда бўлади ва унинг жинсига мос жинсда қўйилади:

كتب الطالب. Толиб ёзди.  
كتبت الطالبتان. Икки толиба ёзди.  
كتب الطلاب. Толиблар ёздилар.

Феъл-кесим уюшиб келганда, орқадагиси эга билан тўлиқ мослашади:

كتب الطالب وقرأ. Толиб ёзди ва ўқиди.  
كتبت الطالبتان وقرأتا. Икки толиба ёзди ва ўқиди.  
كتب الطلاب وقرأوا. Толиблар ёздилар ва ўқидилар.

Эга инсондан ўзга жонлиларни ва нарсаларни англатувчи сўздан ясалганда, феъл-кесимни қуйидагича мослашишга мажбур эгади: Бирлик ва иккиликдаги эгадан олдинда келаётган феъл-кесим доимо бирликда бўлгани ҳолда, эга билан жинсий мовандлик олади:

- وصل الكلب. Ит етиб келди.  
 وصل الكلبان. Икки ит етиб келди.  
 وصلت السيارة. Машина етиб келди.  
 وصلت السياراتان. Иккита машина етиб келди.

Кўпликдаги ағалар билан эса феъл-кесим бирликда ва муаннасада мослашади:

- وصلت الكلاب. Итлар етиб келди.  
 وصلت السيارات. Машиналар етиб келди.

Феъл-кесимлар уюшиб келганда, орқадаги феъл-кесим ага билан бирлик ва иккиликда тўлиқ мослашгани ҳолда, кўпликдагиси билан бирлик ва муаннасада мослик олади:

- وصل الحصان و وقف. От етиб келди ва тўхтади.  
 وصل الحصانان و وقفا. Икки от етиб келди ва тўхтади.  
 وصلت الاحصنة و وقفت. Отлар етиб келди ва тўхтади.

#### ҚўЛЛАНИЛИШИ БЎЙИЧА МАЪЛУМ ЖИНСГА ТЕГИШЛИ ОТЛАР

Маълумки, жовлини ифодалаган отнинг жинсий ҳолати мазмун муайянлигидан келиб чиқади, жинс қўшимчаларининг бор-йўқлиги ҳал қилувчи рол ўйнамайди. Турдош отларда-чи? Уларга юқорида баён этилган хулоса мантиқи билан назар ташласак, анчагина отлар муаннас кўрсаткичлари **ا، ي، ة** га ага эмаслигига қарамай, айни шу жинсга тааллуқли эканлигини кўрамыз. Бу турдаги отлар «қўлланилишига мувофиқ муаннасадаги отлар» деб номланади. Булар:

а) муаннаслик белгиси бўлмаса-да, маъно нуқтаи назаридан муаннас туркумига кирувчи отлар:

عروس (‘ару.сун) келин      ام (‘умму) она

б) жонзотнинг жуфт аъзолари номлари:

يد (йадун) қўл      رجل (рижлун) оёқ  
 عين (‘айнун) кўз      اذن (‘уз:нун) қулоқ

в) халқлар, ўлкалар, қабилалар ва шаҳарларнинг номлари:

العرب (‘ал-‘арабу) араблар      مصر (мис.ру) Миср  
 قريش (қурайшун) қурайш      الشام (‘аш-ша.му) Сурия

г) шабадаларнинг номлари:

ريح (ри.х.ун) шамол      سموم (саму.мун) гармсел

д) сайёра ва ёритқичларнинг номлари:

الارض	(‘ал-‘ард.у) Ер	الشمس	(‘аш-шамсу) Ҳуёш
-------	-----------------	-------	------------------

е) ўт, дўзах ёки жаннат мазмунларини ифодаловчи сўзлар:

نار	(на.рун) ўт	سقار	(сақарун) дўзах ўти
فردوس	(фирдавсун) жаннат	جهنم	(жаҳаннамун) дўзах

ж) юқоридаги турларнинг ҳеч бирига кирмайдиган ва турли мазмунларни ифодаловчи сўзлар:

حرب	(х.арбун) уруш	نفس	(нафсун) жон
روح	(ру.х.ун) руҳ	بئر	(би'рун) қудуқ
نعل	(на'лун) бошмоқ	دار	(дарун) турар жой
سن	(синнун) тиш	كأس	(ка'сун) қадаҳ

Баъзи отларда муаннаслик кўрсаткичлари билан тугалланишига қарамай, амалда музаккарда бўлиши мумкин. Бундай отларни қўлланилиши бўйича музаккарда деб тушунамиз. Булар унчалик кўп эмас:

خليفة	(хали.фатун) халифа	علامة	(‘алла.матун) билагон
عمدة	(‘умдатун) оқсоқол	رحالة	(рах.х.алатун) сайёҳ

### УМУМИЙ ЖИНСЛИ ОТЛАР

Баъзи отлар ҳар икки жинсда ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай отлар умумий жинсли отлар деб аталади; булар:

а) ҳарфларнинг номлари:

الف	(‘алифун) «алиф»	با	(ба.'ун) «бо»
-----	------------------	----	---------------

б) баъзи жонлиларнинг номлари:

نحل	(нах.лун) болари	حمام	(х.ама.мун) каптар
ثعلب	(с:а'лабун) тулки	فرس	(ф'арасун) от
ارنب	('арнабун) қуён	بط	(бат.т.ун) ўрдак

в) турли турдош отлар:

نحل	(нах.лун) ҳурмо	اصبع	(ис.ба'ун) бармоқ
قوس	(қавсун) камон	ابهام	(ибҳа.мун) бош бармоқ
بشر	(башарун) одамзот	طريق	(т.ари.қун) йўл
عسل	(‘асалун) бол	خمر	(х.амрун) шароб

## ЯККАЛИК ОТЛАРИ ЯСАШ

Яккалик отлари жамловчи отлардан ясалади. Бунда жамловчи от охирига «ё» (-атун) «юмалоқ «т» ортирилади:

شجر (шажарун) дарахт, умуман дарахт	— شجرة (шажаратун) дарахт, бир туш дарахт
حفر (х.уфрун) чуқур, уму- ман чуқур	— حفرة (х.уфратун) чуқур, бир чуқур
بصل (бас.алун) пиёз, уму- ман пиёз	— بصلة (бас.алатун) пиёз, бир бош пиёз
جزر (жазарун) сабзи, уму- ман сабзи	— جزرة (жазаратун) сабзи, бир бош сабзи

Яккалик отларидан тўғри кўшлик шаклларигина ясалади:

بصلات → بصلة شجرات → شجرة

### АЙРИМ КЎМАКЧИЛИ БИРИКМАЛАРНИНГ ИМЛОСИ

«ма» (‘амма.) «нима ҳақида» бирикмаси аслида **عما** кўмакчи-си билан **ما** сўроқ олмошидан ясалган. Бу ўринда танглай олди ундошларидан тил олди сонанти «н» лаб-лаб сонант «м» нинг таъсирида ассимиляциялашади ва натижада ўшанга ўхшатиб талаффуз қилинади. Тилда бундай ҳоллар кўп учраб турса-да, уларнинг баъзиларигина ёзувда ўз ифодасини топган, холос. Илова қилинаётган жадвалда **من** кўмакчиси иштирокида учрайдиган ҳолларни кўра-миз:

Ёзувда	Талаффузда	Аслида
ما	(мим-ма.)	من ما
من	(мим-ман)	من من
من مكره	(мим-макрихи)	من مكره
من محفظة	(мим-мих.фаз.атив)	من محفظة

### МУРОЖААТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Мурожаат араб тилида кўпинча **يا** (йа,) «ҳой, эй» юклама-ундови билан ифодаланади:

يا انتم (йа.‘антум) Эй, сизлар!  
يا بني (йа.-бни.) Ҳой, ўғилчам!



Мазкур юкламадан сўнг келаётган ва у билан грамматик алоқадор сўз ёлғиз бўлса, бош келишиқда ва аниқ ҳолатда, бироқ аниқлик артиклисиз қўйилади:

یا رفیق (йа.рафи.қу) Эй, ўртоқ!

یا عمال (йа.'умма.лу) Ҳой, ишчилар!

### КўМАҚЧИЛИ БИРИКМА ТАҲЖИМАСИГА ДОИР

کتاب من الکتب бирикмасининг бирликдаги дастлабки қисми ноаниқ ҳолатда, кўмақчидан сўнг келадиган кўшлиқ шакл эса аниқ ҳолатда қўйилади. Бу турдаги кўмақчили бирикмаларни ўзбекчага ўгиришда «...лардан бири» ёки «... ларнинг бири» каби таркибларга мурожаат қилинади:

يوم من الايام кувларнинг бири, кувлардан бири  
صديق من الاصدقاء дўстларнинг бири, дўстлардан бири

### Биринчи матн

عادل صنع طائرة من الورق. قالت المعلمة: - هذه الطائرة جميلة، يا عادل. قال محمد: - عندي سيارة في البيت صنعتها انا و اختي.

- كيف صنعتماها؟

- اخذنا علبة من الورق. عملنا لها شبك و عملنا لها عجلات. قال الاطفال: - نحن صانعو طائرات و سيارات مثل عادل و محمد.

بفكرة من معلمتنا جمعنا العلب و الورق و الخشب و السلك و الطين. عمل الاطفال سيارات من العلب و صنعت البنات سفينة من الورق. و الاطفال عملوا طائرات من الخشب و البنات صنعت حيوانات من الطين. ثم الاطفال رسموا قطارات و دراجات و البنات رسمن سيارات و طائرات.

المعلمة جمعت الصور: صور دراجات و صور طائرات و صورسيارات و صور قطارات. هي جمعت الصور في كتاب واحد.

112-машқ. Матн асосида жавоб беринг:

ماذا صنع عادل؟ هل هو صنع عجلة (دراجة)؟ من صنع سيارة؟ مع من صنع محمد سيارة؟ ماذا عملوا بفكرة من معلمتهم؟ ماذا صنعوا؟ ماذا صنعن؟ اصنع الاولاد و البنات شىء واحدا؟ هل رسمت البنات؟ ماذا صنعن من الطين؟

113-машқ. Арабчага ўгиринг:

Одил мактабга борди. Одила ҳам мактабга борди. Одил дарсда ёғочдан тайёра ясади. Одила эса лойдан машина ясади. Болалар

лойдан поезд ясадилар. Қизлар қоғоздан ҳайвонлар ясадилар. По-  
езд юриб кетди. Поездлар юриб кетди. Поезд етиб келди ва тўхтади.

114-машқ. Мавзуни давом эттиринг:

انا رسمت حماما على الورق. اخى صنع لعبة من السلك و الخشب. اما  
هو ف ...

115-машқ. Ҳақиқатдаги отларга қарама-қарши томондан муносиб аниқловчи-  
лар танланг ва мослаштириб бирикмалар тузинг:

شديد، ساطع، عزيز، حار، شمالي،	ام، عروس، بئر، يد،
ماهر، جميل، قديم، طويل، عالمي	عين، مصر، شمال، ريح

116-машқ. Қўйидаги бирикмаларни шарҳланг:

خليفة عربى، علامة عجوز، عمدة وقور، ريح شديدة

117-машқ. Сўз ва бирикмаларни мослаб нуқталар ўрнига қўйинг:

الطفل . . . (ясади) . . . طائرة من . . . (варақ) . . . لى . . . (жавон)  
صنعها . . . (менинг акам) . . . من الخشب . . . (ясади) البنات  
لعبة عجيبة من . . . (пакет) . . . البنات . . . (ясади) حيوانات من . . .  
ثم رسم . . . (бир бола) . . . قطارا ورسمت . . . (бир қиз) دراجة .

## Иккинчи матн

### الجدة و احفادها

رجع الاحفاد من المدرسة و سألت الجدّة منهم:  
— كيف درستم فى المدرسة؟

قال الحفيد الكبير: — انا الاول فى الحساب.

قالت الجدّة: — احسنت، يا ابنى!

قال الحفيد المتوسط: — انا الاول فى القراءة.

قالت الجدّة: — احسنت انت ايضا، يا ابنى!

قال الحفيد الصغير: انا الاول فى الخروج من المدرسة بعد الجرس.

ضحكت الجدّة من جواب حفيدها الصغير و قالت: — انت شاطر، يا ابنى.  
و شتمته.

### غرس التين

فى يوم من ايام الشتاء ذهبت مع جدى الى الحقل. حفر جدى فيه  
عددا من الحفر. ثم قطع اغصانا من شجرة التين و وضع حفرة غصنا.  
ثم وضع عليها ترابا و ترك منها جزءا صغيرا.

و في الربيع ذهبت مع جدى الى الحقل. وجدنا تلك الاغصان. نبت  
منها ورق عريض اخضر كورق شجرة التين الكبير. هكذا تعلمت من  
جدى طريق غرس شجرة التين.  
ثمر التين لذيذ.

### Бирикма ва иборалар

تۇنغىچ (ۇرتانچا، كىچىك) نابىرا  
حفيد كبير (متوسط، صغير)  
جزء صغير كىچىك بۇلاک  
احسنت قۇيىل سىنگا! ياخشى قىلىبسەن!  
عدد من الحفر بىر نىچا چۇقۇر

118-ماشқ. Жавоб бериңг:

من اين رجع الاحفاد؟ عما سألت الجدة بعد رجوع الاحفاد من  
المدرسة؟ كيف درس الحفيدان الكبير و المتوسط؟ ماذا قالت الجدة  
لهما؟ وكيف درس حفيدها الصغير؟ من هو شاطر؟ من هو الاول و فيما؟

119-ماشқ. Таржима қилиңг:

Ўтган куз қуналарининг бирида дўстим Йигитали билан боғимиз-  
га чиқдим. Йигитали бىр неча чуқур қазиди. Мен ҳам бىр неча  
чуқур қазидим. Йигитали авордан бىр неча шох кесди. Мен гулдан  
бир неча шох кесдим. Икковимиз уларни чуқурларга ташладик. Ба-  
қорда улардан япроқлар унди. Авор меваси қизил ва шириңдир.

120-ماشқ. Ўтган замонда тусланг:

حفر، نبت، وجد، شتم

121-ماشқ. Қуйидаги феъллардан фойдаланган ҳолда, «Мен гул экдим»  
мавзусида бешта гап тузинг:

غرس، نبت، قطع، حفر، وضع

122-ماشқ. Бирикмаларни таржима қилиңг ва ёд олиңг:

ياخشى قىلىبسەن، بۇيىنىڭ نابىراسى، بۇيىنىڭ نابىرالارى، تۇن-  
غىچ نابىرا، ۇرتانچا نابىرا، كەنجا نابىرا، ۇقىپىدا، چىقىپىدا، كى-  
رىپىدا، ھىسوبدا، پۇخ نابىرا.

123-ماشқ. «Биз نابىраларمىز» деган мавзуда уй ияшоси ёзинг.

124-ماشқ. Таржима қилиңг ва ёд олиңг:

من ما صبر على كلمة سمع كلمات.

Б

### СҮЗЛИК

اخ ('ахун) ака, ука  
ترك (тарака) қолдирмоқ  
اخت ('ухтун) опа, сингил  
تراب (тура.бун) тупроқ

جد	(жаддун) бобо, бува	جدة	(жаддатун) буви
جز	(жуз'ун) бўлак	حفيد	(х.афи.дун) набира
تين	(ти.нун) анжир	رمان	(румма.нун) анор
حفر	(х.афара) ўймоқ	حفرة	(х.уфратун) чуқур
دراجة	(дарра.жатун) велосипед	خشب	(хашабун) ёғоч
سلك	(силкув) сим	سفينة	(сафи.натув) кема
شاطر	(ша.т.шрув) шўх	سمع	(сами'а) эшитмоқ
شتاء	(шита.'ун) қиш	شتم	(шатама) уришиб қўймоқ
صانع	(с.а.ви'ун) ясовчи	طين	(т.и.нун) лой
عجلة	('ажалатун) гилдирак	علبة	('улбатун) пакет
عدد	('ададун) бир неча	عميد	('ами.дун) декан
فكرة	(фикратун) бир фикр; ғоя	قطار	(қит.а.рун) поезд
قال	(қала) демоқ	وقور	(вақу.рун) виқорли
نبت	(набата) унмоқ	غصن	(ғус.нун) новда
غرس	(ғарасун) тикиш, экиш	صبر	(с.абара) сабр қилмоқ
ناس	(на.сун) одамлар	طيارة	(т.аййа.ратун) тайёра

## Тўққизинчи дарс:

### ФЕЪЛНИНГ ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОНИ

Феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли тугалланмаган иш-ҳаракатни билдиради. У сўзланаётган лаҳзада ёки сўзловчи ишора қилаётган ҳаракат билан бир пайтда рўй бераётган иш-ҳаракатни ифодалайди. Шунингдек, ҳозирги-келаси замон феъли бирор лаҳзага боғлиқ бўлмаган, доимо такрорланиб турадиган иш-ҳаракатни кўрсатиши ҳам мумкин.

Феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли ўтган замондан ўзакнинг биринчи ундошини сукунлаштириш ва охиригисини дамма ўқиш билан ясалади. Ўзакнинг иккинчи ундоши уч ҳаракат (фатҳа, дамма ва касра)лардан бири билан ўқилиши мумкин:

يفعل (йаф'алу, йаф'илу, йаф'улу)

Алоҳида феъл ўзагининг иккинчи ундоши ҳозирги-келаси замонда қандай ўқилиши қомусларда ўтган замон шакли ёнига ёзиб қўйилади. Ҳозирги-келаси замон феълида шахс кўрсаткичлари олдинда, грамматик сонга ишора қилувчи қўшимчалар ортда келади. Жинслар сон кўрсаткичлари воситасида англатилади (жадвалларга қаранг).

Ҳозирги-келаси замоннинг шахс-сон қўшимчалари

Шахс	Жинс	Грамматик сон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	ون ... ۛ (на...)	—	... ا (‘а...)
2	музак.	ن ... ۛ (та...у.на)	—	... ۛ (та...)
	муан.	ون ... ۛ (та...на)	{ ان ... ۛ (та...а.ни)	ين ... ۛ (та...и.на)
3	музак.	... ۛ (йа...у.на)	ان ... ۛ (йа...а.ни)	... ۛ (йа...)
	муан.	ن ... ۛ (йа...на)	ان ... ۛ (та...а.ни)	... ۛ (та...)

Ҳозирги-келаси замон феълларида инкор шакл لا (ла.) юкلامаси билан ифодаланади. Юклама феълдан олдинга алоҳида қўйилади.

... ۛ سن بormayпсан.

... ۛ تينглаماпти.

كتب (у) феълнинг ҳозирги-келаси замонда тусланиши:

Шахс	Жинс	Грамматик жинс		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	كتب (нактубу)	—	اكتب (‘актубу)
2	музак.	تكتبون (тактубу.на)	تكتبان (тактуба.ни)	تكتب (тактубу)
	муан.	يكتبن (тактубна)		يكتبين (тактуби.на)
3	музак.	يكتبون (йактубу.на)	يكتبان (йактуба.ни)	يكتب (йактубу)
	муан.	يكتبن (йактубна)	يكتبان (тактуба.ни)	يكتب (тактубу)

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ ҚУЛЛАНИЛИШИ

Ҳозирги-келаси замон феъли қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1) вутқ лаҳзасида рўй бераётган иш-ҳаракатни ифодалашда; бу унинг ҳозирги замонни ифодалаш функцияси:

الطالبات يسمعن محاضرة الأستاذ. Толиблар устознинг маърузасини тинглаяптилар.

Дўстимга хат ёзаяпман. *اكتب رسالة الى صديقي.*

2) нутқ пайтида бошланиб, сўнг давом этадиган иш-ҳаракатни ифодалашда; бу унинг ҳозирги-келаси замонни ифодалаш функцияси:

*اذهب اليوم الى المكتبة و ارجع الى البيت متاخرا.  
ينهض الطلاب من النوم باكرا  
و يذهبون لمساعدة البنائين.*

Мен бугун кутубхонага бораман ва уйга кеч қайтаман.

Толиблар уйқудан барвақт уйғонадилар ва қурувчиларга ёрдамга борадилар.

3) сўзловчи ишора этаётган иш-ҳаракат билан бир пайтда рўй бераётган ёки давом этаётган бошқа бир иш-ҳаракатни ифодалашда:

*سمعت كيف يقرأ هذا النص.  
رايته يلعب بالشطرنج.*

Бу матни у қандай ўқиётганини эшитдим.

Унинг шахмат ўйнаётганини кўрдим.

4) доимо такрорланиб турувчи, субъект хусусиятига маврид иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифодалашда:

*تدور الارض حول الشمس.*

Ер Қуёш атрофида айланади.

### Тўлдирувчи

Араб тилида тўлдирувчи кесимдан англашилаётган иш-ҳаракат йўналган, шу иш-ҳаракатни ўзига қабул қилган ёки у билан боғланган нарсани ифодаловчи гап бўлагидир.

*كتب الطالب رسالة الى امه.* Толиб онасига мактуб (ни) ёзди.

Тўлдирувчи кесим билан бошқарув орқали боғланади. Тўлдирувчи эга билан айрим мутаносибликка эга — ҳар иккови ҳам шахс-нарсани ифодалайди. Бироқ уларни ажратиб турувчи принципал фарқ ҳам мавжуд. Эга гаптаги бошқарувчи-шахс нарсани ифодаласа, тўлдирувчи бошқарилувчини кўрсатади.

Қондага мувофиқ, гапта тўлдирувчи эгадан кейинга қўйилади. Бу юқоридаги мисоллардан равшан. Бироқ таъкид талаби билан у эгадан олдинга қўйилиши ҳам мумкин:

*كتب هذا الكتاب ذلك الكاتب.* Бу китобни ўша ёзувчи ёзди.

Араб тилида тўлдирувчи воситали ёки воситасиз бўлиши мумкин.

Воситасиз тўлдирувчи ҳаракат бевосита йўналтирилган нарсани ифодалайди. У ўтимли феъл билан бошқарилгани ҳолда, гапта зарурият талаби билан аниқ ёки ноаниқ ҳолатда бўлиши мумкин:

يسألون خبزاً. Ноҳ(ни) сўрашяпти.  
قرأ المعلم النص. Ўқитувчи (бу) матнни ўқиди.

Воситали тўлдирувчиларда восита вазифасини кўмакчи бажаради. Бундай тўлдирувчи кўмакчи талаб қилувчи феълдан кейин келади:

طلاب القسم العربي يتكلمون في  
اللغة العربية. Араб бўлими толиблари араб  
тилида гапирадилар.

حصلت على الشهادة. Шаҳодатнома(ни) олдим.

### ҲАНДА УТИМЛИЛИКНИ ИФОДАЛАШ. БОШҚАРУВ

Феъллар араб тилида ўз тўлдирувчиларини икки турли бошқариши мумкин: воситасиз, воситали.

Воситасиз бошқарув деб феълларнинг ўз тўлдирувчиларини бевосита — тушум келишигида бошқарувига айтилади:

تقرأ التلميذتان مجلة. Икки ўқувчи қиз журнал  
ўқиняпти.  
أخذت هذا القلم من الدكان. Бу қаламни мен дўқондан  
олдим.

Бошқарув кўмакчи ёрдамида рўй берса, у воситали бўлади:

كتب المعلم بالقلم. Ўқитувчи қалам билан ёзди.  
يحصل العمال على الرتبة اليوم. Ишчилар маошнни бугун оладилар.

Айрим феъллар ўз тўлдирувчиларини бир вақтнинг ўзида ҳам воситасиз, ҳам воситали бошқарув хусусиятига эга бўлади:

شربت الشاي بالسكر. Чойни қанд билан ичдим.  
غسلت وجهي بالصابون. Юзимни совун билан ювдим.

### ФЕЪЛЛАР ҚОШИДАГИ БИРИКМА ОЛМОШ

Феъллар билан таркибда келувчи бирикма олмошлар ҳанда муносабат билдирувчи (қаратқич, тушум) келишиқлардаги кишилик олмоши вазифасини билдириб келади:

سألك. У сени сўради.  
رأيتهم. Мен уларни кўрдим.

Биринчи шахс бирлик олмошини феълларга бириктиришда ўртага «вун» орттирилади:

سألتني. У (аёл) мени сўради.  
أرايتني امس في الحديقة. Кеча мени боғда кўрдингми?

Музакардаги иккинчи шахс кўплик феълларига бириктирилган олмошдан олдинга «вов» орттирилади:

سألتهموه؟ Сизлар уни сўрадингизми?

أيتونى Сизлар мени кўрдингиз.

Учинчи шахсдаги бирикма олмошлар феълнинг «и», «и.» унлилари ҳамда «ай» дифтонги билан тугалланувчи исталган замон, майл ва даража шаклларига бириктирилганда, улардаги белги ажратувчи ҳаракат касра ўқилади (бирликдаги муаннас шакл бундан мустасно).

### ИККИ УНДОШЛИ ОТЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ

Таркиби икки ундошдан иборат от ( اب каби) ларнинг турланиши, аслида, оддий отларникидан фарқ қилмайди:

	Турланиш	
	ноаниқ	аниқ
Бош	أخ ('ахув)	الأخ ('ал-'аху)
Қарат.	أخ ('ахив)	الأخ ('ал-'ахи)
Тушум	أخا ('ахан)	الأخ ('ал-'аха)

Бироқ бу туркумдаги отлар бошиқа сўзлар билан жузъий муносабатга киришганида — изофа таркибида аниқланмиш бўлиб келганида ёки бирикма олмош билан бир таркибни ташкил қилганида, уларга келишик қўшимчасига муқобил чўзиқ унли орттирилади — тадрижий тушиб қолган товуш ўз ўрнига қайтарилади:

Келишик	Турланиш		
	изофа таркибида		олмош билан
Бош	أبو طالب	أبو طالب	أبوه
Қарат.	('абу.т.а.либин)	('абу.т.т.алиби)	('абу.ху)
Тушум	أبو طالب	أبي الطالب	أبيه
	('аби.т.а.либин)	('аби.т.т.алиби)	('аби.ху)
	أبا طالب	أبا الطالب	أباه
	('аба.т.а.либин)	('аба.т.т.алиби)	('аба.ху)

### ОТНИ ОЛМОШ БИЛАН АЛМАШТИРИШ ҚОЙДАЛАРИ

Отлар инсонни ифодалаганда, уларни бевосита сони ва жинсига қараб, мос олмошлар билан алмаштириш мумкин:



а) кишилик олмошлари билан:

الطالب نشيط. Толиб фаолдир. → هو نشيط. У фаолдир.  
العمال ذهبوا. Ингчилар кетдилар. → هم ذهبوا. Улар кетдилар.

б) бирикма олмошлар билан:

كتاب التلميذة ўқувчи қизнинг китоби → كتابها унинг китоби  
مجلات الطالبتين икки толибанинг журналлари → مجلاتهما улар икковининг журналлари

Агар отда англашилган мазмун инсондан ўзга жонворларни ва барча нарсаларни ифодаласа, уларни олмошлар билан алмаштиришда қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

1. Бирлик ва иккиликдаги отлар сон ва жинсда ўзларига мос келувчи олмошлар билан бевосита алмаштирилаверади;

а) кишилик олмошлари билан:

التذكار قائم. Ёдгорлик турибди. → هو قائم. У турибди.  
البقرتان رجعتا من المرج. Икки сиғир ўтлоқдан қайтди. → هما رجعتا. Улар иккови ўтлоқдан қайтди.  
من المرج. → من المرج.

б) бирикма олмошлари билан:

قۇيىнинг боши رأس الغنم → رأسه унинг боши  
икки дафтарнинг варақлари أوراق الدفتر → اوراقهما улар иккисининг варақлари

2. Агар жонвор ва нарсаларни ифодаловчи отлар кўпликда бўлса, қайси жинсга тааллуқлилигидан қатъи назар, бирлик ва муаннасадаги олмошлар билан алмаштирилади:

а) кишилик олмошлари билан:

العجول وقفت. Бузоқлар тўхтади. → هي وقفت. Улар тўхтади.  
السيارات سريعة. Машина тез юрар-дир. → هي سريعة. Улар тез юрардир.

б) бирикма олмошлари билан:

صامولات الجرارات тракторларнинг гайкалари → صامولاتها уларнинг гайкалари  
مستودعات الغلات донларнинг омборлари → مستودعاتها уларнинг омборлари

### НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАР ҲАҚИДА

Феъл таркибида ҳамза ёки муқим бўлмаган **ا**, **و**, ва **ى** лардан бири мавжуд бўлса ё ўзагининг иккинчи ва учинчи ундоши бир турли бўлса, уни нотўғри феъл деб атаймиз.

Нотўғри феъллар қуйидагича туркумларга ажратилади:

1. Ҳамзалик феъллар — ўзакнинг уч ундошидан бири ҳамзада иборат: **قرا** (қара'а) ўқимоқ, **أخذ** ('аҳаз:а) олмоқ.

2. Иккиланган феъллар — ўзакнинг иккинчи ва учинчиси бир турли ундошлар такроридан иборат: **مدد** (мадда) чўзмоқ, аслида:

**مدد**

3. Иллатли феъллар; бундайлар уч турлидир:

а) тўрига ўхшаш феъллар — ўзагининг биринчи ундоши муқим бўлмаган товушдан иборат: **يقظ** (важада) топмоқ; **وجد** (йақиз.а)

сەرғак бўлмоқ;

б) бўш феъллар — ўзагининг иккинчиси муқим бўлмаган товушдан иборат: **كان** (ка.на) «бўлмоқ», аслида: **كون** (кавуна); **سار** (са.ра) «юрмоқ», аслида: **سير** (сайира); **خاف** (ха.фа) «қўрқмоқ», аслида: **خوف** (хавифа).

в) етишмовчи феъллар — ўзагининг учинчиси муқим бўлмаган товушдан иборат: **غزا** (ғаз.а) ҳужум қилмоқ; аслида: **غزو** (ғазу.ва); **رمى** (ра.ма) отмоқ; аслида: **رمى** (рамайа).

## كان ФЕЪЛИ

**كان** (ка.на) (у) «бўлмоқ» феъли иллатлиларнинг «бўш» туркумига мансуб бўлиб, тусланишда бир қатор алоҳида хусусиятларга эга. У ўтган замонда қуйидагича тусланади:

Шаҳс	Жинс	Грамматик сон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	<b>كنا</b> (кунна.)	—	<b>كنت</b> (кунту)
2	музак.	<b>كنتم</b> (кунтум)	<b>كنتما</b> (кунтума.)	<b>كنت</b> (кунта)
	муан.	<b>كنتن</b> (кунтунна)	<b>كانا</b> (ка.на.)	<b>كنت</b> (кунти)
3	музак.	<b>كانوا</b> (ка.ву.)		<b>كان</b> (ка.на)
	муан.	<b>كن</b> (кунна)	<b>كانتا</b> (ка.ната.)	<b>كانت</b> (ка.нат)

Изоҳ: Феъл таркибидаги «аву» иллатли бирикмаси (эсланг: кавуна) ўртада келганда шакл ўзгартиришга муқобил бўлади; чунончи, бу номуқим таркиб ҳаракатли ундошдан олдинда келганда, «а.» га айланади:

(кавуна) — (ка.на); (кавунат) — (ка.нат)

Номуқим таркиб суқунли ундошдан олдинда келганда, ўзак иккинчиси ҳаракати - «у»га қисқаради:

(кавунта) — (кунта); (кавунна) — (кунна)

Мазкур феълнинг асосий вазифаси тўлиқ феъл «бўлмоқ» мазмунини ифодалашдир:

كنا في السنة الماضية في طشقند.      Ўтган йил биз Тошкентда бўлдик.

كانوا في التعطيل في القرية.      Улар таътилда қишлоқда бўлдилар.

У ёрдамчи феъл мазмунига ҳам эга бўлиб, у тўлиқсиз «эди» ва унинг барча нусхаларига мосдир. Бундай мазмунда ишлатилганда, бу феъл мураккаб кесимнинг феълий бўлагини ташкил этади. Исмий бўлак эса тушум келишигида ва ноаниқ шаклда оғзага қўйлади:

كان صديقي عضوا في تلك الجامعة.      Менинг дўстим ўша жамиятда аъзо эди.

كانا مهندسين في المصنع.      Улар иккови заводда инженер эдилар.

### Биринчи матн

يجلس الطلاب مقاعدهم و يقرئون جرائد عربية. يكتب المدرس على اللوح بالطباشير. اذهب الى الجامعة مع صديقي. لبست يوم العيد لباسا نظيفا. يقطع الاولاد الشارع من جهة الى اخرى، قطعنا الساحة من طرف الى آخر. كان ابي في هذه المدينة الكبيرة منذ زمن غير بعيد. الطالبات كن في المتحف قبل الظهر. كانت مباركة طالبة مجتهدة في الجامعة. كان ابوي (ابى) عاملا في ورشة القرية البعيدة. قال لاختيه عن هذه الحادثة. يكتب الطلاب رسالات الى ابايهم. اخونا كان في هذه السوق؟ لا، ما كان اخونا في هذه السوق الكبيرة. الطالبان قالا هم عن حياة الجامعة. هما ذهبتا الى كليتهما و ترجعان قبل الظهر. يرجع الفلاحون من جنى القطن. هم يرجعون من جنى القطن. تذهب الاغنام الى المرج. هي تذهب الى المرج سريعة. اما البقرتان فهما تذهبان الى المرج ببطء.

### Бирикмалар ва иборалар

منذ زمن غير بعيد	яқингинада, яқин пайтларда
من طرف الى آخر	} бир ёқдан бошқа томонга
من جهة الى اخرى	
جنى قطن	пахта териш

سرّيعا      тезда  
بيط      аста

125-машқ. Матн асосида бешта махсус сўроқ гап тузинг.

126-машқ. Таржима қилинг:

Биз дарсдан сўнг кутубхонага борамиз. Одил дарсдан сўнг уйга қайтади. Бу толибалар ҳозир дорулфунундан чиқадилар ва ошхонага кирадилар. Толиблар тарих ўқитувчимиз билан музейга борадилар. Улар дарсхонадан чиқдилар. Мен Фарида билан газета ва журналлар ўқийман.

127-машқ. Ҳозирги-келаси замонда тусланг:

(y) دخل, (a) رجع, (a) قطع, (a) لبس

128-машқ. Арабчага ўғиринг. كان феълининг вазифаларини белгиланг:

Мен бугун мактабда бўлдим. Отам бу мактабда ўқитувчи эди. Бу ўқитувчи ва ўқувчилар дарсхонада эдилар. Сен Одила билан бугун фабрикада бўлдинг. Кеча тушдан сўнг қаерда бўлдингиз? Бозорда.

129-машқ. Уқинг. Тўлдирувчиларни ажратиб кўчиринг:

هذا الرفيق قرأ كتابا ممتعا في احد مكاتب الجامعة الواقعة في شارع البيروني. قرأ اخي مقالة من الصفحة الاخيرة لهذه الجريدة. قال المدرس للطالب عن طريق حل المشكلة السياسية. طلبت الام استقبال عضو اللجنة لحفظ السلام. ذهبت الطالبات الى المطار لاستقبال اعضاء الوفد من البلدان العربية.

130-машқ. Феълларнинг ҳозирги-келаси замон шаклларидан фойдаланиб олтига гап тузинг. Гапда тўлдирувчилар иштирок этсин:

حصل على، سمع، سأل، لبس، قال، طلب

131-машқ. Таржима қилинг ва давом эттиринг:

Бу проқликлар бизнинг факультетимизда бўлишди. Улар...

Иккинчи матн

## كليتنا

كلية اللغات الشرقية مؤلفة من عدة اقسام و هي قسم اللغة العربية و قسم اللغة الفارسية و قسم اللغة الافغانية و قسم اللغة الهندية و قسم اللغة الصينية. في كليتنا كثير من الكراسي لتدريس اللغات و هي كراسي لتدريس اللغات العربية و الفارسية و الافغانية و الهندية و الصينية. و في هذه الكلية كراسي خاص لتدريس الادب الفنى الشرقى. غرفة الآلات للتسجيل في خدمة الطلاب و الطالبات.

في الكلية عدد كبير من الغرف للتدريس و كذلك غرفة للمدرسين و غرفة للعميد و قاعة للاجتماع و قاعة للمطالعة و مكتبة علمية. في

المكتبة العلمية كثير من الكتب المدرسية والفنية و الجرائد و المجلات  
في مختلف اللغات الشرقية و الغربية.

نحن طلاب في الصف الاول للقسم العربي ندرس اللغة العربية  
الفصحى و اللغة العامية. و ما عدا هاتين المادتين الاساسيتين ندرس  
الادب العربي و تاريخ البلدان العربية من القديم الى يومنا هذا و اللغة  
الانجليزية. نعرف الآن تاريخ و طننا و جغرافيا البلدان العربية و  
اقتصادها.

### Бирикма ва иборалар

لغة عامية	адабий тил, авом тили (лаҳжа)
ادب فنى	баддий адабиёт
كتاب دراسى	дарслик
من القديم الى يومنا هذا	қадимдан то шу кунимизгача
تمرين لغوى	прамматик машқ
غرفة التسجيل	фоно кабинет
قاعة للاجتماعات	йигин зали
تمرين كتابى	ёзма машқ
تمرين شفاهى	оғзаки машқ
ما عدا	ҳисобламаганда

132-машқ. Жавоб беринг:

فى اى صف انت؟ هل انتم طلاب فى القسم العربى؟ اية مادة  
تدرسونها؟ هل تدرسون مواد اخرى ما عدا مادتين اساسيتين؟ وما  
هى؟ هل تدرسون اقتصاد البلدان العربية ايضا؟ ماذا تقرئون من  
النصوص فى درس القراءه؟

133-машқ. Уқинг:

طلاب القسم العربى الآن فى غرفة التدريس. فيها الآن درس اللغة  
العربية الفصحى. ندرس فى هذا الدرس القواعد نحوا و صرفا و نقوم  
بتمارين لغوية شفاهيا و كتابيا. و كذلك نقرأ كتباً مطبوعة و مخطوطة.

134-машқ. Ўзбекчадан арабчага ўғиринг:

Бу дорулфунун қошидаги шарқ тиллар институтидир. Унда тил-  
лар ва тарих факультетлари бор. Тиллар факультетида толиблар  
турли шарқ тилларини ўргандилар. Булар — араб, афғон, форс,  
ҳинд ва хитой тилларидир.

Шухрат шу институтнинг тарих факультетида ўқийди. У шарқ  
ва араб тарихидан бошқа яна араб тилини ҳам яхши ўрганган. Бун-  
дан ташқари у лаҳжада ҳам гапирди.

135-машқ. «Бизнинг араб бўлимимиз» мавзусида уй ишоси ёзинг.

اجتماع	(‘ижтима.‘ун) йиғин	قبل	(қабла) олдин
صيني	(с.и.ниййун) хитой...и	قطن	(қут.нун) пахта
ظهر	(з.ухрун) туш	متحف	(матх.афун) музей
آخر	(‘а.хару) бошқа	لجنة	(лажнатун) қўмита
حفظ	(х.ифз.ун) сақлаш	مطار	(мат.а.рун) аэропорт
عضو	(‘уд.вун) аъзо	فنى	(фанниййун) бадний, нафис

Ўнинчи дарс:

ФЕЪЛЛАРНИНГ КЕЛАСИ ЗАМОНИ

Келаси замонда нутқ лаҳзасидан сўнг рўй бераётган иш-ҳаракат ифодаланади. У ҳозирги-келаси замон феъл шаклига **سوف** (савфа) юкламасни орттириш билан ясалади. Шунингдек, юкламанинг тўлиқсиз шакли **س** (са-) ҳам орттирилиши мумкин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам феъл шаклидан олдинга, биринчиси алоҳида ва иккинчиси қўшиб ёзилади.

فتح (фатаха) (а) «очмоқ» феъли

Шахс	Жинс	Грамматик сон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	سوف نفتح (савфа нафтах.у)	—	سوف افتح (савфа ‘афтах.у)
2	музак.	سوف تفتحون (савфа тафтах.у-на)		سوف تفتح (савфа тафтах.у)
	муав.	سوف تفتحن (савфа тафтах.на)	سوف تفتحان (савфа тафтах.ани)	سوف تفتحين (савфа тафтах.ина)
3	музак.	سوف يفتحون (савфа йафтах.у.на)	سوف يفتحان (савфа йафтах.ани)	سوف يفتح (савфа йафтах.у)
	муав.	سوف يفتحن (савфа йафтах.на)	سوف يفتحان (савфа тафтах.ани)	سوف تفتح (савфа тафтух.у)

Таъкидлаганимиздек, келаси замон феълидан фақат келаси замонга тааллуқли бўлган ва ҳозирги замон билан алоқаси бўлмаган иш-ҳаракат англашилади:

سوف اكتب رسالة الى صديقى. Дўстимга хат ёзмам.

Келаси замон феълидан инкор замон кўрсаткичи ва шахс шакллари орасига **ل** (ла.) орттириш билан ясалади:

سوف لا اقرأ هذا النص. Бу матни ўқимайман.  
 سوف لا يذهبون الى السينما. Улар кинотеатрга бормайдилар.

Агар келаси замон мазмуни (са-) воситасида ифодаланган бўлса, бундай шаклдан инкор ясаб бўлмайди. Шунинг учун мазкур тўлиқсиз юклама тўлиқ шакл билан алмаштирилади.

### СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Араб тилида сифатларнинг уч даражаси мавжуд. Булар — ижобий (оддий), чоғиштирма ва орттирма.

Сифатнинг ижобий (оддий) даражаси нарсадаги хоссани қайд қилиши маълум:

غرفة كبيرة катта хона  
 لباس جميل чиройли кийим

Чоғиштирма даражадаги сифат бир нарсага хос белгини бошқа нарсадаги айни шу белги билан чоғиштиради, қиёслайди. Бошқача айтганда, сифатнинг чоғиштирма даражаси нарсалардаги бир турли белгиларни миқдорга кўра бир-бирларидан фарқлаш заруриятидан туғилади. Бундай сифатлар араб тилида افعل من ('аф'алу мин) қолишида ясалади:

المدينة اكبر من القرية. Шаҳар қишлоқдан каттароқдир.  
 هذا العامل انشط من ذلك الفلاح. Бу ишчи анови деҳқондан фаолроқдир.

Араб тилида сифатларнинг чоғиштирма даражаси чоғиштирилатган нарсаларнинг сони ва жинсидан қатъи назар, доимо бир шаклда — бирлик ва музаккарда бўлади. Агар бир нарсанинг турли хоссаси турли даврларда ёки турли ҳолатларда қиёслаштирилатган бўлса, ортиқча қайтариқдан қочиб, ўша нарса номини мос тушувчи олмош билан алмаштирилиши мумкин:

عاصمتنا في هذه السنة اجمل. Пойтахтимиз бу йил ўтган йилдагидан чиройлироқдир.  
 منها في السنة الماضية.

Агар чоғиштирма даража сифатларидан кейин гапда бевосита феъл келиши керак бўлса, (мин) кўмакчисига қўшимча равишда нисбий олмош ما (ма.) орттирилиб, сўнг феъл шакли қўйилади. Бунда нисбий олмош махсус ажратувчи вазифасини ўтайди:

عدد العمال في هذه السنة في ذلك المصنع اكثر مما كان في السنوات الماضية. Нариги заводда ишчилар сони бу йил ўтган йиллардагидан кўпроқдир.

Сифатларнинг орттирма даражаси ҳар икки жинсда алоҳида шаклга эга бўлиб, улар оддий сифатлардан қуйидаги қолипларда ясалади: музаккарлар — **افعل** ('аф'алу), муаннаслар — **فعلى** (фу'ла.):

بيت كبير катта уй — بيت اكبر энг катта уй  
 مدرسة صغيرة кичик мактаб — مدرسة صغيرة энг кичик мактаб

Орттирма даража сифатлари гапда мослашган аниқловчи бўлиб келади ва умумий қонда асосида аниқланмишдан кейинга қўйилади. Ҳар икки жинсдаги орттирма сифатлар кўплик шаклига эга:

افعال ('афа.'илу), فعليات (фу'лай.тун):  
 البنات الحسنيات энг чиройли қизалоқлар  
 الطلاب الاناشط энг фаол толиблар

قوى (қавиййун) «кучли» туридаги оддий сифатлардан орттирма даража ясашда махсус қолиплардан фойдаланилади: **افعى** ('аф'а.) **فعيا** (фу'йа.). Мисоллар:

ملاكم قوى кучли боксчи — ملاكم اقوى энг кучли боксчи  
 سيارة قوية кучли машина — سيارة قويا энг кучли машина

Орттирма даража сифатлари яна бир усулда расмийлаштирилиши мумкин. Бу усул жонли тилда жуда кенг тарқалган. Унга мувофиқ, ҳар икки жинс учун **افعل** ('аф'алу) шакли олинади ва уни изофаланаётган қаратқичдаги исм билан таркибга киритилади. Бунда икки тур кузатилади:

а) қаратқичдаги орттирилаётган исм кўплик ва аниқ шаклга қўйилган; бунда у оддий аниқловчи каби ёки «...нинг энг ...и» мураккаб таркиб сифатида ўгирилади:

اصغر الاولاد энг кичик бола, болаларнинг энг кичиги  
 اجمل البنات энг чиройли қиз, қизларнинг энг чиройлиси

б) қаратқичдаги орттирилаётган исм бирлик ва ноаниқ шаклда қўйилган; бунда бирикмани «энг ...дан бири» шаклида ўгириш маъқул:

اصغر ولد энг кичик болалардан бири  
 انشط طالبة энг фаол толибалардан бири



## ИЗОҲЛОВЧИ

Изоҳловчилар отдан ифодаланган аниқловчилар бўлиб, араб тилида бу вазифани фахрли номлар, унвонлар, ҳунармандларнинг номлари, лақаблар уддалайди. Изоҳловчи изоҳ талаб қилаётган сўздан олдинга қўйилади ва у билан ҳолат, жинс, сон ва келишикларида маълум қондалар асосида мослашади. Изоҳловчи одатда аниқ шаклдаги сўзнигина аниқлайди (изоҳлайди):

الرفيق الطالب ўртоқ толиб, العامل محمد ишчи Муҳаммад,  
الاخت تاشتلا ҳамшира Тоштилла, الانسة منذورخان ойимқиз Манзураҳон

Шунингдек, араб тилида бадал изоҳловчилар кенг қўлланиш топган. Улар шахс-нарсга номини тўлиқ ё қисман алмаштиради ва шу тариқа изоҳлайди:

ذهب اخوك احمد. Аканг Аҳмад кетди.  
قرأ سليم نفسه. Салимнинг ўзи ўқиди (: Салим, унинг ўзи ўқиди).  
اكل الخبز نصفه. У ноннинг ярмини еди (: У нонни, унинг ярмини еди).

Рус тилида газета ва журнал номлари, адабий асарларнинг сарлавҳалари, географик тушунчалар ҳам изоҳловчилардир. Араб тилида улар, худди ўзбек тилидагидек, оддий қаратқичлар сифатида изофада расмийлаштирилади:

نهر النيل Нил дарёси, مجلة الطريق «Ат-Тариқ»  
جريدة الاهرام «Ал-Аҳром» журнали  
مدينة طشقند Тошкент шаҳри,  
газетаси,

## СОҢЛАР

Араб тилида сонлар маъноларига кўра саноқ ва тартиб, таркибларига кўра эса содда ва мураккаб бўлади.

Оддий сонлар бир сўздан иборат:

تاسع тўққизинчи      تسع тўққиз

Мураккаб сонлар икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил тонади:

خمسة عشر ўн беш      الخامسة عشر ўн бешинчи

Сонлар ява каср, тақсим, чама ва жамловчи ҳам бўлади.

## СОДДА САНОҚ СОНЛАР

Биринчи ўликка кирувчи сонлар содда бўлиб, қуйидагилардир:

Рақамлар	Таржимаси	Сонлар	
		муаннас	музаккар
۱	бир	واحدة (ва.х.идатун) احدى ('их.да.)	واحد ('ва.х.идун) احد ('ах.адун)
۲	икки	اثنان ('ис.на.ани)	اثنان ('ис.на.ани)
۳	уч	ثلاثة (с:ала.с:атун)	ثلاث (с:ала.с:ун)
۴	тўрт	اربعة ('арба'атун)	اربع ('арба'ун)
۵	беш	خمسة (хамсатун)	خمس (хамсун)
۶	олти	ستة (ситтатун)	ست (ситтун)
۷	етти	سبعة (саб'атун)	سبع (саб'ун)
۸	саккиз	ثمانية (с:ама.нийатун)	ثمان (с:ама.нин)
۹	тўққиз	تسعة (тис'атун)	تسع (тис'ун)
۱۰	ўн	عشرة ('ашаратун)	عشر ('ашрун)

Юқоридаги саноқ сонларнинг саналмиш билан синтактик алоқаси турли шаклларда бўлиб, қуйидагича намоён бўлади:

1. «Бир» саноқ сони худди сифатлардек, саналаётган исмдан орқага қўйилади ва у билан ҳолат, жинс ва келишикда мослашади:

قلم واحد، القلم الواحد      битта қалам  
 محفظة واحدة، المحفظة الواحدة      битта портфель

Тилда бирликдаги отнинг ўзи шакл орқали ягона нарсага бевосита ишора қилгани учун, «бир» мазмундаги сўз, одатда таъкид зарурати билангина қўлланилади. Аксар ҳолларда у айтилмайди.

2. «Икки» мазмунини ифодаловчи сановчи сон ҳам сифатлардек, орқага қўйилади ва саналмиш билан тўлиқ мослашади. Бинобарин, саналмиш ҳам иккиликда бўлиши кераклигини унутмаслик керак:

قلمان اثنان، القلمان الاثنان      икки қалам  
 محفظتان اثنان، المحفظتان الاثنان      икки портфель

Тилда иккилик шаклидаги отнинг ўзи бевосита қўш нарсага ишора қилгани учун сановчини қайтариш, шубҳа йўқки, ортиқчадир. Бироқ «икки» мантиқий урғу олганида, таъкид талаби билан айтилиши мумкин.

3. Учдан ўнгача бўлган сонлар саналмишнинг бирликдаги жинсига тескари жинсда қўйилади. Саналмишлар эса сановчидан орқага, кўпликда, ноаниқ шаклда ва қаратқичда қўйилади:

عمل خمسە бешта ишчи                      خمس عاملات бешта ишчи аёл  
 عشرة بيوت ўнта уй                              عشر غرف ўнта хона

3 дан 10 гача бўлган саноқ сонларни синтактик расмийлаштиришнинг яна бир кенг тарқалган тури мавжуд. Унда саналмиш кўпликда ва **من** (мин) кўмакчисидан орқада жойлаштирилади. Сановчи эса олдида ва саналмишнинг жинсига тескари жинсда қўйилади:

اربعة من الطلاب тўртта толиб, толибларнинг тўрттаси  
 ثمان من الطالبات саккизта толиба, толибаларнинг саккизтаси

Гапда бажарган вазифасига тааллуқли равишда, саноқ сон турли келишик қўшимчаларини қабул қилади; бу ҳолда саналмиш ўзгаришсиз қолади. Маълум гап бўлаги вазифасини бажарган алоҳида саноқ сон аниқлик артиклига эга бўлиши ҳам мумкин:

هذا الرقم هو الخمس      Бу рақам — «беш»дир.

#### СОДДА ТАРТИБ СОНЛАР

Биринчи ўнликка кирувчи тартиб сонлар **فاعل** (фа'илун) қолипидадир. Бундан «биринчи» тартиб сони мустасно, у алоҳида ўзақдан ясалади. Шунингдек, «олтинчи» тартиб сонининг ўзаги ҳам маълум фонетик ўзгаришларга учрайди:

Тартиб сон	Жинс	
	муаннас	музаккар
биринчи	اولي (ула)	اول (аввалу)
иккинчи	ثانية (с:а.нийатун)	ثان (с:а.нин)
учинчи	ثالثة (с:а.лис:атун)	ثالث (с:а.лис:ун)
тўртинчи	رابعة (ра.би'атун)	رابع (ра.би'ун)
бешинчи	خامسة (ха.мис:атун)	خامس (ха.мисун)
олтинчи	سادسة (са.дис:атун)	سادس (са.дисун)
еттинчи	سابعة (са.би'атун)	سابع (са.би'ун)
саккизинчи	ثامنة (с:а.минатун)	ثامن (с:а.минун)
тўққизинчи	تاسعة (та.си'атун)	تاسع (та.си'ун)
ўнинчи	عاشرة (а.ширатун)	عاشر (а.ширун)

Тартиб сонлар гапда мослашган аниқловчи бўлиб келади. Шунга кўра, улар тартибланаётган сондан кейин қўйилади ва у билан ҳолат, жинс ва келишиқда бизга маълум қойдалар асосида мослашади:

صف اول، الصف الاول      биринчи курс  
غرفة رابعة، الغرفة الرابعة      тўртинчи хона

### ليس ФЕЪЛИ

ليس (лайса) феъли бўлишсизлик маъносини англатади. Уни ўзбекчага «йўқ», «эмас» лар воситаси билан ўтгириш тавсия этилади. У фақат ўтган замон шаклигагина эга:

Шахс	Жинс	Грамматик сон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	لسنا (ласна.)	—	لست (ласту)
2	музак.	لستم (ластум)	لستما (ластума.)	لست (ласта)
	муан.	لستن (ластунна)		لست (ласти)
3	музак.	ليسوا (лайсу.)	ليسا (лайса.)	ليس (лайса)
	муан.	لسن (ласна)	ليستا (лайсата.)	ليست (лайсат)

Мазкур феъл, ўз шаклига зид равишда, ҳозирги-келаси замон мазмунини англатади:

ليسوا فى المكتبة.      Улар кутубхонада йўқлар.

لسنا مهندسين      Биз инженерлар эмасмиз.

ليس феъли ҳам كان феълидек, икки вазифани бажаради:

1) у тўлиқ мазмунни ифодалаганда, гаптаги кесим вазифасини ўтайди:

ليس فى الكلية المتأخرون      Бу факультетда қолоқлар йўқ.

لسنا فى المتحف بل فى المعرض.      Биз музейда эмас, балки кўргазмадамиз.

2) у тўлиқсиз мазмунни ифодалаганда, мураккаб кесимнинг феълий бўлагини ташкил қилади. Шунингдек, гапта у ўзидан сўнг тушум келишигидаги исмий бўлак келишини талаб қилади. Мазкур исмий бўлак ноаниқ ҳолатда бўлади:

ليس هذا الطالب مريضاً. Бу тоғиб бемор эмас.  
هؤلاء العاملات لسن نشيطات. Бу ишчи аёллар фаол эмаслар.

Исмий бўлакни و (би-) кўмакчиси бошқарувидаги бирикма билан алмаштириши мумкин:

ليس هذا الطالب مريض، هؤلاء العاملات لسن بنشيطات.

#### КЎП УЧРАЙДИГАН СЎЗ ВА БИРИКМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛАРИ

1. عدة (‘иддатун) «бир неча» сўзи ўздан кейин келаётган ва миқдорига ишора қилинаётган отнинг ноаниқ шаклда, кўпликда ва қаратқич келишигида келишини талаб қилади:

بىر نەچە كىتوب عدة كتب

2. عبارة (‘ибаратун) «иборат» ва مؤلف (му’аллафун) «тузилган» сўзлари ўзаро синонимлардир;

а) عبارة сўздан кейин عن (‘ан) кўмакчиси талаб қилинади:

بىزنىڭ كۋارتىرامىز بىر نەچە شقتنا عبارة عن عدة غرف.   
 хонадан иборатдир.

б) مؤلف сўзи эса фақат من (мин) кўмакчисида олдингина ишлатилади. Бундан ташқари, талқин қилинаётган сўз аслида сифатдош; у жинс, ҳолат ва прагматик сонда шакл ўзгартириши мумкин:

تۈرت خونا، بىر زال و اوشخونادان   
 البيت المؤلف من اربعة غرف   
 و صالة و مطبخ هنا.   
 иборат уй бу ердадир.

3. حاجة (х.а.жатун) «ҳожат, зарурият» сўзи оғзаки адабий араб тилида жуда кенг муомалададир. У икки кўмакчи билан қўлланилади (ب... الى):

انا بحاجة اليك منذ الصباح.   
 المرشح بحاجة الى اصوات   
 المنتخبين.   
 Эрталабдан буён менга кераксан.   
 Номзод сайловчиларнинг овозига муҳтождир.

4. مزود (музаввадун) сифатдоши و (би-) кўмакчиси билан келганда, «таъминланган» мазмунида қўлланилади. У ўз табиатига кўра, жинс, сон ва ҳолатда шакл ўзгартириши мумкин:

المزرعة التعاونية مزودة بالقوة   
 الانتاجية تماما.   
 بيت الفلاح الاوزبكي مزود   
 باحدث الاثاث.   
 Ҳамоа хўжалиги ишлаб чиқариш   
 қуввати билан буткул таъмин-   
 ланган.   
 Ўзбек деҳқонининг уйи янги жи-   
 ҳозлар билан таъминланган.

5. بعض (ба'дун) «баъзи» такрор ишлатилганда, «бир-бири» эф-фектига эришилади. Қўлланиш усулига аҳамият беринг:

تسابق الاولاد بعضهم ببعض. Болалар бир-бирлари билан ўзи-шув қилишди.  
نبحت الكلاب بعضها ببعض. Итлар бир-бирларига узоқ фурсат ақиллаб туришди.

6. Араб тилида инверсия ҳолатларини жуда кўп учратиш мумкин:

قدمنا تجاه قرية غير معروفة لنا. Бизга нотаниш қишлоқ томон қадам олдик.

Юқоридаги таъдаги تجاه (тужа.ҳа) «...га қараб», «...га томон»-сўзи аслида «وجه» ўзагидандир. Яна бир мисол:

استلمنا من اجدادنا تراثا ضخما. Ўтмишдошларимиздан улкан ме-рос олдик.

تراث (тура.с:ун) «мерос» сўзи аслида «ورث» ўзагидандир.

7. والى آخر ... қисқартмаси (ва'ила. 'а.ҳари...) «ва бош-қалар; ва б.қалар» тарзида ўқилади. Бунда юқоридаги уч нуқта ўрнига муқояса этилаётган исмга мос келувчи бирикма олмош қўйиб ўқиниш унитмаслик керак:

فى مكتبتنا مجلات علمية فى اللغات الاوزبكية و العربية و الفارسية و آخ. Кутубхонамизда ўзбек, араб, форс ва бошқа тиллардаги илмий жур-наллар бор.

Бу ўринда الى آخرها тарзида ўқиниш керак.

جمع مهرجان الشبيبة مندوبى العمال و الفلاحين و الحرفيين و الطلاب و آخ. Ёшлар анжумани ишчи, деҳқон, ҳунарманд, толиб ва бошқалар-нинг вакиллари тўплади.

Бу ўринда الى اخرهم тарзида ўқиниш керак.

Шунингдек, الخ мазмунида هكذا (ҳа.каз;а.) ва كذلك (ка-з;а.лика) лардан ҳам фойдаланиш мумкин.

### САЛОМЛАШУВ ВА ХАЙРЛАШУВНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Илтифот кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ўзига хос муҳим шакли бўлиб арабларда жуда хилма-хил ва кенг қўлланилади.

Саломлашувнинг жуда кенг тарқалган шакли мана бу: السلام  
وعليكم السلام Унга жавоб қуйидагича:

Бу бирикмалардан кеча-кундузнинг исталган пайтида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, христиан арабларида худди шу мазмунда **السلامات** ('ас-сала.ма.ту) «саломлар (бўлсин)!» қўлланилади. Унинг жавоби: **سعيدا** (са'и.дан) «бахтли (бўлинг)!»

Яна махсус саломлашув турлари мавжуд бўлиб улар кеча-кундузнинг айрим пайтларида фойдаланиш имкониятлари билан чегараланган.

- |               |                       |                                 |
|---------------|-----------------------|---------------------------------|
| а) эрталабки: | <b>صباح الخير.</b>    | Хайрли тонг!                    |
| жавоби:       | <b>صباح النور.</b>    | Тонгингиз нурли бўлсин!         |
| б) кундузги:  | <b>نهاركم سعيد.</b>   | Кунингиз бахтли бўлсин!         |
| жавоби:       | <b>نهاركم مبارك.</b>  | Кунингиз муборак бўлсин!        |
| в) оқшомги:   | <b>مساء الخير.</b>    | Хайрли оқшом!                   |
| жавоби:       | <b>مساء النور.</b>    | Оқшомингиз нурли бўлсин!        |
| г) тунги:     | <b>ليلة سعيدة</b>     | Тунингиз бахтли бўлсин!         |
| жавоби:       | <b>وانت من اهلهم.</b> | Сен ҳам ўша (бахтли)лардан бўл! |

Хайрлашув икки мазмунга алоқадор:

а) қайта учрашув аниқ ёки эҳтимолдан холи бўлмаганда:

**مع السلامة.** Саломат қолинг!  
**الى اللقاء (او الى الملتقى).** Учрашгунча хайр!

б) яна учрашув эҳтимоли йўқ ёки фараз қилинмаганда:

**الوداع، وداعا!** Алвудо!

Жавоби ҳам айни шу тарзда бўлади.

### Биринчи матн

سوف اذهب الى المحطة و ساركب على الترام السابع و سانزل بعد اربع محطات عند عمارة عظمى لعشرة طوابق. كلية اللغات لمعهدنا واقعة في هذه العمارة. قسمنا العربي في الطابق الخامس. اما القسمان الفارسي و الهندي فهما واقعان في الطابق السادس. ثلاثة اقسام اخرى واقعة كمايلي: القسم الصيني في الطابق الثامن و القسم الافغانى في الطابق التاسع و القسم التركي في الطابق الاعلى و هي العاشر. اما الطوابق السفلى ففيها كراسى مختلفة لكليتنا. كرسينا واقع في غرفة صغيرة في العمارة. اما غرفة التدريس لنا اكبر الغرف و افخمها. لهذه الغرفة اربع نوافذ كبيرة. اما لغرفة كرسينا فنافتان صغيرتان فقط.

طلاب قسمنا انشط و الطالبات نشطيات.

136-машқ. Қуйидаги саволларга келаси замон феъл шаклларидан фойдаланиб жавоб беринг:

الى اين ستذهب؟ استركب على الترام؟ اين سوف تنزل؟ اين واقع  
معهدكم؟ اين واقعة كليتكم؟ اين واقع قسمكم؟ اين واقع صفكم؟ كم  
نافذة لغرفة تدریس صفكم؟ لاية غرفة نافذتان فقط؟ الهذہ العمارة  
غرفة بثلاث نوافذ؟

137-машқ. Келаси замонда тусланг:

(и) نزل, (у) درس, (а) بحث, (у) خرج

138-машқ. Таржима қилинг:

Дўстим Шухрат институтимизнинг шарқ тарихи бўлимида ўқийди. У энг кичик бўлимдир. Шарқ тарихи бўлимининг толиблари ҳинд бўлимидагидан озоқдир. Шарқ тарихи бўлими қўшни бинонинг биринчи ва иккинчи қаватида жойлашган. Шарқ тарихи кафедрасининг мудири машҳур олимдир.

139-машқ. Келаси замон феълларини алоҳида ажратиб дафтарингизга кўчиринг ва барча шаклларда тусланг:

سأذهب الى السينما مع الرفيق رستم. سوف تكتب رسالة الى  
اخيهما عبدالحافظ باللغة العربية. سوف تقرأ الطالبات قصص الكاتبة  
المشهور الاوزبكي. سيبحث العميد مع مديري الكرسيين عن مسائل  
مهمة. سوف نسمع محاضرة الاستاذ المعروف عن الحالة السياسية و  
الاقتصادية و الاجتماعية في البلدان العربية.

140-машқ. Ўтган замон феълларини келаси замонга айлантириб ўқинг ва таржима қилинг:

دخل المعلم الشقة. ذهبوا الى حديقة النباتات. كان عند الباب  
حارسان. كتبت مكاتيب الى رفيقاتهن. قرأنا جريدة جديدة. دخلنا  
المدرسة الابتدائية الواقعة في حينا و رأينا مدرستا العجوز.

141-машқ. Арабчага ўғиринг:

1) тўртта китоб, бешта журнал, учта қалам, саккизта чизғич, ўнта стол, олтида дафтар, еттита шаҳар

2) биринчи ўқитувчи, бешинчи синф, тўққизинчи ўтиргич, тўрттинчи хона, етинчи уй, иккинчи эшик, саккизинчи эшик

142-машқ. Инкор шакллар ясанг ва шарҳланг:

سيخرجن، سوف تدخلون، ساجلس، سوف يكتبان، سوف يركب

143-машқ. Оғзаки бажаринг: арабчага ўғиринг ва ҳар бйрикма учун биттадан гап айтинг:

катта журнал, энг катта журнал, каттароқ журнал, тез юрар машина, энг тез юрар машина, кучли курашчи, энг кучли курашчи, кучлироқ курашчи.



«Ўзбекистон» газетаси, «Гулистон» журнали, «Эски шаҳар» ошхонаси, Олмос қишлоғи, Фарғона шаҳри, «Олга» маҳалласи.

### Иккинчи матн

السماء اليوم صافية و الجو معتدل. خرجت من غرفتي و ذهبت الى ناحية مركز المدينة سريعا. ساذهب الى المكتبة العمومية لقراءة بعض الكتب الضرورية. هذه المكتبة واقعة في بناية عالية في الساحة المركزية لمدينتنا. في المكتبة عدد من الاقسام كقسم المطالبات وقسم الجذازات و قسم التوضيح و قسم الادب الفنى و قسم الكتب العلمية. اما الكتب القيمة و العتيقة لها قسم خاص.

في المكتبة قاعتان: القاعة الكبيرة للقراء عامة. اما القاعة الصغيرة فهي للباحثين و العلماء. المكتبة غنية بالكتب و المجلات و الجرائد في لغات الشعوب المختلفة شرقا و غربا. في قسم الكتب القيمة و العتيقة مخطوطات و مطبوعات ثمينة في اللغات العربية و الفارسية و الاوزبكية و الخ.

سادخل بعد حين المكتبة و سوف اجلس وراء الطاولة في قسم توزيع الكتب و ساكتب طلبى على الورقة. و بعد هذا ساقصد نحو خادمة قسم التوزيع وهي ستأخذ طلبى. اما انا فسادخل القاعة. و بعد قليل من الزمن سأخذ طلبى من الخادمة و سوف ابدأ في القراءة.

### Бирикма ва иборалар

مخطوطات (مطبوعات)	қўлёзма (босма) китоблар
قسم المطالبات	буюртмалар бўлими
قسم الجذازات	карточкалар бўлими
كتب قيمة و عتيقة	қимматбаҳо ва нодир китоблар
قاعة للقراء	ўқув зали
قاعة للباحثين و العلماء	илмий ходимлар ва олимлар зали
قسم التوزيع	тарқатиш бўлими
حديقة النباتات	ботаника боғи
«الى الامام»	олға!

145-машқ. Арабчага ўғиринг ва ёд олинг:

оммавий кутубхона, илмий китоблар бўлими, нафис адабиёт бўлими, карточкалар бўлими, ўқув зали, ноёб (нодир) китоблар бўлими, қўлёзмалар бўлими, китоблар тарқатиш бўлими

146-машқ. Оғзаки таржима қилинг:

Кутубхонада учта зал бор. Дорулфунуннинг оммавий кутубхонаси шаҳардаги кутубхоналарнинг энг катталаридадир. Унинг заллари жуда кенгдир. Нодир китоблар ўқиш учун махсус зал бор. Мен кутубхонага арабча қўлёзмаларни ўқиш учун бораман.

147-машқ. Дарсхонада таҳлил қилинг:

١ - طلاب القسم العربي بحاجة الى الحديث بعضهم ببعض فى اللغة العربية. ٢ - تجاه دار الاوبرا فى شارع نوائى فندق جديد ضخم. ٣ - عرف التلامذة اول مرة عن هذا التراث الشعبى القديم وقت زيارة المتحف.

148-машқ. Феълларни келаси замон шаклларида тусланг, сўнг чапдаги сўزلардан фойдаланиб бешта гап тузинг:

دخل، ذهب، خرج || خادم، كتاب، مكتبة، قاعة،  
طلب، قصد، سأل || مركز المدينة، قسم الجذاذات

149-машқ. «Бизнинг кутубхонамиз» мавзусида уй ишоси ёзинг.

150-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

ادب المرء افضل من ذهبه.  
العلم اقوى اساس و افضل لباس.

### СЎЗЛИК

غنى	(ғаныйун) бой	مرء	(мар'ун) эр, йигит
اسفل	(асфалу) энг паст	اعلى	(а'ла.) энг юқори
افخم	(афхаму) энг улугвор	بحاث	(бах.х.а.с:ун) қидирувчи
بلدان	(булда.нун) ўлкалар	حي	(х.аййун) квартал
رفع	(рафа'а) (а) кўтармоқ	توزيع	(тавзи.'ун) тарқатиш
طلب	(т.алабун) буюртма	فندق	(финдикун) меҳмонхона
عمومى	(уму.миййун) оммавий	قارى	(қари'ун) ўқувчи
ناحية	(на.х.ийатун) томон	نبات	(наба.тун) ўсимлик
كرسى	(курсиййун) кафедра	نزل	(назала) (и) тушмоқ
طابق	(т.а.биқун) қават	محطة	(мах.ат.т.атун) бекат
مصارع	(мус.а.ри'ун) курашчи	طباخ	(т.абба.хун) ошпаз

МАСДАРЛАР

Араб тилида феъллардан ясалган ҳаракат номлари — масдарлар кенг қўлланади. Масдарлар барча феъл шакллариининг дастлабки ўзаги деб тушунилади.

Масдар, ўзи ифодалаган мазмунга кўра, иш-ҳаракатнинг мавҳум (абстракт) номини атайди. Масдар билан феълни боғлаб турадиган ягона умумийлик — мазмундир. Масдарлар феълларнинг на замон ва на даражасига ишора қилмайди, уларни атайди холос. Бошқача айтганда, масдарлар иш-ҳаракатни ҳар қандай замон ва бажарувчидан холи равишда англатади. Масдарларнинг ўзларига хос хусусияти шуки, улар ҳам худди феъллар каби ўтимлик ва ўтимсизликни англатиши, тушум келишиги кўмакчили қаратқич келишиги ёрдамида бошқариши мумкин. Масдар шакл нуқтаи назаридан исм. Уни от билан боғлаб турувчи қатор умумийлик мавжуд; чунончи; масдар —

- а) ҳолатлардан бирида бўлиши мумкин;
- б) келишикларда турланади;
- в) аниқ (конкрет) маъно қабул қилиши мумкин; бу ҳолда масдар отлашади.

Масдарлар феъллардан махсус қолиплар асосида ясалади. Феълларнинг ҳар бир алоҳида боби бир ёки бир неча масдар шаклларига эга.

**БИРИНЧИ БОБ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАСДАРЛАРИ**

Биринчи боб (бош шакл) феълларидан ясаладиган масдарлар жуда хилма-хил. Ҳаммаси бўлиб 47 қолипда масдар ясаш мумкинлиги кузатилган. Ҳар бир алоҳида феълдан бир ёки бир неча турда масдар ясаш мумкин. «Ўқимоқ» мазмунидаги **قرأ** (қара'а) феълдан, масалан, **قراءة** (қира'атун) ўқиш шаклида биргина масдар ясаш мумкин. «Бормоқ» мазмунидаги **ذهب** (з:аҳаба) феълдан эса, **ذهب** (з:иҳа.бун) ва **ذهوب** (з:уҳу.бун) «бориш» шаклларида иккита масдар ясаш мумкин. Ҳар бир феъл махсус шаклига эга, бироқ уларнинг ясалиш шакллари алоҳида қонуниятга бўйсунмайди. Шунга кўра, уларни умумийлаштириш мушкул. Биз қуйида тасниф қонуниятларига маълум даражада бўйсунувчи масдарларни гуруҳлаштираемиз:

Ҳаракат ё ҳолатни ифодаловчи **فعل** (фа'ала) ва **فعل** (фа'ила) турларидаги феъллардан кўпинча **فعل** (фа'лун) қолипда масдар ясалади:

- ضرب** (д.араба) (п) урмоқ — **ضرب** (д.арбун) уриш
- فهم** (фаҳима) (а) англамоқ — **فهم** (фаҳмун) англаш

Ҳаракатларни ифодаловчи **فعل** (фа'ала) туридаги ўтимсиз феъллардан масдар кўпинча **فعل** (фу'улун) қолипида ясалади:

**دخل** (дахала) (у) кирмоқ — **دخول** (духу.лун) кириш

Ҳолатни ифодаловчи **فعل** (фа'ила) туридаги феълларнинг маълум бир қисмидан масдарлар **فعل** (фа'алун) қолипида ясалади:

**حزن** (х.азина) (а) ғам тортмоқ — **حزن** (х.азанун) ғам тортиш  
**مرض** (марид.а) (а) беморланмоқ — **مرض** (марад.ун) беморланиш

Собит ҳолатни ифодаловчи **فعل** (фа'ула) туридаги феъллардан кўпинча масдар **فعولة** (фу'улатун) қолипида ясалади:

**صعب** (с.а'уба) (у) қийин бўлмоқ — **صعوبة** (с.у'у. батун) қийин бўлиш  
**سهل** (саҳула) (у) осон бўлмоқ — **سهولة** (суҳу.латун) осон бўлиш

Ҳажмни ифодаловчи **فعل** (фа'ула) туридаги феъллардан (фи'алун) қолипида масдар ясалади:

**كبير** (кабура) (у) катта бўлмоқ — **كبير** (кибарун) катта бўлиш  
**صغير** (с.ағура) (у) кичик бўлмоқ — **صغير** (с.игарун) кичик бўлиш

Масдарлар таркибида «м»нинг иштирокига қараб ҳам тасниф қилинади:

**جاء** (жа.'а) (и) келмоқ — **مجيئة** (мажи.'атун) келиш  
**سأل** (са'ала) (а) сўрамоқ — **مسألة** (мас'алатун) сўраш

Бу турдаги масдарларни **مصدر ميمي** (мас.дарун ми.миййун) «мимли масдар»лар деб юритилади. Масдар «т»лик ҳам бўлади:

**ذكر** (з.ақара) (у) эсламоқ — **تذكار** (таз.карун) эслаш  
**لقى** (лақйа) (а) учратмоқ — **تلقاء** (тилқа.'ун) учратиш

Масдар қомусларда феълга илова қилиниб ёнига ёзиб қўйилади.

## СИФАТДОШЛАР

Сифатдошлар феъллик ҳамда исмлиқ хусусиятига эга бўлган сўзлардир. Араб тилида сифатдошлар феълларнинг замонларига ҳеч бир ишора қилмайди. Улар фақат даража мазмунинигина ифода-

лайди. Бундай хусусияти билан араб тилидаги сифатдош ҳаракатнинг замонига ишора қиладиган ўзбек тилидаги сифатдошлардан фарқ қилади. Ўзи ифодалаган мазмунга кўра, араб сифатдошлари аниқ ва мажҳул даражага ажратилади. Ҳар бир даража сифатдоши ўз шаклига эга:

Аниқ даража сифатдоши **فاعل** (фа'илун) қолипида ясалади:

جلس (жаласа) (и) ўтирмақ — جالس (жалисун) ўтирувчи  
 دخل (дахала) (у) кирмоқ — داخل (дахилун) кирувчи

Мажҳул даража сифатдоши **مفعول** (маф'улун) қолипида ясалади:

قطع (фатах.а) (а) очмоқ — مفتوح (мафту.х.ун) очилган  
 فتح (қат.а'а) (а) кесмоқ — مقطوع (мақт.у.'ун) кесилган

Феъл предметнинг ҳаракативи ҳукм йўли билан англатса, сифатдош аниқлаш йўли билан англатади. Шунга кўра, сифатдошлар гапда мослашган аниқловчи бўлиб келади. Қиёсланг:

كتب التلميذ. Ўқувчи ёзди (феъл).  
 التلميذ الكاتب ёзаётган ўқувчи (сифатдош)

Бироқ ўз исмий хусусиятларидан келиб чиқиб сифатдошлар гапда исталган бўлак вазифасини бажаради. Сифатдошнинг исмий кесим ёки мураккаб кесимнинг исмий бўлаги вазифасида келиши кўп учрайди. Дастлабки ҳолатда аниқ даража сифатдошини ўзбекчага феълнинг замон шакли билан ўғирган маъқулдир:

هو ذاهب. У борувчидир — у борапти.  
 النص مكتوب. Текст ёзилгандир.  
 كان ابوه ناظرا في هذا المصنع. Унинг отаси бу заводда бошқарувчи эди.

Сифатдошлар ҳар икки даражада ҳам муаннас ҳамда кўплик шаклларига эга. Муаннас шакллар юмалоқ «т» воситасида, кўпликлар эса тўғри ясалади.

## МАКОН ВА ЗАМОН ОТЛАРИ ЯСАШ

Макон ва замон отлари араб тилида махсус шаклга эга. Улар, масалан, биринчи бобдан қуйидаги қолипларда ясалади:

1. **مفعول** (маф'илун) қолипида:

نزل (назала) (п) тушмоқ — منزل (манзилун) тушаржой,  
манзил  
وعد (ва'адә) (и) ваъда — موعد (мав'идун) белгилан-  
ган пайт, муддат

2. مفعّل (маф'алун) қолишида:

عمل ('амила) (а) ишламоқ — معمل (ма'малун) иш жойи,  
корхона; фабрика  
طبخ (табах.а) (а) пиширмоқ — مطبخ (мат.бахун) пишириш  
жойи, ошхона

3. Ҳар икки қолишнинг орқасига юмалоқ «т» орттириб ҳам макон ва замон отлари ясаш мумкин. Бу турдаги отлар доимий ёки ўқтин-ўқтин иш-ҳаракат йўналган ўринга ишора қилади:

كتب (катаба) (у) ёзмоқ — مكتبة (мактабатун) кутубхона  
درس (дараса) (у) ўрганмоқ — مدرسة (мадрасатун) мактаб  
جزر (жазара) (и) суймоқ — مجزرة (мажзиратун) кушхона  
نزل (назала) (п) тушмоқ — منزلة (манзилатун) мартаба

Барча макон ва замон отлари учун бир кўплик қолиши мавжуд. У ҳам бўлса, مفاعل (мафа.'илу) дид:

موقف (мавқифун) тўхтар жой — مواقف (мава.қифу)  
مخرج (махражун) чиқар жой — مخارج (маха.рижу)  
مطبعة (мат.ба'атун) босмахона — مطابع (мат.а.би'у)

## МУРАККАБ САНОҚ СОНЛАР

### II дан 99 гача

II дан 99 гача бўлган саноқ сонлар عشر ('ашрун) «ўн» ва бирликлар йигиндиси бўлиб таркибланиш қоидаси қўйилганда:

а) мақеъда — бирлик ўнликдан олдинга қўйилади;

б) жинсда — бирликлар саналмишнингга тескари, ўнлик мос қўйилади; 11 ва 12 ифодалари бундан мустасно — жинсда мувофиқлашув уларда тўлиқ бўлади;

в) таркибнинг ҳар икки бўлаги тушум келишигида, бироқ тавинсиз қўйилади; 12 ифодаси бундан мустасно — унинг таркибидagi «2» бош келишикда қўйилади ва у қаралмиш мақеъни эгаллайди;

г) бу мураккаб таркибли сонлар келишикларда турланмайди ва ўзгаришсиз қолади; 12 ифодаси бундан мустасно — у келишикларда шакл ўзгартириши мумкин;

д) маскур сон бирикмалари гапда ягона таркиб сифатида талқин қилинади.

Рақам	Сон	Талаффузи ва ёзилиши	
		муаннас	музаққар
۱۱	ўн бир	احدى (их.да.'ашрата) عشرة	احد (ах.да.'ашара) عشر
۱۲	ўн икки	اثنان (ис.ната. ») عشرة	اثنان (ис.на ») عشر
۱۳	ўн уч	ثلاث (с:ала.с:а ») عشرة	ثلاثة (с:ала.с:ата ») عشر
۱۴	ўн тўрт	اربع (арба'а ») عشرة	اربعة (арба'ата ») عشر
۱۵	ўн беш	خمس (хамса ») عشرة	خمسة (хамсата ») عشر
۱۶	ўн олти	ست (ситта ») عشرة	ستة (ситтата ») عشر
۱۷	ўн етти	سبع (саб'а ») عشرة	سبعة (саб'ата ») عشر
۱۸	ўн саккиз	ثمانى (с:ама.нийа ») عشرة	ثمانية (с:ама.нийата ») عشر
۱۹	ўн тўққиз	تسع (тис'а ») عشرة	تسعة (тис'ата ») عشر

Ўнликлар бирликлар ифодасига **ون** (-у.на) қўнлик қўшимчаси орттириб ясалади. Бунда «20» ва «80» ларнинг ифодалари жузъий ўзгаришларга учрайди: «20» ўзгачароқ талаффуз қилинувчи «ўн» ифодасидан ясалса, «80» таркибига кىрувчи «саккиз» рақами ифодаси охиридаги иллатли ҳарфий бирикма бутунлай тушиб қолади:

عشرون (ишру.на) йигирма	ستون (ситту.на) олтиш
ثلاثون (с:ала.с:у.на) ўттиз	سبعون (саб'у.на) еттиш
اربعون (арба'у.на) қирқ	ثمانون (с:ама.у.на) саксон
خمسون (хамсу.на) эллик	تسعون (тис'у.на) тўқсон

Барча ўнликлар жинсда ўзгармайди. Улар қондага мувофиқ келишикларда шакл ўзгартириши, аниқлик артигли қабул қилиши мумкин.

21 дан 99 гача бўлган мураккаб сонлар олдинда турувчи бирликларнинг орқадаги ўнликларга «ва» боғловчаси ёрдамида бири-

куви орқали ясалади. Таркибидаги «бир» ва «икки» ифодалари саналмишнинг жинсига мос, қолганлари тескари жинсда қўйилади:

Рақам	Сонлар	Талаффузи ва ёзилиши	
		муаннас	музаккар
۲۱	йигирма бир	واحدة (احدى) و عشرون (ва.х.идатун ('их.да.) ва 'ишру.на)	واحد (احد) و عشرون (ва.х.идун ('ах.адун) ва 'ишру.на)
۲۲	йигирма икки	اثنان و عشرون ('ис:ната.ни ва 'ишру.на)	اثنان و عشرون ('ис:на.ни ва 'ишру.на)
۲۳	йигирма уч	ثلاث و عشرون (с:ала.с:ун ва 'ишру.на)	ثلاثة و عشرون (с:ла.с:атун ва 'ишру.на)
۹۸	тўқсон саккиз	ثمان و تسعون (с:ама.нин ва тис'у.на)	ثمانية و تسعون (с:амма.нийатун ва тис'у.на)
۹۹	тўқсон тўққиз	تسع و تسعون (тис'ун ва тис'у.на)	تسعة و تسعون (тис'атун ва тис'у.на)

21—99 сонлари келишикларда турланади. Бунда таркибнинг ҳар бир қисми алоҳида равишда келишик қўшимчалари қабул қи-  
лади.

11-99 саноқ сонларидан кейин саналмиш ноаниқ шаклда, тушум келишигида ва бирликда қўйилади:

احد عشر كتابا	ўн битта китоб
ثلاثة و ثلاثون دفترا	ўттиз учта дафтар
ثمانية و تسعون طالبا	тўқсон саккизта толиб
تسع و تسعون طالبة	тўқсон тўққизта толиба

Бу саноқ сонлар, барча исмлар каби аниқлик артиклига эга бўли-  
ши мумкин. У ҳолда сонлар саналмиш билан таркибни ташкил  
қилмай, гапда алоҳида келади:

الواحد والعشرون رقم ينقسم «Йигирма бир» сони учта тенгбў-  
الى ثلاثة اجزاء متساوية. лакка бўлинувчи рақамдир.

## МУРАККАБ ТАРТИБ СОНЛАР

(11-дан 99-гача)

11-дан 99-гача бўлган тартиб сонларни ясашда қуйидагиларга амал қилинади: бирликлар тартиб қолишда қўйилади; ўнликлар эса ўзгаринсиз қолади. Шунингдек; 11—19- мураккаб тартиб



сонларининг ҳар икки қисми ҳам танвинсиз тушум келишигида қўйилади; бунда «11-» ифодасининг бирлик компоненти сифатида фақат **حاد** (х.а.-диш) ва **حادية** (х.а. дийатун) иштирок этади:

Тартиб сон	Айтилиши ва ёзилиши	
	муаннас	музаккар
ўн биричи	حادية عشرة (х.а.дийата 'ашрата)	حادى عشر (х.а.дийа 'ашара)
ўн иккинчи	ثانية عشرة (с:а.нийата 'ашрата)	ثانى عشر (с:а.нийа 'ашара)
ўн учинчи	ثالثة عشرة (с:а.лис:ата 'ашрата)	ثالث عشر (с:а.лис:а 'ашара)
ўн тўққизинчи	تاسعة عشرة (та.си'ата 'ашрата)	تاسع عشر (та.си'а 'ашара)

11—19-мураккаб тартиб сонлари тартибланмиш билан ҳолатда бирлик қисм ҳисобига мослашса, жинсдаги мослашувда унинг ҳар икки компоненти ҳам иштирок этади:

ўн бешинчи уй بيت حادى عشر، البيت الحادى عشر  
ўн тўққизинчи хона غرفة تاسعة عشرة، الغرفة التاسعة عشرة

Маъкур сонлар бирикмалари келишикларда собит қолади; тартибланмиш эса гапдаги вазифасига қараб турли келишикларда бўла олади.

Соф ўвликлардан ифодаланган тартиб сонлар тартиб қолишини қабул қилмайди, жинсларда ҳам ўзгаришсиз қолади. Бундай тартиб сон фақат ҳолатдагина ўзгаради:

ўттинчи йил سنة ثلاثون، السنة الثلاثون  
йигирманчи кун يوم عشرون، اليوم العشرون

21—99-тартиб сонларида ўзаро боғланиш «ва» боғловчиси ёрдамида бўлади. Улар жинсда фақат бирлиги ҳисобига мослашади, келишик ва ҳолатда эса тўлиқ мослашувга эгадир:

қирқ олтинчи дарс درس سادس و اربعون

مازكۇر فەئلى ھۆزىرگى-كەلەسى زاموندا قۇيىلداغىچە تۇسلاندى:

شەخس	جەنس	گرامماتىك سەن		
		كۆپلىك	ئىككىلىك	بىرلىك
1	ۇمۇمىي	نكون (ئاكۇ.نۇ)	—	اكون (ئاكۇ.نۇ)
2	مۇزەك.	تكونون (تاكۇ.نۇ.نا)	تكونان (تاكۇ.نا.نى)	تكون (تاكۇ.نۇ)
	مۇئا.م.	تكُن (تاكۇننا)		تكونين (تاكۇ.نى.نا)
3	مۇزەك.	يكونون (ياكۇ.نۇ.نا)	يكونان (ياكۇ.نا.نى)	يكون (ياكۇ.نۇ)
	مۇئا.م.	يكن (ياكۇننا)	تكونان (تاكۇ.نا.نى)	تكون (تاكۇ.نۇ)

كان فەئلىنىڭ ھۆزىرگى-كەلەسى زامون شەكلى اسلىدا يكون (ياكۋۋۇ) تەزىدە تالقىن قىلىناتتى. «نۇ» ئىللاتلى بىرىكمەسى سۈكۈنلى ئۈندۈشكەن ئالدىدا تۇرغاندا مەتاتەزە رۇي بەراتتى: يكون (ياكۋۋۇ). بۇندىن سۈنگۈ سۈكۈنلى ئىللاتلىنىڭ تۇشىپ قەلىشى نەتىجەسىدە مازكۇر بىرىكمە تۈزۈش ئۈنلى «ۋ.»غا ئايلاندى ۋە سۆز شەكلى يكون (ياكۋۋۇ) ئۆزىگە بۆشەلدى.

ئەندى يكن (ياكۇننا) شەكلىنى ئالسا، ۋ اسلىدا يكون (ياكۋۋۇ) ئەدى. ئالۋالە مەتاتەزە ئۆزگەرتىشى «يكون (ياكۋۋۇ)»، سۈنگۈ رەدۇكسىيە يكن «(ياكۇننا)» سەدىر بۆلەدى.

### بىرىنچى ماتن

كان جرجى زىدان بطلا من ابطال الجهد والهمة و النشاط يكتب احسن المقالات و افضل الكتب و اجمل الروايات (المنفلوطى). فعقد الزارع العزم على كتمان السر من الجميع ما عدا زوجته. فسلكا مساء طريق العودة و كانت الريح تصفر بشدة و كان الجو باردا (اسطورة). ما الذ من وقع حوافر القطيع و هوراجع عند الغروب. الموكب صامت: الكرازامة و الراعى خلفه و الكلب يذهب و يرجع بينهما (مارون عبود). تلاميذ المدرسة مشغولون بحفلة عيد الام. مجموع منهم راقص فى الحفلة و مجموع آخر حاضر لخدمة الضيفات المحترمات (الصديق). اخى شاغل فى مصنع الطائرات. اما اختى و هى تعمل فى معمل النسيج الواقع فى مدينتنا.

151-машқ. Ҳзингизга маълум феъллий ўзақлардан олтига масдар ва олтига сифатдош ясанг.

152-машқ. Арабчага ўғиринг. Масдарларнинг тўғри шакл олишига эътибор беринг:

1. Тўғри ўқиш ва ёзишни ўргатиш ҳар бир толибнинг вазифасидир. 2. Хонага кириш манъ қилинган. 3. Ҳқитувчининг талаби билан дарсхонага кирдик ва ўриндиқларга ўтирдик. 4. Бизнинг вазифамиз араб тилини ўрганишдир.

153-машқ. Арабчага ўғиринг. Сифатдошларнинг тўғри шакл олишига аҳамият беринг:

1. Китоб менинг содиқ дўстимдир. 2. Араб тилида ёзилган китоб ва журналларни ўқийман. 3. Бу китобда нималар ҳақида ёзилган? 4. Бу қўлёзма китобнинг (нусха) кўчирувчиси ким? 5. Ҳозир классик мусиқо тингловчилари нодир (камёб)дирлар.

154-машқ. Ҳқинг, макон ва замон отларини ажратиб кўчиринг ва қолипларини топинг:

أكلت فطوري في المطعم الواقع في مغرب المدينة. الخريف هو موسم الفواكه و جمع المحاصيل. نشرت المطبعة كتابا جديدا عن ابي علي بن سينا. رجعنا من المكتبة مساء و دخلنا المقهى. مساحة موطننا من المغرب الى المشرق مسافة كبيرة جدا.

155-машқ. Ушбу масдар ва сифатдошларга мос жумлалар ёзинг:

كتابة، دراسة، طلب، دخول، رجوع، كاتب، طالب، داخل، راجع

156-машқ. Масдарларнинг қолипларини топинг:

نشاط، عرفان، معرفة، شغل

157-машқ. Кўрсатилган қолипларда масдарлар ясанг:

فعل (фа'лун) қолипида:	منع (мана'а) (а) таъқиқламоқ
	نشأ (наша'а) (а) келиб чиқмоқ
فعل (фу'улун) қолипида:	حضر (х.ад.ара) (у) қатнашмоқ
	سر (сарра) (у) хурсанд бўлмоқ
فعلول (фа'алун) қолипида:	كرم (карума) (у) саҳий бўлмоқ
	سرب (сароба) (а) сизгимоқ

158-машқ. Алик ва мажҳул даража сифатдошлари ясанг:

نشأ، نبت، طرد، حضر، سرب،

159-машқ. Қуйидаги ўзақлардан макон ва замон отлари ясанг:

سقط، زرع، رقص، شرب، شهد

160-машқ. Кўплик шакллар ясанг:

مدرسة، مجلس، مقبرة، موقف، موقع

161-машқ. Овоз чиқариб ўқинг, сўнг тушунганларингизни араб тилида сўзлаб бѳринг:

١ - حصل خمسة و ثلاثون تلميذا على شهادات السائقين بأستخدام الآلات الزراعية. ٢ - أقصر اشهر السنة هو شباط و فيه ٢٨ او ٢٩ يوما. ٣ - في هذا الشارع الكبير ٩٩ بيتا. ٤ - درست اليوم في الدرس ١٨ كلمة عربية. ٥ - قرأت من هذا الكتاب المدرسى الدرس ١٥ فقط.

162-машқ. Саноқ сонли мураккаб бирикмаларни арабчага ўғиринг:

11 та журнал, 17 та китоб, 28 та ўчиргич, 32 та чизгич, 44 та дафтар, 50 та портфель, 69 та курси, 74 та стол, 88 та қалам, 97 та уй.

163-машқ. Тартиб сонли мураккаб бирикмаларни арабчага ўғиринг, сўнг ҳар икки ҳолатда дафтарингизга кўчиринг:

12-қалам, 18-китоб, 29-ўчиргич, 33-чизгич, 47-журнал, 51-портфель, 74-стол, 83-дафтар, 98-хона, 98-уй.

164-машқ. 11 дан 30 гача ва 80 дан 99 гача бўлган мураккаб тартиб ва саноқ сонларни дафтарингизга ёзинг. Сўнг уларни ўнг ва тескари тартиб билан ўқиб чиқинг. Машқни яна бир бор такрорланг.

## Иккинчи матн

### لمحة من التاريخ

منذ قديم الزمان سكن اسلاف الشعوب الحديثة - الاوزبكيين والتاجكيين و التركمانيين و غيرهم اراضى آسيا الوسطى العريضة. فقد ظهرت بؤرا الحضارة الزراعية القديمة في الواديين الخصيبين لنهرى سيردرىا و آمودريا لقرون عديدة قبل الميلاد. و عاشت قبائل الرعاة الرحال في السهوب و الاراضى الرملية. و كانت شبكات الرى انجازا بارزا لشعوب آسيا الوسطى. و زرع الفلاحون الحبوب مثل القمح و الدخن و الشعير و النباتات. ولدت صناعة الحرير و زراعة القطن هنا في ازمان قديمة. كانت خضرة الحقول و البساطين تبرز من الرمال الصفراء المحيطة بالواحات المزروعة.

في اواسط الالف الاول قبل الميلاد ظهرت الدول و هي باقتريا و سوغديان و خوارزم و ظهرت مكان البلدات العشائرية القديمة مدن كبيرة: مراكنده (سمرقند) و باقتريا و مرو (مارى). كانت مصنوعات آسيا الوسطى من الصوف و القطن و الفخار و الحديد.

كانت شعوب آسيا الوسطى طوال القرون السادس و الرابع قبل الميلاد تناضل من اجل استقلالها ضد جيوش ملوك الفرس و الاسكندر المقدونى.

## Бирикма ва иборалар

منذ قديم الزمان	қадимги замонда
بؤر الحضارة	маданият ўчоғи
آسيا الوسطى	Ўрта Осиё
شبهات الرى	суғориш тармоқлари
واحات مزروعة	гуркираган воҳалар
عقد العزم	қатъий қарор қилмоқ
ما الذ من	...дан кўра лаззатлироқ нарса
حفلة عيد الام	оналар байрами тантанаси
انوار الشمسى	қуёш нурлари

165-машқ. Матн асосида ёзма жавоб беринг:

متى ظهرت الدول فى اراضى آسيا الوسطى؟ ماهى الدول؟ هل تعرف اسماء المدن الكبيرة الظاهرة على مكان العشائرية؟ ماهى المصنوعات لآسيا الوسطى فى القديم؟ سمّ مما صنعوا المصنوعات فى القديم؟

166-машқ. Ўвгдан эга ва сўлдан кесим таълаб бешта гап тузинг:

حبوب، قبيلة، راع || مزرعة، مساحة، اوزبيك  
حقل، خضرة، برز || زرع، آسيا الوسطى، صحرا

167-машқ. Ифодали ўқинг:

بلغت حضارة الشعوب فى خوارزم فى العصور القديمة مرحلة عليا فى التطور و تحدث عنها نقوش الجدر العديدة الالوان و رسوم مشاهد الصيد و عشرات التماثيل الفخارية عن الفن البديع. فقد تركها فنانو و نحاتو خوارزم ذلك العصر. كان انشاء الرى قدولد حساب مقاييس الطول و المساحة.

168-машқ. Арабчага ўғвринг:

Қадим замонда ўзбекларнинг аجدод (бобокалон)лари Ўрта Осиёда яшаганлар. Тожиқлар, туркманлар, қирғизлар ва қорақалпоқлар шу ерда ўзбеклар билан қўшни бўлиб яшардилар. Иккита буюк дарё Ўрта Осиёдан оқиб ўтарди. Дарё бўйидаги текисликларда деҳқонлар яшардилар. Атрофдаги саҳрода эса чорвадор кўчманчи қабилалар кўчиб яшарди. Эрамиздан олдинги биринчи мингйилликда кучли Хоразм давлати вужудга келди.

169-машқ. Бирикмаларни арабчага ўғвринг ва ёд олинг:

Ўрта Осиё, гуркираган дала, ҳосилдор ер, майда қабилалар, пахта маҳсулотлари, чорвадорлар қабиласи, суғориш тармоқлари, маданият ўчоғи, кичик воҳалар.

170-машқ. Луғат билан ишлаш. Дарсхонада таржима қилинг:

ذهب الارب يوما مع اسد. وقفنا عند بئر ماء و قال الارب للاسد:  
— رأيت في البئر اسدا غيرك و لايرغب اطاعتك و معه ارب  
غيري.

Нظر الاسد الى البئر و معه ارب. و رأى صورته و صورة الارب  
جنبه. والاسد فكره اسدا آخر و معه ارب آخر. و غضب و رمى نفسه  
الى البئر و غرق.

171-машқ. «Фарғона тарихидан лавҳалар» деган мавзуда уй иншоь  
ёзинг.

172-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

اول العلم هو الصمت ثم السمع ثم العمل.  
آفة العلم نسيان.

### СЎЗЛИК

انجاز	(’инжа.зун) ютуқ	شبكة	(шабакатун) тармоқ
بارز	(ба.ризун) атоқли	صفر	(с.афара) (п) уввос солмоқ
بطل	(бат.алун) ботир	صوف	(с.у.фун) жүн, юнг
جدار	(жида.рун) девор	عاش	(’аша) (и) яшамоқ
بلغ	(балага) (а) етмоқ	عقد	(’уқида) қарорга келтирмоқ
حادث	(х.ади.с:ун) янги	عودة	(’авдатун) қайтиш
حضارة	(х.нд.а.ратун) ма- даният	فن	(фаннун) санъат, техника
دخن	(духнун) оқ жўхори	قطيع	(қат.и.’ун) пода
راحل	(ра.х.илун) кўчманчи	كتمان	(китма.нун) сир тутиш
اسطورة	(’уст.у.ратун) афсона	لمحة	(ламх.атуи) лаҳза, он
برز	(бараза) ажралиб турмоқ	مشهد	(машҳадун) кўриниш
بلدة	(балдатун) шаҳарча	مقياس	(миқйа.сун) ўлчов
تمثال	(тимс:алун) ҳайкал	وقع	(вақ’ун) тушиш
بؤر	(бу’рун) ўчоқ	رى	(раййун) суғориш
حافر	(х.а.фирун) туёқ	سكن	(сакана) (у) яшамоқ
حرير	(х.ари.рун) ипак	زرع	(зара’а) (а) экмоқ
خصب	(хас.ибун) серҳосил	سهب	(сахбун) текислик
راع	(ра.’ин) чўпон	شعير	(ша’и.рун) арпа
رواية	(рива.йатун) роман	صيد	(с.айдун) ов
سلف	(салафун) ўтмишдош		

ظهر (з.аҳара) (а) пайдо бўлмоқ	مرحلة (марх.алатун) давр
عشيرة (‘аши.ратун) уруғ	مصنوعات (мас.ву.‘а.тун) ҳу-нармандчилик маҳ-сулотлари
فخار (фахха.рун) сопол	ولد (валада) (и) яратмоқ
قمح (қамх.ун) бугдой	
كراز (карра.зун) қўчқор	

## Ўн иккинчи дарс

### ФЕЪЛЛАРНИНГ МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ. АНИҚЛИК МАЙЛИ

Майл категорияси, маълумки, феълдан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолат билан объект ўртасидаги алоқанинг реал воқеликка муносабатини кўрсатади. Бу грамматик категория феъл таркибидаги турли формативлар орқали ифодаланади.

Араб тилидаги феълларнинг бешта майли бор: булар — аниқлик, шарт, буйруқ, истак, кучайтирма.

Аниқлик майли ҳаракат ёки ҳолатни бирор замонга боғлиқ реал ҳодиса сифатида кўрсатади. Бошқача айтганда, аниқлик майлида ифодаланган иш-ҳаракат ёки ҳолат ўтган, ҳозирги-келаси ва келгуси замонлардан бирида содир бўлади:

- قرأ الطالب هذا الكتاب. Толиб бу китобни ўқиди.  
 يقرأ الطالب هذا الكتاب. Толиб бу китобни ўқияпти.  
 سوف يقرأ الطالب هذا الكتاب. Толиб бу китобни ўқийди.

Аниқлик майли иш-ҳаракат ёки ҳолатни замонга боғлиқ равишда инкор этиши ҳам мумкин. Бунда ўтган замон феъли шакли олдида ما (ма.) инкор юклагаси, ҳозирги-келаси ва келаси замон феъл шакллари олдида эса لا (ла.) юклагаси келиши талаб этилади.

Аниқлик майли замонга бевосита алоқадор, у феълларнинг шахс шаклларидагина намоён бўлиши мумкин.

### БУЙРУҚ МАЙЛИ

Буйруқ майли шакли араб тилида буйруқ мазмунини ифодалаш учун қўлланилади. Бу майл шакли билан ифодаланган буйруқ мазмуни фақат иккинчи шахсга қаратилган бўлади.

Буйруқ майли шакли аниқлик майлининг ҳозирги-келаси замон шаклидан (иккинчи шахс) ўзакнинг учинчи ундоши ҳаракатини сукунлаш ва олдиндаги шахс кўрсаткичинини васлалик ҳамза билан алмаштириш орқали ясалади. Мазкур васлалик ҳамзанинг қандай ҳаракат олиши феъл ўзагининг ўрта ундоши ҳаракатига боғлиқ бўлади. Агар мазкур ундош дамма билан талаффуз қилинган бўлса, олдиндаги васлалик ҳамза ҳам дамма билан талаффуз қилинади:

تدرس (тадрусу) — تدرس (тадрус) — ادرس (‘удрус) «ўрган!»  
تكتب (тактубу) — تكتب (тактуб) — اكتب (‘уктуб) «ёз!»

Агар феъл ўзагининг ўрта ундоши қолган икки ҳаракат (фатҳа ёки ҳамза) лардан бири билан айтилса, олдиндаги васлалик ҳамза фақат касра олади:

افتح (тафтах.у) — تفتح (тафтах.) — افتح (‘ифтах.) «оч!»  
تنزل (танзилу) — تنزل (танзил) — انزل (‘инзил) «туш!»

Иккинчи шахснинг бошиқа шакллариға қондани татбиқ қилишда қуйидагиларға амал қилинади:

Агар феъл шаклида чўзиқ унлилардан сўнг «нун» турса, сукунлаш ўшанинг тушиб қолишиға тенг бўлади:

تدرسین (тадрусина) — تدرسی (тадруси.) — ادرسی (‘удрусина.)

Кўпликнинг музаккар шаклидан буйруқ ясашда, чунончи, чўзиқ унлидан сўнгги «нун» туширилгач, найқаб олишни жўнлаштириш мақсадида битта қўшимча «алиф» орттирилади. У талаффузда иштирок этмайди:

افتحون (тафтах.у.на) — تفتحو (тафтах.у.) — افتحوا (‘ифтах.у.)  
تكتبون (тактубу.на) — تکتبو (тактубу.) — اکتبوا (‘уктубу.)

Аксинча, «нун» сукунли ундошдан орқада бўлса, ўзгариш содир бўлмайди:

تدرسین (тадрусина) — تدرسن (тадрусна) — ادرسن (‘удрусна)  
تنزلن (танзилна) — تنزلن (танзилна) — انزلن (‘инзилна)

Биз баён қилган буйруқ шакли, айтганимиздек, фақат иккинчи шахсға йўналтирилган. Биринчи ва учинчи шахсларға буйруқ мазмуни тилда ل (ли-) юкламаси ва шарт майли шакли ёрдамда ясалади:

ليكتب (ли-йактуб) ёзсин! لنذهب (ли-наз:ҳаб) борайлик!

Инкор буйруқларнинг барчасини ясашда ҳам буйруқ майли шаклидан эмас, балки шарт майли шаклидан фойдаланилади:

لا تكتب (ла. тактуб) ёзма! لا تفتح (ла. тафтах.) очма!

Булар ҳақида кейинчалик батафсил сўзлаймиз.



عمل ('ампла) (а) «ишламоқ» феълининг буйруқ майлида тусланиши

Жинс	Грамматик соъ		
	кўшлик	иккилик	бирлик
музак.	اعملوا ('и'малу.)	اعملا ('и'мала.)	اعمل ('и'мал)
муан.	اعملن ('и'мална)		اعملى ('и'мали.)

### ҚУРОЛ-АСБОБ ОТЛАРИ ЯСАШ

Қурол-асбоб отлари биринчи боб феъли ўзагидан қуйидаги қо-  
лишларда ясалади:

1. مفعال (миф'алун) қолипида:

فتح (фатаха) (а) очмоқ — مفتاح (мифтах.х.ун) очқич, калит  
غلق (ғалақа) (и) ёпмоқ — مغلاق (мигла.қун) ёпқич, қулф

2. مفعلة (миф'алатун) қолипида:

برد (барада) (у) қир-тишламоқ      مبرد (мибрадун) эгов  
قاد (қа.да) (у) бошқар-моқ      مقود (миқвадун) жилов, юган  
راح (ра.х.а) (у) эсмоқ      مروح (мирвах.ун) елпигич

3. مفعلة (миф'алатун) қолипида:

سطر (сат.ара) (у) чизмоқ      مسطرة (мист.аратун) чизгич  
كنس (канаса) (у) супур-моқ      مكنسة (микнасатун) супурги  
غرق (ғарақа) (а) ботир-моқ      مغرقة (миграқатун) чўмич

Кўшликлар مفعال (миф'алун) қолипидагилардан مفاعيل (ма-  
фа.'илу) ва қолганларидан مفاعل (мафа.'илу) шаклида  
ясалади:

مفتاح — مفايح (мафатих.у) калитлар  
مبرد — مبارد (маба.риду) эговлар  
مكنسة — مكانس (макан.исеу) супургилар

### КАСБ-ХУНАР ОТЛАРИ ЯСАШ

Касб-хунар отлари биринчи боб ўзакларидан فعالة (фи'а-  
латун) қолипида ясалади:

نسج (насажа) (у) тўқимоқ	—	نساجة (ниса.жатун) тўқимачилик
خاط (ха.т.а) (и) тикмоқ	—	خياطة (хийа.т.атун) тикувчилик
فلاح (фалах.а) (а) ишлов бермоқ	—	فلاحة (фила.х.атун) деҳқончилик

Ҳунар ағасини атовчи отлар فعال (фа“а.лун) қолипидадир:

خرط (харат.а) (у) қирмоқ	—	خراط (харра.т.ун) токаръ
نسج (насажа) (у) тўқимоқ	—	نساج (насса.жун) тўқувчи
طار (т.а.ра) (п) учмоқ	—	طيار (т.аййа.рун) учувчи

### МУРАККАБ САНОҚ СОНЛАР

«Юз» мазмуни مائة ёки مئة (иккиси ҳам «ми’атун») сўзи билан ифодаланади. Унинг иккита кўплик шакли бўлиб, дастлабкиси مئات (ми’а.тун) бевосита кўпликдаги «юзлар» маъносини англатса, иккинчиси مئون (ми’у.на) «юзлаб» мазмунида қўлланилади:

وضع على الطاولة عدة مئات خالصة من الفلوس.	У стол устига бир неча юз сўмлик яхлит пул қўйди.
مئون من الطلاب الغدائيين وصلوا الى بناء هذا المصنع الجبار.	Юзлаб фидойи толиблар бу улкан завод қурилишига етиб келдилар.

Мазкур сон юзликлар таркибида шакл ўзгартирмайди ва доим бирлик шаклида ишлатилади.

«Икки юз»нинг ифодаси مئتان (ми’ата.ни) сўзидир.

«Уч юз»дан «тўққиз юз»гача бўлган соф юзликларни ифодалашда бирликлар ва «юз» ифодасидан фойдаланилади. Чунончи, бирликдаги сон қаратқичдаги ва ноаниқ шаклдаги «юз» ифодасидан олдинга ва тескари жиҳда қўйилади. Бу ўзига хос низоф бирлиги қўшма сўз сифатида бирга ёзилиши ҳам мумкин:

مائة ёки ثلاث مائة	ثلاثمئة (с:ала.с:у-ми’атин) уч юз
مائة ёки اربع مائة	اربعمئة (арба’у-ми’атин) тўрт юз
مائة ёки ثمانى مائة	ثمانيمئة (с:ама.ни.-ми’атин) саккиз юз
مائة ёки تسع مائة	تسعمئة (тис’у-ми’атин) тўққиз юз

Бу бирикмаларнинг гаптаги муносабати таркибнинг биринчи қисми келишиқ қўшимчасининг ўзгариши ҳисобига бўлади. Таркибдаги иккинчи қисм собитдир. Шунга қарамай бирикма мураккаб сўздир:

Келишик	Ҳолат	
	ноаниқ	аниқ
Бош	تسعائة (тис'у-ми'атин)	التسعائة ('ат-тис'у-ми'атин)
Қарат.	تسعائة (тис'и-ми'атин)	التسعائة ('ат-тис'и-ми'атин)
Тушум	تسعائة (тис'а-ми'атин)	التسعائة ('ат-тис'а-ми'атин)

«Минг» мазмуни الف ('алифун) сўзи билан ифодаланади. Унинг иккита кўплик шакли бор: бири آلاف ('алафун) бевосита кўпликдаги «минг» мазмунини ифодаласа, иккинчиси الوف (улуфун) «минглаб» маъносидаги абстракт тушунчани англатади. «Икки минг» тушунчаси шакл ёрдамида ифода этилади: الفان ('алфани). «Уч минг»дан «ўн минг»гача бўлган сонлар «минг»нинг кўплик шаклига изофа қилинган birlikлар таркиби билан англатилади:

تسعة آلاف (тис'ату'алафин) тўққиз минг

«Миллион» мазмуни икки шаклда англатилади:

а) сўз билан: مليون (малйунун); кўплиги — ملايين (малайи. ну);

б) тавсифли изофа билан: الف الف ('алфу'алфин) «мингта минглик».

Юзликлар ва мингликлар жинсда ўзгармайди. Бу сонлардан сўнг саналмиш birlik, ноаниқ шакл ва қаратқич келишигида кўйилади:

مائة كتاب (ми'ату кита.бин) юзта китоб  
 مائتا كتاب (ми'ата. кита.бин) икки юзта китоб  
 ستمائة كتاب (ситтуми'ати кита.бин) олти юзта китоб  
 الف كتاب ('алфу кита.бин) мингта китоб

Юзлик ва мингликлар билан birlik ва ўнликлар ҳам келса, саналмишни энг охири сановчи бошқаради:

مائة و ثلاث طاوولات 103 та стол  
 الف و خمسمائة و اربعة عشر كرسي 1514 та курси

Маълумки, мантиқий зарурат бўлмаса, «бир» ёки «икки» сонлари ифодалари ўзлари алоҳида ҳам (биз буни кўргандик), юзлик ва мингликлар билан таркибда ҳам айтилмайди. Мазкур мазмун шакл ёрдамида англатилади.

مائة فلاح و فلاح	101	деҳқон
مائتا فلاحه و فلاحتان	202	деҳқон аёл
الف ليل و ليلة	1001	кеча
الفا ليل و ليلتان	2002	кеча

### МУРАККАБ ТАРТИБ СОНЛАР

(«юзинчи» ва ундан ортиқ)

«Юзинчи» ва ундан ортиқ тартиб сонларнинг ясалиши ҳапузгача ўрганилган тартиб сонлар ясалишидан фарқ қилмайди.

Соф юзлик ва мингликлар махсус тартиб шаклига эга эмас. Бинобарин, саноқ шакллардан тартиб мақсадларида ҳам фойдаланилади. Улар жинсида ўзгармайди, тартибланаётган сўз билан ҳолат ва келишида мослашади ҳамда гада мослашган аниқловчи бўлиб келади:

مائة الصفحة	юзинчи бет	الطن الالف	мингинчи тонна
البيت الخمسة	бешюзинчи уй	الطالب الخمسة	беш мингинчи толиб
		الاف	

Тартиб сонлар таркибида birlik ва ўнликлар бўлса, тартибланувчилар билан мослашув бизга маълум умумий қоидалар асосида бўлади; чунончи:

1001-кеча      الليلة الالف و الاولى  
224-мактаб      المدرسة المائتان و الرابعة و العشرون

### ТЕГИШЛИЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Араб тилида тегишлилик, мансублик, алоқадорлик мазмунлари қуйидаги грамматик усуллар ёрдамида ифода этилади:

Изофа ёрдамида:

كتاب طالب، كتاب الطالب	толибнинг китоби, толибга тегишли китоб.
يسكن صديقى فى غرفة البيت الثامنة.	Дўстим (бу) уйнинг саккизинчи хонасида яшайди.

Кўмакчи воситасида:

а) тегишлилик ва мансублик аниқ (конкрет) бўлганда } (ли-) кўмакчиси воситасида:

كتاب للطالب	ўқитувчининг китоби
الرفيق مسعود مدرس كبير للجامعة	Ўртоқ Масъуд дорулфунуннинг катта ўқитувчисиدير.

б) умуман тегишлилик мазмуни عند ('инда) кўмакчиси билан:

عند التلميذ كتاب عربى. { Уқувчининг арабча китоби бор.  
Уқувчида арабча китоб бор.  
عند الشعب قوة و ايمان. { Халқнинг кучи ва ишончи бор.  
Халқда куч ва ишонч бор.

в) айни лаҳзадаги алоқадорлик مع (ма'а) кўмакчиси билан:

مع الطالب كتاب. Толибнинг (ёнида, ҳозир) китоби бор.  
مع المهندس برجل. Инженернинг (айни лаҳзада) циркули бор.

г) فى (фи.) кўмакчиси воситасида умумий алоқадорлик ва тегишлилик англатилади. Бу усул жонли тилда кенг қўлланилади; мисол:

الحزب الشيوعى فى الاتحاد السوفياتى Совет Иттифоқи Коммунистик партияси.

Тегишлилик мазмунини англатаётган кўмакчилар бирикма олмошлари билан таркибда кенг қўлланилади. Ҳаққонга тегишли мансубликни англатишда كان (кана) феълидан фойдаланилади:

كان له كتاب. Унинг китоби бор эди.  
كان مع الجد اربعة فطائر. Бобонинг тўртта патири бор эди.

### كَم نИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

كَم (кам) «неча? қанча?» сўроқ сўзи ўз мазмуни ва гапдаги вазифасига кўра, сўроқ олмошларига яқин туради. У нарсанинг аниқ сонига ишора қилмагани ҳолда, саноқ ҳақидаги умумий мазмунини ифода қилади. У изоҳи талаб қилинаётган отдан олдинга қўйилади. От эса воаниқ шаклда, бирликда ва тушум келишигида бўлади:

كَم كتابا لك؟ Сенинг қанча китобинг бор?  
كَم طالبا فى القسم العربى؟ Араб бўлимида неча толиб бор?

Ушбу сўроқ сўз кўмакчи билан келса, от муносабат билдирувчи ҳар икки келишининг исталган бирида қўйилиши мумкин:

بكم دينارا هذه البدلة؟  
بكم دينار هذه البدلة؟ } Бу костюм неча динар (туради)?

Сўроқ сўз дарак ёки ундов гап таркибида иштирок этса, у билан синтактик боғланган сўз қаратқич келишигида ва birlikда қўйилади:

كم كريم فى هذه الدنيا؟ Бу дунёда сахийлар саноқсиз!  
لا اعرف كم طالب فى هذه الجامعة؟ Бу дорулфунунда қанча толиб борлигини билмайман.

Муносабатдаги сўзнинг аниқ ҳолатда келиши талаб қилинса, ёки грамматик зарурийлик бўлса, у бош келишиқда қўйилади. Шунингдек, бундай сўз олдинда келиши ҳам мумкин:

كم الساعة؟ ёки Соат неча?  
كم عمرک؟ ёки Ёшнинг нечада?

### Биринчи матн

صديقى العزيز! انهض من سريرك صباحا باكرا. اخرج بعد الرياضة و الفطور من البيت و اركب على الترام و المترو و اذهب الى الجامعة سريعا. قال معلمنا: افتحوا النافذة فيل النوم. نظر الرئيس الى الجمهور و امر على الاثنين: اجلسا على المقعدين و اكتبوا العريضة بيان القضية و ليسكتوا الاخرون. لنفطر اليوم فى مطعم الكلية. لا تدخلوا غرفة الدرس من غير اذن المعلم.

بلغ عدد سكان العالم عام ١٩٥٤ مليارين و ٦٥٥ مليون نسمة موزعة كما يلي: افريقيا - ٢١٤ مليون و اسيا - مليار و ٤٥١ مليون و امريكا الشمالية - ٢٣٢ مليون و امريكا الجنوبية - ١٣١ مليون و اوروبا - ٤٠٧ ملايين و اوقيانيا - ١٤ مليون.

اعرف رجلا و هو عامل فى مصنع السيارات. تلك الجريدة للمهندس. مع من قلم؟ القلم مع الطالب؟ عند الشاعر الهام و عند الموسيقار الحان.

173-машқ. Буйруқ майли шакллари ясанг:

ذهب، جلس، خرج، دخل، رجع

174-машқ. نظر (наз.ара) (у) ва رجع (ража'а) (и) феълларидан биринчи ва учинчи шахсларга буйруқ ясанг.

175-машқ. Қўйидаги феъллардан инкор буйруқ шакллари ясанг:

ركب، نزل، غرق، عرف

176-машқ. Таржима қилинг:

113 та китоб, 342 та журнал, 301 та эшпк, 1018 та ўчирғич, 18964 та дафтар, 20044 та портфель, 204-эшпк, 568-масала, 115893-қалам, 2 миллионинчи тошкентлик, 1991-йил.

177-машқ. Ғўқинг, сонларни турларга ажратиб кўчиринг:

تم خلال سنتي ١٩٨٩ - ١٩٩٠ بنا حوالي ٥ ملايين شقة سكنية في المدن والقرى للاتحاد السوفيتي. خلال عشر سنوات اخيرة اخذ حوالي ١١٠ ملايين مواطن سوفياتي مفاتيح من الشقق السكنية الجديدة.

178-машқ. Касб-ҳунар номлари ясанг, маъноларини белгиланг:

زرع (зара'а) эқмоқ, سبيع (сабах.а) суэмоқ, نجر (нажара) рандаламоқ, حلق (х.алақа) тарашламоқ, دخل (дахала) кирмоқ.

179-машқ. Бирикмаларни таржима қилинг ва ёд олинг:

Деҳқонлар фирқаси, тўқувчининг уйи, ўқитувчининг циркули, ўқувчининг чизғичи, унинг қалами, улар (муан.)нинг дафтарлари, менинг газетам, улар (иккови)нинг икки китоби.

180-машқ. Ҳунар эгаси отлари ясанг:

حرت (канаса) супурмоқ, سطر (саг.ара) ўчирмоқ. كنس (х. а-рас:а) ер ҳайдамоқ, رزق (разақа) ризқ улашмоқ.

181-машқ. Таржима қилинг, كم нинг маънога кўра тўғри шакл олишига аҳамият беринг:

1. Сенинг неча қаламинг бор? 2. Факультетнинг ҳинд бўлимида қанча толиб бор? 3. Кутубхонада неча ўқувчи ўтирибди? 4. Дўкондан неча дафтар олдинг? 5. Бу дорулфунунда ўқиш қандай яхши!

182-машқ. «Юз» дан то «тўққиз юз»гача барча юзликларнинг ҳар бирига бяттадан бирикма ёзинг.

## Иккинчи матн

### الشبيبة في الحرب الوطنية

كانت الشبيبة في سنوات الحرب العالمية القاسية متفانية كل التفانى. في نهاية عام ١٩٤٣ عمل في مؤخرة الفاشست الالمان اكثر من مليون فدائي مسلح. وشكل الشباب نحو ٦٠ بالمائة من مجموعهم. وعمل في صفوف فرق الشبيبة المخصصة للجبهة و العاملة في بناء المصانع والمعامل ملايين من الشبان و الشابات. و درست في مدارس التدريب المهني و مدراس التدريب الحرفي في سنوات الحرب نحو مليون و ٢٥٠ الف عامل و عاملة من الشباب في المجالات الصناعية و في النقل.

كونت الشبيبة القروية فى سنوات الحرب فرق المحصول الوفير وبلغ عددها نحو ٩٦ الف فرقة و بلغ عدد اعضائها مليوناً و ٧١٥ الف زارع و زارعة من فلاحى المزارع الجماعية للشباب.

منحت الحكومة شبيبة جمهوريتى اوكرانيا و بيلاروسيا و المدن موسكو و فولغوغراد و سيفاستوپول و اوديسا اوسمة العلم الاحمر تقديراً لاعمالها البطولية فى سنوات الحرب. حصل ٧ آلاف من المحاربين الشبان على لقب البطل.

### Бирикма ва иборалар

متفان كل التفانى	ўта жонфидо
منح وساما	орден билан мукофотламоқ
وسام العلم الاحمر	Қизил Байроқ ордени
مزرعة تعاونية	жамоа хўжалиги, колхоз
فرقة مخصوصة للجبهة	жабҳа учун махсус отряд
مواطن اوزبكي	Ўзбек ғўқароси (граждани)
شقق سكنية	яшар жойлар
وزن نوعي	солиштирма оғирлик
نصف قطر	радиус
تدور الارض حول محورها	Ер ўз ўқи атрофида айланади.
نتائج بارزة	юқори натижалар

183-ماشқ. Саволларга ёзма жавоб беринг:

كم عاملا درس فى مدارس التدريب الحرفي؟ هل كان بينهم شيان و شابات؟ و فى اى مجال عملوا؟ هل منحت الحكومة الشباب ميداليات ايضا؟ كم من القاتلين حصل على لقب البطل؟

184-ماشқ. Сўзлар йиғиндисидан фойдаланиб гаплар тузинг:

١ - حصل على، مليون، عضو، ٢- مسلح، فدائي، مؤخره، ٣ - كان، شعب، ممثل، ٤ - منح، وسام، اب، ٥ - بلغ، عدد، اعضاء ٦ - شيان، فلاح، عامل

185-ماشқ. Мавзунин давом эттиринг:

١ - درس فى مدارس التدريب المهني لمدينتنا ...  
ب - منحته الحكومة ...

186-ماشқ. Грамматик изоҳланг:

حصل ٣ ملايين و خمسمائة الف عضولفرق الشباب على اوسمة و ميداليات يبلغ عدد سكان اوزبكستان فى بداية سنة ١٩٩٥ حوالى ٢٢ مليون نسمة.



187-машқ. Таржима қилинг:

1. Толийб дўстим! Стулга ўтир ва ўртоқ Иванга хат ёз! 2. Бу мақолани сиз иккинчиз ўқингиз! 3. Бугун ҳайвонот боғига бор-майлик, ботаника боғига борайлик! 4. Эртага соат саккизга факультетга бор! 5. Ўртоқларинг эртага соат тўққизга дорулфунунга боришсин!

188-машқ. Луғат устида ишлаш. Дарсхонада таржима қилинг:

كان البيروني (٩٧٢ - ١٠٤٨) عالما بارزا من خوارزم. قام البيروني بتعيين الوزن النوعي لكثير من المعادن لأول مرة. هو عرف ان الارض تدور حول محورها و تتحرك حول الشمس و بذلك سبق نظرية كوبرنيك. كما عين البيروني نصف قطر الارض الآخر. نتاجات البيروني البارزة فخر و مجد للشعب الاوزبكي الوارث.

189-машқ. Бирикмаларни арабчага ўтиринг ва ёд олинг:

Миллионларча жангчилар, ҳунар ўргатиш мактаби, медаль ва орден билан мукофотлаш, даҳшатли уруш йиллари, жанговар отряд, солиштирма оғирлик, юқори натижа.

190-машқ. Оғзаки таржима қилинг:

Ўзбекистон ёшлари жабҳада қаҳрамон, жабҳа орқасида жонфидо бўлдилар. Ўзбекистон қишлоқларидаги минглаб зарбдор бригадаларга юз минглаб фаол ёшлар кирдилар. Мўл ҳосилли бригадаларни ҳукумат орден ва медаллар билан мукофотлади. Душман орқасидаги партизанлар орасида ўзбек йигитлари ҳам бор эди. Ўзбекистонлик йигитлардан юртаси қаҳрамон бўлди.

191-машқ. «Ўзбекистон ёшлари уруш йилларида» мавзусида ишро ёзинг.

192-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

العلم في الصدر لا في السطر.  
قليل من المرارة افسد كثيرا من الحلاوة

### СУЗЛИК

جبهة (жабҳатун) жабҳа, фронт	مهني (миҳаниййун) меҳнат...п
برجل (баржалун) циркуль	قيادة (қийа.датун) раҳбарлик
متفان (мутафанин) жонфидо	لقب (лақабун) унвон
حوالي (х.ава.лай)...ча	فطور (фут.у.рун) понушта
شبيبة (шаби.батун) ёшлар	تدريب (тадри.бун) ўргатиш
دار (да.ра) (у) айланмоқ	حرفي (х.ирафиййун) ҳунар...п
فطير (фат.и.рун) патиш	رياضة (рийа.д.атун) гимнастика
قضية (қад.ийатун) муаммо	شباب (шаба.бун) ёшлик; ёшлар
مجد (маждун) ғалаба	

كون (кавана) тузмоқ  
 شكل (шаккала) ташкил  
 қилмоқ  
 عين ('аййана) аниқламоқ  
 منح (манаха) (а) тақдир-  
 ламоқ  
 قاس (қасин) ёвуз  
 لحن (лахнун) оҳанг  
 مجال (мажалун) соҳа  
 (мусаллаҳун) қурол-  
 ланган  
 موزع (мувазза'ун) тақсим-  
 ланган

نتاج (нитажун) натижа,  
 ҳосил  
 وافر (ва.фирун) мўл  
 وسال (виса-мун) нишон  
 (орден)  
 مؤخرة (му'аххаратун) орқа  
 موسيقار (му.си.қа.рун) мусиқа-  
 чи  
 نقل (нақлун) улов, транс-  
 порт  
 محور (мих.варун) ўқ  
 قطر (қут.рун) диаметр

## Ўн учинчи дарс

### ТҮРТ УНДОШЛИ ФЕЪЛЛАР

Ўзакда ундошлар сони тўртта бўлган феъллар уч ундошлиларга нисбатан оздир. Улар **فعلل** (фа'лала), **يفعلل** (йуфа'лилу) қолипида деб тушунтирилади:

ترجم (таржама) ўғирмоқ,      زلزل (залзала) қимирлатмоқ  
 таржима қилмоқ

Бундай феъллар бош (биринчи) бобда кўпинча ўтимли мазмунни англатади. Бироқ ўтимсизлари ҳам учраб туради. Ясалиши:

1. Редупликация (қайтариш) усули билан; бунда икки ундошли товуш бирикмаси такрорланади:

ولول (валвала) увламоқ      ككشكش (кашкаша) вишилламоқ

2. Истеъмолдаги исм ундошларини қолип асосида такрорлаш билан:

مسمار (мисма.рун) мих      — مسمر (масмара) қоқмоқ  
 (михши)  
 مدينة (мади.натун) шаҳар      — مدين (мадйана) шаҳарлик  
 бўлмоқ  
 مركز (марказун) марказ      — مركز (марказа) марказлаш-  
 тирмоқ

Бу турдаги тўрт ундошлилар четдан кирган сўзлардан кўп ясалади:

فهرس (фиҳрисун) каталог,      — فهرس (фаҳраса) каталог  
 феҳрист      (фаҳрист) тузмоқ  
 كهربا (қаҳраба.) электр      — كهرب (қаҳраба) электрлаш-  
 тирмоқ

3. Сўз бирикмалари, маталлашиб қолган ибора ва жумлаларни қисқартириш билан; бунда айрим жарангдор ва таъсирли ундошлар такрорланади:

رأس مال (ра'су ма.лия) капи- — رسم (расмала) жамғармоқ  
тал  
مرحبا بكم (марх.абан бикум) — مرحب (марх.аба) «хуш келибсиз» демоқ

4. Уч ундошли ўзакка қўшимча бир ундош орттириш билан; бунда қўшимча бўғиз ундоши исталган ўринга орттирилади:

برك (барака) тиз чўкмоқ — بر كع (барка'а) тиз чўктирмоқ  
زلق (залиқа) сурилмоқ — زحلق (зах.лақа) сурмоқ, судрамоқ  
بهل (баҳала) «оқ» қилмоқ — عهبل ('абҳала) ҳайдаб юбормоқ

### ТҲҲРТ УНДОШЛИ ФЕЪЛЛАРДА ЗАМОН

Тўрт ундошли феълларнинг замон, шахс ва сон кўрсаткичлари уч ундошлиларникидан фарқсиз. Ўтган замон шакллари, масала, феъл охирига шахс қўшимчаларининг бизга маълум усул билан бириктирилиши орқали ясалади: ترجمت (таржамту) «таржима қилдим».

Ҳозирги-келаси замон шакллари ўтган замондан учинчи ундош ҳаракатини касра ўқиш билан ясалади. Охириги ундош қоидага мувофиқ даммали айтилади, биринчи ва иккинчи ундошлар ўзгаришсиз қолади.

ترجم (таржама) «ўғирмоқ» феълнинг ҳозирги-келаси замонда тусланиши

Шахс	Жинс	Грамматик сон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	ترجم (йутар-жиму)	—	ترجم (уларжи-му)
2	музак.	ترجمون (тутар-жиму.на)	ترجمان (тутаржи-мали)	ترجم (тутаржи-му)
	муан.	ترجمن (тутар-жимна)		ترجمين (тутаржи-ми.ва)
3	музак.	يترجمون (йутар-жиму.на)	يترجمان (йутаржи-мали)	يترجم (йутаржи-му)
	муан.	يترجمن (йутар-жимна)	يترجمان (тутаржи-ма.на)	ترجم (тутаржи-му)

Тўрт ундошли феъллар учун буйруқ қолиплари:

فعللوا (фа'лилу.)      فعلل (фа'лилл)  
فعللن (фа'лилна)      فعلا (фа'лила).      فعللى (фа'лилли.)

## ТҮРТ УНДОШЛИ ФЕЪЛЛАРДАН МАСДАР ВА СИФАТДОШЛАР ЯСАШ

Тўрт ундошли феъллардан масдар ва сифатдошлар махсус қолиплар асосида ясалади:

Масдарлар **فعللة** (фа'лалатун) ва **فعلال** (фи'лалун) қолипларида ясалади. Ҳар бир феълдан кўпинча бир, аҳенда эса ҳар икки қолипда ҳам масдар шакллари ясаш мумкин:

ترجم	(таржама) ўғирмоқ	—	ترجمة	(таржаматун) ўғириш	
رفرف	(раффафа) қанот қоқмоқ	—	رفراف	(риффа.фун) қанот қоқиш	
زلزل	(залзала) қимирлатмоқ	—	زلزلة	(залзалатун)	} қимирлатиш
			زلزال	(зилзалун)	

Аниқ даража сифатдошлари **فعلال** (фа'лалун) ёки **مفعلل** (муфа'лилун) қолипларидан бирида, баъзан ҳар иккисиди ҳам ясалади:

ثرت	(с:арс:ара) вайсамоқ	—	ثرتار	(с:арс:арун)	} вайсақи
			مثرثر	(мус:арс:ирун)	
دردش	(дардаша) эзмаланмоқ	—	دردش	(дарда.шун)	} эзма
			مدردش	(мудардишун)	
بردخ	(бардаха) пардозламоқ	—	مبردخ	(мубардихун) пардозловчи	

Мажхул даража сифатдошлари **مفعلل** (муфа'лалун) қолипидадир:

مبردخ	(мубардахун) пардозланган	مترجم	(мутаржамун) ўғирилган
-------	---------------------------	-------	------------------------

## РАВИШ

Равишлар — бошқа сўзлар билан гапдаги алоқада ўзгармайди-ган сўзлардир. Улар иш-ҳаракатнинг белгисини, баъзида белги (сифат, сифатдош)нинг белгисини ифодалайди.

Араб тилида тўлиқ мазмундаги равишлар — ўзгармас сўз шакллари жуда оз. Булар: **هنا** (ҳуна.) бу ерда, **هناك** (ҳуна.ка) анови ерда, **كذا** (каз:а.) шундай, **قط** (қат.т.у) ҳеч қачон, **امس** ('амси) кеча, шунингдек, сўроқ мазмунидаги **كيف** (кайфа) қандай? **متي** (мата.) қачон? **اين** ('айна) қаерда? каби сўзлардир.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб кўмакчи ёрдамида ясалган ҳосилаларни ҳам олиш мумкин: **قايرغا؟** **الى اين؟**, **قاير-дан؟**, **من هنا** бу ердан ва шу кабилар.

Араб тилида жуда кўп исм (от, сифат, сон, сифатдош ва масдар)лар борки, улар турли ҳолатларда бўла туриб, тушум ёки қаратқич келишиги (кўмакчили)да равиш мазмунини ифодалайди. Бошқача айтганда, аслида равиш бўлмаган сўзлар равиш вазифасини бажаради:

от:

يوم (йавмун) кун — يوم (йавмаи) бир кун  
اليوم ('ал-йавма) бугун

сифатдош:

حامل (х.а.милун) кўтарувчи — حاملا (х.амилан) кўтариб  
ماش (ма.шин) пиёда, яёв — ماشيا (ма.шийан) яёв (ланиб)

сифат:

سريع (сари'ун) тез — سرعيا (сари'ан) тезда  
سفاهى (шифа.ҳийун) оғзаки — سفاهىا (шифа.ҳийан) ёддан

сон:

اول ('аввалу) биринчи — اولا ('аввалан) биринчидан  
ثان (с:а.вин) иккинчи — ثانيا (с:а.нийан) қайтадан

масдар:

جد (жиддун) интилиш — جدا (жиддан) жуда, роса  
سرعة (сур'атун) тезлик — بسرعة (би-сур'атин) тезлик билан

Кўриниб турибдики, сўзлар синтактик вазифаларига кўра равиш муайянлиги олган. Морфологик нуқтаи назардан қараганда эса сўзлар қайси туркумдан ясалган бўлса, ўшанга алоқадордир. Соф равишлар ва равиш мазмунидаги сўзлар кесимнинг қайси туркумдан ифодаланганига қараб матнда мазмун касб этади:

قرأت هذه الرواية سرعيا. Мен бу романи тез ўқидим (ҳаракат равиши).  
ذهب الطلاب اليوم الى المكتبة ببطء. Бугун толиблар оммавий кутубхонага аста кетдилар (ҳаракат равиши).  
نظر يميننا و شمالا ضاحكا. У ўнг-у сўлга илжайиб қаради (ҳаракат равиши).

Кўриниб турибдики, феъл-кесим билан битишаётган равиш ёки равиш муайянлиги олган сўз ҳаракатнинг белгисини англатади. Сифат-кесим билан битишувда равиш даражага ишора қилади.

## ҲОЛ

Ҳол ҳаракатнинг амалга ошишидаги турли ҳолатларга ишора қиладиган, ҳаракат-белгини ифодалайдиган гап бўлагидир. Унинг бу вазифаси мақсад, сабаб, ўрин, пайт, ҳолат, миқдор-даража англатиш шаклларида намоён бўлади. Ҳоллар — равишлар, равиш муайянлигидаги сўзлар, тушум ва қаратқичдаги от, сифат, сон, сифатдош ва масдарлардан ясалиши мумкин.

1. Ўрин ҳоли иш-ҳаракатнинг амалга ошишидаги ўрин-макон мазмунига ишора қилади ва «این؟» «қаерда?» ва унинг ҳосилалари «این؟» «қаерга?», «من این؟» «қаердан?» каби сўроқларга жавоб бўлиб келади. Ўрин-макон мазмуни иш-ҳаракатнинг бўлиш ўрни, йўналиш ўрни, бошланиш-чиқиш ўрни кабиларда намоён бўлади:

تقرأ ماهرة كتابا في المكتبة. Моҳира кутубхонада китоб ўқияпти.  
ذهب الاستاذ بخشي الى الجامعة. Устоз Бахши дорулфунунга кетди.

2. Пайт ҳоллари иш-ҳаракатнинг содир бўлиш пайтига ишора қилади. Улар «متى؟» «қачон?» сўроғига жавоб бўлади:

صديقتي انابت رجعت من الشغل. Дугонам Инобат кечки соат олтида ишдан қайтди.  
في الساعة السادسة بعد الظهر. Абду-л-Ҳаббор уйидан эрталаб чиқди ва 15 дақиқадан сўнг дорулфунунга етиб келди.  
خرج عبد الجبار من بيته صباحا و وصل الجامعة بعد ١٥ دقيقة.

3. Равиш ҳоллари иш ҳаракатнинг қандай тарзда содир бўлишига ишора қилади, унинг бажарилиш сифатини аниқлайди. Равиш ҳоли «كيف؟» «қандай?» сўроғига жавоб бўлиб келади:

رجع الطلاب من المدرسة سريعا. Толиблар ўқишдан тез қайтдилар.

ملكت هذه الحرفة تماما. Бу ҳунарни буткул эгалладим.

4. Сабаб ва мақсад ҳоллари иш-ҳаракатнинг содир бўлиши сабаби ва ундан кузатилган мақсадга ишора қилади:

درسته دقيقا تعليما له. Билимдон бўлиши учун роса ўқитдим.

5. Миқдор ҳоллари ҳаракатнинг амалга ошишини миқдор жиҳатидан характерлайди, давом этиш даражасига, такрорланишининг сонига ишора қилади:

قلت له عنه ثلاث مرات. Бу ҳақда унга уч марта айтдим.  
سار طويلا. Узоқ юрди у.

Ҳоллар араб тилида одатда гапнинг бош бўлақларидан ёки ўзлари грамматик боғлиқ бўлган бўлақлардан кейин келади. Бундан пайт ҳоллари мустаснодир. Улар мантиқий уруғнинг нисбий кучига боғлиқ равишда, гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин:

جئت الى الكلية في الساعة التاسعة صباحا. Факультетга эрталаб соат тўққизда келдим.

في السنة الماضية قمنا بالنزهة الى مدينة «نوائى». Ўтган йили Навоий шаҳрига саёҳатга бордик.

قد (қад) юкламаси феъл олдида келади. У асосан ўтган замон феъллари билан қўлланилади. Бунда у тасдиқ мазмунини ифодалайди ва феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг тугалланганлигига ишора қилади. Одатда бу юклама ўзбек тилига алоҳида сўз ё юклама билан таржима қилинмайди, унинг мазмунини англатиш бошқа қўшимча воситалар зиммасига тушади. Бироқ уни «аллақачон» тарзида ўгиришни тавсия этиш мумкин:

قد وصل الى المدينة. У шаҳарга аллақачон тиб келди.  
 قد كتبت المتن على السبورة. Тахтага матнни аллақачон ёзиб бўлдим.

قد га қўшимча равишда ف (фа-) ёки ل (ла-) юкламалари орттириб ҳам қўлланиш мумкин. У ҳолда юкламанинг мазмуни яққоллашади, аниқлик касб этади. Таржимада қўшимча восита талаб этилмайди.

فقد قرأ الطلاب هذه القصة. Толиблар бу қиссани ўқиб бўлдилар.  
 لقد تأخرنا من المحاضرة. Маърузага аллақачон кечикиб бўлдик.

قد юкламаси ҳозирги-келаси замон феъли олдида ҳам келиши мумкин. У ҳолда феъл шакли гумон, ишончсизлик, эҳтимоллик каби модал-чегаралаш каби грамматик вазифани бажаришга киришади:

قد يكتب رسالة الى ابيه. У отасига мактуб ёзса керак.  
 ان الجواد قد يعثر. Тушпор ҳам қоқилади-ку!

#### АЖНАБИЙ СЎЗЛАР АРАБ ЕЗУВИДА

Ажнабий сўзлар баъзан бевосита араблаштирилади, яъни араб фонологиясига мос фонетик шакл ва келишлик қўшимчалари олади:

سوفيات (су.фйа.тун) совет  
 ميداليات (ми.далиийатун) медаль

Бундай сўзлар тўлиқ турланиши ва аниқлик артикли олиниши мумкин. Яна бир мажмуадаги сўзлар, айниқса атоқли отлар, тавин билан таъминланмайди ва қўш келишikli турланишда бўлади:

بترسبورغ (бут.русбу.рғу) Петербург  
 سيمبيرسك (си.мби.рску) Симбирск

Араб фонологиясида мавжуд бўлмаган баъзи товушларни хатга туширишда ёрдамчи воситаларга мурожаат қилинади: а) қўшалок қарфлар билан ёзиш:

اليتش (‘или.чу) Ильич  
تسييتسين (ци.ци.ну) Цицин

б) мавжуд ҳарфларга ёрдамчи вазифалар юклаш:

بطرس (бут.русу) Петр  
بينزا (би.нза.) Пенза

Қуйида баъзи кўп қўлланувчи сўзларнинг арабча ёзилиш шакллари келтирамиз:

اوزبكيستان	Ўзбекистон	سلاف	славянлар
اوكرانيا	Украина	اوديسا	Одесса
ليتفانيا	Литва	طشقند	Тошкент
موسكو	Москва	فرغانة	Фарғона

### Биринчи матн

قد حدث مدرسنا في الدرس الاخير عن دستور جمهورية اوزبكيستان مدة طويلة. يعمل في جمهوريتنا اكثر المهندسين في مجالات مكننة و كهربة الزراعة و تحسين الانتاج. ستحصل القرى خلال الخطة الخمسية الاخيرة ٨٩ الف جرارة و ٤٤ الف من مختلف المكائن و الآلات لاجل مكننة زراعة القطن و ٥٤٠٠ حصادة دراسة و ١٤٦٠ حفارة و بولدوزر و ٣٥٣٠٠ سيارة شاحنة.

فد ترجم هذا المترجم الاوزبكي اكثر قصص الكاتب المشهور العربي المطبوعة في لغتنا. ارضنا تترجرج و تسجل محطات رصد الزلازل في العالم حوالى مليون زلزلة ارضية في كل سنة. طرقت الباب مرتين. هنا عشر علماء معهدنا على ابريق معدنى اثناء الحفريات بالقرب من ويكستان بسمرقند.

193-مانق. Масдарлар ясанг ва маъноларини белгиланг:

فلسف، كهرب، مكنن، هندس

194-مانق. Ҳар икки даража сифатдошлари ясанг ва маъноларини белгиланг.

فلسف، كهرب، مكنن، هندس

195-مانق. Арабчага ўғиринг:

1. Кеч соат 9 да ер икки марта силкинди. 2. Акам ўзбек араб жамиятида таржимон бўлиб ишлайди. 3. Темир — металлдир. 4. Қишлоқларни тўлиқ электрлаштириш Яман Араб Республикаси ҳукуматининг галдаги вазифасидир. 5. Бу толиб география имтиҳонидан муваффақиятли ўтди. 6. Ўқитувчимиз шаҳримиз марказида яшайди.



196-машқ. Қуйидаги равишлардан фойдаланиб 6 та гап тузинг:

هنا، هناك، اين؟ كيف،، قط،

197-машқ. Ҳолларни топинг, гуруҳларга ажратинг:

هي تعمل في المزرعة التعاونية في احدى قري محافظة فرغانة المعروفة. وهي سائقة للمكائن الزراعية. قد جمعت هذه السائقة خلال الموسم الاخير ٣٥٠ طنا من القطن. قد اقتربت ماكنتها من حقل القطن سريعا.

198-машқ. Уч замонда тусланг:

رفر، زحلق، هندس

199-машқ. Оғзаки дарсхона машқи. Ҷавоб беринг, жавобингизни толиблардан бири таржима қилиб турсин:

متى رأيتَه اليوم؟ متى جاءَ صديقك؟ متى ترجع الى البيت من الحفلة؟ كيف تقرأ هذه الطالبة النص الاخير؟ اين كنت يوم الراحة؟ كيف يتكلم هذا الطالب في اللغة العربية؟ اين الجامعة؟ اين الكلية؟

200-машқ. Таржима қилинг:

1. Толиба дорулфунунга эргалаб соат саккизда етиб келди. 2. Анови икки араб инженери тайёрасозлик заводи устахонасини зиёрат қилиб бўлишди. 3. Совет қўшини уруш йилларида фашистларни савалади. 4. Шерзод дарсга аллақачон кечикди. 5. Мен вазифаларни аллақачон ёзиб бўлдим.

201-машқ. Бирикмаларни арабчага ўгиринг ва ёд олинг:

Ўзбек таржимони, тожик ёзувчилари, босма китоб, қўлёзма китоб, хонадон эгаси, тўлиқ икки ҳафта, зилзилаларни кузатиш маркази, қозоқ театри, украин пардозчи, колхозчи йигит.

## Иккинчи матн

في صقيع موسكو

مررت بنهر «موسكو» و رأيت على صفحة النهر الجامد بضعة رجال يجلسون القرفصاء بلا حركة و بين الواحد و الآخر بضعة امتار. فسألت في ذلك سائقي الروسي:

قال: - هم صيادو السمك، يا سيدي!

قلت: - لننزل اليهم و لننظر الى ما يصنعون.

نزلت الى النهر و رأيت احد هم ثقب جليد النهر و فتح فيه ثغرة يعرض الكف و غمس فيه سلكا في طرفه صنارة و اما طرفه الآخر قد

ربطه الصياد يعود على حافتي الثغرة و جلس في مكانه ساكنا جامدا  
و يدها غارقتان في جيوب المعطف.

فهمت ان السمك تحت الجليد. يرى السمك في النهر ثغرة للنور  
و الهواء ويجي هناك فعلق بالصنارة. قلت بروسية ركيكة:

— ماذا تصنع ايها الرفيق «تافاريش»!

قال: — اصيد السمك.

وقفت و انا انظر اليه و الي صنارته العجيبة. بعد هنيهة قلت:

— هل صدت شيئا؟

: — كلا.

كان البرد شديدا و رجعت الى السيارة و ثم الى المنزل و لكن  
الصياد شغل فكري تماما. فخرجت بعد ثلاث ساعات من البيت مرة ثانية  
و رجعت الى حيث تركت رفيقي الصياد. قلت:

— تافاريش! صدت شيئا؟

قال: — كلا.

قلت: — ماذا تفعل اذا؟

قال: — اصيد السمك.

قلت: — متى يجي؟

قال: — سوف يجي السمك.

و رجعت هذه المرة الى غير رجوع و انا معجب من رجل ليس مهما  
له متى يجي السمك و لكنه يعرف انه سيجي.

(خليل تقى الدين، كاتب عربي)

### Бирикма ва иборалар

هر بنهر	дарё олдидан ўтмоқ
يوم الراحة	дам олиш куни
جلس على القرفصا	чўккаламоқ.
اصدت شيئا؟	Бирорта тутдингми?
ثغرة بعرض الكف	кафт кенглигидаги чуқур
على مرورى بهم	уларнинг олдидан ўтганимда
بضعة رجال	бир печа киши
بروسية ركيكة	бузуқ русча лаҳжада
الى غير رجوع	қайтиб келмасликка
جيب معطف	пўстиннинг чўнтаги
مكائن زراعية	қишлоқ хўжалиги
	машиналари
حقل القطن	пахта даласи

202-машқ. «Қуён ови» мавзусида олтига гап тузинг. Гапларда қуйидаги сўзлардан фойдаланинг:

ارنب، صيد، حقل، مزرعة، جبل، بندقية، رشاشة

203-машқ. Бирикмаларни таржима қилинг ва ёд олинг:

Москва изгирини, бири билан иккинчисининг ораси, бир неча метр, музни тешиш, улкан пўстин, қармоққа илинмоқ, чўккаламоқ

204-машқ. Икки ёқлама таржима қилинг:

— Ўтган йили қишда мен Москвага бордим. Ҳаво совуқ эди.  
— ارايت هناك الصيادين على النهر؟

— Ҳа! Мен ҳам араб дўстим каби дарё музи устига тушдим ва балиқ овчилари олдига бордим.

— هل صادوا سمكا في حضورك؟

— Ҳа! Мен улар ҳузурига борганимда улар бир неча балиқ тутган эдилар. Қандай ажойиб!

205-машқ. Таржима қилинг:

Руслар қиш изгиринида жуда қадим замондан балиқ овлайдилар. Улар музни тешиб қармоқ ташлашади. Музлаган дарё ёнидан ўтаётган араб ёзувчиси унда балиқ овловчиларни кўрди. Балиқ овловчилар кучли совуқда ҳаракатсиз, муз устида жимгина ўтирардилар. Муз тагидаги балиқлар нур ва ҳаво йўлагини билади ва унинг олдига келади. Балиқчи олдига келдик ва унга одоб билан салом бердик. У жавоб бермади.

206-машқ. «Анҳорда балиқ ови» мавзусида ишро ёзинг.

207-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

البغل لا تفرعه الجلاجل.  
من افضل العلوم العمل بالمعلوم.

#### СЎЗЛИК

برد (бардун) совуқ	علق ('алиқа) (а) илинмоқ
ترجرج (таражража) титрамоқ	غمس (ғамаса) (и) ботирмоқ
ثغرة (с:уғратун) тешик	مر ب (марра би-) ўтмоқ
جلجل (жулжулун) қўнги-роқча	نحو (наҳ.ва) ...ча
جاء (жа.'а) (и) келмоқ	لباد (лубба.дун) намат
حفارة (х.аффа.ратун) экс-кавагор	جيب (жайбун) чўнтак, кисса
دستور (дусту.рун) конституция	مهم (муҳиммун) муҳим
شاحن (ша.хинун) юклаган; юк ташувчи	سائق (са.'иқун) ҳайдовчи
صنارة (с.унна.рагун) қармоқ	حارة (х.а.ррун) иссиқ

بغل (бағлун) хачир	عود ('у.дун) поя, чўп
ثقب (с:ақаба) (у) тешмоқ	كف (каффун) кафт
جليد (жали.дун) муз	مضى (мад.а) (и) ўтмоқ, вақт
حافة (х.а.ффатун) чекка	نهر (наҳрун) дарё
ربط (рабат.а) (у) боғламоқ	قرع (қара'а) (а) бонгурмоқ; ҳуркитмоқ
رصد (рас.дун) кузатиш	سمك (самақун) балиқ
سائق (са.яқун) шофер	معجب (му'жибун) ажаблан- тирувчи
صقيع (с.ақи'ун) изғирин	عجيب ('ажибун) ажойиб

## Ўн тўртинчи дарс

### ФЕЪЛ БОБЛАРИ ҲАҚИДА

Биз ҳозиргача ўрганаётган феъллар асосан бирламчи бўлиб, ҳар бири алоҳида маъно англатиши ва айрим қўлланиши устига яна ҳосилалар — қариндош негизлар ясаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан уларни туб ёки бирламчи (биринчи) боб феъллари деб аташ мантиқан тўғридир. Ҳосилалар ясашда аффиксация усулидан кенг ва ўзига хос фойдаланилади. Бундан ташқари яна фонологик воситалар ҳам мавжуд:

1. Ўзакни ўстириш йўли билан:

а) ўзакнинг бирор унлиси чўзиб талаффуз қилинади:

كتب (катаба) ёзмоқ	—	كاتب (ка.таба) ёзишмоқ
سبق (субиқа) ошиб ўтил- моқ	—	سوبق (су.биқа) мусобақала- шилмоқ

б) ўзакнинг бирор ундоши иккилантирилади:

درس (дараса) ўрганмоқ	—	درس (дарраса) ўргатмоқ
زرق (зариқа) кўк бўлмоқ	—	ازرق ('израққа) кўкармоқ

2. Ўзакка қўшимчалар орттириш йўли билан:

كتب (катаба) ёзмоқ	—	اكتب ('актаба) ёздирмоқ
خرج (хаража) чиқмоқ	—	استخرج ('истахража) чиқармоқ
فتح (фатах.а) очмоқ	—	افتتح ('ифтатах.а) очилмоқ

3. Бир вақтнинг ўзида бир неча усуллар иштирок этиши мумкин:

ساد (са.да) (у) қора бўлмоқ	—	اسود ('исвадда) қораймоқ
باض (ба.д.а) (и) оқ бўлмоқ	—	ابيض ('ибйад.д.а) оқармоқ

Кўриниб турибдики, ҳар бир усулда қўшимча амаллар мавжуд. Булар — сукунлаштириш, қўшимча ҳарф орттириш, ҳарф бирик-

малари орттириш ва шу кабилар. Ўқишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш учун муваққат воситалар ҳам қўлланилиши мумкин.

Феъллар таркибидаги ҳар бир ўзгариш, барча тилларда ҳам бўлганидек, шубҳасиз, янги мазмун олиб келади. Шунга қарамай, янги шаклда ифодаланган мазмун дастлабки шакл мазмуни билан у ёки бу даражада боғланган бўлади. Ҳар бир боб маълум лексик вазифани бажаришга мўлжаллангандир. Уч ундошли феълларнинг 15 та (бир бирламчи ва 14 та ҳосила) боби бор. 10 таси кенг ишлатилади.

## ФЕЪЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ БОБИ

Уч ундошли феълларнинг иккинчи боби ўзакнинг иккинчи ундошини иккилаш ва фатҳали ўқиш билан ясалади. Ўзақдаги бошқа ундошлар ҳаракати ўзгаришсиз қолади. Қолипи: **فَعَلَ** (фа“ала).

Ҳозирги-келаси замон шакли ўзакнинг дастлабки ундоши олдига даммали шахс ясовчи қўшимчалар орттириш иккиланган иккинчисининг ҳаракатини касра ўқиш билан ясалади. Бунда ўзакнинг биринчиси ўз ҳолида қолдирилади. Учинчиси даммали талаффуз қилинади. Қолипи: **يَفْعَلُ** (йуфа“илу).

Иккинчи боб феъллари қуйидаги мазмунларни ифода этади:

1. Ўтимсиз феълни ўтимлига айлантиради:

جلس (жаласа) (и) ўтирмақ	–	جلس (жалласа) ўтиргизмоқ
ضحك (д.ах.ика) (а) кулмоқ	–	دخل (д.ах.х.ака) кулдирмоқ

2. Ўтимли феълларга мажбурлаш (каузативлик) мазмуни беради:

علم (‘алима) (а) билмоқ	–	علم (‘аллама) билдирмоқ
حمل (х.амила) (я) кўтармоқ	–	حمل (х.аммала) юкламоқ

3. Иш-ҳаракатни кучайтиради, унга ўта интенсивлик ёки такрорийлик мазмунини беради:

ضرب (д.араба) (и) урмақ	–	ضرب (д.араба) дўшпосламоқ
قطع (қат.а‘а) (а) кесмоқ	–	قطع (қат.т.аа) кесиб ташламоқ, бурдаламоқ

4. Баъзи ўтимли феъллар иккинчи бобда эълон этиш (декларативлик) мазмуни касб этади:

كذب (каз:аба) (и) алдамоқ	–	كذب (каз:з:аба) ёлғонга чиқармоқ
صدق (с.адақа) (у) тўғри сўзламоқ	–	صدق (с.аддақа) тасдиқламоқ, «тўғри» демоқ

5. Исмлардан ясалган иккинчи боб феъллари уларда ифодаланган мазмунни касб этиш, ўшанга айлантириш маъноларини ифодалайди:

ذهب (з:аҳабун) олтин — ذهب (з:аҳҳаба) олтинга айлантирмоқ, зарҳалламоқ  
 خبز (хубзун) нон — خبز (хаббаза) нонга айлантирмоқ, нон ёпмоқ

درس (дарраса) «ўргатмоқ» феълнинг тусланиши

Шахс	Жинс	Ҳозирги-келаси замон		
		кўшлик	иккилик	бирлик
1	умумий	ندرس (нударрису)	—	ادرس (ударрису)
2	музак.	تدرسون (тударрису-на)	تدرسان (тударрисани)	تدرس (тударрису)
	муан.	تدرسن (тударрисна)		تدرسين (тударрисина)
3	музак.	يدرسون (йударрису-на)	يدرسان (йударрисани)	يدرس (йударрису)
	муан.	يدرسن (йударрисна)	تدرسان (тударрисани)	تدرس (тударрису)

Иккинчи боб феълларидан буйруқ ясалиш усули:

صدق (с.аддиқ) тасдиқла! — تصدق (тус.аддиқ) — تصدق (тус.аддиқу) — تصدق (тус.аддиқу)

Барча шакллари учун қолиплар:

فعلوا (фа“илу.)      فعل (фа“ил)  
 فعلن (фа“илна)      فعلا (фа“ила.)      فعلى (фа“или.)

### МАСДАР ВА СИФАТДОШЛАР ЯСАШ

Иккинчи боб феълларидан масдар икки қолинда ясалади: **تفعيل** (таф‘илун) ва **تفعلة** (таф‘илатун). Кейингиси нисбатан кам қўлланади:

درس (дарраса) ўргатмоқ — تدریس (тадри.сун) ўргатиш  
 علم (‘аллама) ўргатмоқ — تعلیم (та‘ли.мун) ўргатиш  
 ذکر (з:аккара) эслатмоқ — تذكرة (таз: киратун) эслатиш

Сифатдошлар аниқ даражада **مفعّل** (муфа“илун) ва мажхул даражада **مفعّل** (муфа“алун) қолипларида ясалади. Мажхул дара-

жа шаклларидан макон ва замон отлари ясашда ҳам фойдаланилади:

قنّع (қанна'а) буркамоқ	–	مقنّع (муқанни'ун) бурковчи
		مقنّع (муқанна'ун) бурканган
سلم (саллама) топширмақ	–	مسلم (мусаллимун) топширувчи
		مسلم (мусалламун) топширилган

### ФЕЪЛЛАРНИНГ МАЖҲУЛ ДАРАЖАСИ

Уч ундошли феълларнинг мажҳул даражаси махсус қолипга эга. Биринчи боблар учун ўтган замонда у فعل (фу'ила), ҳозирги-келаси замонда يفعل (йуф'алу) шаклидадир:

علم ('алима) билмоқ	→	علم ('улима),	يعلم (йу'ламу)
كتب (катаба) ёзмоқ	→	كتب (кутиба),	يكتب (йуктабу)
			ёзилмоқ

Мисолларга қаранг:

يعرض في النادي فلم جديد. Клубда янги фильм кўрсатилади.  
 كتبت هذه الرسالة امس. Бу хат кеча ёзилди.

Мажҳул даража феъллари одатда من قبل (мин қибали) «томонидан» ва من طرف (мин тарафи) «тарафидан» бирикмалар билан ишлатилади. Улар гапда реал бажарувчидан олдинга қўйилади:

تدرس هذه القضية من قبل الادارة. Бу жумбоқ идора томонидан ўрганилади.  
 قرئت هذه المحاضرة من طرف الاستاذ المشهور. Бу маъруза машҳур устоз томонидан ўқилди.

Мажҳул даража феъллари барча замонларда тусланади. Шунингдек, улар шахс, сон ва жинсларда аниқ даражадаги феъллар каби ясовчи қўшимчалар олади.

### КҶМАКЧИЛАР

Кўмакчилар отларнинг бошқа сўзлар билан грамматик муносабатларига ишора қилувчи ёрдамчи сўзлардир. Араб тилида келиш-пикирлар оз; уларнинг маълум маъно ифодалаш, аниқлаб бериш, конкретлаштириш каби вазифаларини кўмакчилар бажаради. Араб тилидаги кўмакчиларни ўзбекчага у ёки бу келиш-пикир қўшимчалари билан ўгирилади. Барча кўмакчилар учун умумий хусусият шуки,

қандай мазмун ифодалашидан қатъи назар, сўзларни қаратқичда келишга мажбур қилади. Кўмакчиларни келиб чиқишлари, ёзилиш усули, мазмуни жиҳатидан таснифлаштириш мумкин.

Кўмакчилар шаклга кўра алоҳида ёзилувчи ёки бириктирилувчи бўлади. Келиб чиқишга кўра эса кўмакчилар икки турлидир.

а) асл кўмакчилар; тил тараққиёти давомида бу турдаги кўмакчи ўзак билан алоқани узиб ултирган, уни тиклаш мушкулдир: **فى** (фи.) «...га» — ўрин-пайт келишигини ифодалайди;


**الى** ('ила.) «...га» — жўналиш келишигини ифодалайди;

**من** (мин) «...дан» — чиқш келишиги мазмунини ифодалайди;

б) равиш кўмакчилар; булар аслида тушум келишигидаги **отлар**, сифатдошлар, масдарлардир:

<b>فوق</b> (фавқун) уст	—	<b>فوق</b> (фавқа) устида
<b>بين</b> (байнун) ора	—	<b>بين</b> (байна) ўртасида
<b>داخل</b> (да.хилун) ичкари	—	<b>داخل</b> (да.хила) ичкарида
<b>خارج</b> (ха.рижун) ташқари	—	<b>خارج</b> (ха.рижа) ташқарида

Кўриниб турганидек, бу турдаги кўмакчиларнинг ўзаклар билан алоқасини тиклаш мумкин ва исботи қўшимча изоҳ талаб қилмайди. Кўмакчи мазмунга кўра макон, замон, сабаб, мақсад кабиларни аниқлатади. Қуйида анъанавий шаклни келтира-  
рамыз:



Бошқа кўп қўлланиладиган кўмакчилар қуйида келтирилади:  
**ل** (ли-) — қаратқич ва жўналиш келишиги мазмунарига мос:

ذهبت مع رفيقى الى السينما. Унга дедим.

**ب** (би-) — билан, орқали:

تكلت بالهاتف. Телефон орқали сўзлашдим.

اكلت بالملعة. Қошиқ билан едим.

**مع** (ма‘а) — билан:

ذهبت مع رفيقى الى السينما. Уртоғим билан кинотеатрга бордим.



عن ('ан) — ҳақида:	
لقد سمعت عن هذا المدرس كثيرا.	Бу ўқитувчи ҳақида кўп эшитдим.
حول (х.авла) — атрофида, борасида, ҳақида:	
دخلت مكتب المدير حول هذه القضية مرتين.	Бу жумбоқ борасида ректор кабинетига икки марта кирдим.
قرب (қурба) — яқинида:	
قرب الجامعة مكتبة كبيرة.	Дорулфунун яқинида кутубхона бор.
بعد (ба'да) — сўнг:	
اكل بعد الدرس في مطعم الجامعة.	Дарсдан сўнг дорулфунун ошхонасида овқатланди.
قبل (қабла) — олдин:	
نسخت نسخة من هذا النص قبل ذهابي الى الدرس.	Дарсга кетипимдан олдин бу матндан нусха кўчирдим.

#### ЭГАНИ ТУШУМ КЕЛИШИГИДА КЕЛИШГА МАЖБУР ҚИЛУВЧИ ЮКЛАМАЛАР

Гапларда эга ҳамма вақт ҳам бош келишигиде бўлавермайди. Хусусан, у «ان ('инна) ва унинг ҳамроҳлари» номи билан аталувчи юкламалар туркумидан сўнг келганида тушум келишигиде талаффуз бўлади.

Бу юкламалар қуйидагилар:

ان ('инна) дарҳақиқат	لكن (ла.кинна) лекин
ان ('анна) қайсики	لعل (ла'алла) эҳтимол
ليت (лайта) қани энди...	كان (ка'анна) худди, гўё

#### ان ЮКЛАМАСИ

ان ('инна) «дарҳақиқат, ҳақиқатда» — таъкид маъносини англатувчи ишонтирув юкламасидир. У гапнинг бошида келади ва эга, гап исмийми ё феълийлигидан қатъи назар, мазкур юклама таъсирида тушум келишигиде ўқилади. Бундай қурилмаларда эга одатда юкламадан сўнг қўйилади:

ان الموقف الودى الاوزبكى  
يساعد في حل عادل لازمة  
الشرق الاوسط.

Дарҳақиқат, дўстона ўзбек мавқеи  
Ўрта Шарқ танглигини одилона  
ҳал этишда ёрдам беражак.

Айрим ҳолларда эга бевосита юкламадан сўнг келмаслиги ҳам мумкин. Бу гапнинг қурилишига боғлиқ албатта. Эганинг бошқа гап бўлаклари билан ажратилиши унга юклама таъсирини сусайтирмайди:

ان لهذا الطالب كتابا ممتعا. Дарҳақиқат, бу толибнинг қизиқарли китоби бор.

ان للحيطان آذاننا. Дарҳақиқат, девор қулоқсиз бўлмас!

Эга юкламадан ما (ма.) чекловчиси билан ажратилган бўлсагина, унинг келишиқ қўшимчаси таъсирдан холи бўлиши мумкин. Бироқ бунда юкламанинг бирламчи маъноси таҳрирга учрайди, у «бу ора, фақатгина, ...-ку» каби қўшимча маъно (оттенок) қабул қилади:

انما المهندس دخل المصنع. Дарҳақиқат, шу аснода инженер заводга кириб келди.

انما الدنيا بلاءٌ كلها. Бу дунё буткул синов-ку!

ан юкламаси кишилик олмошлари билан келганда, уларни оддий бирикма олмошларига айлантирилади:

انه قوى جدا. Дарҳақиқат, у ниҳоятда кучли!

انهم طلاب في الجامعة. Ҳақиқатда, улар дорулфунун толибларидир.

وجد (важада) «топмоқ» феълининг тусланиши

Шахс	Жинс	Ҳозирги-келаси замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	تجد (нажиду)	—	أجد ('ажиду)
2	музак.	تجدون (тажиду.на)		تجد (тажиду)
	муан.	تجدن (тажидна)	تجدان (тажиданни)	تجدين (тажидина)
3	музак.	يجدون (йажиду.на)	يجدان (йажиданни)	يجد (йажиду)
	муан.	يجدن (йажидна)	يجدان (тажиданни)	تجد (тажиду)

Изоҳ: а) тўғрига ўхшаш феълларнинг ҳозирги-келаси замон шаклларида дастлабки бўғиндаги мавжуд иллатли «ав» бирикмасининг «в» си тушиб қолади;

б) барча тўғрига ўхшаш феъллар ўтган замонда уч ундошли оддий тусланишга эгадир: وجدت (важадту), وجدت (важадта) ва шу каби.

## Биринчи мати

انى افضل الاسم الاصلى لهذا النهر على اسمه الحاضر. رددوا اسم هذا النهر الاصلى فى الهياكل و فى الشعر و فى الاساطير. هو اصغر نهر مقدس فى العالم (الريحاني). حرم على نفسه من الوان اللهب و العبث كل شىء الا ما يكلفه عناء و لا يعرضه للضحك (طه حسين). وقفوه وسطهم و هو رقص على نغمة تصفيقهم و هم يصفقون (على بن هادية). ان الانسان ميال فى طبيعته الى تأنيس الحيوانات (زكى محمد). و برهن كوبيرنيك على دوران الكرة الارضية حول الشمس قغير النظرية القديمة. ان بلدا شاسعا كالاتحاد السوفياتى يطلب شبكة واسعة من الطرق (الاتحاد السوفياتى).

208-машқ. Қуйидаги иккинчи боб феълларини замон шаклларида тусланг:

خَرَجَ، فَرَحَ، عَلِمَ، كَتَبَ

209-машқ. Барча шахслар учун инкор буйруқ ва иккинчи шахс учун буйруқ шакллари ясанг:

دَخَلَ، جَلَسَ، ذَهَبَ، لَبَسَ

210-машқ. Иккинчи боб масдарлари ва сифатдошлари ясанг:

كَتَبَ، صَدَقَ، ضَحَكَ، فَصَلَ

211- машқ. Арабчага ўтиринг:

1. Дарҳақиқат, Совет Иттифоқи дунёда энг буюк давлатдир.  
2. Ҳақиқатда, қайд қилиш маркалари дунёда йилига миллиондан камроқ ер силкинишларини қайд қилади. 3. Дарҳақиқат, Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахтидир. 4. Олтин — металл-ку!

212-машқ. Тушириб қолдирилган нўманчиларни ўз жойига ёзинг:

رجع ملا نصرالدين برطل ... اللحم و قال ... زوجته: - لاي شىء يصلح هذا اللحم؟ قالت زوجته: - ... كل شىء. فقال: - طبخى منه كل شىء. سوف نأكله ... العشاء. و الباقي نأكله ... الفطور.

213-машқ. Бирикмаларни арабчага ўтиринг ва ёд олинг:

Энг катта муқаддас шаҳар, кенг тармоқлар, жой топмоқ, қарсақлар мароми, мутахассислик шаҳодатномаси, кўлхоз.

## Иккинчи мати

معهد الاستشراق

نحن طلاب فى معهد الاستشراق بطشقند، ندرس فى الصف

الاول.

معهدنا واقع في عمارة متواضعة في شمال المدينة و هي عبارة عن ثمانية طوابق فيه ثلاث كليات و هي كلية اللغات الشرقية و كلية تاريخ البلدان الشرقية الخارجية و كلية اقتصاد البلدان الشرقية الخارجية.

ان الدراسة في معهد الاستشراق صعبة ولكنها ممتعة. نحن مشغولون طول النهار في غرف الدروس النيرة والكبيرة بدراسات اللغات المتعددة الشرقية و الغربية و المواد الدراسية الاخرى كالآداب و التاريخ و الجغرافيا و الاقتصاد و فن الخط و الخ. نذهب الى المحاضرات و نحضر في الدروس التطبيقية و نستغل في المختبر.

يدرسنا الاساتذة المشهورون و مساعدهم و المدرسون الاكفاء يمكنك ان ترى بينهم المدرسين الاجانب. هم وصلوا من جامعات البلدان الشرقية الخارجية ليساهموا في التدريس الشفاهي (الحوار). و تمر ساعاتهم في قاعة التدريس شيقة ممتعة. نجيب فيها على الاسئلة المطروحة من قبلهم او نلقى التقارير حول المواضيع او نقوم بالحوار في لغة ندرسها.

وبعد بضعة اسابيع تبدأ دورة الامتحانات. يجب علينا ان نقدم اربعة امتحانات من المواد الاساسية كاللغة و الاداب و التاريخ و الاقتصاد. اما المواد الاخرى فمنها الاجتياز فقط. قبل الامتحانات سيكون الاستعداد. نكتب فيه الملخصات و نراجع المواضيع السالفة. و بعد انتهاء الامتحانات سنأخذ العطلة الصيفية لمدة شهرين سوف نسافر فيها الى النواحي.

### Бирикма ва иборалар

استاذ مشهور	мащҳур устоз (профессор)
كتاب نقراه	биз ўқийдиган китоб
نذهب الى المحاضرات	маърузаларга борамиз
مدرسون اجانب	чет эллик ўқитувчилар
اساتذة و مساعدهم	профессорлар ва доцентлар
قاعة التدريس	акт зали
يكون استعداد	тайёргарлик бўлади
لغة ندرسها	биз ўрганадиган тил
سؤال مطروح	ташланган савол
دروس تطبيقية	татбиқий (практик) дарслар

مواضيع سالفة ўтган мавзулар  
 مساهمة في التدريس ўқитишда қатнашиш

214-машқ. Матн асосида олтита сўроқ гап тузинг.

215-машқ. Бирикмаларни таржима қилиб, ҳар бирига биттадан жумла ёзинг:

шарқшунослик олийгоҳи, биринчи курс (саф), учта куллия, ўлкалар иқтисоди, хорижий Шарқ, оддийгина иморат

216-машқ. Бирикмаларни ўзбекчага ўгиринг:

تأريخ البلدان، قام بالحوار، انتهاء الامتحان، عطلة صيفية، اسئلة مطروحة

217-машқ. Арабчага ўгиринг.

1. Шарқшунослик билимгоҳи дорулфунун ёнидаги кичик бинога жойлашган. 2. Биз кун бўйи билимгоҳда маърузалар тинглаймиз. 3. Мен жўрофияни шарқшунослар учун асосий фан ҳисоблайман. 4. Чет эллик ўқитувчининг дарс соатлари жуда қизиқ кечади. 5. Бу йил тўрт фандан имтиҳон, бештасидан синов бўлади.

218-машқ. Ўқинг, матннинг мазмунини арабчада қайта сўзланг:

فتش ذئب عن طعام. و رأى غنما تركها الراعى و نام. فكر الذئب بحيلة. لبس ثياب الراعى و حمل عصاه و قلده تقليدا في الحركة. قلد الذئب في صوت ايضا، فماقدر. فعرفت الكلاب من الصوت انه ذئب ماكر و هجمت عليه. فقتلت الكلاب الذئب.

219-машқ. «Акам — толиб» мавзусида уй ишоси ёзинг.

220-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг.

قدر ثم اقطع.  
 اطلب الصديق قبل الطريق والجار قبل الدار.

С У З Л И К

اشترك	(иш.тарака) қатнашмоқ	سافر	(са.фирун) очиқ, легал
برهن	(барҳана) исботламоқ	طبق	(т.аббақа) татбиқ қилмоқ
تحالف	(тах.а.луфун) блок	عرض	(‘аррад.а.ли-) кулги қилмоқ
تصفيق	(тас.фи.қун) қарсақ	فتش	(фатташа) қидирмоқ
حارب	(х.а.раба) қуранмоқ	فضل	(фад.д.ала) афзал билмоқ
حائز	(х.а.’изун) сазовор; тақдирланувчи	نيسان	(ни.са.ну) апрель, савр
حرم	(х. аррама) маҳрум қилмоқ	تنظيم	(танз.и. мун) тузиш
دور	(даврун) рол	اضراب	(’ид.ра.бун) иш ташлаш
ربط	(раб.т.ун) боғлаш		

بداية (бида. йатун) бошладниш	ردد (раддада) қайтармоқ
تخرج (тахарража) битирмоқ	صقق (с.аффақа) қарсақ чалмоқ
تأنيس (та'ни.сун) қўлга ўргатиш	طرد (т.аррада) ҳайдамоқ
توحيد (тавх.и.дун) бирлашти- риш	عبث ('абас:ун) эрмақ
حاسم (х.а.симун) ҳал қилувчи	غير (ғаййара) ўзгартирмоқ
حدث (х.адас.а) (у) юз бермоқ	قاد (қа.да) (у) бошқармоқ
ذات (з:а.тун) ўз	واصل (ва.с.ала) уламоқ
	عميق ('ами.қун) чуқур

## Ўн бешинчи дарс

### ФЕЪЛЛАРНИНГ БЕШИНЧИ БОБИ

Уч ундошли феълларнинг бешинчи боби иккинчи боб феъли олдига *ت* (та-) ясовчи қўшимчаси орттириш билан ясалади. Қолипи: *تفعل* (тафа“ала). Ҳозирги-келаси замон шакли ўтган замондан унинг олдига фатҳали шахс ясовчилари орттириш билан ясалади. Бунда ўзакнинг учинчиси қондага мувофиқ дамма ўқилади; бошқа ўзгаришлар кузатилмайди. Қолипи: *يتفعل* (йатафа“ алу).

Бешинчи боб феъллари иккинчи боблар билан фақат шаклдагина эмас, балки мазмунда ҳам боғлиқдир. Бешинчи бобнинг вази-фаси — иккинчи боблар ифодалаган мазмунни ўзлик-мажҳул даражага айлантиришдир.

قطع (қат.т.а'а) бурдаламоқ	—	تقطع (тақат.т.а'а) бурдаланмоқ, парча-парча бўлмоқ
علم ('аллама) ўргатмоқ	—	تعلم (та'аллама) ўрганмоқ
عرب ('арабба) араблашти- моқ	—	تعرب (та'арраба) араблашмоқ

Иккинчи бобнинг кузативлик мазмунидан бешинчи бобдаги феъл «ўзни кимдир ёки нимадир ҳисоблаш» мазмуни касб этади:

كبر (каббара) катта деб билмоқ	—	تكبر (такаббара) ўзни кат- та ҳисобламоқ, калон- димоғлик қилмоқ
عظم ('аз.зама) буюк деб билмоқ	—	تعظم (та'аз.зама) ўзни бу- юк ҳисобламоқ, мақ- танмоқ

Бешинчи боб феъллари яна ўз устига қандайдир масъулият олиш, кимдир, нимадир бўлишга интилиш мазмунини ифодалаши мумкин:

شجع	(шажжа'а) шижо-атлантирмоқ	-	تشجع	(ташажжа'а) ошигич журъат кўрсатмоқ
صبر	(с.аббара) сабрли қилмоқ	-	تصبر	(тас.аббара) ошигич сабр кўрсатмоқ
كلف	(каллафа) топширмоқ, масъулиятига ҳавола этмоқ		تكلف	(такаллафа) ўз зиммасига масъулият олмоқ

تكلم (такаллама) «гаплаганмоқ» феълнинг тусланиши

Шахс	Жинс	Ҳозирги-келаси замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	تكلم (натакалламу)	—	اتكلم (атакалламу)
2	музак.	تتكلمون (татакалламу.на)	تتكلمان (татакаллама.ни)	تتكلم (татакалламу)
	муан.	تتكلمن (татакалламна)		تتكلمين (татакаллами.на)
3	музак.	يتكلمون (йатакалламу.на)	يتكلمان (йатакаллама.ни)	يتكلم (йатакалламу)
	муан.	يتكلمن (йатакалламна)	تتكلمان (татакаллама.ни)	تتكلم (татакалламу)

Бешинчи боб феълдан буйруқ ҳозирги-келаси замон (иккиичи шахс) шаклининг охирини сукунлаш ва шахс ясовчисини тушириб қолдириш орқали ясалади:

تكلم (такаллама) — تتكلم (татакаллама) — تكلم (такаллама)

Барча шакллар учун қолиплар:

تفعلوا (тафа'алу.)      تفعل (тафа'ал.)  
 تفعلن (тафа'ална)      تفعل (тафа'ала.)      تفعل (тафа'али.)

### МАСДАР ВА СИФАТДОШЛАР ЯСАШ

Бешинчи боб феълларидан масдар تفعل (тафа'улун) қолипида ясалади:

تكس (такасурун) парчаланиш, تعلم (та'аллумун) ўрганиш

Сифатдошларнинг аниқ даражаси متفعل (мутафа'илун), мажҳул даражаси متفعل (мутафа'алун) қолипларида ясалади:

تشجع дан: متشجع (муташажжи'ун) шижоатланувчи  
 متشجع (муташажжа'ун) шижоатлангилган

تعلم (мута'аллимун) ўрганувчи (шогирд)  
 متعلم (мута'алламун) ўганилган (нарса)

### НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ВА БЕШИНЧИ БОБЛАРИ

Нотўғри феълларнинг иккинчи ва бешинчи боб шакллари оддий феълларники каби ясалади. Демак, таркибдаги иллатли бирикмалар собитлик касб этади:

Ҳамзали: سأل (са'ала) (а) — سأل (са''ала) сўратмоқ  
 تسأل (таса''ала) сўранмоқ  
 Иккиланган: رد (радда) (у) — رد (раддада) такрорламоқ  
 تردد (тараддада) такрорланмоқ  
 Тўғрига ўхшаш: وصل (вас.ала) (и) етмоқ — وصل (вас.с.ала) етказмоқ  
 توصل (тавас.с.ала) етказилмоқ, эришмоқ  
 Бўш: طور (таврун) босқич, палла — طور (таввара) ўстирмоқ, ривожлантирмоқ  
 تطور (тат.аввара) ривожланмоқ

Етишмовчи феъллар истиснога эга:

а) ўтган замон шаклларидаги мавжуд «ава» ёки «айа» иллатли бирикмалари чўзиқ «а.»га айланиб кетади:

قضى (қад.а(и) ўтмоқ — قضى (қад.д.а.) ўтказмоқ  
 تقضى (тақад.д.а.) ўтказил(ив)моқ

б) ҳозирги-келаси замон шаклларидаги мавжуд «иву» ва «пйу» иллатли бирикмалари чўзиқ «и.»га айланади (иккинчи бобда):

يفضى (йуфад.ди.), يقضى (йуқад.д.и.)

Шуниингдек, мавжуд «айу» бирикмаси «а.»га айланади (бешинчи бобда):

يتفضى (йатақад.д.а.)

### ان ЮКЛАМАСИ

ان ('анна) «...ки» юкламаси бундан илгариги дарсда қайд қилинган «ҳамроҳлар» туркумидан; бинобарин, у ўзидан кейин келаётган эга вазифасидаги сўзни тушум келишигида келишга мажбур этади. У мазмуни билан эргаштирувчи боғловчи бўлганлиги учун, гапдаги вазифаси тўлдирувчи эргаш гаплари, қисман эга эргаш



гапларни ҳам, бош гапга эргаштириб келишдир. Мазкур эргаштирувчи боғловчи бошқа кўмакчилар ва ҳатто сўзлар билан бирикиб ҳосилалар ташкил қилиши мумкин: **ان** (ли-'анна) «негаки», **بما** (би-ма.) «...са-да», **الا ان** ('илла. 'анна) ва **ان** (би-ма.-'анна) «бироқ», **ان على** ('ала.'анна) «... устига» ва шу кабилар.

### ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАП

Тўлдирувчи эргаш гап деб тобе гап шаклида расмийлаштирилган ёйиқ тўлдирувчини айтамыз. Тўлдирувчи эргаш гап бош гапнинг кесимига **ان** ('анна) ва **ان** ('ан) «...ки» эргаштирувчи боғловчилари воситасида эргашиб келади ва унинг мазмунини тўлдиради.

Бош гапга **ان** ('анна) воситасида эргашиб келган тўлдирувчи эргаш гапнинг эгаси гап бошида қўйилади ва тушумда ўқилади:

قد فهمت ان هذا العامل يدرس  
في الجامعة المسائية.  
عرف الوزير ان قانون تأميم هذه  
الشركة يحسب نافذامنذ صدوره  
امس.

Тушундимки, бу ишчи кечки дорулфунунда ўқийди.

Вазир англатдики, бу компанияни миллийлаштириш ҳақидаги қонун кеча чиққан пайтидан кучга кирган ҳисобланади.

Тўлдирувчи эргаш гапнинг эгаси бевосита юкламадан сўнг келмаса, ўртага «грамматик эга» қўйилади ва шу тариқа юклама кесимдан ажратилади. Грамматик эга — учинчи шахс, бирлик ва музаккардаги бирикма олмошидан иборат. У юкламага қўшиб ёзилади:

بلغ الجانب السوري خلال  
المفاوضات انه سيشتيد على  
نهر الفرات سدا ومحطة كهربائية.  
يعرف انه سوف يعمل في هذا  
المعمل الكبير.

Музокаралар пайтида Сурия томони хабар бердики, у Фирот дарёсига тўғон ва электр станцияси қуради.

У биладикки, келгусида маана шу катта заводда ишлайди.

Тўлдирувчи эргаш гапларни ўзбекчага тўлдирувчи эргаш гап тарзида ёки тўлдирувчи гуруҳи сифатида ўғириш мумкин:

اعلن الرئيس رسميا ان كمية  
الاقتان بلغت حوالي ٥٧١ الف  
بالة في الفترة الحالية نفسها.

Президент расмий эълон қилдики, пахтанинг миқдори ҳозироқ 571 тойга етди.

Президент пахтанинг миқдори ҳозироқ 517 тойга етганини эълон қилди.

Тўлдирувчи эргаш гапни **ان** ('ан) боғловчиси бошлаб келганда, ундан кейин истақ майли шаклига туширилган феъл келади.

## СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ

Сўроқ олмошлари араб тилида қуйидагилардир: **من** (ман) ким?, **ما** (ма.) нима?, **اي** ('аййун) ва **اية** ('аййатун) қайси?

Булардан **من** (ман) фақат инсонга нисбатан, **ما** (ман) барча бошқа жонлилар ва нарсалар учун ишлатилади. Ҳар икки сўроқ олмоши собит бўлиб, жинс ёки сонда ўзгармайди. Бироқ улар ҳосила шакллариغا эга: **لمن** (ли-ман) кимнинг?, ким учун?, **بمن** (би-ман) ким билан? **لما** (ли-ма.) ниманинг?, нима учун?, **بما** (би-ма.) нима билан?. Бундан ташқари, **ما** сўроқ олмоши **ذا** (з:а.) кўрсатиш олмоши билан кучайтирилиши мумкин: **ماذا** (ма:з:а.) нима (ўзи)?

### اي СЎРОҚ ОЛМОШИНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ

**اي** ('аййун) сўроқ олмоши муаннас шаклга ҳам эгадир: **اية** ('аййатун). У ўзбек тилига «қайси?» тарзида ўтирилади. Унинг ҳар иккиси ҳам турланади: **اي** ('аййин), **ايان** ('аййан).

Бу олмош ўзи ила грамматик алоқадаги сўз билан изофа ташкил қилади. Изофага киришадиган сўз бирликда бўлса, ноаниқ шаклда; кўпликда бўлса, аниқ шаклда қўйилади:

**اي طالب؟** Қайси толиб?  
**اي المعلمين سأل عنى؟** Ўқитувчиларнинг қайси бири менинг ҳақимда сўради.

### ГУМОН ОЛМОШИ. ГУМОН МАЗМУНИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Араб тилида битта гумон олмоши мавжуд: **ما** (ма.) қандайдир.

**سمعت صوتا ما.** Қандайдир товуш эшитдим.  
**لقد فتش من محفظته ورقا ما.** У ўз портфелидан қандайдир варақни узоқ қидирди.

Гумон олмошларининг вазифасини араб тилида **احد** ('ах.адун) «кимдир, аллаким», **شيء** (шай'ун) «нимадир, алланима» отларни бажаради.

**طرق الباب احد.** Аллаким эшикни тақирлатди.  
**قال شيئا من الالم.** У аламдан нимадир деди.

## كل ва جميع ОТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

كل (куллун) оти бошқа сўзлар билан тутган ўрнига қараб ўгирилади. У бошқа сўзлар билан изофа таркибида муомалага киради.

كل билан таркибни ташкил қилган от бирлик ва ноаниқ шаклда бўлса, у «ҳар», «ҳар бир» тарзида ўгирилади:

يفهم هذا كل طالب جيدا.

Буни ҳар бир толиб яхши тушунади.

يذهب العمال كل يوم الى المعمل.

Ишчилар ҳар куни фабрикага боришади.

Агар كل дан сўнг изофада келаётган сўз кўплик ва аниқ шаклда қўйилган бўлса, у «ҳамма», «барча» тарзида ўгирилади:

يحترم كل الطلاب للقسم العربي  
هذا الاستاذ احتراماً شديداً.

Араб бўлимининг барча толиблари бу устозни жуда ҳурмат қиладилар.

يا عمال العالم، اتحدوا!

Бутун дунё йўқсиллари, бирлашинг!

كل изоҳловчи вазифасида ҳам келиши мумкин. У ҳолда отдан орқага қўйилади ва изоҳланаётган сўзга мос бирикма олмош-бадал билан келади:

فقد قرأت مقالات الجريدة اكلها.

Газетадаги мақолаларнинг барчасини ўқидим.

يذهب الطلاب و المدرسون كلهم  
الى القرية للمساعدة.

Дорулфунун толиблари ва ўқитувчиларининг барчаси қишлоққа ёрдамга борадилар.

جميع (жами.ун) сўзи ҳам от. У «барча» ёки «ҳамма» мазмунларини ифодалайди. У ҳам ўзи билан грамматик муносабатдаги сўзга изофаланади. Изофадаги сўз аниқ ва кўпликда қўйилади:

تجمع جميع الطلاب في النادي.

Барча толиблар клубда тўплайдилар.

جميع الشباب في البلدان النامية  
مبارزون لاجل تقدم شعوبهم.

Ривожланаётган ўлкалардаги ёшларнинг барчаси ўз халқлари тараққиёти учун курашувчилардир.

Шахс	Жинс	Ҳозирги-келаси замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	نرى (нара.)	—	ارى ('ара.)
2	музак.	تروون (таравна)	تريان (тарайна.ни)	تري (тара.)
	муан.	تريون (тарайна)		تريون (тарайна)
3	музак.	يرون (йаравна)	يريان (йарайна.ни)	يري (йара.)
	муан.	يرون (йарайна)	تريان (тарайна.ни)	تري (тара.)

### Биринчи матн

كان اول مدرسة تعلمت فيها اهم دروسى فى الحياة بيتى (احمد امين). رأيت منزله خرابا لا يتنفس عن الحياة (محمود تيمور). الشعر كلام موزون يتغلب فيه عنصر الخيال (حنا الفاخورى). و توجه الى كوخ جاره المريض (اسطورة). كانت فى نوم عميق يهددها ترجع العربية. تأملن، يا بناتى، انظرن النفسجية و هى تحولت الى وردة (جبران). دخل المكتبة الشبان الاجانب و هم يتعلمون فى معهد الطب فى طشقند (اوزبكستان اليوم). ذهبت مرة الى القرية كعادتى و علمت ان العجوز ماتت قتيلا تحت عجلات القطار (محمود تيمور). سقطت الضفدعة على الارض لانها كثيرة الكلام وطويلة اللسان (اسطورة).

221-машқ. Замон шаклларида тусланг:

تطور، تخرج، تعظم، تعلق

222-машқ. Масдар, сифатдошлар ва буйруқ шакллари ясанг:

تفكر، تفضل، تخصص، ترقص

223-машқ. Матн жумлаларидан фойдаланиб ма, ма, ма, ма сўроқ олмошларининг ҳар бирига иккитадан жумла тузинг.

224-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

қайси журнал?, қайси инженер?, қайси кутубхона?, шаҳарларнинг қайсиси?, қишлоқларнинг қайсиси?, журналларнинг қайси бири?

225-машқ. Арабчага ўғиринг:

1. Бугун ким билан гаплашдинг? 2. Навоий номидаги кутубхонада қандай китобларни ўқидинг? 3. Дорулфунун эшиги олдида кимдан мени сўрадинг? 4. Қайси институтни битирдинг? 5. Қандай

факультетда ўқидинг? 6. Қайси тилни биласан? 7. Бу толибларнинг қайси бири араб бўлимида ўқийди?

226-машқ. Қомус билан ишлаш. Таржима қилинг:

عرفنا من الكتب الدراسية ان الارض تدور حول الشمس. عرفنا ايضا ان الشمس مصدر الحرارة. هل تعرفون ان الشمس سبب النهار والليل. افكر ان ما قلته لك الان قد دخل من احدى اذنك الكبيرتين و خرج من الاخرى. علمت ان هذا العامل قد عشق مهنته فنجح في الحياة (النصوص).

227-машқ. Ёзма таржима қилинг. Гумон оллошлари арабча нуохаларининг остига чизиб ажратинг:

1. У қандайдир журнални ўқиди. 2. Араб бўлимининг собиқ толиби Миржалол дафтарига ниманидир ёзди. 3. Биров мевинг дугонам Муборакга нимадир деди. 4. Қимдир дўстим Эркиндан ҳужжат сўради. 5. Қимдир қаҳрамондан уруш лавҳаларидан сўзлаб беришни илтимос қилди.

228-машқ. كل ва جميع иштирок этаётган жумлаларни ажратиб кўчинг ва таржима қилинг:

۱ - بحر القزوين غنى ككل بحر. ۲ - فى كل قطر جميع الشباب ينشد لحن الاخاء والوئام، لحن الصداقة والسلام. ۳ - اين ذهب خالى واصحابه الصيادون كلهم. ۴ - عرفوا عن هذا الاختراع الجديد فى كل العالم. ۵ - اخذ كل منا نخبر للدفاع عن نفسه وقت الخطر. ۶ - جميع الطلاب انصار السلام.

229-машқ. كل ва جميع дан фойдаланиб жумлаларни ўғиринг:

1. Ҳар бир совет фуқароси меҳнатга ҳақлидир. 2. Барча совет фуқаролари ўқишга ҳақлидирлар. 3. Мен бу кутубхонадаги бадий китобларнинг барчасини ўқидим. 4. Мен факультетимиздаги барча толибларни танийман. 5. Ўқитувчимиз бу матннинг ҳар бир сўзини яхшилаб тушунтирди.

230-машқ. Тўлдирувчи эргаш гапларни таржима қилинг:

1. Билсамки, кимдир кечаси деразамга гуллар солибди. 2. Эпи-тишимча, унинг акаси дорулфунунни ўтган йили битирди. 3. Унинг опаси билдики, биз даргага шошилянимиз. 4. Ҳамма билдики, толиблар даредан сўнг кутубхонага борадилар. 5. Бизга айтдиларки, институтнинг янги биноси эшиклари бу йил очилди.

## Иккинчи матн

### التعلب و الارنب

فى احد الايام سأل الثعلب صديقه الارنب الذهاب معه الى الصيد. اما الارنب فرفض طلب صديقه بالعدر بانه لا يقدر ترك اولاده. وعند الغروب خرج الارنب الشاطر و هو يبحث عن صديقه. قد رآه قادما من

بعيد و هو يحمل على كتفه كيسا كبيرا. فتمدد الارنب على الارض متصنعا الموت. وحين وصل الثعلب و وجد صديقه الارنب ميتا و قال في نفسه:

— لقد مات المسكين ... لحمه سمين و لكننى لا آخذه معى الى البيت. افكر انه ميت مند صباح باكر.

قدم الثعلب فى طريقه. حينما غاب الثعلب عن عين الارنب وقف هذا من مكانه و ركض فى طريق الحقل القريب بسرعة عجيبة و ما يراه الثعلب. ثم رجع الى طريق الثعلب الماكر و تمدد على الارض مرة ثانية متصنعا الموت. وحين وصل الثعلب و رأى الارنب ميتا قال نفسه:

— هذا ارنب ثان و كيف تركت صديقى الارنب السمين و كيف ما أخذته معى. ان الارنبين يشبعان الليلة و غدا.

و وضع الكيس هنا و رجع لآخذ الارنب الميت الاول. و بعد ما غاب عن عين الارنب الشاطر نهض هذا و اخذ الكيس المملوء بالصيد و ذهب الى بيته.

فى اليوم التالى حين رأى الارنب صديقه الثعلب و سأله:

— كيف كان صيدك امس، يا ثعلبى العزيز؟

فقال الثعلب: — لقد تعلمت درسا فى الصيد.

### Бирикма ва пборалар

فى احد الايام	кунларнинг бирида
رفض بالعدر	узр сўраб рад қилди.
تصنع ميتا	ўзини ўлганга солмоқ
غاب عن عين	кўздан ғойиб бўлмоқ
طريق حقل	дала йўли, сўқмоқ йўл
تعلم درسا	сабоқ олмоқ
فكر سينا	ёмон фикрга бормоқ

231-машқ. Оғзаки жавоб беринг:

ماذا قال الثعلب لنفسه عندما رأى الارنب ميتا؟ لماذا ندم الثعلب نفسه عندما رأى الارنب الميت الثانى؟ اين وضع كيسه المملوء بالصيد؟ وما فعل الارنب الشاطر بغيث الثعلب عن العين؟ أوزع الغنيمة الارنب اولاده الصغار؟ عما سأل الارنب الماكر حينما رأى الثعلب فيما بعد و ما جواب الثعلب؟

232-машқ. Бирикмаларни арабчага ўгиринг ва ёд олинг:

кунларнинг бирида, айёр тулки, тулкидан айёрроқ қуён, шов-воз қуён, семиз қуён, гўшти семиз, овга бормоқ, тўла қоп, ерга чўзилмоқ, ов дарсини олмоқ, кўздан йитмоқ

233-машқ. Мавзуни давом эттиринг:

في احد الايام سأل الدب رفيقه الذئب ...

234-машқ. Ҳхшаш сўз (синоним)лар топинг:

صديق، طلب، جاء، قال، رأى

235-машқ. Арабчага ўгиринг:

1. Қуларнинг бирида айёр тулки дўсти шоввоз қуёни овга таклиф қилди. 2. Қуён бўлса, ўз болаларини ва уйини ташлаб кетмаслиги учун уэр сўради. 3. Қуёш ботгандан сўнг, дўстини қидириб қуён далага чиқди. 4. Шоввоз қуён дўсти тулкининг тўла қоп билан келаётганини узоқдан кўрди. 5. Шу пайтда қуён ўзини ўликка солиб йўлга чўзилди. 6. Кеча дўстларимдан бири менга овдан сабоқ берди.

236-машқ. Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб олтига гап тузинг:

ارنب، ثعلب، ضفدعة، شاطر، سريع، مريض

237-машқ «Қуён ва тулки» мавзусида ияшо ёзинг.

### СУЗЛИК

يحرر (бах.рун) денгиз	بحث (бах.ас:а) қидирмоқ
تامل (та'аммала) мўраламоқ	تبيين (табаййана) маълум бўлмоқ
تفنن (тафаннана) санъаткорлик намоёни қилмоқ	تفرع (тафарра'а) тармоқланмоқ
ثعلب (с:а'лабун) тулки	رفض (рафа.а) рад қилмоқ
ركض (ракад.а) (у) сакрамоқ	توجه (таважжаҳа) юзланмоқ
سقط (сақат.а) (у) тушмоқ, тўкилмоқ	شبع (шабба'а) тўйдирмоқ
ضفدعة (д.ифди'агун) бака	غاب (га.ба) гойиб бўлмоқ
غروب (ғуру.бун) қунбоғир	كتف (катфун) елка
كوخ (ку.хун) ғор, кулба	كيس (ки.сун) халта, қоп
محيط (мух.и.т.ун) океан	ماكر (ма.кирун) алдовчи
مريض (мари.д.ун) бемор	متصنع (мутас.анни'ун) қув, ўзини...га солувчи
ميت (маййитун) ўлик, мурда	هدهد (ҳадҳада) аллаламоқ
وقف (вақафа) (и) турмоқ	تفكر (тафаккара) ўйланмоқ
فكر (факкара) ўйламоқ	تعجل (та'ажжала) шошилмоқ
سمين (сами.нун) семиз	

## Ўн олтинчи дарс:

### ФЕЪЛЛАРНИНГ УЧИНЧИ БОБИ

Уч ундошли феълларнинг учинчи боби ўзакнинг биринчи ундоши ҳаракатни чўзиқ талаффуз қилиш билан ясалади. Ёзувда бу — фатҳани алиф билан алмаштиришга тенг бўлади. Қолини: **فَاعِل** (фа.'ала). Ҳозирги-келаси замон бу бобда ўтган замон шакли олдида даммали шахс ясовчи қўшимчалар орттириш ва ўзакнинг иккинчи ундошини касрали айтиш орқали ясалади. Бунда ўзакнинг учинчиси, одатдагидек, даммали талаффуз олади. Қолини: **يَفَاعِل** (йуфа.'илу).

Учинчи боб феъли ифодалайдиган мазмунлар:

1. Икки киши ёки икки томон ўртасидаги биргалик иш-ҳаракат —

كتب (катаба) (у) ёзмоқ	—	كاتب (катаба) ёзишмоқ
رقص (ра.қас.а) (у) ўйнамоқ	—	راقص (ра.қас.а) биров билан рақсга тушмоқ
خبر (хабара) (у) хабар бўлмоқ	—	خابر (ха.бара) хабарлашмоқ

2. Контативлик — қўйилган мақсадни бажаришга интилиш, тортишиш каби мазмундаги биргалик иш-ҳаракат —

سبق (сабақа) (и) ошиб ўтмоқ	—	سابق (са.бақа) ўзишга ҳаракат қилмоқ, мусобақалашмоқ
غلب (ғалаба) (и) ғолиб бўлмоқ	—	غالب (ға.лаба) ғолиб бўлишга ҳаракат қилмоқ, ютишга интилоқ

3. Биринчи бобда ифодаланган маънони амалга ошириш, қўланиш йўлидаги саъй-ҳаракат —

صدق (с.адақа) (у) тўғри гапирмоқ, сидқидил бўлмоқ	—	صادق (с.а.дақа) садоқатли бўлмоқ, дўстона муносабат тутмоқ
حسن (х.асуна) (у) яхши бўлмоқ	—	حاسن (х.а.сана) яхшилик қилмоқ, яхши муносабатда бўлмоқ



کاتب (ка.таба) «ёзшимоқ» феълнинг тусланиши

Шахс	Жинс	Ҳозирги-келаси замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	تکاتب (тука.тибу)	—	اکاتب (ука.тибу)
2	музак.	تکاتبون (тука.тибу-на)	تکاتبان (тука.ти-бани)	تکاتب (тука.тибу)
	муан.	تکاتبین (тука.тиб-на)		تکاتبین (тука.ти-бинна)
3	музак.	یکاتبون (йука.тибу-на)	یکاتبان (йука.ти-бани)	یکاتب (йука.тибу)
	муан.	یکاتبین (йука.тибна)	تکاتبان (тука.ти-бани)	تکاتب (тука.тибу)

Учинчи бобдан буйруқ ҳозирги-келаси замон (иккинчи шахс) шаклининг охирини суқунлаш ва шахс ясовчисини тушириб қолдириш орқали ясалади:

کاتب (ка.тиб) — تکاتب (тука.тиб) — تکاتب (тука.тибу) — ёзиш!

Барча шакллар учун қолишлар:

فاعلوا (фа.'илу.)

فاعلا (фа.'ила.)

فاعل (фа.'ил)

فاعلن (фа.'илна)

فاعلی (фа.'или.)

ماسدار ва сифатдошлар ясаи

Учинчи боб феълларидан масдарлар مفاعلة (муфа.'алатун) ва فعال (фи.'алун) қолишларида ясалади; ҳар икки шакл ҳам кенг қўлланилади. Кўп ҳолларда бир феълдан ҳар икки шаклда ясалган масдарлар ишлатилади:

سابق (са.бақа) — مسابقة (муса.бақатун) } мусобақалашмоқ  
 мусобақалашмоқ

سباق (сиба.қун)

лашиш

صادق (са.дақа) дўстона — مصادقة (мус.а.дақатун) дўстона муносабатда бўлмоқ

Сифатдошларнинг аниқ даражаси مفاعل (муфа.'илун), мажҳул даражаси مفاعل (муфа.'алун) қолишларида ясалади:

خابر (ха.бара) огоҳ қилмоқ — مخابر (муха.бирун) огоҳ қилувчи

مخابر (муха.барун)

огоҳланувчи

حاسن (х.а.сана) яхшилик қилмоқ — محاسن (мух.а.синун) яхшилик қилувчи

محاسن (мух.а.санун) яхшилик қилинган

## НИСБИЙ ОЛМОШЛАР

Энг кўп қўлланадиган нисбий олмошлар **الذی** ('аллаз:и.) «қайсики» ва унинг гуруҳидир. Этимологик жиҳатдан назар ташласак, бу нисбий олмош аслида кўрсатиш олмоши **ذی** (з:и.) бўлиб, у аниқлик артикли ва нисбат-ишора юклагаси **ل** (ли-) билан таъминлангандир. Гуруҳ деганда, мазкур нисбий олмошнинг грамматик сон ва жинс кўрсаткичлари назарда тутилади:

Жинс	Грамматик сон		
	кўчилик	иккилик	бирлик
музак.	<b>الذین</b> ('аллаз:и.на)	<b>الذان</b> ('аллаз:а.ни.)	<b>الذی</b> ('аллаз:и.)
муан.	<b>اللواتی</b> ('аллава:ти.)	<b>اللتان</b> ('аллата:ни.)	<b>اللتی</b> ('аллати.)
	<b>اللاتی</b> ('алла:ти.)		

Иккилик шакллар келишикларда турланади: **الذین** ('аллаз: айни)

Бошқа нисбий олмошларни ҳам келтирамиз: **من** (ман) кимки, **ما** (ма.) нимаки, **ای ایة** ('аййун, 'аййатун) қайсики.

### АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАП

Аниқловчи эргаш гап деб эргаш гап шаклида расмийлаштирилган аниқловчини айтамыз. У бош гапнинг от ёки от вазифасини бажариб келаётган бирорта бўлагини аниқлаб, изоҳлаб беради. Шунингдек, аниқловчи эргаш гаплар, барча аниқловчилар каби, белгига ҳам ишора қилади. Одатда аниқловчи эргаш гап ўзи аниқлаб келаётган сўз — аниқланмишдан кейин қўйилади. Араб тилида бу турдаги гаплар бош гапнинг ўртаси ёки охиридан жой олиши мумкин.

Аниқловчи эргаш гапнинг бош гапга эргашуви икки турлидир: воситасиз, воситали.

1. Бош гапнинг аниқловчи эргаш гап томонидан аниқлаб келаётган бўлаги грамматик ноаниқ ҳолатда бўлса, эргашув воситасиз бўлади. Воситасиз деганда, эргаш гапнинг бош гапга кўрсаткичсиз, белгисиз эргашуви назарда тутилади:

**اكتاب مع طالبة تدرس في معهد**    Тиббиёт институтинда ўқидиган  
**الطب.**    бир толиба билан ёзинман.

**أعترت على عجوز يلبس بردين؟**    Қўш чакмон кийган қарияни  
 учратдингми?

2. Бош гапнинг аниқловчи эргаш гап томонидан аниқланиб келаётган бўлаги грамматик аниқ ҳолдаги отдан ифодаланган чоғда

эргашув воситали бўлади. Восита вазифасини нисбий олмошлар бажаради. Бироқ нисбий олмош мустақил ва ўзи бошлаб келаётган эргаш гапнинг ҳеч бир бўлагига тобе муносабат сақламайди. Демак, у эргаш гапнинг таркибий қисми сифатида қабул қилинмайди ҳам, балки эргаш гапнинг ўзи унинг мазмунини мантиқан кенгайтириб беради. Эргаш гапнинг эргаштирув кўрсаткичлари — **الذی** ('аллаз:и.) ва унинг гуруҳи сон ва жинсида аниқланмиш билан мослашади. Иккиликдаги нисбий олмош турланганлиги сабабли, бу борада мослик талаб қилинади, албатта.

يمر بنا ذلك الحمال الذي يحمل  
اشياء الناس.

رجع من القرية الطلاب  
والمدرسون الذين ساعدوا  
الفلاحين في جنى المحاصيل.

Бировларнинг нарсаларини  
кўтариб олган ўша ҳаммол  
ёнимиздан ўтати.

Ҳосилни йиғиштиришда деҳқон-  
ларга ёрдам берган толиблар ва  
ўқитувчилар қишлоқдан  
қайтдилар.

Нисбий олмошлардан **من** (ман) «кимки» ҳам аниқловчи эргаш гапни эргаштириш воситаси бўла олади:

ليس اليتيم من مات والده.

Кимки отаси ўлган бўлса, етим  
бўлаверибдими?

Бош гапнинг аниқланилаётган бўлаги жуда кўп ҳолларда аниқловчи эргаш гапнинг мантиқий эгаси сифатида талқин қилинади. Бироқ мазкур сўз эргаш гапдаги иккинчи даражали бўлақларнинг бири бўлиб келиши ҳам мумкин. Бу ҳолда, қайтувчи олмош пайдо бўлади. У шаклан учинчи шахсдаги бирикма олмошларга монанд бўлади. Қайтувчи олмошлар бош гап таркибида бўлатуриб, аниқловчи эргаш гап билан грамматик муносабатда бўлган бўлақнинг эргаш гапдаги «нусхаси» ёки «вакили» бўлади — унга ишора қилади, у билан сон ва жинсида мутаносиблашади. Қайтувчи олмош гапда эргаш гапнинг феъл-кесими билан ёхуд у бошқараётган кўмакчи билан бирикиб келади.

دخل الغرفة مهندس رايته في  
المصنع.

انما الاستقلال الذي نريده ليس  
عملية سياسية وانما هو في  
المقام الاول تحرير الايدي العاملة  
من سطوة المستعمرين.

Мен заводда кўрган инженер  
хонага кирди.

Биз талаб қилаётган озодлик си-  
ёсий амалиётгина бўлиб қолмай,  
биринчи набатда ишчи қўллар-  
ни империализм исканжасидан  
қутқаришдир.

Аниқловчи эргаш гап вазифасида кўп ҳолларда феъллий гап келади. Бироқ исмий гаплар ҳам бу вазифани удалаши мумкин:

الجمال و الحب كلمتان كل منهما  
متمة لآخرى.

Гўзаллик ва севги — бирч  
иккинчисини тўлдириб турувчи  
икки сўздир.

اقتربنا من حديقة حولها حيطان  
عالية.

Атрофи девор билан ўралган бир  
боққа яқинлашдик.

Аниқловчи эргаш гапларни ўзбекчага сифатдошли бирикмалар билан ўгириш ҳам қулай, ҳам мақсадга мувофиқдир.

### ЖАМЛОВЧИ ОТЛАР

Жамловчи от араб тилида шахс-нарсаларнинг бир жойга йиғиш мумкин бўлмаган кўп ва кенг мазмунини ифодаловчи тури:

ذهب (з:аҳабун) олтин  
شم (шах.мун) мой

عسكر ('аскарун) кўшин  
شبيبة (шаби.батун) ёшлар

Жамловчи отлар ўз кўрсаткичларига кўра у ёки бу жинсга тааллуқли бўлиши мумкин. Бундан ташқари кўпчилик жамловчи отлардан кўплик шакллари ясалиши мумкин:

عساكر → عسكر، شحوم → شحم

Айрим жамловчи отлардан кўплик шакллари ясалмайди:

ذهب، شبيبة

Бир туркум жамловчи отлар борки, улардан якка от номлари ясаш мумкинми ё йўқлигига қараб маълум жинсга тааллуқли бўлади. Агар мумкин бўлса, бундай отлар музаққарда, аке ҳолда муаннасада бўлади. Қомуслардан аниқлаймизки, қуйидаги жамловчи отлардан яккалик отлари ясаш мумкин эмас; демак, улар муаннасададир:

ابل ('ибилун) туя, خيل (хайлун) от

### ЯККА ОТ НОМЛАРИ ЯСАШ

Якка отларнинг номлари жамловчи от шакллари охирига «о» қўшиб ясалади. У танвин туширилгач, бевосита бириктирилади:

تفاح (туффа.х.ун) олма — تفاحة (туффа.х.атун) бир дона олма  
جزر (жазарун) сабзи — جزرة (жазаратун) бир дона сабзи  
حب (х.аббун) уруғ — حبة (х.аббатун) бир дона уруғ

Яккаликни ифодаловчи отлардан тўғри (муаннаса) кўплик ясалади:

رمانة (румма.патун) анор — رمانات (румма.патун)  
بطيخة (бат.т.и.хатун) тарвуз — بطيخات (бат.т.и.х.атун)  
بلحة (балах.атун) хурмо — بلحات (балах.а.тун)

## БИР БОРАЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ОТЛАР ЯСАШ

Бир бораликни ифодаловчи отлар амалдаги ҳаракат номлари — масдарлардан улар охирига «о» орттириш билан ясалади:

لفظ (лафзун) сўзлаш	—	لفظة (лафз.атун) сўзлов, сўз қотув
حفل (х.афлун) йиғилиш	—	حفلة (х.афлатун) йиғин
ضرب (д.арбун) уриш	—	ضربة (д.арбатун) зарба

Маълумки, масдарлардан кўплик шакллари ясалмайди. Бир бораликни ифодаловчи отлардан эса, улар отлиги туфайли, кўплик шакллари ясаш мумкин:

نفخة (нафхатун) намоёиш	—	تظاهرات (таз.а.ҳура.тун)
تظاهرة (таз.а.ҳуратун) пуфак	—	نفخات (нафаха. тун)

### Биринчи матн

رأيت في الحديقة زهرة يداعبها النسيم. اتذكر ان بيني و بينك معاهدة الصداقة؟ (جبران). ويهنيء الضيف اهل العريس ويقابله و يقاربه الجميع بالترحاب والممازحة و يجلس بينهم و هو ضاحك مداعب مسرور (على بن هادية). وحارب العدو تلك القرى والحدائق و البساتين بجيش كثير من العدد. الاعب الاطفال و اضاحك الشبان (ابراهيم المازني) توفيق مهذب يساعد الضعاف و الكبار في السن (حنا الفاخوري). ذهب السيد الى العديقة و سأل الفلاح الذي يعمل فيها: اين الكنز الذي وجدته في حقلی (اسطورة). انت في نعمة تجهلين قيمتها. حتى التراب في جذورك ساجعله ترابا يابسا لاتعيش فيه الحياة. و هذا جزء الرجل الذي يتدخل في عمل لا يعرفه (الفليل وليلة).

238-машқ. Барча замовларда тусланг, буйруқ шакллари ясанг:

خابر، سابق، راقص، ضارب، صارع

239-машқ. Масдар ва сифатдошлар ясанг, ҳар бирига биттадан жумла тузинг:

ضاحك، مازح، غالب، عاهد، ناهض

240-машқ. Қуйидаги висбий олмошлардан фойдаланиб, тўртта гап тузинг:

الذي، التي، اللتان، الذين

241-машқ. Дарсхонада таҳлил қилинг:

الطالب الذي رأيت في المكتبة يدرس معي. شاهدوا كل ابل دخلت الظهيرة. فكرت الوحوش للغابة قبل العودة الى الاماكن التي سكنت

فيها عن الاكل و الشرب. غربت الشمس و رجعت الفلاحات التين  
ساعدن الفلاحين في المزارع الى البيوت (حدائق القراءة).

242-ماشқ. Жамловчи отлар ясанг:

تفاحة، رمانة، بصالة، قرعة، ورقة، ملفوفة

243-ماشқ. Якка от номлари ясанг:

زهرة، شجرة، لوز، موز، جوز، نحل، زيتون

244-ماشқ. Масдарлардан бир бораликви ифодаловчи отлар ясанг:

رجوع، ذهب، دخول، ركوب، نهوض

245-ماشқ. Арабчага ўтиринг. Авиқловчи эргаш гапларнинг тўғри шакл  
олишига аҳамият беринг:

1. Тайёрасозлик заводида инженер бўлиб ишловчи дўстимга  
хат ёздим. 2. Тошкент шаҳридаги катта фабрикада ишловчи инже-  
нер аёл қишлоққа меҳмон бўлиб келди. 3. Шарқ тиллари инсти-  
тутида ўқитувчи бўлиб ишлайдиган ўртоқ бизнинг уйимизда ту-  
ради. 4. Трамвайдан тушаётган бувига ёрдам берган қиз кутуб-  
хонада ишлайди. 5. Мендан бекатни сўраган бобо трамвайга  
ўтирди.

246-ماشқ. Эргаш гаплар юзасидан таҳлил қилинг, сўнг ифодали ўқинг:

ليست عندي سلة احمّل القمح فيها. ان هناك اشخاصا كثيرين  
يعملون في جمع المحاصيل. كانت هذه هي المرة الاولى التي يرى فيها  
القرود انسانا. و هذا دليل على ان باطن الارض الاوزبكية غني بالمعادن.  
قد تبين ان قعر بحر القزوين غني بالنفط. نعرف ان الانهر الرئيسية في  
آسيا الوسطى تنبع في الجبال.

247-ماشқ. رأى феълдан ясанган кесимларни замонларга мувофиқ тас-  
нифланг. Гапларни таржима қилинг:

كانت هذه المرة الاولى رأى فيها عبدا يعارض سلطانه (حميد  
سليمان). سترون ان الماء لا يسيل الماء قطرة. رأيت هؤلاء الناس قبل  
عدة اشهر كاملة (ابراهيم).

248-ماشқ. Бирикмаларни арабчага таржима қилинг ва ёд олинг:

бешта олма, саккизта шёз, олтита хурмо, қари от, чопқир туя,  
ўн иккита тарвуз, бир юз йигирма саккиз варақ, ишчилар иш таш-  
лашлари, толиблар намоёншлари

## Иккинчи матн

### قطر الثقافة العريقة

اوزبكيستان قطر ذو ثقافة عريقة و من غابر الازمان عاشت هنا  
شعوب ابدعت ذخائر مادية و روحية لا تقدر بثمن. و تعرف الانسانية  
المتحضرة كلها اسماء خيرة الممثلين لاسيا الوسطى مثل علامة الرياضيات

والفلكي المعروف من القرن التاسع الفرغاني و العالم الطبيعي محمد الخوارزمي الذي اشتهر بمؤلفاته في علم الرياضيات و الجغرافيا. لقد كان ابو ريحان البيروني اعظم العلماء والمفكرين في تلك الاوان و هو مؤلف عدد من الكتب في التأريخ و الفلك و علم المعارف و الجغرافيا. ان العالم كله يعرف العالم الموسوعي الفذ، الفيلسوف والطبيب، عالم الطبيعة والرياضيات، عالم المنطق والشاعر ابا علي بن سينا. كتب ابن سينا اكثر من ثلاثمائة مؤلف علمي. لقد كان اولوغبيك المثل النابغ لثقافة العصور الوسطى في بلادنا. فهو العالم الفلكي اللامع و راعية العلوم الذي تجمع حوله العلماء والشعراء والفنانون والمؤرخون والفلكيون. كان عليشير نوائي هو المثل البارز للعلوم و الثقافة في القرن الخامس عشر و هو الشاعر المفكر و مؤلف النتاجات الرائعة المترجمة الي الكثير من اللغات في العالم. ان هذه الاسماء والكثير عداها قد ادخلت الي السجل الخالد. المجد للشعب الاوزبكي الموهوب.

### Бирикмалар ва иборалар

ثقافة عريقة	қадимги (асл) маданият	موسوعي فذ	тенгенгиз, кенг мушо-ҳадали, энциклопедист
غابر الازمان	кечмиш замон	ذخائر مادية	моддий бойликлар
انسانية	маърифатли	خيرة الممثلين	намояндалар орасидан танлангани
متحصرة	инсоният	مثل نابغ	топқирликда ўрнак
عالم طبي	табиат билимдони	والكثير عداه	ва ундан бошқа кўп
عالم فذ	ёрқин олим		

249-ماشق. Саволларга матн асосида оғзаки жавоб беринг:

من كان محمد الخوارزمي؟ اتعرف عالما آخر بلقب «خوارزمي»؟ ما يعنى «السجل الخالد»؟ سجل اسماء علماء معاصرين. كم كتابا كتب باقى خالد؟

250-ماشق. Қуйидаги сўزلардан фойдаланиб олтита гап тузинг:

فلكي، آسيا الوسطى، متحضر، نتاجات، خالد، ذخيرة

251-ماشق. Қолипларини аниқлапг, маъволарини топинг:

تاريخ، نشاط، شعراء، مؤلف، تدخل، سما، رائع

252-ماشق. Икки ёқлама таржима учун матн:

— ان نسمة طشقند تتفوق الان على مليونين.

— Буни биламан. Улкан шаҳримиз аҳолиси кун сари ошапти.

— فى اية منطقة من المدينة تسكن انت؟

— Эски шаҳарда яшаймиз.

— وكيف ازدياد السكان هناك؟

— Шаҳаримиз аҳолиси ўсиш бўйича олдинги ўринни эгаллайди.

— تقول هكذا، يا اخي، اجمل تهنئاتي لمن يسكن فى المدينة القديمة.

— Шаҳримизда қанча аҳоли борлигини биласизми, Ўзбекистонда-чи?

سمعت ان عدد السكان فى طشقند مليونان و فى اوزبكستان ۲۲ مليونا.

253-машқ. Арабчага ўтиринг ва ёд олинг:

мантиқ биллимдони, аллома мутафаккир, математик (олим), бебахо, Ўрта Осиё, ўрнакли истеъдод эгаси, абадийлик ҳурмат лавҳаси

254-машқ. Таржима қилинг:

1. Ўша пайтлардаги олимларнинг ва мутафаккирларнинг энг буюги — Абу Райҳон Беруний эди. 2. Беруний жуда кенг мушоҳадали олим, тенгсиз истеъдод эгаси эди. 3. Абу Али ибн Сино олим, шунингдек, шоир ҳам эди. 4. Абу Али ибн Сино 117-асрнинг энг буюк фан намояндаси деб тан олинади. 5. Ўша 117-асрда бизга ҳозирча нотаниш кўп олимлар яшаган.

255-машқ. «Ўзбекистон аҳолиси» мавзусида уй ишоси ёзинг.

256-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

شر الناس من لا ينفع الناس  
القريب من يقرب نفسه

### СЎЗЛИК

ازدياد ('издийа.дун) кўпайиш

ترحاب (тарх.а.бун) табриклар

جنو (жиз:рун) илдиэ

ساكن (са.кинун) яшовчи

داعب (да.'аба) юлқимоқ, ўйлашмоқ

عهد ('аҳдун) давр

عارض ('а.рад.а) эътироз билдирмоқ

قشرة (қишратун) пўст

قعر (қа'рун) ич

متعدد (мута'аддидун) кўп сонли

متنوع (мутанавви'ун) хилма-хил

ممازحة (мума.зах.атун) ҳазил-мутоййба

نسمة (насаматун) жон

هنا (ҳанна'а) табриклармоқ

مفرح (муфаррих.ун) қувонтирадиган

لف (лаффа) (и) шпмармоқ, ўрамоқ

بليغ (бали.ғун) йирик; ҳаддан ошқ



ترنن (тараннана) таралмоқ

ريف (ри.фун) қишлоқ

جهل (жаҳила) (а) бил-  
маслик, хабарсиз  
бўлмоқ

ساعد (са.'ада) ёрдамлашмоқ

سن (синнун) ёш

قابل (қа.бала) кутиб ол-  
моқ

قرد (қирдун) маймун

قرب (қарраба) яқин-  
латмоқ

قرع (қар'ун) қовоқ

معاهدة (му'а.ҳадатун) бити-  
шув

مهذب (муҳаз:з:абун) одобли

يابس (йа.бисун) қуруқ

عنوان ('унва.вун) адрес

متساو (мутаса.вин) тенг

کنز (канзун) бойлик

قومية (қавмиййатун)  
миллат

## Ўн еттинчи дарс:

### ФЕЪЛЛАРНИНГ ОЛТИНЧИ БОБИ

Уч ундошли феълларнинг олтинчи боби учинчи боб феъли ол-  
дига **ت** (та-) ясовчи қўшимчаси орттириш билан ясалади. Қолици:  
**تفاعل** (тафа.'ала). Ҳозирги-келаси замон шакли ўтган замондан  
ушннг олдига фатҳали шахс ясовчилари орттириш билан ясалади.  
Ўзакнинг охиригиси қоидага биноан дамма ўқилади, бошқа ўзга-  
риш кузатилмайди. Қолици: **يتفاعل** (йатафа.'алу).

Олтинчи боб феъллари ифодалаган мазмунлар учинчи бобники  
билан узвий алоқадор. Олтинчи бобнинг вазифаси қуйидагича:

1. Катта-катта тўдалар ўртасидаги биргалик ёки умумий иш-  
ҳаракатни ифодалаш:

ضمن (дамцива) (а) ҳам-  
дard бўлмоқ

سقط (сақат.а) (у) тўқил-  
моқ, тушмоқ, ёғмоқ

ضحك (дах.лка) (а) кулмоқ

تضامن (тад.а.мана) ўзаро  
ҳамдардлик қилмоқ,  
бирдамлик кўрсатмоқ

تساقط (таса.қат.а) дув тў-  
килмоқ, кўплаб туш-  
моқ, ёғилмоқ

تضاحك (тад.а.х.ака) кўлчи-  
лик бўлиб кулишмоқ,  
аския қилмоқ

2. Ўзни бирор ҳолатга солиш, муғомбирлик қилишни ифода-  
лаш:

مرض (марпд.а) (а) бемор  
бўлмоқ

عرج ('арижа) (а) чўлоқ-  
ланмоқ

تمرض (тама.рад.а) ўзни бе-  
морга солмоқ, ёлгон-  
дан касалланмоқ

تعارج (та'а.ража) ўзни чў-  
лоққа солмоқ, жўрт-  
тага чўлоқланмоқ

جهل (жаҳила) (а) билмас-лик

تجاهل (тажа.ҳала) ўзни билмаганга солмоқ

مات (ма.та) (у) ўлмоқ

تماوت (тама.вата) ўзини ўлганга солмоқ

3. Иш-ҳаракатда аста-секин бўлувчи ўзгаришларни кўрсатиш:

كثرا (кас.ура) (у) кўп бўлмоқ

تكاثر (така.с.ара) аста кўнаймоқ, секин кўнайиб бормоқ

نزل (назала) (и) тушмоқ

تنازل (тана.зала) аста тушиб бормоқ, биринкетин тушмоқ

تجاهل (тажа.ҳала) феълнинг тусланиши

Шахс	Жинс	Ўтган замон		
		кўрлик	иккилик	бирлик
1	умумий	تجاهلنا (тажа.ҳал-на.)	—	تجاهلت (тажа.ҳал-ту)
2	музак.	تجاهلتيم (тажа.ҳал-тум)	تجاهلتما (тажа.ҳал-тума.)	تجاهلت (тажа.ҳал-та)
	муан.	تجاهلتين (тажа.ҳал-тунна)		تجاهلت (тажа.ҳал-ти)
3	музак.	تجاهلوا (тажа.ҳал-лу.)	تجاهلا (тажа.ҳал-ла.)	تجاهل (тажа.ҳал-ла.)
	муан.	تجاهلنا (тажа.ҳал-на)	تجاهلتا (тажа.ҳал-лата.)	تجاهلت (тажа.ҳал-лат)

Олтинчи боб феълдан буйруқ ҳозирги-келаси замон (иккинчи шахс) шаклининг охирини сукунлаш ва шахс ясовчисини тушириб қолдириш орқали ясалади:

تتجاهل (татажа.ҳалу) – تجاهل (татажа.ҳал) – تجاهل (тажа.ҳал) ўзни билмаганга сол!

Барча шакллар учун қолишлар:

تفاعلوا (тафа.'лу.)

تفاعلنا (тафа.'ална)

تفاعلا (тафа.'ала.)

تفاعل (тафа.'ал)

تفاعلي (тафа.'али.)

МАСДАР ВА СИФАТДОШЛАР ЯСАШ

Масдар олтинчи боб феълларидан تفاعل (тафа.'улув) қолинида ясалади:

تبادل (таба.дулув) ўзаро алмаштириш

تساقط (таса.қут.ув) дув тўкилиш

تعارج (та.'аружув) жўрттага чўлоқланиш

Аниқ даража сифатдошлари **مفاعل** (мутафа.‘илун) ва мажҳул даража сифатдоши **مفاعل** (мутафа.‘алун) қолишларида ясалди:

**تبادل** дан: **متبادل** (мутаба.дилун) алмаштиришувчи, ўзаро  
**متبادل** (мутаба.далун) алмаштири(ши)лган  
**تَمَارَض** дан: **متمارض** (мутама.рид.ун) ўзини беморга солувчи  
**متمارض** (мутама.рад.ун) ўзини беморга солинган  
(жой)

## УНДОВЛАР

Ундов мазмуни араб тилида юкламалар ёрдамида англатилади. Энг кўп ишлатиладиган хитоб-ундов юкламалари иккита: **يا** (йа.) ва **ايها** (‘аййуҳа.) (‘аййатуҳа.).

**يا** (йа.) «эй», «о, ҳой» ундов-хитоб юкламасини қўллашда қўйиладиган шартларга амал қилиш керак:

Юклама бошда, хитоб йўналган объект ифодаси бўлган сўздан олдинга қўйилади. Объект ифодаси бўлган сўз бош келишида, аниқ шаклда, бироқ артикلسиз қўйилади:

**يا سيد!** Эй жаноб! **يا رجال!** Ҳой одамлар!

Юкламадан кейин келаётган сўз мослашган аниқловчисга эга бўлса, ноаниқ шаклда ва тушум келишигида қўйилади:

**يا طالبا شيطا!** Эй фаол толиб!  
**يا رجلا حكيم!** О доно киши!

Хитоб йўналаётган объект ўз номи билан аталаётган бўлса, бош келишида танвиhsиз келгани ҳолда, унинг аниқловчиси тушум келишигида қўйилиши мумкин:

**يا زيد الطريف!** О доно Зайд!

Юкламадан кейин келаётган сўз мослашмаган аниқловчига эга бўлса, тушум келишигида қўйилади:

**يا ابا منذر!** Ҳой Абу Мунзир!  
**يا دارمية!** Эй Майянинг ҳовлиси!

Хитоб учинчи шахсга йўналган бўлса, у юкламадан сўнг ноаниқ шаклда ва тушум келишигида қўйилади:

**يا سكان طشقند!** Ҳой тошкентликлар!

**يا طالب!** Оббо толиб-эй!

Яна бир хитоб юкламаси **ايها** (‘аййуҳа.) «эй, ҳой» муаннас шаклга ҳам эга: **ايها** (‘аййатуҳа.). Бу юкламадан сўнг хитоб йўналаётган исм бош келишида ва аниқлик артикли билан қўйилади:

ايها الناس! Хой одамлар!  
 ايتهما الصديقات المحترمات! Эй мухтарам дугоналар!

Бу юклавани қўллашда ҳамма вақт ҳам жинс кўрсаткичларига эътибор берилмавермайди. Музакарлар учун ажратилган шакл умумий жинс мазмуни касб этиши ва қўлланиши мумкин. Шунингдек, мазкур юклама يا (йа.) билан бир мажмуада қўлланиши ҳам мумкин. Бунда унинг ифода қуввати ниҳоятда ошади:

يا ايها القائل غير الصواب! Эй нотўғри сўзловчи кимса!  
 يا ايتهما المربية العزيزة! О азиз мураббия!

### ФОНЗЛАРНИ ИФОДАЛАШ

Фонз (процент)лар араб тилида في المائة (фи-л-ми'ати) ёки بالمائة (би-л-ми'ати) бирикмаларидан бири воситасида ифодаланади. У фонзнинг рақам ифодасидан кейин қўйилади:

35% — خمسة و ثلاثون بالمائة

77% — سبعة و سبعون في المائة

### КАСР СОНЛАР

$\frac{1}{2}$  (ярим) сони نص (нус.с.ун) ёки نصف (ннс.фун) сўзлари билан ифодаланади.

$\frac{1}{3}$  дан то  $\frac{1}{10}$  гача бўлган каср сонлар فعل (фу'лун), уларнинг кўплиги افعال ('аф'алун) қолипларида ясалади:

$\frac{1}{3}$  — ثلث (с:улс:ун),  $\frac{1}{4}$  — ربع (руб'ун),  $\frac{1}{5}$  — خمس (хумсун),

$\frac{1}{6}$  — سدس (судсун),  $\frac{1}{7}$  — سبع (суб'ун),  $\frac{1}{8}$  — ثمن (с:умнун),

$\frac{1}{9}$  — تسع (тус'ун),  $\frac{1}{10}$  — عشر ('ушрун).

$\frac{2}{3}$  дан то  $\frac{2}{10}$  гача бўлган касрлар эса суратни иккилик қолипига тушириш орқали ясалади:

$\frac{2}{3}$  — ثلثان (с:улс:ани),  $\frac{2}{5}$  — خمسان (хумса.ни),  $\frac{2}{9}$  — تسعان (тус'ани).

Учдан ўнгача бўлган ўндик ичидаги касрларни яшашда суратни кўплик шаклидаги махражлар билан изофага қўйилади:

$\frac{3}{9}$  — ثلاثة اتساع (с:ала.с:ату 'атса.'ин)

$\frac{6}{10}$  — ستة اعشار (ситтату 'а'шарин) ва шулар каби.

11 ва ундан ошиқ махражга эга бўлган каср сонлар тавсиф шаклида ифода топади. Бунда «бўлак» мазмунидаги جز (кўнлиги اجراء) отидан ҳамда чиқиш келишигини ифодаловчи кўмакчининг бутундан бўлакни билдирган мазмунидан фойдаланиб ясалади:

$\frac{5}{13}$  — خمسة أجزاء من ثلاثة عشر جزءاً  
 $\frac{43}{98}$  — ثلاثة و أربعون جزءاً من ثمانية و تسعين جزءاً  
 $\frac{5}{1257}$  — خمسة أجزاء من الف و مائتين و سبعة و خمسين جزءاً

Махражи ўндан ҳисобланувчи касрларнинг ифодаси оддий касрларникидан фарқ қилмайди:

29,6 метр: تسعة و عشرون مترا و ستة اعشار من المتر  
 150,8 тонна: مائة و خمسون طنا و ثمانية اعشار من الطن

Махражи юздан ҳисобланувчи касрлар бизга таниш **في المائة** бирикмаси ёрдамида айтилади:

19,84 тонна: تسعة عشر طنا و اربعة و ثمانون بالمائة من الطن  
 200,23 метр: مائتا متر و ثلاثة و عشرون بالمئة من المتر

### ТАҚСИМ СОНЛАР

Тақсим сонларнинг энг кўп тарқалган шакли оддий саноқ сонларни қайтариш усули билан ифодаланганидир. Бунда саноқ сонлар ноаниқ ҳолатда ва тушум келишигида бўлади:

واحدًا واحدًا	} биттадан, битта-битта
واحدة واحدة	
خمسين خمسين	} элликтадан, элликта-элликта

Бундан ташқари, кўпинча ўнлик ичидаги тақсим сонлар **فعال** (фу'ала) ёки **مفعل** (маф'ала) қолишларида ҳам ясалиши мумкин:

مثلت ёки ثلاث учтадан, учта-учта

م سبع ёки سابع еттитадан, еттита-еттита

### КАРРА СОНЛАР

Карра сонлар оддий ўзакларни **مفعل** (муфа'алун) қолишига қўйиш усули билан ясалади:

музак:	مثنى	(мус:аннац)	} нккиланган
муан:	مثناة	(мус:анна.тун)	
музак:	مربع	(мурабба'ун)	} тўртланган
муан:	مربعة	(мурабба'атун)	

## ВАҚТНИ ИФОДАЛАШ

Бутун сонларда мужассамланган вақтни ифодалашда ўзбек тилидан фарқли равишда, араб тилида тартиб сонлари қўлланилади:

الساعة الرابعة	Соат тўрт (бўлди).
نذهب الى المدرسة في الساعة الثامنة بالضبط.	Мақтабга соат рошпа-роса сақкизда кетамиз.

Дақиқалар (ва) «ва» боғловчиси ёрдамида қўшилади. Бунда саноқ сонлардан фойдаланиш ҳам мумкин:

الساعة العاشرة و خمس دقائق.	} Соат ўн-у беш дақиқа (бўлди).	
الساعة العاشرة و الدقيقة		} Соат ўндан беш дақиқа ўтди.
الخامسة.		

«ال» (илла) юкласи воситасида дақиқаларнинг етишмаслигига ишора қилинади. Бунда юкламадан сўнг келаятган ва у билан грамматик муносабатга кирган сўз тушум келишигида қўйилади:

الساعة الخامسة الاخمسة وعشرين دقيقة.	Соат йигирма беш дақиқа кам бешдир.
الساعة الحادية عشرة الا ثلاثة دقائق.	Соат уч дақиқаси кам ўн бирдир.

Вақтни ифодалашда каср сонлардан кенг фойдаланилади:

الساعة الثامنة والنصف.	Соат саккиз ярим.
الساعة الثالثة و الثلث.	Соат учдан йигирма дақиқа ўтди.
الساعة الثانية عشرة الا ربعا.	Соат ўн бирдан 45 дақиқа ўтди.

Кеча-кундуз (сутка) арабларда 12 соатли давра ичида ифодаланган сабабли соат рақамларига қўшимча равишда пайт номи зикр қилинади:

صباحا، في الصباح	эрталабки
ظهرا، بعد الظهر	тушқи, тушдан сўнг
مساء، ليلا	оқшомги, тунги

Йилларни арабларда ҳам саноқ, ҳам тартиб сонлари билан ифодалашди — амалда «йил» сўзи билан тартиб мослашади, саноқ изофа ташкил қилади:

«1992 йилда» — في السنة الالف و التسعمائة و الثانية و التسعين  
في سنة الف و تسعمائة و اثنتين و تسعين

## ҲАҒТА ВА КҮН НОМЛАРИ

душанба	يوم الاثنين	жума	يوم الجمعة
сешанба	يوم الثلاثاء	шанба	يوم السبت
чоршанба	يوم الأربعاء	якшанба	يوم الاحد
пайшанба	يوم الخميس	ҳафта	اسبوع

## ОЙ НОМЛАРИ

Араб давлатларида ҳозир ой ва қуёш тақвимларидан фойдаланилади. Булар ҳижрий, Григориан ва сурёний тақвимларидир.

Ой тақвими (ҳижрий):

1) المحرم	5) جمادى الاولى	9) رمضان	
2) صفر	6) جمادى الاخرة	10) شوال	
3) ربيع الاول	7) رجب	11) ذوالقعدة	
4) ربيع الثاني	8) شعبان	12) ذوالحجة	

Қуёш тақвимлари:

а) Григориан:	б) сурёний:
1. يناير	كانون الثاني
2. فبراير	شباط
3. مارس	آذار
4. ابريل	نيسان
5. مايو	ايار
6. يونيو	حزيران
7. يوليو	تموز
8. اغسطس	آب
9. سبتمبر	ايلول
10. اكتوبر	تشرين الاول
11. نوفمبر	تشرين الثاني
12. ديسمبر	كانون الاول

## Биринчи матн

يتمايل القلم بين اصابعى تمايل الصفصاف بقرب الغدير (مى زيادة). ان هذا الطريق لايتجاوز ثلاثين كيلومترا عن علو الفى متر (امين الريحانى) يداعب النسيم الزهرة فتتمايل فى كبرياء و اعجاب. فقد عرفتك لطيفة بتواضعك (عزالدين فراج). والحديث يتناول الادب و الفنون و العلوم. بدأ هذا السؤال يتطير حول منازل الجيران بين

طبقة و هو يتشاءب متسانلا: ما الخير؟ ثم تضخم السؤال و تعاضم (المازنى) كان المستقبل يتراقص فى خياله بصور مختلفة. تتباين تمام التباين عن الصور التى تكشف عنها الايام بعد ذلك (بن جلون).

257-ماشқ. Барча замонларда тусланг:

تضامن، تضاحك، تقابل، تواضع

258-ماشқ. Буйруқ шақллари, масдар ва сифатдошлар ясанг:

تكاثر، تساقط، تماثل، تشاب

259-ماشқ. Гапларни арабчага таржима қилинг:

1. Толибларнинг 35,9 фоизи қарши овоз берди. 2. Деҳқонларнинг учдан икки қисми ер ҳайдаяпти, қолган учдан бири эса ерни бегона ўтдан тозалаяпти. 3. Факультет толибларининг 28,3 фоизи мусобақа толибларидир. 4. Шаҳримиздаги мактабларнинг олтидан бир қисми бу бешийликда янги бинога кўчиб ўтади. 5. Йиғилиш қатнашчилари иккита-иккитадан, баъзилар эса бешта-бештадан бўлиб сафга тизилдилар.

260-ماشқ. Ўқинг. Ундовлар иштирок этаётган бирикмаларни дафтарингизга алоҳида кўчинг ва ўқилишини таҳлил қилинг:

إذا تركنى اهلى فانت، يا امى، لا تتركينى. و اذا تفارق احبابى  
انت لا تتركينى، يا امى! انت ما اجملك، يا امى، انت ما اوفاك، يا  
امى، بعدت عنك فبعد عن عينى وجهك الباسم بلامحه الرقيقة و نظرت  
من اعماق يأسى وجهك اللطيف الثابت بالتبسم و صرخت: يا امى (امين  
مشرق).

261-ماشқ. Оғзаки ўғиринг:

1. Поезд қўшни бекатга соат икки-ю чоракда етиб келди. 2. Ойнинг иккинчи куни барча толибларнинг учдан икки қисми, ўн биринчи куни қолган учдан бири маош оладилар. 3. Кечаси соат ўн иккидан 22 дақиқа ўтганда кимдир табибнинг эшигини қоқди. 4. Тушдан сўнгги соат етти дақиқа кам тўртда мен дорулфунун кутубхонасида эдим. 5. Кеча эрталаб соат 10 дан йигирма беш дақиқа ўтганда устоз ўз маърузасини тутатди.

262-ماشқ. Бирдан ўнгача қарра сонларни тез айтиб чиқинг.

263-ماشқ. Қуйидаги қаср ва қасрли сонларни арабча айтинг ва дафтарингизга ёзинг:

$$\frac{2}{3}, \frac{4}{7}, \frac{5^{15}}{25}, 18\frac{2}{3}, 23\frac{84}{95}, 39\frac{123}{149}, 178\frac{189}{201}, 1991\frac{189}{198}$$

264-ماشқ. Ўқинг ва таҳлил қилинг:

يشكل العمال و الفلاحون ثلثى نواب المجلس. و اكثر من ثلاثين  
بالمائة من النواب غير حزبين و ٣٤,٥١ بالمائة منهم نساء فقد تكاثر  
حجم الانتاج العام خلال السنتين الاخيرتين نسبة ١١,٦ بالمائة مقابل



نسبة ٩,٤ بالمائة المحددة في الحطة. الدخل الوطنى تكاثر بنسبة ١٤,٥ بالمائة مقابل نسبة ٧,٨ بالمائة المقررة بالحطة.

265-ماشқ. Таржима қилинг:

Ҳой ўртоқлар! Кеча кўрсатилган арабча фильмни тамошо қилдингми? 2. О муҳтарам дўстларим! Сизларни янги йил (байрам) билан табриклайман! 3. Эй доно ўқитувчиларим! Сиз менга фақат билимнингива ўргатиб қолмай, балки тўғрилиқ ва одамийлиқдан ҳам дарс бердингиз. 4. Эй мен туғилган Ватан! Ҳозир сендан узоқ-даман, бироқ кўнглим сен биландир. 5. Эй Абдулла! Уй вазифаларингни бажардингми?

## Иккинчи матн

### القرية

يسكن الفلاح فى القرية. بيوت القرية قليلة العدد و يبعد بعضها عن بعض. تتكون البيوت فى القرية من طابق واحد و هو بناية فى وسط مزرعة كبيرة.

و نحن نعيش فى القرية. يجرى أمام بيتنا نهر صغير كثير الماء. نشرب منه و نسقى المزارع و الماشية. فى المزرعة ينبت الجزر و الطماطم و البطاطس و البصل و الثوم و البطيخ و الخيار. خلف بيتنا حظيرة للحيوانات. فيها البقرة التى تعطينا الحليب اللذيذ و الزبدة و الجبنة و هى تحرث لنا الارض للزراعة. ثم فيها الدجاج الذى يبيض بيضا جميلا نافعا و ارانب كثيرة و يطير الحمام من مكان الى آخر. حول بيتنا بستان فيه اشجار للفاكهة كالتفاح و الاجاص و الكرز و الجوز و اللوز و التين و الرمان و العنب و البرتقال و الليمون و اليوسفى. مسا ترجع الغنم و المعزى من المروج. الغنم و المعزى تعطينا الحليب و السمن و الجبن.

اما اليوم فاكثر القرى قد كبرت و وسعت كالمدن. فيها بنايات متشامخة و شوارع عريضة. ان القرية اصبحت اليوم مدينة صغيرة جميلة تزود المدن الكبيرة بالخضر و الفواكه. الحياة فى القرية جميلة مباركة.

### Бирикма ва иборалар

قليل العدد, كثير العدد	оз сонли, кўп сонли
بعضها عن بعض	бир-биридан
كثير الماء	серсув, суви мўл
من مكان الى آخر	бир жойдан бошқа жойга
حرث الارض	ер ҳайдамоқ
اسواق مملوءة	тўлиб-тошган бозорлар
بالضائع	товарлар билан

сабзаёт билан таъминламоқ  
 زود بالخضر  
 شیرин سۈت  
 حليب لذيذ  
 تەنگسىز، ўخشاши йўқ  
 لا مثيل ل...

266-машқ. Матн асосида жавоб бериңг:

احول بيتكم اشجار؟ ما هي؟ هل لكم بستان؟ متى ترجع معزاكم من  
 المرج؟ ما يعطينا الغنم؟ قل لنا عن القرى الاوزبكية اليوم؟ هل هناك فرق  
 بين قرية عربية و اوزبكية؟ اتجدد القرى العربية؟ اما القرى الاوزبكية  
 فهي تتجدد ايضا؟ كيف هي تتجدد، تقدا او ترجعا؟ اين بنايات  
 شيدتموها في السنوات الاخيرة؟

267-машқ. Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб қишлоқ мавзусида олтига гап  
 тузинг:

فلاح، قرية، بستان، مزرعة، خضر، فواكه، حظيرة، حديقة

268-машқ. Матн асосида бешта умумий сўроқ гап тузинг.

269-машқ. Бирикмаларни ўзбекчага ўгириңг:

سطح بيت، قري جديدة، غنم و مغزى، تعطينا الاغنام، تتكون  
 بيت القرى

270-машқ. Бирикмаларни арабчага ўгириңг ва ёд олиңг:

тоғдан текисликка оқувчи дарё, бир қаватли уйлар, араб қиш-  
 лоқлари, ўзбек қишлоғи, кичик ферма, бир қишлоқдан иккинчиси-  
 га, меваси мўл, кўп сонли, меваларга тўла бозор.

271-машқ. Қомус воситасида ўқинг ва таржима қилиңг:

الوطن هو الحاضر والماضى و المستقبل. و هو الشعب المتواصل  
 الذى جاء جيله الحاضر نتاجا شرعيا لاجبايات و سلبيات كل الاجيال  
 الماضية. تأتي اجياله القادمة محصلة لفضال و تراجمات اجياله المعاصرة.  
 الوطن هو التاريخ و الثقافة و العادات و التقاليد و اساليب الحياة و  
 العيش و علاقات الناس المتبادلة و هو التفاعل مع الطبيعة و المناخ و  
 مع العالم حولنا (الحكمة اليمينية).

272-машқ. Арабчага ўгириңг:

1. Бу араб деҳқони Дамашқ яқинидаги қишлоқлардан бирда  
 яшайди. 2. Бу эса ўзбек деҳқони, у колхоз қишлоғида яшайди.  
 3. Араб деҳқонининг экинзорлари бор, қатта боғи бор. 4. Уларда  
 ёнғоқ, бодом, анжир, олма, хурмо, узум, апельсин ва лимон дарахт-  
 лари ўсади. 5. Ўзбек деҳқонининг экинзорларида кўпроқ пахта  
 ўсимлиги ва тут дарахти ўсади. 6. Ўзбек деҳқони кўплаб пиёз,  
 картошка, помидор, қарам, саримсоқ ва қовоқ ўстирмоқчи. 7. Қиш-  
 лоқ аҳолиси қўй, эчки ва туёқли ҳайвонлардан яна от, сиғир ва  
 эшак ҳам боқади. 8. Қишлоқларимиздаги уйлар сони кўп эмас,  
 улар бир-бирларидан узоқда жойлашгандир.

273-машқ. «Уабек қишлоғи бугун» мавзусида уй ишоси ёзинг.  
 274-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

إذا تخاصم اللسان ظهر المسروق.  
 ما كل بيضا شحمة ولا كل سوداء تمرّة.

### СЎЗЛИК

اجاص	(ижижа.с.ун) пок	لوز	(лавзун) бодом
باسم	(ба.симун) кулиб турувчи	متشامخ	(муташа.михун) ос- монўпар
برتقال	(буртуқа.лун) апель- син	بارز	(баризун) курашчи
بطاطس	(бат.а.т.исун) кар- тошка	باض	(ба.д.а) (и) тухум қилмоқ
تثاب	(тас:а.‘аба) эснамоқ	بضاعة	(бид.а.‘агун) товар
تضخم	(тад.аххама) улкан- лашмоқ	بيض	(байд.ун) тухум
تمايل	(тама.йала) эгилмоқ	تجاوز	(тажа.веза) ошмоқ
تهنئة	(тахни‘агун) табрик, қутюв	اعطى	((‘а.т.а.) бермоқ
تكون	(такаввана) тузил- моқ	تطائر	(тат.а.йара) уч (иш) моқ
تمرّة	(тамратун) хурмо (меvasи)	تفارق	(тафа.рақа) тарқал- моқ
جبنّة	(жубнатун) пишлоқ	تناول	(тана.вала) қамра- моқ, олмоқ
حليب	(х.али.бун) сут	تواضع	(тава.д.у‘ун) камтар- лик
حظيرة	(х.аз.ш.ратун) томор- қа; оғилхона, қўра	ثوم	(с:у.мун) саримсоқ
خضر	(хад.арун) кўкат; ўсимлик	حل على	(х.алла‘ала.) қадам ранжида қилмоқ
خلف	(халфа) орқасида	حمام	(х.ама.мун) каптар
دجاج	(дажа.жун) товуқ	خطة	(хут.т.атун) режа
رقيق	(рақн.қун) юнқа, но- зик	خيار	(хийа.рун) бодринг
سمن	(самнун) ёғ	دخل	(дахлун) кирим, да- ромад
سقى	(сақа.) (и) суғормоқ	زبدة	(зубдатун) сариёғ
شحمة	(шах.матун) қуй- руқ; ёғ	زود	(заввада) таъмиц- ламоқ
لص	(лис.с.ун) ўғри	صنصاف	(с.афс.а.фун) тол
مسروق	(масру.қун) ўғир- ланган	جوز	(жавзун) ёнгоқ
علو	(‘улуввун) баланд- лик	نافع	(нафи‘ун) фойдали

## Ўн саккизинчи дарс:

### ФЕЪЛЛАРНИНГ ТЎРТИНЧИ БОБИ

Уч ундошли феълларнинг тўртинчи боби ўзакнинг биринчи ундошини сукунлаш ва ундан олдинга ясовчи қўшимча — фатҳали айирувчи ҳамза орттириш билан ясалади. Ҳамза алиф таъничилигида ёзилади. Қолган икки ундош фатҳали ўқилади. Қолиши: **افعل** ('аф-'ала).

Бу бобнинг ҳозирги-келаси замони биринчи ундошдан олдинга (ҳамза ўрнига) даммали шахс ясовчилари қўйиб ясалади. Бунда ўзакнинг иккинчиси касрали, учинчиси қоидага биноан даммали айтилади. Қолиши: **يفعل** (йуф'илу).

Тўртинчи бобдаги феъл ифодалаган мазмун иккинчи бобникига монанд, функционал фарқи шуки, тўртинчи бобдаги иш-ҳаракат тез амалга ошади ва тугалланган бўлади. Бошқача айтганда, тўртинчи боб ўтимсиз феълларни ўтимлига, ўтимлиларни ўта ўтимлига — орттирма даражага айлантиради; иш-ҳаракатни кучайтиради (каузативлик):

<b>علم</b> ('алима) (а) билмоқ	—	<b>اعلم</b> ('а'лама) билдиrhoқ, хабардор қилмоқ
<b>دخل</b> (дахала) (у) кирмоқ	—	<b>ادخل</b> ('адхала) киргизиb юбормоқ, қоқмоқ
<b>فرح</b> (фарих.а) (а) қувна- моқ	—	<b>افرح</b> ('афрах.а) қувонти- риb юбормоқ

Тўртинчи боб феъллари географик номлардан ясалганда, номда ифодаланган маконга йўналиш мазмунини беради. Бу тўртинчи боб феъллари ифодалаган ўтимсиз мазмундир:

<b>العراق</b> Ироқ	—	<b>اعرق</b> ('а'рақа) Ироққа йўналмоқ, бормоқ
<b>مصر</b> Миср	—	<b>امصر</b> ('амс.ара) Мисрға йўналмоқ, бормоқ

**أخبر** ('ахбара) «огоҳ қилмоқ» феълининг тусланиши:

Шахс	Жинс	Ҳозирги-келаси замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	<b>نخبير</b> (нухбиру)	—	<b>أخبر</b> ('ухбиру)
2	музак.	<b>نخبيرون</b> (тухбиру-на)		<b>تخبير</b> (тухбиру)
	муап.	<b>نخبيرنا</b> (тухбирна)	<b>تخبيران</b> (тухбирна)	<b>تخبيرين</b> (тухбирна)
3	музак.	<b>يخبيرون</b> (йухбиру-на)	<b>يخبيران</b> (йухбирна)	<b>يخبير</b> (йухбиру)
	муап.	<b>يخبيرنا</b> (йухбирна)	<b>يخبيران</b> (тухбирна)	<b>تخبير</b> (тухбиру)

Тўртинчи боб феълларидан буйруқ шакли бизга маълум сукувлаш, тушириб қолдириш амалларидан кейин олдинга фатҳали айирувчи ҳамза ортириш билан ясалади. Ёзувда ҳамза алиф тирговчилигида қўйилади: **تخبر** (тухбиру) — **تخبر** (тухбир) — **أخبر** ('ахбир) «огоҳ қил».

Барча шакллар учун қолишлар:

<b>افعلوا</b> ('аф'илу.)	<b>افعلنا</b> ('аф'илна.)	<b>افعل</b> ('аф'ил.)
<b>افعلن</b> ('аф'илна.)		<b>افعلی</b> ('аф'или.)

### МАСДАР ВА СИФАТДОШЛАР ЯСАШ

Масдарлар тўртинчи боб феълларидан **افعال** ('иф'алун) қолишида ясалади. Сўз бошидаги ҳамза айирувчидир:

<b>أسعد</b> ('ас'ада) бахтли қилмоқ	—	<b>أسعاد</b> ('ис'адун) бахтли қилиш, бахт бериш
<b>أبعد</b> ('аб'ада) узоқлатмоқ	—	<b>أبعاد</b> ('иб'адун) узоқлатиш, сургув қилиш

Сифатдошлар аниқ даражада **مفعّل** (муф'илун), мажҳул даражада **مفعّل** (муф'алун) қолишларида ясалади:

<b>أقنع</b> ('ақна'а) қаноат ҳосил қилмоқ	—	<b>مقنع</b> (муқни'ун) қаноат ҳосил қилдирувчи, инонтирувчи
		<b>مقنع</b> (муқна'ун) қаноат ҳосил қилдирилган, инонтирилган
<b>أخلص</b> ('ахлас.а) ихлосмандлик қилмоқ	—	<b>مخلص</b> (мухлис.ун) ихлосманд, очиқ кўнгилли
	—	<b>مخلص</b> (мухлас.ун) ихлосманд қилдирилган

Мажҳул даража сифатдошларидан макон ва замон отлари маъмунида ҳам қўлланиш мумкин:

**مقنع** (муқна'ун) инонтириш ўрни

### СУБСТАНТИВАЦИЯ ВА АДЪЕКТИВАЦИЯ

Масдарлар ва сифатдошлар тилда от ва сифатларга айланиши ҳамда уларнинг вазифасида ишлатилиши мумкин.

Масдар одатда отга айланади; бунда у аниқ (конкрет) маъно олади:

<b>عمل</b> ('амалун) ишлаш	—	<b>عمل</b> ('амалун) иш
<b>درس</b> (дарсун) ўрганиш	—	<b>درس</b> (дарсун) сабоқ
<b>كتابة</b> (кита.батун) ёзиш	—	<b>كتابة</b> (кита.батун) ёзув

Бундай грамматик ҳодисани фанда субстантивация (отлашув) деб юритилади. Сўз субстантивацияга учрагач, барча отлар каби кўплик шакли қабул қилиши мумкин. Маълумки, масдарларда бундай хусусиятлар йўқ:

عمل ('амалун) — اعمال ('а'малун) ишлар  
 درس (дарсун) — دروس (дуру.сун) сабоқлар

Бундай ҳодиса сифатдошларда ҳам кузатилади. Сифатдошлар отлашганда худди масдарлардек аниқ (конкрет) маънога эга бўлади:

حارس (х.а.рисун) қўриқлов-чи — حارس (х.а.рисун) посбон  
 كاتب (ка.тибун) хат битувчи — كاتب (ка.тибун) ёзувчи, секретарь

Асли биринчи боб сифатдошларидан ясалган субстантив отлардан синиқ кўплик ясалади. Маълумки, бундай сифатдошларнинг ўзидан тўғри кўпликгина яшаш мумкин:

طالب (та.либун) толиб — طلاب (т.улла.бун) толиблар  
 حارس (х.а.рисун) посбон — حراس (х.урра.сун) посбонлар

Ҳосила боблар сифатдошларидан ясалган субстантив отлардан тўғри кўплик ясаймиз.

Сифатдошлар сифатларга ҳам айланиши мумкин. Бу ҳодисани фанда аъжективация (сифатлашув) деб юритилади:

مفتوح (мафту.х.ун) очилган — مفتوح (мафту.х.ун) очиқ  
 مقفل (муқфалун) ёпилган — مقفل (муқфалун) ёпиқ

## ҲОЛАТ ҲОЛИ

Араб тилида ҳолларнинг шундай махсус туркуми борки, улар иш-ҳаракатнинг содир бўлиш лаҳзасида субъект ва объектининг қандай ҳолатда бўлганига ишора қилади. Бундай ҳоллар ўз ифода маънолари билан иш-ҳаракатнинг қандай содир бўлганига ишора қилувчи равиш ҳолларига яқин туради. Фарқи шунки, ҳолат ҳоллари иш-ҳаракат билан бевосита алоқадорликда бўлади. Бу яқин алоқадорлик ҳолат ҳолларининг масдар ва сифатдошдан ифодаланганидир.

Ҳолат ҳоли сифатдошдан ифодаланганида ҳолати изоҳланаётган сўз билан сон ва жансда мослашади. Бунда у ноаниқ ҳолатда ва тушум келишигида бўлади; ҳолати изоҳланаётган сўз аниқ қўйилади:

رجع الطالب من الجامعة ماشيا. Толиб дорулфунундан яёв қайтди.  
 رجع الطالبان من الجامعة ماشيين. Икки толиб дорулфунундан яёв қайтди.  
 رجع الطلاب من الجامعة ماشين. Толиблар дорулфунундан яёв қайтдилар.

Масдарлардан ифодаланган ҳолат ҳоли ҳам ноаниқ ҳолатда ва тушум келишимда қўйилади; изоҳланаётган сўз аниқ бўлади:

ذهب التلميذ الى المدرسة ركضا. Уқувчи мактабга чошиб кетди.  
 ضرب جيشنا الفاشيست بغتة. Қўшинимиз фашистларга тўсатдан зарба берди.

Ҳолат ҳоли вазифасини бажараётган масдар ёки сифатдош қайси феълдан ясалган бўлса, ўша бошқарадиган воситалар билан бошқаради. Шунингдек, ўтимлиликни ҳам феълдан «мерос» олади:

تواجهت شبيبة الخمسينات الى 50-йиллар ёшлари юрак амрига  
 فتح البادية اطاعة لامر القلب бўйсуниб, халқ чақириғига лаб-  
 و تلبية لدعوة الشعب. бай деб чўлга йўл олдилар.

Ҳолат ҳоли гапта ўзи грамматик боғланган сўздан орқага қўйилади.

#### ТҮРТ-БЕШ УНДОШЛИ ИСМЛАРДАН КЎПЛИК ЯСАШ

Таркибида тўрт ундоши бўлган исмлардан синиқ кўплик шакллари тартиб бўйича иккинчи ўринда турган ундошдан сўнг чўзиқ унли «а.» орттириш билан ясалади:

فعال (мафа'илу) қолипида:

كوكب (кавкабун) юлдуз — كواكب (кава.кибу)  
 درهم (дирҳамун) дирҳам — دراهم (дара.ҳиму)

مفاعل (мафа'илу) қолипида:

مكتب (мактабун) кабинет — مكاتب (мака.тибу)  
 مبرد (мибрадун) эгов — مبراد (маба.риду)

تفاعل (тафа'илу) қолипида:

تجربة (тажрибатун) тажриба — تجارب (тажарибу)  
 تذكرة (таз:киратун) билет — تذاكر (таз:а.миру)

افاعل ('афа'илу) қолипида:

ارمل ('армалун) бева — ارامل ('ара.милу)  
 اصبع ('ис.ба'ун) бармоқ — اصابع ('ас.а.би'у)

Тартиб бўйича учинчи турган ундошдан сўнг чўзиқ унли мавжуд бўлса, кўпликда айти шу ўринга чўзиқ «и.» орттирилади:  
**فعاليل** (фа'али.лу) қолипида:

<b>صندوق</b> (с.унду.қун) сандиқ	— <b>صناديق</b> (с.ана.ди.қу)
<b>سلطان</b> (султ.а.нун) султон	— <b>سلاطين</b> (сала.т.и.ну)
<b>خنزير</b> (хнз.и.рун) чўчқа	— <b>خنازير</b> (хана.зи.ру)

**مفاعيل** (мафа'и.лу) қолипида:

<b>مکتوب</b> (макту.бун) хат	— <b>مکاتيب</b> (мака.ти.бу)
<b>مقدار</b> (миқда.рун) ўлчов	— <b>مقادير</b> (мақа.ди.ру)

**تفاعيل** (тафа'и.лу) қолипида:

<b>تصوير</b> (тас.ви.рун) тасвир	— <b>تصاوير</b> (тас.а.ви.ру)
<b>تذكار</b> (таз:ка.рун) ёдгорлик	— <b>تذاکير</b> (таз:а.ки.ру)

**افاعيل** ('афа'и.лу) қолипида:

<b>اکيل</b> ('икли.лун) гултож	— <b>اکاليل</b> ('ака.ли.лу)
<b>اصلوب</b> ('ус.лу.бун) услуб	— <b>اصاليب</b> ('ас.а.ли.бу)
<b>ابهام</b> ('ибҳа.мун) бош бармоқ	— <b>اباهيم</b> ('аба.ҳи.му)

Беш ундошли исмлардан кўплик ясашда энг охириги бир ундош тушириб қолдирилади ва қолган қисмидан **فعالل** (фа'али.лу) қолипида кўплик ясалади:

<b>عنكبوت</b> ('анкабутун) ўргимчак	— <b>عناكب</b> ('ана.кибу)
<b>عندليب</b> ('андали.бун) булбул	— <b>عنادل</b> ('ана.дилу)
<b>سفرجل</b> (сафаржалун) беҳи	— <b>سفارج</b> (сафа.рижу)

Бундан **برنامج** (барна.мажун) «програма, режа» сўзининг кўплиги мустаснодир. У **برامج** (бара.мижу) шаклида ясалади.

Кўриб турганимиздек, юқоридаги кўплик шакллариининг бирортасида ҳам танвинлик тугалланиш мавжуд эмас. Бинобарин, уларнинг барчаси икки келишкли турланишдадир.

#### ҲАМЗАГА ТУГАЛЛАНУВЧИ СЎЗЛАРДАН ИККИЛИК ВА КЎПЛИК ШАКЛЛАРИ ЯСАШ

Ҳамзага тугалланувчи сўзларнинг кўпчилиги муаннасадир. Агар ҳамза ўзакка тегишли бўлса, истисно бўлиши мумкин. Муаннасадаги сўзлардан эса кўп ҳолларда тўғри кўплик ясалади. Бунда кўплик (ёки иккилик) қўшимчаси қўшишдан олдин ҳамза «вов» билан алмаштирилади:



صحراء (с.ах.ра.'у) саҳро	صحراوات، صحراوان —
بيداء (байда.'у) чўл	بيداوات، بيداوان —
حمرأ (х. амра.'у) қизил	حمراوات، حمراوان —

Айрим ҳолларда ҳамза собит ундош сифатида ҳам сақланиши мумкин:

صحراءات، صحراان → صحراء

Мазкур турдаги сўзлардан тўғри қўллик ясаш улардан синиқ қўллик ясаш имконлигини инкор этмайди:

صحراء (с.ах.ра.'у)	صحراى (с.ах.а.ра.)
احمر، حمراء ('ах.мару, х.амра'у)	حمر (х.умрун)

### КИЧРАЙТМА ОТЛАР

Кичрайтма отлар араб тилида эркалаш мазмунини ҳам ифода-лайди. Бу турдаги отлар турли қолипларда ясалса-да, уларда бир мабданй умумийлик мавжуд: биринчи бўгин очиқ ва даммали ўқи-лади. Иккинчиси ёпиқ бўлиб, дифтонг «ай»га тугалланади. Мазкур дифтонг бу ўринда ясовчидир.

1. Агар уч ундошли сўзлар таркибида чўзиқ унлилар бўлмаса, кичрайтма-эркалаш отлари **فعل** (фу'айлуи) қолипида ясалади:

كلب (калбун) ит	كليب (кулайбун) итча; кучук
جمل (жамалун) туя	جميل (жумайлуи) туяча, бўғалоқ

Агар уч ундошли сўзларнинг биринчи ундошидан сўнг чўзиқ унли бўлса, улардан кичрайтма-эркалаш отлари **فويل** (фувай-илуи) қолипида ясалади:

شارع (шарифун) кўча	شويرع (шувайри'ун) кўча-ча
نافذة (на.физ:атун) дераза	نويفذ (нувайфиз:ун) де-разача

Агар чўзиқ унли иккинчи ундошдан сўнг келса, у «ё»га айлан-тирилади. Қолипи: **فعل** (фу'айлуи):

كتاب (кита.бун) китоб	كيتيب (кутайбун) китобча
زميل (замил.лун) дўст	зумил (зумайлуи) ушоқ дўст

Бўш ўзаклардан ясалган отларда чўзилиш ҳисобига товуш би-рикмаларида ўзгариш фўй берган бўлса, туширилган товуш ўз ўр-нига қайтарилади:

سوق (су.қун) бозор — سويق (сувайқун) бозорча  
 باب (ба.бун) эшик — بويب (бувайбун) эшикча

Тўрт ундошли отлардан кичрайтма отлар асосан **فعليل** (фу'-айлилун) қолишида ясалади:

بلبل (булбулун) булбул — بلبل (булайбулун) булбулча  
 عقرب ('ақрабун) чаён — عقيرب ('уқайрибун) чаёнча

Тўрт ундошли отнинг негизда иккинчи ундошдан сўнг чўзиқ увли бўлса, у чўзиқ «и»га айлантирилади. Қолипи: **فعليل** (фу'айлилун):

سلطان (султ.анун) султон — سليطين (сулайт.и.нун) султонча, кичик ҳукмдор  
 مكتوب (макту.бун) хат — مكيتب (мукайти.бун) хатча

Беш ундошли исмлардан кичрайтма отлар сўнгги ундошни тушириб, қолган қисмини **فعليل** (фу'айлилун) қолишига солиш билан ясалади:

عنكبوت ('анкабу.тун) ўргимчак — عنكب (унайкибун) ўргимчакча  
 سفرجل (сафаржалун) беҳи — سفيرج (суфайрижун) беҳича

### قام ФЕЪЛИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

قام (қа.ма) (у) «турмоқ» феъли барча замонларда **كان** (ка.на) (у) феълига монанд тусланади ва қўлланилади:

قام الرئيس من مكانه بجهد. Президент ўрнидан шартта турди.  
 في وقت غير بعيد قامت هنا شجرة البن. Яқин пайтларгача бу ерда қаҳва дарахти турарди.

قام феъли **ضد** (дидда) «қарши» кўмакчиси билан келганда, «қўзғалмоқ» мазмуни касб этади:

لقد قام الشعب الروسى ضد القيصير. Рус халқи подшога қарши қўзғалди.

قام феъли **ب** (би-) «билан» кўмакчиси билан келса, ўтимли мазмун касб этади ва «бажармоқ», «амалга оширмоқ», «қилмоқ» тарзида таржима қилинади:

اقوم كل صباح بتمارين رياضية.  
 قام جيشنا بسحق العدو الغادر  
 وانقذ شعوب العالم من نير الفاشية

Хар тоғда бадантарбия қиламан.  
 Қўшинимиз хиёнаткор душманни тор-мор қилди ва олам халқларини фашизм асоратидан қутқарди.

قيامнинг масдари قيام (қийа.муш) «бажариш» ва сифатдоши قائم «бажарувчи» бўлиб, феълнинг ўзи тўлдирувчиларини қандай бошқарса, булар ҳам худди ўша усуллар билан бошқаради ва у билдирган умумий мазмулларни исм сифатида англатади:

ان القيام بتمارين رياضية يقوى الجسم.  
 Бадантарбия билан шугулланиш жисмни қувватли қилади.

### Биринчи матн

اقبل الصباح و قد ارسل رويدا ضيائه و نوره على البيداء الجميلة الهادئة (على بن هادية). انظره الى رفيقه و هو يشهده على صحة قوله. اقبل المساء و سلكا طريق العودة. الاتفضلين البيوت العصرية التي اوجدناها لك (حنا الفاخوري). وهكذا اصبح بيتنا بعد زيارة العجوز نظيفا و مرتبا. جمع الرجال و النساء و الاطفال حول النار و هم ينظرون اليها باعجاب و يكرمون. فاکرم وفادتي و احسن استقبالي و قدم لي فنجانا من القهوة الريفية. اخبروني انه يخرج من منزله قليلا (محمود تيمور). هاجت سواكن الوجود فابرت و اارعدت و اخذت تجارب تلك الحدائق (خبران).

اذهب الى الجامعة كل يوم ماشيا او راكبا العربة للترام. قرآن المجلات جهرة. سمعت الراديو شاغلا بكتابة هذا النص الطويل. قام باشارة الى غرفة فارغة قائلا: انها محجوزة لك ليوم واحد فقط.

275-машқ. Феълларни барча замонларда тусланг, масдар ва сифатдошлар ясанг, маъноларини белгиланг:

اعلم، ارسل، اشهد، اقبل

276-машқ. Буёруқ майли шакллари ясанг:

افرح، اترك، اشرب، احضر

277-машқ. Кичрайтма-эркалаш отлари ясанг ва маъноларини айтинг:

راكب، حصان، دار، منبر، كتاب، جريدة

278-машқ. Кичрайтма-эркалаш отларининг асл нусхаларини топинг ва маъноларини айтинг:

مكيتب، عبيد، دفيتر، فليلح، عويمل

279-машқ. Субстантив (от)лаштиринг ва қомус воситасида маъноларини белгилаш:

خبر، عقد، عهد، مرور، غرور، سرور، مبر

280-машқ. Ўз мушоҳадагаиз билан таялаб субстантивлаштиринг ва адъективлаштиринг:

متكبر، عابد، مغرور، حارب، شارد، مقدس، راعد، زارع، معاون، شاغل

281-машқ. Иккилик ва қўшлик шакллари ясанг:

صفراء، خضراء، بيضاء، حمراء، عوراء، لثغاء، فافا.

282-машқ. Қўйидаги сўз шаклларида фойдаланиб ҳолат ҳолига олтига жумла ёзинг:

ماشياء، سريعاء، راكبا، خارجاء، داخلء، خهرة، بغتة

283-машқ. Ўқинг. Фель-рессимларини маъноларини белгилаш ва ўзбекчага ўтиринг:

۱ – ان الطالبات امس قمن بتمارين نحوية و صرفية جهرة. ۲ – القيام بتمارين رياضية صباحية واجب كل مواطن ۳ – ان البنائين يقومون بترميم بناء المدرسة القديم. ۴ – دق الجرس والطلاب قاموا من مقاعد هم و توجهوا الى الباب للتنفس.

284-машқ. Арабчага таржима қилинг:

1. Мен ўрвимдан тез турдим ва укамга ҳам шундай қилишни буюрдим. 2. Қўқонликлар шаҳар марказида Фурқатга ҳайкал ўрнатилганини орзу қиладилар. 3. Вазифаларимни бажариб бўлдим ва китоб-дафтарларимни портфелга жойладим. 4. Толиблар араб тилидан оғзаки машқларни бажаришни хуш (афзал) кўрадилар. 5. Устоз минбарга чиқди, портфелини очди ва ундан дафтарни олаётиб баъзилари турган, башқалари ўтирган тингловчиларига қулиб қаради.

## Иккинчи матн

### المغفل و الشاطر

حكى ان بعض المغفلين كان سائرا في طريقه و بيده مقود حماره و هو يسجبه خلفه. فرآه رجلا من الشطار فقال واحد منهما لصاحبه: - انا آخذ هذا الحمار من هذا الرجل.

فقال له: - كيف تأخذه؟

فقال له: - انظر ما عمله.

فتقدم ذلك الشاطر الى الحمار و فك المقود و اعطى الحمار لصاحبه و لبس المقود في رأسه و مشى خلف المغفل حتى علم ان صاحبه

ذهب بالحمار. ثم وقف و سحبه المغفل بالمقود فلا يمشى. فنظر اليه  
فراى المقود فى رأس رجل.

قال له المغفل: اى شىء انت؟

فقال الشاطر: - انا حمارك ولى حديث عجيب و هو انه كانت لى  
والدة عجوز صالحة. و رجعت الى البيت فى بعض الايام و انا سكران  
فقال لى:

- يا ولدى، تب هذا الذنب.

اما انا فأخذت عصاها و ضربتها فدعت على و حولنى الله حمارا و  
أوقعنى فى يدك و انا عندك هذا الزمان كله. فلما اقبل هذا اليوم  
تذكرتنى امى و حزن قلبها لى و دعت لى فارجعنى الله ادميا كما كنت.  
فقال الرجل: - لا تؤاخذنى، يا اخى فيما فعلت بك من الركوب و  
غيره.

ثم تركه و مضى ... فرجع صاحب الحمار الى الدار و هو سكران  
من العزن والغم فقالت له زوجته:

- ما الذى جعلك تحزن و اين الحمار؟

فقال لها: - انت ما عندك خير بامر الحمار فانا اخبرك به ثم حكى  
لها الحكاية و هى تصدقت و قالت:

- يا ويلتنا، كيف مضى لنا هذا الزمان كله و نحن نركب ابن آدم؟  
و جلس الرجل فى الدار مدة من غير شغل فقالت له زوجته:

- الى متى هذا القعود فى البيت من غير شغل؟ اذهب الى السوق  
واشتر حمارا آخر.

فمضى الرجل الى السوق و وقف ناظرا الى الحمير فاذا رأى حماره  
يبيعه احد. فلما عرفه تقدم اليه و وضع فمه على اذنه و قال له:

- ويلك، يا مشؤوم! لعلك رجعت الى السكر و ضربت امك مرة  
ثانية. والله، لا اشترىك ابدا.

(من «الف ليل و ليلة»)

### Бирикма ва иборалар

ويلك	Ҳолингга вой!
بعض المغفلين	анқовларнинг бири
دعا على ، دعت على.	Мени қарғади.
دعا لى، دعت لى.	Мени олқади.
لا تؤاخذنى	Мени кечирасан!
تلبية لدعوة	чақириққа жавобан
اكرم وفادة	илиқ кутиб олмоқ

بمبادرة من	...нинг таклифи билан
اقبل الصباح.	Тонг отди!
تب هذا الذنب.	Бу гуноҳдан қайт (тавба қил)!
حزن قلبه ل	Кўнгли юмшади, раҳми келди
المقعد محجوز.	Ўриндиқ бўш эмас (эгалланган).
سواكن الوجود	борлиқ сукунати
رجع الى سكره	яна ичишга ружу қўймоқ
لا اشتريك ابدًا.	Сени асло сотиб олмайман.

285-машқ. Саволларга жавоб беринг:

عما سألت زوجة صاحب الحمار بعد ما رجع ذلك من المدينة؟ احكى  
صاحب الحمار عن الحدث بحماره؟ هل تصدقت الزوجة كلام الزوج؟  
اشترى الزوج حمارا جديدا؟ هل عرف حماره بين الحمير؟

286-машқ. Сўзлардан фойдаланиб олтита гап тузинг:

لعل، مشؤوم، قم، مقود، مغفل، حمار، حزن، قعود

287-машқ. Арабчага ўғиринг:

1. Айтишларича, бир анқов бозорда эшак етаклаб борарди.  
2. Йўл ёқасидаги ўриндиқларда ўтирган абжирлардан бири бошқа-  
сига деди. 3. Мен анови анқовнинг эшагини шундай олиб кўяйки,  
ўзи беҳабар қолади. 4. Ўша абжир тезгина эшак олдига келди,  
унинг жилловини ечди ва ўз бошига илди. 5. Мен аслида одамман,  
онам қаргаган эди, эшак бўлиб қолдим. 6. Сен буни билмайсан,  
мени эшак деб ўйлайсан ва ҳар кунни (устимга) миңасан. 7. Бугун  
мени онам олқаганиди, яна одам бўлиб қолдим.

288-машқ. «Анқов нотаниш шаҳарда» мавзусида ишро ёзинг.

289-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

لعل السكوت ابلغ من كلام.  
لا يجتمع سيفان في غمد واحد.

### СЎЗЛИК

ابرق ('абрақа) чақламоқ  
ارعد ('ар'ада) гулдурамоқ  
حكى (х.укийа) ҳикоя қи-  
линмоқ  
حول (х.аввала) алдамоқ  
زعيم (за'и.мун) йўлбошчи  
سكران (сакрану) маст

صاحب (с.а.х.ибун) суҳбат-  
дош, эга  
مبادرة (муба.даратун) та-  
шаббус  
غمد (гимдун) қиш  
محجوز (мах.жу.зун) эгал-  
ланган, машгул  
مواطن (мува.т.инун) фуқа-  
ро

مقود (миқвадун) жилов  
 نار (нарун) ўт  
 حاج (ҳа.жа) (и) ларзага  
 солмоқ  
 وضع (вад.‘ун) ҳолат, ва-  
 зият  
 حلم ب (х.алама би-) (у) ор-  
 зу қилмоқ  
 حمير (х.ами.рун) ашаклар  
 اذن (‘уз:нун) қулоқ  
 فنجان (фийжа.нун) ийёла  
 اشتر (‘иштари) сотиб ол!  
 اوقع (‘авқа‘а) тутқизмоқ  
 حزن (х.азина) (а) гамма  
 ботмоқ  
 ذنب (з:анабун) гуноҳ  
 سائر (са.‘ирун) юрувчи  
 سحب (сах.аба) (а) торг-  
 моқ

صالح (с.а.лих.ун) диёнат-  
 ли  
 مغفل (муғфалун) анқов  
 عصا (‘ас.ан) асо, ҳасса  
 لعل (ла‘алла) эҳтимол  
 مضى (мад.а.) (и) ўтмоқ,  
 кетмоқ  
 منشورات (маншу.ра.тун) ва-  
 рақалар  
 هادى (ҳа.ди‘ун) тинч,  
 жимжит  
 قم (фамун) огиз  
 سامع (са.ми‘ун) тингловчи  
 احسن (‘ах.сана) хуш кўр-  
 моқ  
 وقف (зақафа) (и) тўх-  
 тамоқ  
 تاب (та.ба) (у) тавба қил-  
 моқ  
 عصرى (‘ас.риййун) замо-  
 навий

## Ўн тўққизинчи дарс:

### ФЕЪЛЛАРНИНГ ЕТТИНЧИ БОБИ

Уч ундошли феълларнинг еттинчи боби биринчи боб феълининг олдига сукунли ясовчи «нун» орттириш билан ясалади. Бунда ўзакнинг иккинчиси доим фатҳали ўқилади; бошқа ўзгарш куза-тилмайди. Ясовчи қўшимча талаффузини осовлаштириш мақсадида, сукунли бошланишдан олдинга бириктирувчи ҳамза ортирилади ва у мутлақ олдинда келганда касра билан талаффуз қилинади. Ҳамза алиф тирговичлигида ёзилади. Қолипи: **انفعل** (‘инфа‘ала).

Еттинчи бобнинг ҳозирги-келаси замони ўзакнинг иккинчи ундошини касралаш ва сукунли ясовчи нундан олдинга фатҳали шахс ясовчилари қўйиш билан ясалади. Қолипи: **ينفعل** (йанфа‘илу).

Еттинчи боб феъллари қуйидаги мазмунларни ифодалайди:

1. Биринчи боб феълларидаги мазмунни ўзлик даражага айлан-тириш:

قسم (қасама) (и) бўлмоқ	—	انقسم (‘инқасама) бўлин-моқ (ўз-ўзидан)
فصل (фас.ала) (и) ажрат-моқ	—	انفصل (‘инфас.ала) ажра-ллинмоқ (ўз-ўзидан)
كسر (касара) (и) синдири-моқ	—	انكسر (‘инкасара) синмоқ (ўз-ўзидан)

2. Биринчи боб феълларидаги мазмунни мажҳул даражага ай-  
лантириш:

قلب (қалаба) (п) ағдар-моқ — انقلب ('инқалаба) ағдарилмоқ  
كشفت (кашафа) (а) очмоқ — انكشفت ('инкашафа) очилмоқ

Еттинчи боб феъли ўтимсиз, унинг қошида тўлдирувчи бўлмайди.

انقلب ('инқалаба) «ағдарилмоқ» феълининг тусланishi

Шахс	Живс	Ўтган замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	انقلبنا ('инқалаб-на.)	—	انقلبت ('инқалаб-ту)
2	музак.	انقلبتم ('инқалаб-тум)	انقلبتما ('инқалаб-тума.)	انقلبت ('инқалаб-та)
	муан.	انقلبتن ('инқалаб-тунна)		انقلبتي ('инқалаб-ти)
3	музак.	انقلبوا ('инқалаб-бу.)	انقلبيا ('инқалаб-ба.)	انقلب ('инқалаба)
	муан.	انقلبنا ('инқалаб-на)	انقلبتا ('инқалаб-бата.)	انقلبتي ('инқалаб-бат)

Еттинчи боб феълларидан буйруқ бизга маълум сукунлаш, ту-  
шириб қолдириш амалларидан кейин олдинга қасрали бириктирув-  
чи ҳамза орттириш билан ясалади. Маълумки, бундай ҳамза му-  
лақ бошдагина талаффуз қилинади, бошқа ўринларда олдинги бў-  
ғинга васл қилинади:

انقلب ('инқалиб) «ағ-  
дарил!» — انقلب (танқалиб) — انقلب (танқалибу)

Барча шакллар учун қолиплар:

انفعلوا ('инфа'ил-  
илу.) — انفعل ('инфа'ила.) — انفعل ('инфа'или)  
انفعلنا ('инфа'ил-  
на) — انفعلنا ('инфа'или.)

### МАСДАР ВА СИФАТДОШЛАР ЯСАШ

Еттинчи боб феълларидан масдарлар انفعل ('инфи'алун) қолж-  
шида ясалади:

انقلب дан — انقلب ('инқила.бун) ағдарилмиш  
انفتح дан — انفتاح ('инфита.х.ун) очилиш  
انفصل дан — انفصال ('инфис.а.лун) ажралмиш



Сифатдошларнинг аниқ даражаси **منفعل** (мунфа'илун) ва мажҳул даражаси **منفعل** (мунфа'алун) қолипларида ясаллади:

انفصل	дан	–	منفصل	(мунфас.илун) бўлинувчи
			منفصل	(мунфас.алун) бўлин(ил)ган жой
انقلب	дан	–	منقلب	(мунқалибун) ағдарилувчи
			منقلب	(мунқалабун) ағдарил(ни)ган жой

Мажҳул даража сифатдошлари бу ўринда кўпроқ макон исмлари мазмунида қўлланилади.

### БОГЛОВЧИ

Араб тилидаги боғловчилар ўз таркибига кўра, бошқа сўзлар билан алоқасига ва маъносига кўра тасниф қилиниши мумкин.

Сарфий (морфологик) таркибга кўра, боғловчилар содда, мураккаб ва қўшалок бўлади. Бир таркибли боғловчиларни содда деймиз. Булар, **ف** (фа-)«ю», **و** (ва) «ва», **ثم** (с:умма) «сўнг», **إذا** ('из:а.) «агар» каби.

Мураккаб боғловчилар таркибида эса икки ёки ундан ортиқ маъновий бирликни ташкил этувчи сўз бўлади: **بعدها** (ба'да-ма.) «...дан сўнг», **قبلها** (қабла-ма.) «...дан олдин», **لكي** (ли-кай) «учун», **كئلا** (кай-ла.) «...маслик учун» каби.

Булардан ташқари қўшалок боғловчилар бор. Улар икки сўздан иборат ва ҳар бири алоҳида вазифани бажаради:

**ف** ... **اما** ('амма. ...,фа...) «...га келсак, у...»  
**ل** ... **لو** (лав..., ла...) «агарда... эди, у...»  
**اما ... اما (أو)** ('имма. ..., 'имма (ав) ...) «ё...; ё...; гоҳ...; гоҳ...»

Нутқдаги маъноларига кўра, боғловчилар тенг ё эргаштирувчи вазифасида бўлади. Тенг боғловчилар гап бўлаклари ёки айрим гапларни бир-бирига боғлаб улар орасидаги тенг муносабатга шпора қилади. Шунга кўра, улар гапнинг уюшиқ бўлақларини ёки уюшиқ гапларни — боғланган қўшма гапларни ўзаро боғлаш вазифасини бажаради. Тенг боғловчилар уч турга бўлинади.

1. Вириктирувчи — гапнинг уюшиқ бўлақларини ёки боғланган қўшма гап таркибидаги гапларни бир-бирига боғлайди ва айни пайтда уларнинг тенглигига шпора қилади. Булар: **ف**, **و**, **ثم**, **ل**лардир:

**اكل الكلب قطعة لحم فهرب.** Ит этнинг бир парчасини еди-ю, қочди.

جا كريم و سليم و الطالبة التي  
تدرس اللغة العربية في الجامعة.  
اول العلم هو الصمت ثم الاستماع  
ثم الخط ثم العمل.

Карим, Салим ва дорулфунунда  
араб тили ўрганаётган қиз кел-  
ди.

Билимнинг боши диққатдир,  
сўнг — тинглаш, сўнг — ёзиш,  
сўнг — ишдир.

Юқоридаги боғловчиларда ўзаро функционал фарқ мавжуд: **و** боғловчиси бир вақтнинг ўзида ёки жуда оз лаҳза билан ажратилган бирин-кетинликни, **ثم** маълум фўрсат билан ажратилган бирин-кетинликни, **ف** олдинтиси сўнггисивинг сабаби бўлаётган бирин-кетинликни билдиради ва айна пайтда барчаси бириктирувчидир.

2. Зидловчи — гапларни бир-бирига зидлаш, қарама-қарши қўйиш йўли билан боғлайди ва шу билан бирга улардан бирининг амалга ошишига тўсқинлик қилади ҳам. Булар: **بل** (бал) «балки», **لكن** (ла.-кинна, ла.кин) «ҳамда» **ولكن** (ва ла.кинна, ва ла.кин) «лекин, аммо», **بيد ان** (байда'анна) «... са ҳам», **علي ان** («ала.'анна) «...и устига», **الا ان** (гайра'анна) «ҳамда», **غير ان** («айра.'анна) «...га қарамай»..., **لا ... فحسب بل** (ла. ... фа-х.асбу бал...) «...гина эмас, балки...».

Мисоллар:

وصلنا الى موسكو ذلك اليوم  
ولكننا تأخرنا المؤتمر.

Москвага ўша куни келдик, би-  
роқ конференцияга кечиккандик.

ما درسنا اليوم اللغة العربية  
بل استعنا الى محاضرة  
مدرسنا من التاريخ.

Бугун араб тили ўрганмадик, бал-  
ки ўқитувчимизнинг тарихдан  
маърузасини тингладик.

Қоидага мувофиқ, **لكن** (ла.кинна) ва **ولكن** (ва ла.кинна) боғловчилари исмлар (тушумда қўйилади) билан, **لكن** (ла.кин), **ولكن** (ва ла.кин) ва **بل** (бал) боғловчилари эса феъллар билан желади.

3. Айирувчи боғловчиларнинг вазифаси уюшган воқеълик ёки ҳодисани бирдан иккинчисини ажратиш ёки уларнинг галма-галлигини ифодалашдир. Булар — **اما ... اما** ('имма. ...,'имма.) «ёки..., ёки», **اما ... او** ('имма..., 'ав) «ёки..., ё», **تارة ... تارة** (та. авран ...ва т. авран) «гоҳ..., гоҳо», **طورا ... وطورا** (та. ратан..., та.ратан) «баъзан..., баъзан эса».

اما يكتب اما يقرأ.

Мисоллар:

ان الطلاب في الصيف طورا  
يعملون في المزارع و طورا  
يساعدون العمال في المصانع.

У ёки ёзади, ёки ўқийди.

Толиблар ёзда гоҳ далаларда  
ишлайдилар, гоҳо заводларда  
ишчиларга ёрдам берадилар.

Кўриниб турибдики, айирувчи боғловчилар дубора (икки таркибли)дир ва ҳар бири айримлик бошига қўйилади. **أَوْ** ('ав) «ё, ёки» ҳамда шу мазмундаги **أَمْ** ('ам) боғловчиси ҳам айирувчидир. Улар уюшиқ бўлақлар мавжуд сўроқ гапларда ишлатилади:

اهذا الرجل براد او خراط؟      Манови кимса слесарми ёки токарми?  
 هل صديقتك عامل ام خادم؟      Ўртоғинг ишчиси ёки хизматчиси?

Эргаштирувчи боғловчилар ўз синтактик вазифаларига кўра, эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапларнинг бош гапга эргашиб келишини таъминлайди. Бу турдаги боғловчиларнинг гапда уюшиқ бўлақларни бириктириш ҳолиари жуда кам учрайди. Эргаштирувчи боғловчилар гапда қандай алоқадорлик муносабатларини билдириши, қандай эргаш гапларни эргаштириб келишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Пайт боғловчилари **لَمَّا** (ламма.) қачонки, **إِذَا** ('из:а.) ёки **إِذَا مَا** ('из:а.-ма.) қачонки, **مِنذ** (мунз:у) ...дан бери, **عِنْدَمَا** ('инда-ма.) пайтики, **بَيْنَمَا** (байна-ма.) шу ора, **بَعْدَمَا** (ба'да-ма.)... дан сўнг, **قَبْلَمَا** (қабла-ма.)... дан олдин, **بَعْدَ أَنْ** (ба'да 'ан) ...дан сўнг, **حَتَّى أَنْ** (х.атта. 'ан)...гача.

Қоғиштирма боғловчилар: **كَانَ** (ка-'анна) гўёки, **كَمَا** (кама.) ...дек, худди, **حَسِبَمَا** (х.асба-ма.) ...га ўхшаш, **مِثْلَمَا** (мис:ла-ма.) ...дек, гўё.

Сабаб боғловчилари: **لِأَنَّ** (ли-'анна) негаки, **إِذْ** ('из:) туйқусдан, учун ҳам, **مِنْ حَيْثُ أَنْ** (мин х.айс:у'ан) сабабли, **بِمَا أَنْ** (би-ма. 'ан)...са-да.

Мақсад боғловчилари: **أَنْ** ('ан) ...ки, **لِ** (ли-) учун, **كَيْ** (кай) учун, **حَتَّى** (х.атта.) «...гача, ...гунча» ва уларнинг ҳосилалари.

Шарт боғловчилари: **أَنْ** ('ин) ва **إِذَا** ('из:а.) агар, агарки, **لِئَن** (ла-'ин) агар... са ҳам, **لَوْ** (лав...ла) агар ...са эди.

Тўсиқсиз: **رَغِمَ** (рағма) қарамай, **رَغِمَ أَنْ** (рағма 'анна) ... — га қарамай, паҳотки, **عَلَى رَغِمٍ مِنْ** ('ала. рағми мин)... га қарамай, **وَلَوْ** (ва лав) ...ганда ҳам.

#### МУТЛАҚ МАСДАР — РАВИШ ҲОЛИНИНГ МАХСУС ШАКЛИ

Мутлақ масдар аслида равиш ҳоли бўлиб, у феъл-кесимнинг ўзидан ясалган ва ноаниқ шаклда тушум келишигига қўйилгандир. Араб тилида бундай масдарлар гапда иш-ҳаракат мазмунининг яна ҳам яққолроқ ва равнороқ ифодаланшига ёрдам берув-

чи восита сифатида қўлланилади. Гапда мутлақ масдар феъл-кесимдан орқада келади:

ضربتہ ضربا. Уни роса урдим.  
يتساقط في ميدان القتال الجنود. Жапг майдоида жапгчилар  
تساقطا. кўплаб қирилангилар.

Мутлақ масдар қошида аниқловчи (хоқ мослашган, хоқ мослашмаган)нинг бўлиши унинг ифода қувватини янада оширади:

يحمى جيشنا الحياة السلمية. Қўшинимиз халқнинг тинч  
للشعب حماية مضمونة. ҳаётини тўла-тўғис қўриқлаш-  
га гаровдир.  
تعيش اسرة هذا المهندس عيشة. Бу инженернинг оиласи бахт-  
السعادة. ли ҳаёт кечиряпти.

### ОЛМОШЛАР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ СЎЗЛАР

Олмошлар силсиласи араб тилида ўзбек тилидагидек яхши ривожланмаган. Унда белгилани (ҳар ким, ҳар нима), бўлишсизлик (ҳеч ким, ҳеч нима), ўзлик (ўз), биргалик (ҳамма, барча) олмошлари ва кўнчилик гумон олмошлари (аллақандай, алламарса) йўқ. Уларнинг вазифаси бошқа сўз туркумларига юклатилган.

Ўзлик олмоши вазифасида ذات (з:а.тун), نفس (нафсун), عين (айнун) «ўз» отлари ишлатилади. Бу ўринда улар тўлиқ мазмундаги синонимлардир. Одатда бу отлар гапда изофа таркибида расмийлаштирилади:

رجع اخي الكبير من السفر ذات. Акам сафардан (ўша) куннинг  
اليوم. ўзида қайтди.  
ركبت على نفس السفينة مرة. Ўша кеманинг ўзига қайта мин-  
ثانية. дим.

Бироқ иккинчи тур расмийлаштириш ҳам мавжуд. Унда «қайтувчи» олмош иштирок этади:

لقد قلت عن مجيئتك لذلك. Ўша ўртоқнинг шақ ўзига сенинг  
الرفيق عينا. келганингни айтдим.  
خاطب سيادة الرئيس نفسه. Жаъоб Президентнинг ўзи нутқ  
сўзлади.

Қўришиб турибдики, олмош вазифасини бажариб келаётган сўзлар гапда изоҳловчи сифатида расмийлаштирилади. Яна унутмаслик керакки, қайтувчи олмош ўзи алоқадор сўз билан жинс ва сонда мутаносиблашади.

Биргалик олмошлари вазифасини **جميع** (жами.‘ув) оти бажаради. Унга мазмунаи анча яқин турган **كل** (куллун) ҳам биргалик, ҳам белгилаш олмошлари вазифасини бажаради:

تجمع جميع الطلاب لاحتفال عيد «نوروز»، عيد الربيع والشبيبة.

يعيد هذا العيد كل الشعوب، كل البلاد.

Барча толиблар баҳор ваёшлик байрами «Наврўз»ни нишонлашга йиғилдилар.

Бу байрамни барча халқлар, бутун мамлакат нишонлайди.

### ТАҚРОРНИНГ СЕМАНТИК МОЎНАТИ

Араб тилида сўзларни такрор қўлланиш орқали гапнинг мантӣқий ургу олган бирор бўлагини алоҳида таъкидланишига ёки айрим имтиёзли қайд қилинишига эришиш мумкин. Бундай гапларни Ўзбекчага ўгиришда тенг шусха (эквивалент) топилмаса, ёрдамчи воситаларга мурожаат қилишга тўғри келади:

و النهر من طرفنا عميق  
عميق ...

تقد منا في البداية ببطء ثم  
مشينا سريعا سريعا.

Бир томонимизда сой шундай чуқур, шундай чуқурки...

Дастлаб аста илгариладик, сўнг тобора тезлашиб кетдик.

### Биринчи матн

فانفجرت الزوجة باكية ولكنها صدعت بامرہ (اسطورة). كلما  
مرت امام دكانه رأته مشغولا. و هو منصرف الى عمله انصرفا منقطع  
النظر. انقسم الناس الى جماعات. و قد انحدر اليها الجبل انحدارا لطيفا  
حافلا بالكروم و البساتين (امين الريحاني). اما تلك الحديقة المنفردة  
فقد قاست من هياج العناصر (جيران). ان الشبان حيشما اكون معهم  
ينسوننى وقارى و سنى و هو يتكلم كأنه تنقطع الكلمات من لسانه في  
جهد (تيمور). فقد رافقته الى المدينة عندما حمل النقود الفضية  
والذهبة. انه فما وجدته لانه ذهب في ذلك الوقت الى المدينة (اسطورة)  
اسسوا كبار الرياضيين للعصور القديمة نظرية انعكاس النور على  
المرآة المسطحة و الكروية. ان هذا الانكسار يتوقف الى هد كبير على  
المادة من الزجاج (النصوص).

290-машқ. Барча замонларда тусланг, масдар ва сифатдошлар ясаб маъ-  
поларини белгилаш:

انكشف، انصرف، انقطع، انكسر، انفجر

291-ماشق. Буйруқ майли шакллари ясаг:

انعكس، انفصل، انفرّد، انطلق، انفتح

292-ماشق. Қуйидаги феъл-масдар шаклларидан фойдаланиб, гўртта жумла тузинг:

انقلب – انقلاب، انفتح – انفتاح، انصرف – انصراف، انفصل – انفصال

293-ماشق. Таржима қилинг. Зидловчи боғловчилар бажарган грамматик функцияларга аҳамият беринг:

قال الارب: – انا احب امي و لكنها قاسية جدا. ۲ – طلبت امها رجوعها في الساعة الرابعة بعد الظهر ولكن البنت تأخرت. ۳ – هدف الوحش سفينتنا ولكن تجنبنا طريقه و لكنه بلغ السفينة وتعلق بها. ۴ – يوجد في الماء كثير من الميكروبات ولكن لانراها بالعين المجردة لدقتها بل تلاحظها آلة ميكروسكوب (حنا الفاخوري).

294-ماشق. Ўқинг. Эргаштирувчи боғловчиларни таҳлил қилинг:

۱ – اننا نحرم كل شيء اذا تجنبنا كل شيء. ۲ – اذا اقبل الربيع سرت الحياة في جميع الكائنات. ۳ – لما قدمت الحملة الفرنسية الى مصر هرب المماليك. ۴ – واخيراً نزل المتدخلون على شاطئ القرية و تنظروا حتى يأمر القائد ليهاجموا الاهالي.

295-ماشق. Мавзуни давом эттиринг:

رأى التلميذ اثناء زيارة المصنع خراطا يخرط في المخرطة قطعة حديد فقد اعجبه و ...

296-ماشق. Олмошлар вазифасини бажарувчи сўзларнинг оддий ва изоҳловчи вазифасидаги ҳолатларига иккитадан жумла ёзинг.

## Иккинчи матн

### عند الشلالة

انطلقت بنا السيارة مصعدة في الجبال و نحن مسافرين من الوادي الى اربلان باب. والنهر على طرفنا عميق كان شاطئه جدار حجري قائم و الجبل عن طرفنا الآخر عال عال لا يقدر النظر يبلغ آخره. واستمرت السيارة مصعدة بنا في الجبال كانها سهم منطلق. وقد ارتفع مقدمها كانها تطلب السماء. و انخفض مؤخرها كانها يغالب جذب الارض.

لقد تعلقت ابصارنا بالمناظر الجميلة الرائعة عن اليمين و عن الشمال وانتشرت اشجار الحور و الصفصاف و الكرز بين ايدينا و من ورائنا. اوتجمعت على شكل غابات من الاودية العميقة و على الصفوح

المتدرجة تتخللها العيون الدافقة تسقى البساتين و الرياض و تظللها  
الاشجار.

و بلغنا بعد ساعة متبسطة عريضا تقف عنده السيارات للراحة و  
قال واحد من الرفقاء: -

- اننا فى مقربة من الشلالة. فتعال معنا لترى منظرا من مناظر  
وطننا ما رأيت عينك اجمل منه.

لبيت الدعوة و مشينا راجلين بضع مئات من الامتار حتى وصلنا  
الى الشلالة. يا عجب! ما هذا الجمال الذى ارى!

ماء ينطرح من ارتفاع عظيم على الصخر مغابا كأنه موج البحر  
وينفجر وتتساقط فقائعه الشفافة البيضاء مجراه كسحاب بلورى. ان  
الماء فى المجرى بارد كأنه ثلج ابيض، كأنه حليب نظيف. قلت لاصدقائى  
وانا مأخوذ بما رأيت:

- يا عجب، ابقى هنا يومى كله لامتع عينى و قلبى بهذا الجمال.

### Бирикма ва жборалар

انا مأخوذ بما رأيت.	Кўрган нарсамга мафтун бўлдим.
ما رأيت عينك اجمل منه.	Кўзинг бундан лобарини кўрма- ган.
تعال معنا لترى المنظر.	Манзарани кўриш учун олди- мизга кел!
عال عال	жуда баланд
عيون دافقة	қайнар булоқлар
فقائيع شفافة	шаффоф кўпиклар
سهم منطلق	санчилган ўқ
سفوح متدرجة	аста-секин кўтарилаётган ўркач- лар
أنفجر باكيا.	инглаб юборди.
طريق جبل	тоғ йўли

297-машқ. Оғзаки жавоб ёзинг:

اراييت المناظر افضل من منظر الشلالة؟ كيف ينطرح الماء من ارتفاع  
عظيم على الصخر؟ على ما تتساقط فقائيع الماء الشفافة البيضاء؟ بما  
تقيس برودة الماء فى المجرى؟ هل اصبحت مأخوذا بما رأيت؟ كم وقتا  
بقيت عند الشلالة؟

298-машқ. Ўхшаш сўз (сповым)ларни топиб ёзинг:

مرتفع، بستان، عميق، صخر، فسيح

299-машқ. Қуйидаги бирикмаларни ўзбекчага ўгириг:

من ورائنا، تتخلل العيون، اودية عميقة، واحد من الرفقاء، مناظر جميلة،  
عيون دافقة، تعال معنا، تلج ابيض، حليب نظيف

300-машқ. Арабчага таржима қилиг:

Машинамиз тогдан ошиб Шоҳимардон томонга йўл олди. Чап томонимизда Водил дарёси, ўнг томонимизда баланд тоғлар қўкка бўй чўзиб туради. Машинамиз самога санчилган ўқдек тепага кўтарилиб боради. Бир соат юрганимиздан сўнг машинамиз унча катта бўлмаган майдончада тўхтади. Шу яқин атрофда шалола бор, унинг товуши бу ердан эшитилиб турибди. Дўстим, бу ерга кел! Ватанимизнинг энг гўзал манзараларидан бирига назар ташлаймиз. Дўстимнинг чақирғиғига лаббай дедим ва шалолани қидириб кетдик.

301-машқ. «Чимёнга саёҳат» мавзусида уй ишоси ёзинг.

302-машқ. Таржима қиливг ва ёд олинг:

لا يهلك الامل عن العمل.

دعوة الحمار اما لحمل الحطب اما لنقل الماء.

#### СЎЗЛИК

ارتفاع ('иртифа.'ун) тепа-  
лик

استمر ('истамарра) давом  
этмоқ

انحدر ('инх.адара) сурил-  
моқ

انطرح ('инт.арах.а) қула-  
моқ

تطلع (тат.аллу'ун) мўра-  
лаш

تلقت (талаффата) ўгири-  
либ боқмоқ

حافل (х.а.филун) гавжум

خيل (хуййпла) туюлмоқ

راقق (ра.фақа) ҳамроҳ  
бўлмоқ

زجاج (зўжа.жун) ойна

سهم (сахмун) найза, ўқ

حرط (х.арат.а) (у) йўнмоқ

راجل (ра.жилун) лёв

زميل (замилун) ошна,  
жўра

صخاب (с.ахха.бун) чинқи-  
рувчи

امل ('амалун) орзу, умид

عائق ('а.нақа) қучмоқ

فرح (фарах.ун) қувонч

كرم (кармун) узум нав-  
даси

ارتفع ('иртафа'а) кўтарил-  
моқ

املاً ('амла'а) тўлдирмоқ

انتثر ('интас:ара) сочил-  
моқ

انخفض ('инхафадда) пасай-  
моқ

تخلل (тахаллала) қоқ ўр-  
тасида бўлмоқ

توقف الى (таваққафа'ила.) боғ-  
лиқ бўлмоқ

تعلق (та'аллақа) ёпишмоқ

ننظر (таназ.з.ара) аланг-  
ламоқ

ثقل (с:иқлун) оғирлик



حرم	(х.арама) (и) маҳрум бўлмоқ	منبسط	(мунбасит.ун) кепг, ёйиқ
حطب	(х.ат.абун) ўтин	نسى	(насийа) ўнутмоқ
حور	(х.аврун) терак	هرم	(ҳарамун) эҳром (пирамида)
صدع	(с.ада'а) (а) бўйсунмоқ	هزيمة	(ҳазиматун) тор-мор
ظلل	(з.аллала) соя еолмоқ	متع	(матта'а) завқ бермоқ, завқлантирмоқ
عرس	('ирсун) тўй	مجرى	(мажран) ўзак
غزارة	(газа.ратун) мўлкчилик	مصعد	(мус.а"идун) кўтарувчи
قاس	(қа'са) (и) фахрланмоқ	مأخوذ	(ма'хуз.ун) сеҳрланган
لبى	(лабба.) ҳозиржавоб бўлмоқ	معبر	(му'аббирун) ифодаловчи
متدرج	(мутадаррижун) зинашоясимон	منصرف	(мунс.арифун) йўлга тушган
مجرد	(мужаррадун) оддий; очиқ	منفرد	(мунфаридун) ягона
مخرطة	(михрат.атун) йўнши дастгоҳи	نقد	(нақдун) нақд пул
مسطح	(мусат.т.ах.ун) текис, яси	حذف	(ҳадафа) (и) мўлжалламоқ

## Йигирманчи дарс:

### ФЕЪЛЛАРНИНГ САККИЗИНЧИ БОБИ

Уч ундошли феълларнинг саккизинчи боби биринчи бобдан ўзакнинг дастлабки ундошини сукунлаш ва ундан кейин фатҳали «т» ясовчиси орттириш билан ясалади. Бунда ўзакнинг иккинчиси фатҳали талаффуз қилинади. Сукунли бошланиш талаффузини жўнлаштириш мақсадида олдинга бириктирувчи ҳамза орттирилади ва мутлақ олдинда келгандагина талаффуз қилинади. Орттирилган ҳамза, қоидага мувофиқ, алиф тирговичлигида ёзилади. Қолипи: **افتعل** ('ифта'ала).

Ҳозирги-келаси замон шакли дастлабки ундош олдинга фатҳали шахс ясовчилари орттириш ва ўзакнинг иккинчисини касрали ўқиш билан ясалади. Ўзакнинг учинчиси умумий қоида асосида даммали бўлади. Қолипи: **يفتعل** (йифта'илу).

Саккизинчи боб феъллари қуйидаги мазмунларни ифодалайди: Биринчи боб феълнинг аниқ даражадаги ўтимли мазмунни мажҳуллаштириши ва ўтимлилиكنи ўтимсизлаштириши:

جمع (жама'а) йиғмоқ

اجتمع ('ижтама'а) йиғилмоқ

رفع (рафа'а) кўтармоқ

ارتفع ('ирфафа'а) кўтарилмоқ

Биринчи бобдаги мазмунни ўзлик даражага айлантириш:

شغل (шағала) машғул — اشتغل ('иштағала) шугул-  
 бўлмоқ — ланмоқ  
 فخر (фаҳара) фахрли — افتخر ('ифтахара) фахр-  
 бўлмоқ — ланмоқ

Саккизинчи боб феълларига сингдирилган «ўзи» ёки «ўзи учун» мазмунига эътибор бериш керак. Агар мазмунда дастлабкиси ғолиб бўлса, феъл ўтимсиз, иккинчиси ғолиб бўлса, ўтимли бўлади:

كسب (касаба) эгалламоқ — اكتسب ('иктасаба) ўзи учун  
 эгалламоқ, касбли  
 بۇلмоқ  
 قطف (қат.афа) узмоқ — اقتطف ('иктат.афа) ўзи  
 учун узмоқ

Бу бобдаги феъл мазмуни баъзан бошқа бобларникига ўхшаш:

- 1 бобга: قدر = اقتدر қодир бўлмоқ, қила билмоқ  
 جذب = اجتذب ўзига тортмоқ  
 6 бобга تخصص = اخصم ёвлашмоқ, адоватда бўлмоқ  
 قتال = اقتل уришмоқ, курашишмоқ

Саккизинчи боб феъли гапдаги вазиятга қараб ўтимсиз ёки ўтимли маъно касб этиши мумкин:

افتتح ('ифтатах.а) а) очмоқ; б) очилмоқ

اشتغل ('иштағала) «шугулланмоқ»нинг тусланиши

Шакс	Жанс	Ҳозирги-келаси замон		
		кўplik	иккилик	бирлик
1	умумий	اشتغل (йаштағилу)	—	اشتغل ('аштағилу)
2	музак.	تشتغلون (таштағилу.на)	تشتغلان (таштағилани)	تشتغل (таштағилу)
	муан.	تشتغلان (таштағилна)		تشتغلين (таштағилина)
3	музак.	يشتغلون (йаштағилу.на)	يشتغلان (йаштағилани)	يشتغل (йаштағилу)
	муан.	يشتغلان (йаштағилна)		يشتغل (таштағилу)

Саккизинчи боб феълларидан буйруқ умумий қоидалар асосида қуйидагича ясалади:

اشتغل ('иштағил) — تشتغل (таштағил) — تشتغل (таштағилу) (шугуллан!)

Барча шакллар утун қолиплар:

افتعلوا ('ифта'илу.)	افتعلا ('ифта'яла.)	افتعل ('ифта'ил)
افتعلن ('ифта'ил-на)		افتعلى ('ифта'или.)

### МАСДАР ВА СИФАТДОШЛАР ЯСАШ

Масдар саккизинчи боб феълларида **افتعال** ('ифти'алу) қолишида ясалади:

اشتغل дан:	اشتغال ('иштиғалун) шуғулланиш
اجتمع дан:	اجتماع ('ижтима'ун) йиғилиш

Сифатдошларнинг аниқ даражаси **مفتعل** (муффа'илун) ва мажҳул даражаси **مفتعل** (муффа'алу) қолишида ясалади:

ارتفع дан:	مرتفع (муртафи'ун) кўтарилувчи
	مرتفع (муртафа'ун) кўтарил(ин)ган
انتشر дан:	منتشر (мунташирун) тарқалувчи
	منتشر (мунташарун) тарқал(ин)ган

### ТОВУШ БИРИКМАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Кўпчилик ўзақлардан саккизинчи боб шакллари ясашда биринчи ундошдан сўнг орттирилган ясовчи «т» нинг маълум шароитда эмфатиклашуви кузатилади. Чунинчи:

1. Ўзақнинг биринчи ундоши эмфатик товуш [ظ، ط، ض، ص،] лардан бири бўлса, ясовчи «т» эмфатиклашади — «т.» га айланаиб кетади:

طلع (т.ала'а) (а) хабардор қилмоқ	اطلع ('ит.т.ала'а) хабардор бўлмоқ
صلح (с.алуҳ.а) (у) ярамоқ, яхши бўлмоқ	اصطاح ('ис.т.алаҳ.а) яхши ҳолга келмоқ, тузалмоқ
ضرب (д.араба) (и) урмоқ	اضطرب ('ид.т.араба) урилмоқ, изтиробга тушмоқ

2. Ўзақнинг биринчи ундоши тиш орти портловчиси «д» ёки оддий тиш орти сирғалувчиси «з» лардан бири бўлганда, орттирилган тиш орти жарангсиз портловчиси «т» жарангли «д» га айланади:

دفيء (дафи'а) (а) иссиқ бўлмақ	— ادفا ('иддафа') исимоқ
زهر (заҳара) (а) ялтира- моқ	— ازدهر ('издаҳара) милтил- ламоқ

3. Ўзакнинг биринчи ундоши тиш орти сирғалувчиси «з:» дан иборат бўлганда, «т» гоҳ «д» га, гоҳ эса «з:» га айланади; бироқ маънода силжиш кузатилмайд:

ذکر (з:акара) (у) эсла- моқ	— اذکر ('пз:з:акара)	} эсламоқ
	ادکر ('иддакара)	
ذخر (з:ахара) (а) йиғмоқ, жамғармоқ	— اذخر ('пз:з:ахара)	} йиғмоқ, жамғармоқ
	ادخر ('иддаҳара)	

4. Агар ўзакнинг биринчи ундоши илматли сирғалувчи сонант «в»дан иборат бўлса, у тўлиқ ўзгариш (ассимиляция)га учрайди:

وفى (вафиқ) (и) муво- фиқ бўлмақ	اتفى ('иттафақа) муво- фиқлашмоқ, иттифоқ тузмоқ
وحد (вах.ада) (п) бирлик- да бўлмақ	— اتحد ('иттах.ада) бирлаш- моқ

5. Ўзакнинг биринчиси жарангсиз бўғиз портловчиси ҳамзадан иборат бўлганда, гоҳ тўлиқ ўзгариши (ассимиляциялашуви), гоҳ бутунлай ўзгаришсиз қолиши мумкин:

اخذ ('ахаз:а) (у) олмоқ,	— اتخذ ('иттахаз:а) тутиш- моқ
امر ('амара) (у) буюр- моқ	— ائمر ('и'тамара) кенгаш- моқ

#### ЧЕКЛАШ

Араб тилидаги кесимнинг характериши изоҳлашда аниқлик киритиш ёки аниқ (конкрет)лаштириш нияти билан чеклаш қўлланилади:

Чеклаш (التمييز — 'ат-таийи.зу) вазифасини от бажаради. У кесимдан сўнг қўйилади. Чеклаш вазифасини бажараётган сўз гада ноаниқ ҳолатда ва тушум келишигида бўлади:

امتاز الشباب عقلا. Йиғитча ақли билан ажралиб турарди.  
امتلا الاناء ماء. Идиш сувга тўлди.

Мисоллардан кўриниб турганидек, чеклаш вазифасини бажараётган отлар кесимлар мазмунига аниқлик киритган, аниқ (конкрет)лаштирган.

11-99 сонлари қошидаги саналмишлар чеклашга тааллуқлидир:

وقد تم في هذا المصنع خلال  
الفترة ١٢ سنة الاخيرة تدريب  
٣٦ اختصاصيا من البلدان  
العربية.

Сўнги ўн икки йил ичида бу  
заводда араб ўлкаларидан келган  
36 мутахассисга таълим берилди.

Ҳажм ва миқёс ўлчовларидан кейинги отлар ҳам чеклашдан  
иборат:

طلبنا لكل منا قبل السفر رطلا  
لحما و مترين حريرا.

Ҳар биримиз учун сафарга чи-  
қишдан олдин бир ратлдан  
гўшт ва икки метрдан ипаклик  
сўрадик.

### ОРТИРМА ВА СОЛИШТИРМА СИФАТЛАРНИНГ ТАВСИФ ШАКЛИ

Ўзагида учдан ортиқ ундоши бўлган сифатлардан, жумладан  
нисбий сифат ҳамда сифат вазифасини ўтайдиган сўзлардан орт-  
тирма ва солиштирма даража шакли ясаб бўлмайди. Шунга кўра,  
мазкур сифатлар мазмуни **اشد، احسن، اكبر،** каби, тескари **نيس-**  
**باتدا** эса **اقل اصغر،** каби сўзлар воситачилигида англатилади.

Ҳақ силсиласида аввал юқоридаги сўзларнинг мувофиғи танла-  
нади. Унинг орқасидан ортириллаётган ёки солиштирилаётган  
сўзнинг негизидан ясалган масдар ёки мавҳум от ноаниқ шаклда  
ва тушум келишигида қўйилади. Восита исмий гапда кесим ва-  
зифасини бажаради.

هذا الرفيق اشد اجتهادا.      Бу ўртоқ жуда ҳаракатчандир.  
محمود اقل اهتماما لاصدقائه.      Маҳмуд дўстларига жуда эъти-  
борсиздир.

Ранг ва табиий камчиликларни ифода этувчи сифатлардан ҳам  
шу усулда даража сифатлари ясаш мумкин:

ان التفاح الاوزبكي اشد حمرة.      Ўзбек олмаси энг қизил (олма)  
дир.

Бу грамматик усул чеклашнинг турларидан биридир.

### АЙРИМ ИСМЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИГА ДОИР

Ёзувда «ف» ва «ي» га тугалланувчи исмлар, асосан, от ва  
сифатлар бўлиб, улар шакл нуқтан назаридан икки турлидир.

Каттароқ қисми ташкил қилувчи дастлабки гуруҳ **فاتҳали**  
таънин билан ўқилади:

عصا	(ас.ан) асо, ҳасса	مبنى	(мабнан) бино
فتى	(фатан) йигит	مرمي	(марман) дарвоза

Бу турдаги исмлар аниқлик артибли олганда таъвинни йўқотади.

Иккинчи гуруҳга кирувчи исмлар ноаниқ шаклда таъвин қабул қилмайди; булар —

а) турли турдош отлар:

دعوى (да ва.) даъво

دنيا (дунйа.) дунё

б) атоқли отлар:

موسى (му.са.) Мусо

عيسى (и.са.) Исо

в) кўплик шакллари:

عصايا ('ас.а.йа.) ҳассалар

هدايا (ҳада.йа.) совғалар

г) муаннасадаги сифатлар:

كسلى (кас.ла.) ишёқмас,  
таибал

قتلى (қат.ла.) қати қили-  
наётган

Бундай сифатлар келишикларда турланганида ўзгаршсиз қолади. Бошқача айтганда, улар келишик қўшимчалари қабул қилмайди:

Бош к. عصى ('ас.ан) ҳасса,

عصايا ('ас.а.йа.) ҳассалар

Қар. к. عصى ('ас.ан) ҳассанинг,

عصايا ('ас.а.йа.) ҳассалар-  
нинг

Туш. к. عصى ('ас.ан) ҳассани,

عصايا ('ас.а.йа.) ҳассалар-  
ни

«ى» га тугалланувчи сўзлардан сўнг бприкма олмошлари келса, у алифга айлантирилиб ёзилади:

دعواه (да'ва.ҳу) унинг даъвоси

كبراهن (кубра.ҳунна) у (қиз)лардан энг каттаси

#### АРАБЛАШТИРИЛГАН СЎЗЛАР

Араб адабий тили турли тилларга мансуб бўлган сўзлар билан узоқ йиллар давомида тўлдирилиб келинди. Баъзи ҳолларда, араб тили таркибида катта гуруҳни ташкил қилувчи чет сўзлар силсилаларини учратиш мумкин. Пул бирликларини олиб кўрайлик:

دينار	(ди.на.рун) «динор»	— лотинча	denarius	сўзидан
درهم	(дирҳамун) «дирҳам»	— грекча	drachma	сўзидан
جنيه	(жунайҳун) «жуна- йиҳ»	— инглиз- ча	guinea	сўзидан
ليرا	(ли.ра.) «лира»	— итальян- ча	lira	сўзидан
قرش	(қиршун) «қирш»	— немсча	groscher	сўзидан
مليم	(милли.мун) миллим	— французча	millime	сўзидан

Ёт сўзларни араблаштириш икки усулда расмийлаштирилади:

1. Транслитерация қилиш усули билан — ёт сўзларнинг дастлабки шакллари мумкин қадар сақлаб қолинади. Ёт товушлар — талаффузи яқинлари билан, яқинлари мавжуд эмаслари — энг ўхшашлари билан алмаштирилади. Сўзларнинг бундай туркумига кўпроқ атоқли отлар, географик тушунчалар номлари киради:

دينامو (ли.на.му.) «Динамо»  
طشقند (т.ашқанду) Тошкент

2. Ассимиляция қилиш усули билан — бунда ёт сўзга арабча шакл берилади, мавжуд арабча қолипларга мослаштирилади. Бу четдан кирган сўзнинг аниқлик артикли билан таъминланиши мумкинлиги, ундан синиқ кўплик ясалиши мумкинлиги, турли жинс шаклларига эга бўлиши кабиларда намоён бўлади. Маънода ҳам баъзи кўчишлар қузатилиши мумкин:

ترجى (тамаржиййун) «санитар» — туркий «томирчи» сўзидан  
هندسة (ҳандасатун) «геометрия» — форсий «андоза» сўзидан  
ارى (‘арйун) «асал» — туркий «ари» сўзидан  
تراجيدية (тара.жи.диййатун) «трагедия» — грекча «трагедия» сўзидан

Шуниси характерлики, бу турдаги сўзлар сомий ўзакдан ясалган оддий араб сўзлари каби барча сарфий хусусиятларга эга бўлишидан ташқари, муҳим лексик birlik вазифасини ҳам ўтайди: ўзақларидан янги негизлар ва сўзлар ясаш мумкин. Шунингдек, уларни янги ясовчи қўшимчалар билан таъминлаш мумкин;

فلسفة (фалсафатун) фал- — فلسف (фалсафа) фалсафа  
сафа билан шуғуллашмоқ  
هندسة (ҳандасатун) геомет- — هندس (ҳандаса) режала-  
рия моқ

### Биринчи матн

تبسم الافكار على صفحات الكتب امام ناظرى. امتزج ذكره بدقائق حياتى (مى زياده). فهى ابتسمت ابتساما امتزج فيها الاشفاق بارتياح (الريحانى). انتظرى، ايتها النحلة الرشيقه النشيطة (احمد زكى). فقد ابتدعتنى الطبيعة صغيرة حقيرة اظن ملتصقة بالارض. اقتلعت الريح الازهار المتشامخة و حتى الرياحين الصغيرة التى تلتصق بالارض و تختبىء بين الصخور (جبران). و الحديث انتقل من فكاهة الى جد. ازدحم الزقاق الضيق ببنات و صبيان (المازنى). فازداد وجهه شحوبا و قل حديثه واصبح جافا مقتضبا. و كانت لهجة مضطربة مختلفة.

اتجھنا مقاعد المحطة و جلسنا ننتظر القطار. كانت شفتاه ترتعشان من وقت لآخر. شاهدت ازدحاما في جهة الرصيف (تيمور). فقد احتفظت بخيرها واتخذهم مستخدمين للمكتب الذي اعتربه (احمد امين).

303-ماشق. Барча замонларда тусланг. Масдар ва сифатдошлар ясанг, маъволарини белгиланг:

احتشد، اجتمع، انتصر، ازدهر

304-ماشق. Буйруқ шақллари ясанг:

افتكر، ارتحل، اصطنع، اذكر

305-ماشق. Таржима қилинг:

1. Ўзбекистоннинг ер майдони жуда қадимда улкан текислик эди, унда гўза табиий ҳолда ўсарди. 2. Ўзбек қизи Манзураҳон ақли ва заковати билан ажралиб турарди. 3. Биз кино залига кирганимизда, унда фақат йигирма учта томошабин бор эди. 4. Факультетимизда ўн бешта вьетнамлик ёшлар араб тилини ўрганадилар.

306-ماشق. Ўқинг ва таржима қилинг. Чеклашга доир сўзларни ажратиб дафтарингизга ёзинг:

كان لبنان في قديم الزمان جبالا ينبت الارز و الصنوبر. و كان الارز من اجمل الاشجار حسنا و اضخمها حجما و اطيها رائحة و اصلبها عودا. ينبت الارز في القمم العالية و قديبلغ طول الشجرة اربعين مترا. الارز اخضر دائما و منظره جميل و هو رمز لبنان (مبدأ القراءة، ٢).

307-ماشق. Тавсифга оид ўринларга алоҳида аҳамият бериб таржима қилинг:

1. Тошкент шаҳри Ўрта Осиёдаги шаҳарлар орасида энг катта ва аҳолиси энг зичидир. 2. Аҳмад тоғамнинг болалари орасида энг улкани ва энг қувватлидир. 3. Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари орасида пойтахтга энг узогидир. 4. Олтин ва қумуш энг қимматли рангли металллар эмасдир. 5. Мактабимиз боғи бошқа боғлар орасида энг гўзалидир.

308-ماشق. Ўзбекчага ўғиринг, сўнг тескари таржима қилинг:

١ - جمهورية تركمانيا اكثر حرارة بين الجمهوريات المستقلة ٢ -  
الزمان الذي نحن فيه اكثر سرعة و اشد اجتهادا. ٣ - عرف ان الطالبة  
التي رآها في المكتبة اشد قراءة. ٤ - ان الشمس نجمة متوسطة اشد  
حرارة. ٥ - التفاح الذي قطفناه من البستان اشد حمرة و اكثر عصيرا  
و اكبر حجما.

309-ماشق. Турланг:

جملى، عيسى، هدايا، قتلى



## طشقند

مدینتی طشقند من اقدم المدن تأریخا و حضارة. وهی اکبر المدن فی آسیا الوسطی و عاصمة وطنی. انها واقعة علی ساحل نهر «تشیق» الذی تنکسر امواجه علی قدمیها. وهذا النهر فرع من فروع «سیردریا».

مدینتی تشبه شجرة ضخمة تتصل أصولها بالسهول و تلامس اطرافها مزارع القطن. اذا شرقت الشمس فهی ترسل انوارها الولى علیها من القمم. اذا غربت الشمس فهی ذابت ذهباً علی ضواحيها ولا تظلم مدینتی ابدا.

لمدینتی شوارع واسعة تنهض الی جانبیها الابنية الشاهقة و یزدحم فیها الناس فی حركة و عمل و تتدافع فیها السیارات و الدارجات و الشاحنات تدافعا. فی مدینتی محطتا سكة الحديد الواسعتان و تصل القطارات من کل اطرافها. لمدینتی مطار دولی ضخم تتسابق الی ارضه الطائرات فی حركة ذهاب و رجوع و تهبط الطائرات مئات من کل انحاء العالم ناقلة الضیوف و تستقبلهم مدینتی بسرور.

لمدینتی ما عدا اسمها «طشقند» اسماء كثيرة اخرى تعظمها بین المدن فی الشرق و تتعاضم فیها. فهی «مدینة الخبز» و «مدینة السلام» و «مدینة الصداقة». وهی تتسمى هذه الاسماء حسب نشاطها فی میادین الحیاة المختلفة.

فی مدینتی العلم و الثقافة و العمل علی اوسع نطاقها: مصانع و معامل ضخمة و متکاثرة و معاهد و مدارس لیس لها عدد و مكتبات فی کل مكان و صحف و مجلات تحمل المعرفة لكل بیت بعید او قریب و مسارح فی برامجها متنوعة و متاحف فی صالاتها تجمع تأریخ الشعب ماضیا و حاضرا و مستقبلا.

انا شدید التعلق بمدینتی و احبها بحب عمیق و ارجو لها کل خیر.

### Бирикма ва иборалар

محطة سكة الحديد	темир йўл бекати
حب عمیق	чин севги
ما عدا ...	...дан ташқари
تلامس اطرافها مزارع القطن.	Ушнинг атрофини пахтазор ўраб туради.

ارجو لها خيرا.	Унга яхшилик тилайман
مدينة السلام	тинчлик шаҳри
مدينة الخبز	нон шаҳри
مدينة الصداقة	дўстлик шаҳри

311-машқ. Жавоб беринг:

هل لطشقىند محطة سكة الحديد؟ اهي واسعة؟ اللمدينة مطار دولي؟ كم طائرة تهبط فى مطارنا من الاطراف يوميا؟ لماذا يسمون طشقىند باسماء مختلفة؟ اشرح لنا معنى تسمية طشقىند باسم مدينة الصداقة؟ لما يسمون مدينتنا مدينة السلام؟ اهي مستحقة لهذا الاسم الفخرى؟

312-машқ. Қуйидаги отларнинг арабча нусхаларини ёзинг ва ҳар бирига биттадан бирикма тошинг:

шаҳар, пойтахт, дарё, мавж, илдииз, нур.

313-машқ. Бирикмаларни арабчага ўгириб дафтарингизга ёзинг ва ёд олинг:

Тошкент шаҳри, нон шаҳри, дўстлик шаҳри, энг қадимги шаҳарлардан бири, юксак маданият шаҳри, пойтахт шаҳар, маданият ўчоғи, қуёш чиқди, қуёш ботди.

314-машқ. Бирикмалардан фойдаланиб тўртта жумла тузинг:

سكة الحديد، مطار دولي، مدينة السلام، بناء شاقق، ركب على الترام

315-машқ. Ҳхшаш сўз (синоним)лар топиб ёзинг:

ساحل، مختلف، كادح، تسابق، شاقق، مدينة

316-машқ. Икки ёқлама таржима:

— Тошкент аэропортида бўлганмисиз?

— لقد كنت فيه عدة مرات.

— Олдиндан билет олсам бўладими?

— طبعا، يمكنك الحصول على بطاقة السفر تقدا (مسبقا) فى الخزينة المركزية.

— Раҳмат сизга! Аэропортга қайси автобус (трамвай, троллейбус)да бораман?

— ستركب على الباص عند فندق «تشارسو». ورقمه «٢٥».

— Халқаро рейслар ҳафтанинг қайси кунлари бўлади?

— يمكنك تعرف هذا فى قسم الاستعلامات فى نفس المطار.

— Ташакқур сизга! Жуда билағон экансиз. Хайр!

317-машқ. Автонимларини топинг:

تبادل، قريب، ايجابى، مجموعة، نور، ضاحية

318-машқ. Арабчага ўғиринг:

1. Бизнинг Тошкент шаҳримиз жуда қадимгидир, унда ўрта асрларда маданият жуда ривожланган эди. У Чирчиқ дарёси бўйидаги текисликда жойлашган. Чирчиқ — Ўрта Осиёнинг энг узун дарёси Сирдарёнинг проққларидан биридир. Қуёш чиққанида унинг нури дастлаб телеқўрсатув буржига тушади. Шаҳримиздаги марказий кўчаларда баланд, осмонўпар биналар қурилган. Шаҳримиз Тошкент — пош шаҳри, дўстлик ва тинчлик шаҳридир.

319-машқ. «Тошкент — пош шаҳри» мавзусида уй ившоси ёзинг.

320-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

انك لا تجمع من الشوك عنبا.  
من طلب شيئاً وجد فوجد.

### С У З Л И К

ارتعش	(ирта'аша) титрамоқ	متشامخ	(муташамхун) баланд
ازدحام	(издих.а.муш) тикилиш	ارز	(арзув) ливан қарагайи (кедр)
أصل	(ас.луш) илдиз	ارتياح	(иртийа.х.уш) хурсандлик
اعتز	(и'тазза) фахрланмоқ	اشفاق	(ишфа.қуш) шафқат қилмоқ
امتزج	(имтазажа) аралашмоқ	اصلب	(ас.лабу) чидамли
تبادل	(таба.дала) айирбошламоқ	اقتلع	(иқтала'а) қўпормоқ
تدافع	(тада.фа'а) суқилишмоқ	امتقاع	(имтиқа.уш) бўзарини
تسمى	(тасамма.) аталмоқ	تعاطم	(та'а.з.ама) ҳурмати ошиб бормоқ
تميز	(тамаййаза) ажралиб турмоқ	جاف	(жа.фйуш) қуруқ
جليل	(жали.луш) сипо, улуғвор	ذاب	(за.ба) (у) эриб кетмоқ
خطوة	(хут.вагук) қадам	رجا	(ража.) (у) тиламоқ
رشق	(рашиқуш) ишвали, малоҳатли	رصيف	(рас.и.фун) йўлак
شاهق	(ша.ҳиқуш) осмонўпар	شاحنة	(шах.шиатун) юк машинаси
شهبوب	(шуху.буш) рангпарлик	شبه	(шабпҳа) (а) ўхшамоқ
ضاحية	(за.х.ийатун) чекка	صنوبر	(с.анаббарун) қарагай
عالج	('а.лажа) даволамоқ	عصير	(ас.и.руш) шарбат, шира
قدم	(қадамун) пой; оёқ	عظمة	((аз.аматун) обрў
قمة	(қимматун) чўққич	فرع	(фар'уш) ирмоқ

لامس (ла.маса) тегиб тур-  
моқ  
مقتضب (муқтадабун) қисқар-  
ган

نجمة (нажматуи) юлдуз  
نطاق (нит.а.қун) ҳақим  
سفرة (сафратун) рейс

## Йигирма биринчи дарс:

### ФЕЪЛЛАРНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБИ

Уч ундошли феълларнинг тўққизинчи боби биринчи бобдан ўзакнинг биринчисини сукунлаш ва учинчисини иккилаш орқали ясалади. Бунда ўзакнинг **иккинчиси** фатҳали ўқилади. Сукунли бошланишдаги талаффузини жўнлаштириш маъсадида олинга бириктирувчи ҳамза орттирилади. У алиф тирговчилигида ёзилади ва мутлақ олинда касрали талаффуз қилилади. Қолипи: **افعل** ('иф'алла).

Ҳозирги-келаси замон **накли** дастлабни сукунли ундон олдига фатҳали шахс қўшимчалари орттириб ясалади. Бунда ўзакнинг охиригиси даммали айтилади. Қолипи: **يفعل** (йаф'аллу).

Тўққизинчи боб феълларининг ўзига хос хусусияти шуки, улар фақат ранг-тус ва жисмоний камчилик аниқлаувчи ўзақлардан ясалади. Ифода бўлувчи мазмун ҳам мазкур маънолар билан бог-лик — бирламчи ўзақда ифодаланган ранг ё жисмоний камчиликни қабул этиши ёки ўшанга айланишга ишора қилади:

حمر (х.амира) (а) қизил бўлмоқ	}	احمر ('их.марра) қизармоқ
احمر ('ах.мару) қизил		
ساد (са.да) (у) қора бўлмоқ	}	اسود ('исвадда) қораймоқ
اسود ('асваду) қора		
حذب (х.адиба) (а) букри бўлмоқ	}	احذب ('их.дабба) букри-ланмоқ
احذب ('ах.дабу) букри		

Тўққизинчи боб феъли, аслида, ўзлик даражанинг махсус шаклидир.

احمر ('ихмарра) «қизармоқ» феълининг тусланиши

Шахс	Жинс	Ўтган замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	احمررتا ('их.мар- рарна.)	—	احمررت ('их.мар- рарту)
2	музак.	احمررتيم ('их.мар- рартум)	احمررتما ('их.мар- рартума.)	احمررت ('их.мар- рарта)
	муан.	احمررتين ('их.мар- рартуина)		احمررت ('их.мар- рарти)
3	музак.	احمروا ('их.мар- ру.)	احمرا ('их.мар- ра.)	احمر ('ихмарра)
	муан.	احمررن ('их.мар- рарна)	احمرتا ('их.мар- рарта.)	احمرت ('их.мар- рат)

Ҳозирги-келаси замон

Шакл	Жинс	кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	نحمر (нах.мар-ру)	—	احمر ('ах.мар-ру)
2	музак.	تحمرون (тах.мар-ру.на)	تحمران (тах.мар-ра.ни)	تحمّر (тах.мар-ру)
	муан.	تحمرون (тах.мар-ри.на)		تحمرون (тах.мар-ри.на)
3	музак.	يحمرون (йах.мар-ру.на)	يحمران (йах.мар-ра.ни)	يحمّر (йах.мар-ру)
	муан.	يحمرون (йах.мар-ри.на)	تحمران (тах.мар-ра.ни)	تحمّر (тах.мар-ру)

افعلل ('иҳ.марра) ва يحمر (йахмарру) шакллари аслида **افعلل** ('иф'алала) ва **يفعلل** ('йаф'алилу) қолипида деб талқин қилинади. Бу ўринда тилда юз берадиган мураккаб фонетик жараёнлар натижасида икки бир табиатли ундошнинг бир-бирига интилиши туфайли қисқа унлининг тушиб қолиши ва жуфтлашиш рўй берган. Тушлаш қопдасига кўра, икки бир хил ундошнинг иккинчиси сукунли бўлса, иккиланиш рўй бермайди:

احمرت ('иҳ.марарту), تحمرون (тах.марирна)

Тўққизинчи боб феълларидан буйруқ қўйидагича ясалади:

تحمّر (тах.марру) — تحمّر (тах.марир) — احمر ('иҳ.марир) қизар!  
تعوج (та'важику) — تعوج (та'важиж) — اعوجج ('и'важиж) қийшай!

Барча шакллар учун умумий қолиплар:

افعلوا ('иф'аллу.)      افعلل ('иф'алил)  
افعللن ('иф'алилна)      افعلل ('иф'алла.)      افعللى ('иф'алли.)

МАСДАР ВА СИФАТДОШЛАР ЯСАШ

Тўққизинчи боб феълларидан масдар **افعلال** ('иф'ила..лун) қолипида ясалади:

احمرار ('иҳ.мира.рун) қизариш  
اصفرار ('ис.фира.рун) саргайиш  
اعوجاج ('и'вижа.жун) қийшайиш

Сифатдошларнинг ҳар икки даражаси амалда бир қолишга тўғри келади: **مفعّل** (муф'аллуи). Уларнинг маъноларига эътибор беринг:

**محصّر** (мух.маррун) қизарувчи; (қизар(ин)ган  
**مصفر** (мус.фаррун) саргаювчи; саргай(ин)ган  
**معوج** (му'важжун) қийшаювчи; қийшай(ин)ган

### УЮШИҚ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

Уюшиқ бўлақлар деганда, гаптаги бир турли бўлакнинг икки ёки ундан ортиқ бўлиб уюшиб келишини тушунамиз. Қондага мувофиқ, гаптаги бош ёки иккинчи даражали бўлақлардан исталган бири уюшиб келиши мумкин.

Гапнинг уюшиқ бўлақлари тенг боғловчилар ёрдамида ўзаро боғланади. Уюшиқ бўлақлар мустақил ва наҳвий (синтактик) тенгдир. Бошқача айтганда, уюшиқ бўлақлар гапнинг бошқа бўлақлари билан муомалада тенглик сақлайди, — тенг феъллик кўрсатади ёки тенг тобе муносабатда бўлади.

### БОШ БЎЛАҚЛАРИ УЮШГАН ГАПЛАР

Гапта эгалар уюшганда, келишиқда уларнинг мутаносиб бўлиши — бош келишиқда қўйилиши табиий. Одатда ҳолат уйғунлиги ҳам кузатилади, бироқ у шарт эмас. Уюшган эгалар кесимга ўз ўринларига қараб таъсир кўрсатади. Уюшиқ эгалар феъл-кесимдан орқада бўлса, уларнинг дастлабиси феъл-кесимни ўз жинсига монандлаштиради:

<b>وقف القطار و السيارة.</b>	Поезд ва автомашини тўхтади.
<b>وقفت السيارة و القطار.</b>	Автомашини ва поезд тўхтади.
<b>قد ارسل العمال و العاملات مندوبيهم الى هذا البهو العظيم للاجتماع.</b>	Ишчилар ўз вакилларини ушбу улкан залга кенгашга юбордилар.

Агар икки уюшган эга кесимдан олдинда бўлса, эгаларнинг жинслари аралаш бўлганда, феъл-кесим музаккарда қўйилади:

**كريم و فريدة جاران.** Карим ва Фариди қўшнилардир.  
**فريدة و كريم جاران.** Фариди ва Карим қўшнилардир.

Уч ёки ундан ортиқ эга кесимдан олдинда бўлса, умумий қондага амал қилинади: Эгалар одамларни ифодалагани ҳолда, аралаш жинсли бўлса, феъл-кесимни музаккарда ва қўйилиқда, бошқа жонзот ё нарсаларни англатса, муаннас ва бирликда қўйиш талаб этилади:

ان مرسوم الارض و مرسوم  
السلام و مرسوم تشكيل الحكومة.  
شكلت التعبير الاول عن.  
الحدث النوعي الجديد في تطور  
التاريخ البشرى.

Ер ҳақидаги фармойиш, Тинч-лик ҳақидаги фармойиш инсоният тарихий тараққиётида сифати янги бўлган тушунчани шакллантирди.

Кесимлар уюшганда қуйидагиларни эсда тутиш лозим:  
Уюшиқ исмий кесимлар эгадан орқадагина бўлиши мумкин:

طالب نشيط و مجتهد معا. Толиб фаол ва ҳаракатчан ҳамдир.

Феълӣ кесимлар уюшганда, барчаси бир замон ва шахсда бўлиши шартдир. Тартибда қуйидагиларга амал қилинади: Уюшиб келаётган феъл-кесимнинг бири эгадан олдинга қўйилади, у билан живсда мослашади ва бирликда бўлади. Қолганлари эгадан орқада келади ва у билан умумий қоидага мувофиқ мослашади:

ركب الطلاب و الطالبات على  
الترام و جلسوا على المقاعد.  
وصل الباص و السيارة الى  
المحطة و وقفا.

Толиблар ва толибалар трамвайга чиқишди ва ўриндиқларга ўтиришди.  
Автобус ва автомашина, бекатга етиб келди ва тўхтади.

## ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ УЮШГАН ГАПЛАР

Гапда аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳоллардан бири уюшганда, муштарак зарурият — барча уюшган бўлақларнинг бир келишиқда бўлиши шартлиғидир. Чунончи:

1. Бир аниқланмиш қошида бир неча аниқловчи (мослашган, мослашмаган) уюшиб келганида, улар гапнинг от ёки от вазифасини бажарётган бирор исмдан ифодаланган бўлагига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, уюшган аниқловчилар боғловчилар ёрдамида ўзаро ажратилган бўлади:

قد اشار الجانبان الى ضرورة  
تطور العلاقات التجارية والثقافية  
و الودية بين البلدين.  
هذا من واجب الطلاب والمدرسين  
كلهم.

Тарафлар икки ўлка ўртасида савдо, маданий ва дўстона алоқаларни ривожлантириш зарурлигига ишора қилдилар.

Бу барча толиблар ва ўқитувчиларнинг вазифасидир.

2. Уюшиб келаётган тўлдирувчилар гапнинг феъл-кесимга боғлиқ бўлади:

اخذت من المكتبة كتابين و ثلاث  
مجلات و اربع جرائد.

Кутубхонадан иккита китоб, учта журнал ва тўртта газета олдим.

### 3. Ҳол уюшиб келган ҳолатлар:

نظر يمينا و شمالا. У ўнғ ва чапга қаради.  
اول امس الاربعاء اصدر في. Утган чоршанба куни Тошкент-  
да ва Дамашқда қўшма баёнот  
طشقند و دمشق البيان  
المشترك. эълон қилинди.

### БОҒЛОВЧИ СЎЗЛАР

Эргаштирувчи боғловчилар вазифасини айрим ҳолларда боғловчи сўзлар — олмошлар бажариб кела олади. Айниқса, нисбий олмошлар бу вазифани бажара олади; булар: **الذى** «қайспки» (барча шакллари билан), **من** «кимки», **ما** «нимаки».

Шунингдек, уларнинг ҳосила шакллари ҳам: **لمن** «кимгаки», **لما** «нимагаки, нима учунки».

Равишлардан эса қуйидаги сўзлар боғловчи вазифасини бажаради: **كيف** «қандай», **حيث** «қаердаки», **كيفما** «қанчалик», **كلما** «ҳар қачонки», **حينما** «пайтики».

Эргаштирувчи боғловчи вазифасини бажариб келадиган сўзларнинг асл боғловчилардан фарқи шуки, улар эргаш гапнинг бўлаги ҳисобланади. Бундан ташқари, улар бош гапнинг бирор бўлагига ишора қилади, уни эргаш гапда алмаштириб келади ва бош гапнинг эргаш гапга муносабатини англатади.

### АДАБИЙ АРАБ ТИЛИДА ЎҚИШ МАРОМЛАРИ

Ҳозирги замон адабий араб тилида икки хил ўқиш мароми (нормаси) мавжуддир.

Классик ўқиш мароми барча ҳаракатларнинг деярли тўлиқ ўқилиши билан характерланади. У ҳозир ҳам араб давлатларида амалда бўлиб, муқаддас китоблар ва жуда аниқлик талаб қилувчи матнлар шу асосда ўқилади.

Замонавий адабий талаффуз усулида классик маромдан бир қадар чекиншиш мавжуд. Унга мувофиқ, сўз охиридаги қўшимчалар ва ҳаракатлар гапдаги мавқеларига қараб гоҳ талаффуз қилинади, гоҳ эса эътиборсиз қолдирилади. Чунончи:

Ритмик бирликни таъкил қилган гуруҳнинг ёки алоҳида сўзнинг охиридаги ҳаракат ҳамда бош ва қаратқич келишликларига ишора қилувчи таввинлар ўқилмайди:

كتاب، في كتاب (кита.б, фи.кита.б)

هذا الكتاب (ҳа.з.:а-л-кита.б)

قرأت هذا الكتاب. (қара'ту ҳа. з.:а. фи-л-кита.б)



Тушум келишигининг пфодаси бўлган фатҳали танвин музак-карларда тўлиқ талаффуз қилинади:

اهلا و سهلا! ('аҳлан ва саҳлан)

قرأت كتابا. (қара'ту кита.бан)

Юмалоқ «т» исталган келишик ва ҳолатдаги алоҳида сўз ёки ритмик бирликнинг хотималовчи бўлагини ташкил қилганда, талаффуз қилинмайди. Унинг ўрнига қисқа «а» айтилади:

جريدة، الجريدة (жари.да,'ал-жари.да)

في الحقيقة، رأينا التلامذة (фи-л-х.ақи.қа, ра'айна-т-тала.  
والاساتذة في المكتبة. ми-з:а ва-л-'аса.ти:а фи-л-мак-  
таба)

Юмалоқ «т» билан туговчи ҳарфлар бирикмасидан кейин кел-лаётган сўз аниқлик артикliga эга бўлмаса, у «т» тарзида талаф-фуз қилинади:

زوجة رفيقى (завжат рафи.қи.)

في قرية هذا الفلاح (фи. қарйат ҳа.з:а-л-фалла.х.)

Қаралмишларнинг ва бирикма олмошидан олдиндаги сўзлар-нинг сўнгги ҳаракати тўлиқ ўқилади:

كتابها (кита.буҳа.)

دفتر التلميذ (дафтару-т-тилми.з.)

«ййу» қўшимчаси ритмик бирикма ёки алоҳида сўзнинг охи-рида келганда, биргина чўзиқ «и.» тарзида айтилади:

الاتحاد السوفياتى، (араби.) عربى ('ал-иттих.а.ду-с-су.фйа.ти.)

Тўғри кўлик ва иккилик қўшимчалари охиридаги қисқа ҳа-ракат ўқилмайди:

مهندسون اوزبكيون (муҳандису.н'узбакиййу.н)

مهندسات اوزبكيات (муҳандиса.т'узбакиййа.т)

مهندسان اوزبكيان (муҳандиса.н'узбакиййа.н)

Аниқлик артикли мутлақ бошда келгандагина тўлиқ айтилади:

العامل الازبكي ('ал-'амилу-л-'узбаки.)

Учинчи шахс бирликдаги бирикма олмош ҳаракати ўқилмай-ди:

دفتره (дафтарух), دفتره (дафтарих), دفتره (дафтарох)

### Биринчи матн

رفعت رأسها نحو ازرقاق السماء. احتقن وجهه و احمرت عيناه  
المربدتان. ليس لنهر ادونيس ساحل اصفر من الامواج (امين الريحاني)  
جنة بيضاء في بعض الاخضرار مرفوعة على جنة خضراء على بعض الا

صفار، و هي جزء من وطني. (امين نخلة). ان الارز دائم الاخضرار.  
كانت طريق النهر يشبه بشيء لتلك الوعورة و ذلك الاعوجاج (حنا  
الفاخوري).

ولكن بريطانيا و فرنسا الاتريدان الاستقلال الحقيقي و التام لهذا  
الشعب الباسل والجسور (الجريدة).

توفيق ولد مهذب يحترم من هو اكبر منه سنا. اما الفلاح فاشترى  
مزرعة من الطرف الآخر من البلاد حيث عاش سعيدا حتى آخر ايامه  
(اسطورة). نور الشمس به الوان قزح، قوس قزح: احمرار، برتقالي،  
ازرقاق، نيلى، اصفرار، اخضرار و بنفسج (الشمس و النور).

ايتها الاخوات فى الشرق و الغرب وايها الاخوة جنوبا و شمالا  
(الفيثورى). و لياليك بهجة، بهجة الفكر و النظر (عباس العقاد).

321-ماشқ. Тусланг. Масдар ва сифатдошлар ясанг, маъноларини белги-  
лашг:

ازرق، اخضر، اعور

322-ماشқ. Буйруқ шакллари ясанг:

اسود، اصفر، احذب

323-ماشқ. و ف، و ثم боеловчилари ёрдамида учта бош бўлаклари ва  
учта иккинчи даражали бўлаклари уюшган гап тузинг.

324-ماشқ. Таржима қилинг:

Дорулфунуннинг катта ва кўркем богида толиблар кўп. Улар  
олма, нок, тут, анжир ва анор кўчатлари ўтқазишпти. Иккинчи  
курснинг толиблари Нодир, Ашгурбек, Насиба ва Холида олма ва  
тут кўчатлари ўтқазиди. Ҳинд бўлимининг толиблари Бахтиёр  
ва Бахмонёр эса анжир ва анор кўчатлари ўтқаздилар. Араб бў-  
лимининг толиблари Саъид ва Саййид гул кўчатлари ўтқаздилар.  
Саъид оқ гул кўчатларини, Саййид қизил гул кўчатларини ўтқазди.

325-ماشқ. «Ибора — жумла» таржимаси учун матн:

— ما هو الفرق بين الامس و اليوم؟

— على العموم، الفرق هائلة وكبيرة بين الامس واليوم، فى اواخر  
القرن العشرين.

— وماذا تفعل الان مع الشمس و الاقليم الحار فى اسوان؟

— احبهما. وهل تعلم ان بين العمال و المهندسين من السوفييت  
هنا مواطنون من سيبيريا غربا و شرقا.

— زرناها مرة فى عام ١٩٥٧ و اعرف انه بلد الجليد الدائم و المنفى  
القديم للشوار فى القياصرة (لطفى الخولى).

1. Ўқитувчи опамиз ўтирди, китобни олди, уни очди ва бир жумла ўқиди. 2. Йигит стол атрофига ўтирди ва ёэди. 3. Мен милтиқни олдим, ўрнимдан турдим ва дарё бўйига кетдим. 4. Биз ўрмонда турли ўтлар ва дарахтларни кўрдик, гул турлари билан танишдик. 5. Мен ботинкамни ва костюмимни кийдим. 6. Йўлнинг икки ёқасида тераклар ва аргувонлар кўкка бўй чўзганди.

327-машқ. Тез такрорланг:

يوم الجمعة، يوم الثلاثاء، يوم الاحد، يوم الاربعاء، يوم السبت، يوم الخميس، الاحد، الاثنان، الثلاثاء، الاربعاء، الخميس، الجمعة، السبت.

328-машқ. Қайтариш: қуйидаги совларни саноқ ва тартибда айтинг:

362 58 79 14 9 576 648 11 66 77 891 562 1954 8 2873 5505  
1991 2442 5386 7 376 411

## Иккинчи матн

### القاهرة

القاهرة اكبر المدن الصحراوية و مساحتها ٤١٤ كيلومترا مربعا وعدد سكانها اكثر من ١١ مليون نسمة حسب التعداد الاخير. لارض المدينة لون صحراوي ما بين الرمادى و البنى. فالقاهرة مشادة من بطن الصحراء التى تتشبت بحصنها. فالاهرامات العجائب التى اقامها خفرع و ورثتها المدينة قد تألفت من آلاف آلاف كتل حجرية و رملية. فموقع القاهرة هو حاصدة مصر، مجمع الوادى، ملتقى الصحراويين. فى العشرة اللآلى. وان تناولت العواصم المخضرمة العريقة فى الدنيا فلعل القاهرة هى ام المدن جميعا. وعلى اية حال فقليلة جدا هى المدن اذا عدت مدن العواصم العظمى فى العالم فالقاهرة واردة بالتأكيد التى يمكن ان تنافسها فى الصدارة. اما اذا اعتبرنا الوزن الحضارى و النفوذ السياسى و الاشعاع القومى و الفكرى فما من عاصمة فيما نظن لها فى دولتها ما للقاهرة من ثقل و مركزية. حتى النظرة الغابرة الى خريطة القاهرة بشبكة شوارعها و مربعاتها السكنية لا يمكن ان تخطيء وجود سيمتين بارزتين فى تخطيط العاصمة. اولاهما وجود التخطيط العشوائى التلقائى بشكل النمط العتيق. ان مناطق التخطيط العشوائى القديم ينحصر اساسا فى اطراف المدينة القديمة خاصة فى الشرق و الجنوب. و الثانية هى وجود مساحة التخطيط الهندسى الحديث و لاسيما فى الشمال و الغرب و المركز.

ليس اسم المدينة في اللغة الدارجة هو القاهرة بل «مصر» وهو باللغة العربية يطلق على القطر كله.

(جمال حمدان «القاهرة»)

### Бирикма ва иборалар

...га нисбатан بالنسبة الى  
 халқ тили, шева اللغة الدارجة

من بطن الصحراء	сахро қаъридан	تعداد اخير	охирги саноқ
نقوذ سياسى	сийсий мавқе	وزن حضارى	маданий салмоқ
النظرة الغابرة	ўткинчи назар	ملتقى	икки сахро
سيمة ثانية	иккинчи	الصحراوين	туташган жой
في تخطيط المدينة	кўрсаткич, белги шаҳар қурилган режада	رمادى و بنى	қулранг ва қаҳваранг
تخطيط عشوائى	кўр-кўрона режа	نمط عتيق	қадимги тарз
		لايقدر ينافس	қўла олмайди

320-машқ. Сўз ва бирикмаларни ўз ўринларига қўйинг:

الاهرامات التي اقامها (қурди) خفرع و ورتتها المدينة قد (тузилгандир)  
 من آلاف آلاف كتل (тош ва қум) موقع القاهرة (ҳосилдор) مصر، ملتقى  
 (икки сахро) وان تناولت (пойтахтларни) العظمى المخضمة العريقة  
 في (дунёдаги) فهي (онаси) (шаҳарларнинг).

330-машқ. Езма жавоб ҳозирланг:

كم نسمة في مدينة القاهرة حسب التعداد الاخير؟ ما هو لون ارض  
 المدينة؟ بما تعجبك الاهرامات؟ بما تتألف الاهرام؟ كم سيمتين بارزتين  
 في تخطيط المدينة؟ كم سيمات في تخطيط مدينتنا طشقند؟ ما هو  
 الاختلاف في تسمية القاهرة؟ ايووجد الاختلاف في تسمية مدينتكم؟ كيف  
 تفهم عبارة «التخطيط الحديث»؟ و التخطيط العتيق؟

331-машқ. Бирикмаларни арабчага ўғиринг ва ҳар бирига биттадан жум-  
 ла тузинг:

шева (халқ тили), она тили, миллион жон, қулранг ва қаҳва-  
 ранг, водийлар учрашган ер, ҳосилдор тупроқ, шаҳарлар онаси,  
 пойтахтлар онаси, ҳарҳолда, энг қадимги қишлоқ

332-машқ. Қуйидаги нотаниш матнни ўқинг ва тушулганларингизни  
 дархонада арабча сўзлаб беринг.

تضمن لمواطنى اوزبكستان حرية الابداع العلمى والتكنيكي والفنى  
 و هذه الحرية يضمنها توسيع الدراسات العلمية و النشاط فى اميدان

الاختراع و تحسين عملية الشغل و تطوير الادب و الفن. تخلق الدولة الظروف المادية الضرورية لهذا و تنظم وضع الاختراعات و مقترحات تحسين الشغل.

(الدستور)

333-ماشқ. Сўзларни ҳаракатлантиринг, қолипларини ёзинг:

دستور، ضرور، مواطن، ابداع، اختراع، مقترح

334-ماشқ. Иккиёқлама таржима учун матн:

— متى تقومون بعيد يوم الدستور؟ ايوم ... من شهر ...؟

— Биз ўзбек халқи худди шу кунни Дастур (конституция) кунни сифатида байрам қилаемиз.

— متى اسس هذا اليوم كيوم عيد الدستور؟

— Худди шу кунни дастур (конституция) борасида қонун қабул қилинган эди. Ўшандан бошлаб шу кун байрамга айланди.

— اهذا اول دستور لدولة اوزبكستان؟

— Бу ўзбек давлатининг дастлабки дастури. Мазкур дастур Ўзбекистон мустақиллик эълон қилганидан сўнг қабул этилди.

— هل يضمن الدستور الحقوق لمواطني اوزبكستان؟

— Шакси! У Ўзбекистоннинг ростона мустақиллигини расмий тасдиқлайди, ўзбек фуқаролари эркинлигини таъминлайди.

335-ماشқ. Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб «Ўзбекистон Дастури» мавзусида бешта жумла ёзинг.

دستور، ضمن، حقوق، حرية، مواطن، دولة، تمتع، تعليم

336-ماشқ. Ҳар бир шаклни неча турли ўқий оласиз?

تعلم، اضمن، شغل، اخترع

337-ماشқ. «Ўзбекистон Дастури» мавзусида уй иншои ёзинг.

## СЎЗЛИК

تشبث (ташаббас:а) маҳкам турмоқ	صدارة (с.ада.ратун) олдинги ўрин
مشاد (муша.ддун) суқилувчи	نمط (намат.ун) усул, тарз
عشوائى ('ашва.ийийун) кўр-кўрона, аралаш	انحصار ('инх.ас.ара) гуж бўл-моқ

ابداع ('ибда.'ун) яратиш; ижодкорлик  
 اقرار ('икра.рун) жорий қилиш  
 بهجة (бахжатун) қувноқлик  
 تنمية (танмиятун) ўстириш  
 توسيع (тавси.'ун) кенгайтириш  
 توجيه (тавжи.хун) йўналтириш  
 جهر (жаҳрун) ошкорулик  
 شامل (шамилун) қамровчи  
 فريد (фари.лун) ягона  
 كفاءة (кафа.'атун) ишбилармонлик  
 مادة (ма.ддатун) банд  
 مدفوع (мадфу.'ун) тўлақанган  
 مشوى (муставан) даража  
 مواصلة (мува.с.алатун) алоқа  
 نمو (нумуввун) ўсиш  
 هام (ҳаммун) муҳим  
 هدف (ҳадафун) вият, мақсад

اتصال ('иттис.а.лун) боғланиш  
 الزامى ('илза.мпийун) мажбурий  
 بدلة (бадлатун) костюм  
 تمتع (таматта'а) фойдаланмоқ  
 تصنيع (тас.ни.'ун) индустриализация  
 توفير (тавфи.рун) жамғариш  
 حاجب (х.а.жибун) қош  
 خلق (халақа) (у) яратмоқ  
 ضمن (дамина) (а) гарантияламоқ  
 مجانى (мажалпийун) текин  
 متواصل (мутава.силун) доимий  
 مربد (мурбаддун) бўзарган  
 مضمون (мад.му.нун) гарантияланган  
 مقترح (муқтарах.ун) таклиф қилинган  
 نوعية (нав'иййатун) тур, нав  
 هائل (ҳа.'илун) улкан  
 وعورة (ву'у.ратун) ўйдимчуқурлик

## Йигирма иккинчи дарс:

### ФЕЪЛЛАРНИНГ ҶНИНЧИ БОБИ

Уч ундонли феълларнинг ўнинчи боби биринчи бобдан ўзакнинг биринчисини сукунлаш ва олдига است ('иста-) ясовчи қўшимчаси орттириш билан ясалади (ҳамза васлани). Қолипи: استفعال ('истаф'ала).

Ҳозирги-келаси замон шакли ясашда ўша орттирилган қўшимчанинг ҳамзаси шахс ясовчилари билан алмаштирилади. Бунда ўзакнинг иккинчиси касрали ва учинчиси умумий қоидага мувофиқ, даммали талаффуз қилинади. Қолипи: يستفعال (йастаф'илу).

Ўнинчи боб феъллари қуйидаги мазмунларни ифодалайди:

Тўртинчи бобдаги феъл мазмунини ўзлик даражага айлантириш:

اسلم ('аслама) топширмоқ — استسلم ('истаслама) ўзни топшир-  
моқ, топширилмоқ  
اعد ('а'адда) тайёрламоқ — استعد ('иста'адда) ўзни тайёр-  
ламоқ, тайёрланмоқ

Биринчи бобда ифода этилган мазмунни рўёбга чиқаришни та-  
лаб қилиш, сўраш ёки унга эришиш:

اذن ('аз:ина) (а) изи бер- — استأذن ('иста'з:ана) изи талаб  
моқ қилмоқ  
غفر (ғафара) (и) кечир- — استغفر ('истағфара) кечирим сў-  
моқ рамоқ

Биринчи бобда ифодаланган мазмунни эгалланган деб ҳисоб-  
лаш, шу ҳақда фикр туғдириш:

حسن (х.асуна) (у) яхши — استحسن ('истах.сана) яхши деб ҳи-  
бўлмоқ собламоқ, маъқулламоқ  
سمن (самина) (а) сөмиз — استسمن ('истасмана) семиз деб ҳи-  
бўлмоқ собламоқ, семизга йўймоқ

Учинчи боб феъли отдан ясалганда, от билдирган мазмунга  
айланишни ифодалайди:

حجر (х.ажарун) тош — استحجر ('истах.жара) тошга ай-  
ланмоқ  
نسر (нисрун) бургут — استنسر ('истансара) бургут-  
га айланмоқ, чангал солмоқ  
عربي ('арабийиун) араб — استعرب ('иста'раба) арабга айлан-  
моқ, араблашмоқ

استحسن ('истах.сана) «маъқулламоқ» феълининг тусланиши

Шахс	Жинс	Ҳозирги-келаси замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	استحسن (настах.сину)	—	استحسن (астах.сину)
2	музак.	تستسنون (тахтах.сину.на)		تستحسن (тастах.сину)
	муан.	تستحسن (тастах.сина.на)	تستحسنان (тастах.сина.ни)	تستحسنين (тастах.сипи.на)
3	музак.	يستحسنون (йастах.сину.на)	يستحسنان (йастах.сина.ни)	يستحسن (йастах.сину)
	муан.	يستحسن (йастах.сина.на)	تستحسنان (тастах.сина.ни)	تستحسن (тастах.сину)





Учинчи боб шакллари ўтган замонда **افعملل** ('иф'анлала), ҳозирги-келаси замонда **يفعملل** ('иф'анлилу) қолипларида ясалади:

**برشق** (баршақа) тўғрамоқ — **ابرنشوق** ('ибраншақа) япроқ ёзмоқ, очилмоқ  
**حرجم** (х.аржама) тўдаламоқ — **احرنجم** ('их.ранжамаа) тўдаланмоқ  
**قرمط** (қармат.а) чирмамоқ, ўрамоқ — **اقرنمط** ('икранмат.а) чирмалмоқ, ўранмоқ

Тўртинчи боб шакллари ўтган замонда **افعلل** ('иф'алалла), ҳозирги-келаси замонда **يفعلل** ('иф'алиллу) қолипларида ясалади:

**طمأن** (т.ам'ана) тинчлан-тирмоқ, далда бермоқ — **اطمان** ('ит.ма'анна) тинчланмоқ, далда олмоқ  
**قشعر** (қаш'ара) титрамоқ — **اقشعر** ('икша'арра) беҳол бўлмоқ  
**ضمحل** (д.амх.ала) йўқ бўлмоқ — **اضمحل** ('ид.мах.алла) йўқолмоқ, инмоқ

Тўрт ундошли феъллар ҳосила бобларидан буйруқ умумий қонда асосида қуйидаги қолипларда ясалади:

2-боб: **تفعلل** (таф'алал) — **تدحرج** (тадах.раж) юмала!

3-боб: **افعملل** ('иф'анлил) — **احرنجم** ('их.ранжим) тўдалан!

4-боб: **افعلل** ('иф'алилла) — **اطمنن** ('ит.ма'инна) тинчлан!

Тўрт ундошли феълларнинг ҳосила бобларидан масдар ва сифатдошлар қуйидагича ясалади (қолиплар):

Боблар	Масдарлар	Сифатдошлар	
		аниқ	мажҳул
2	<b>تفعلل</b> (таф'алу-лун)	<b>متفعلل</b> (мутаф'алилун)	<b>متفعلل</b> (мутаф'алалун)
3	<b>افعملل</b> ('иф'инла-лун)	<b>مفعملل</b> (муф'анлилулун)	<b>مفعملل</b> (муф'анлалун)
4	<b>افعلل</b> ('иф'ила-лун)	<b>مفعلل</b> (муф'алиллулун)	<b>مفعلل</b> (муф'алаллулун)

### ҚЎШМА ГАПЛАР

Мазмун ва оҳанг (интонация)га кўра, ўзаро бириккан икки ёки ундан ортиқ гаплар қўшма гаплардир. Англашилиб турибдики, қўшма гаплар алоҳида содда гапларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки мазмун ва грамматик жиҳатдан бир-бирларига боғланган ёки эргашган гапларнинг зарурий бирикмасидир. Бундан ташқа-

ри. қўшма гаплар таркибига кирувчи гаплар ўзаро фонетик бир бутунлиқни ҳам ташкил этади.

Араб тилида содда гап бир предикатив марказдан ташкил топган бўлса, қўшма гапда у икки ёки ундан ортиқ бўлади. Шунингдек, улар икки ёки ундан ортиқ эгага тобе бўлади.

Қўшма гаплар шаклга кўра воситасиз ёки воситали бўлади. Воситасиз бириккан қўшма гаплар тилда нисбатан кам учрайди:

قال الرجل للتنيل: قم من مكانك      Кимса танбалга деди: — Қани бир ўрнингдан тур-чи.  
ارسلنا فلاح كان ضيفك منذ زمن..      (Бу жойга) бизни бир пайтлар сеникда меҳмон бўлган деҳқон юборди.

Гаплар кўпчилик ҳолларда бирор восита билан ўзаро бириккан бўлади. Бириктирувчи восита бўлиб боғловчилар ва уларнинг вазифадарини бажарувчи сўзлар келади. Бириккан гаплар ўзаро боғланув ёки эргашув муносабатида бўлади.

Боғланган қўшма гаплар мазмун жиҳатидан нисбатан эркин гаплар ийғиндиси бўлиб бириктирувчи (тенг, зидловчи, ажратувчи) боғловчилар воситасида ўзаро боғланади. Зикр этилган боғловчилар гапларни қўшма гап таркибига оддий бириктирибгина қолмасдан, улар ўртасидаги жузъий муносабатларни ифодалаб ҳам келади. Хусусан, тенг боғловчилар ҳаракатлар пайтига ишора қиладди: бир пайтда юз бераётган /و/، бирин-кетин юз бераётган /ثم/، бири иккинчисининг сабаби ё оқибати бўлаётган /ف/ пш-ҳаракатли гапларни кўрсатади.

دخل الغرفة فنزع معطفه و جلس      У хонага кирди-ю, чакмонни  
المقعد ثم قال ...      ечди ва ўриндиққа ўтирди, сўнг деди...

Қарама-қарши мазмундаги гапларни зидловчи боғловчилар, альтернатив мазмундаги гапларни эса ажратувчи боғловчилар бириктиради:

قد تم تشييد المبانى للمصنع      Арбилдаги янги заводиморат-  
الجديد فى اربيل ولكن تركيب      ларни қуриш тугади, лекин ус-  
المعدات يداوم.      қуналарни ўрнатиш давом этипти.  
اما نذهب نحن اما هم يأتونا      Гоҳ биз борамиз, гоҳ улар келадилар.

Эргаш гапди қўшма гапларда асосий муносабат бошқарувчи қисм — бош гапнинг ва тобе қисм — эргаш гапнинг мавжудлиги асосига қурилади. Демак, эргаш гапди қўшма гаплар ўзаро тенг бўлмаган гаплардан бирининг иккинчисига тобеланиши асосида бирикишидан иборат бўлади. Эргаш гаплар бош гапга асосан воситалар ёрдамида эргашиб келади. Восита вазифасини эргаштирувчи боғловчилар ва боғловчи сўзлар бажаради. Эргаш гаплар араб тилида кўп ва ранг-барангдир.

## БИРИКМАЛАРНИНГ ЯХЛИТ СЎЗЛАРГА АЙЛАНИШИ

Узаро бириккан икки сўзнинг ягона маъно англатиб, бир мураккаб сўзга айланиши — унинг бир гап бўлаги вазифасини бажара бошлагани билан изоҳланади. Бу ҳолат араб тилида изофа бирикмаси иштирокида учрайди. Бунда бирикманинг биринчи бўлаги — аниқланмиш ўзининг тўлиқ маъносини сусайтириб, ёрдамчи вазифа ўтай бошлайди. Айниқса, қариндош-уруғ англатувчи сўзлар мураккаб бирикманинг биринчи таркибий қисмини ташкил қилганда шундай маъно кўчишлари кўپлаб учрайди. Бинобарин, бундай бирикмалар араб тилида янги сўз ясашнинг муҳим манбасига айланган. Қуйида қариндош-уруғ англатувчи сўзлар иштирокидаги бирикмаларнинг лексиказациялашуви (яхлит маъно англатувчи сўзга айланиши)га хос мисоллар келтирилган:

а) اب ('абун) «ота» сўзи иштирокида:

ابو القوم йўлбошчи (ҳарфий — халқ отаси)  
 ابو الهول сфинкс (ҳарфий — қўрқитув отаси)  
 ابو شوارب мўйловдор (ҳарфий — мўйлов отаси)

б) ام ('уммун) «она» сўзи иштирокида:

ام القرى катта шаҳар (ҳарфий — қишлоқларнинг онаси)  
 ام طريق шоҳроҳ (ҳарфий — йўлларнинг онаси)  
 ام النجوم Семон Йўли (ҳарфий — юлдузларнинг онаси)

в) ابن ('ибнун) «ўғил» сўзи иштирокида:

ابن قوة паҳлавон (ҳарфий — кучнинг ўғли)  
 ابن شجاعة бостир (ҳарфий — шижоат ўғли)  
 ابن القراءة ўқишсуяр (ҳарфий — ўқишнинг ўғли)

г) اخ ('ахун) «ога» сўзи иштирокида:

اخو العرب ҳақиқий араб (ҳарфий — араблар оғаси)  
 اخو السعادة бахтли (ҳарфий — бахтнинг оғаси)

### Биринчи матн

تستقبل القرية الضيوف مبسمة. واستيقظت هذا الصباح على موسيقى كاملة الآلات و الاصوات (على بن هادية). بعد ايام استأنف مؤتمر نزع السلاح اجتماعاته التي استأجلته الولايات المتحدة لمدة ستة اسابيع. بعد اضراب عمال النفط قام باضراب مستخدمو ٢٠ مستشفى ومستوصفا للدولة (الجراند). ولكن حادثة واحدة حدثت ميله الى الا

استطلاع و هو استكشاف ما لم يعلم قبلا (طه حسين). و نحن نستخرج الفحم كما نستخرج البترول من تحت الارض و سوف نستخدمها لتشغيل الآلات (الاتحاد السوفياتي).

إذا ما اكفهر الجو كانت امواج بحر البلطيق بلون الرصاص. ان الدموع تترقرق في عينيه و الليل مدلهم. من كان في القاهرة فرأى ابا الهول القائم كحارس بين الاهرام جديرا بالعطف. و في الواحة المحاطة بالجبال تقع المدينة الكبيرة المسماة «ام القرى» و هي مكة (النصوص).

338-ماشқ. Тусланғ. Масдар ва сифатдошлар ясаб маъноларини белгиланг:

استخبر، استسلم، استطلع، اقرنط، اشماز،

339-ماشқ. Буйруқ шакллари ясанг:

استنكر، استبعد، تزلزل، اطمان

340-ماشқ. اب، ام، اخ، ام، اب، سۆزلари иштирокида олтига яхлит сўзга айланган (лексикализациялашган) бирикма ёзинг.

341-ماشқ. Боғловчиларнинг матндаги вазифасини таҳлил қилинг:

ومصر الاصل ارض صحراوية قليلة الامطار و لكن نهر النيل يجعل المناطق التي يسير فيها خصبة جدا. النيل من اطول الانهار في العالم ينبع من اواسط افريقية. ثم يتجه شمالا و يقطع نهر النيل ارض مصر من الجنوب الى الشمال و يسير فيها في بعض الاماكن متعرجا. تشتهر مصر بمحصولات كثيرة فاهمها القطن و الارز و الفول.  
(«القراءة و المحفوظات»)

342-ماشқ. Арабчага озгаки ўғиринг. Масдар ва сифатдошларнинг тўғри шакл олишларига аҳамият беринг:

1. Қолоқларга ёрдам беришни фаол ва ҳаракатчан толиблар бурч деб билдилар. 2. Жамоат мулкани сақлашда ёшлар милициянинг содиқ ёрдамчиларидир. 3. Ўқиш, ёзинг ва сўзлашиш — дархонада толиблар бажарадиган асосий машғулотлардир. 4. Оғир ишлашдан сўнг ёрдамчи толиблар дарё бўйига чўмилишга кетдилар.

343-ماشқ. Матнни ҳозирги замон адабий араб тили қондалари асосида ўқинг:

لقد بدل النيل مجراه على مرور الزمان و تبدلت ايضا مرافقه. في القرون الوسطى كانت الميناء بالقرب من الموقع الذي يحتله الآن الفندق و حديقة الازبكية و حي المتاجر و المسرح و المقاهي الواقعة على يسار خط يمتد من ميدان محطة «باب الحديد» الى «باب اللوق» عبر حديقة الازبكية. كانت الارض عامرة بالبساتين و الحدائق. وفي القرن الثامن عشر كانت الارض تحتلها حديقة مكانا لبحيرة واسعة.

(«القاهرة»)

345-машқ. Боғланган қўшма гапларни таржима қилинг:

1. Сен ўзинг билан фахрланма, ўшанда эл сен билан фахрланади. 2. Ризамат бобомизни Ўзбекистондаги барча табиатсевувчилар яхши биладилар ва у билан хат ёзишиб турардилар. 3. — Аҳмад, кеча жовоңда иккита олма бор эди-ку, бугун битта қолибди холос!? 4. — Менг кечиринг, ойи, кечаси қоронғида биттасинигина кўрибман.

345-машқ. Таржима қилинг, тўлдирувчи эргаш гапларнинг тўғри шакл олиншларига аҳамият беринг:

1. Бу йигит катта заводнинг инженерилигини энди билдим. 2. Аҳмаджоннинг бобоси журналга мақолалар ёзувчи жамоатчи мухбир эканлигини эшитгандик. 3. Эшитишимча, дорулфунуннинг асосий кутубхонасида арабча қўлёзма китоблар кўндир. 4. Уқитувчимиз айтдики, Абду-р-Раҳмон ал-Хамисий араб деҳқонлари ва ишчилари ҳаётини жуда яхши билган ёзувчи.

## Иккинчи матн

### الاستدعاء الثالث

حدث هذا منذ بضعة اشهر في اسرائيل. فقد استلم عبد القادر الاستدعاء بالبريد: «ايها الشاب، عليك بالتوجه الى ادارة الامن. وقد كان واجبك ان تستمتع بنصيحة العقلاء التي تستنكر اية علاقة بهذا الاتحاد».

في غرفة المكتبة الفسيحة جلس الى المكتب الضخم رجل متوسط العمر يلبس الملابس المدنية. وقد نظر الى الشاب مستفهما.  
— اننى عبد القادر. فقد ارسلتم فى طلبى.

— اجل، يا عزيزى، تفضل. لقد كنا فى انتظارك. اننى احذر مقدما: لا تحاول الاخفاء عنا شيئا فنحن نعرف كل شىء: انت عضو باتحاد الشباب الاسرائيلى. قللى بسراحة، ايها الشاب، ما الذى يربطك بهذا الاتحاد و من الذى شوقك بالانضمام الى الاتحاد؟

— ان ضميرى هو الذى دعانى الى اتخاذ هذا القرار.  
— ايها الشاب، اذا لم تمتنع عن نشاطك فاننا سنجد وسيلة لوضعك فى السجن على اى حال. فكر فيما قلت لك!  
— لقد فكرت بالفعل!

— فى هذه المرة اذهب مصحوبا بالسلامة حتى اللقاء مرة ثانية!  
فقد كان لقاؤهما فى الواقع قريبا جدا و اختتم هذه المرة بزنازة فى السجن ...

جذبة شخص ضخم الجثة فى نحو الثلاثين من ذراعه و هو يقبض باصابعه القوية على مصم الشاب و ظل عبد القادر صامتا و ذلك قال:

– على اى حال، ايها الكلب، فانك لاتترك هذا المكان حيا. هذا هو تاريخ حياتك فى الاتحاد.  
 بهذه الكلمات وجه الشخص الضخم الجثة قبضته الثقيلة الى الفتى وانطرح عبد القادر من الضربة على الارض. انهم علقوه من رجليه و ضربوه بغير رحمة بسياط معدنية.  
 فقد انتظرت الاستدعاء الثالث، يتكلم عبد القادر، عضو الوفد لاتحاد الشبيبة، عرفت ان هذا قد يحدث فى اية لحظة. ولكن لا تخوفنى السجن والتعذيب اذا كان شعبى كله سجيننا. اذا كانت البلاد كلها سجننا.  
 (المجلة)

### Бирикма ва иборалар

اتحاد الشبيبة الاسرائيلى	Исроил Ёшлар иттифоқи
وضع فى السجن	қамаб қўймоқ
سياط معدنية	маъдан хивичлар
اذهب مصحوبا	Қани, жўнаб қол!
بلا رحمة	раҳмсизлик билан
وجه قبضة	мушт туширмоқ
اتخذ هذا القرار	шу қарорга келмоқ
ادارة الامن	хавфсизлик идораси (полиция депортаменти)
عضو الوفد	делегация аъзоси

346-ماشқ. Оғзаки жавоб беринг:

اينتظر عبد القادر الاستدعاء؟ ما منعت الشرطة له؟ من هو عبد القادر؟ لماذا لا يستنكر عبد القادر انضمامه لاتحاد الشبيبة؟ لماذا يقول ان بلاده كلها سجن؟ هل عبد القادر فى السجن؟ لماذا يقول عبد القادر ان شعبه الفلسطينى سجين؟ على من وجه البوليس قبضته؟

347-ماشқ. Бирикмаларни таржима қилинг ва ёд олинг:

ҳаракат эркинлиги ҳуқуқи, улкан идора, ўрта ёшлардаги киши, кучли бармоқлар, ирқий ажратиш, турмадаги зиндон (камера), халқ маҳрум этилган, раҳмсиз

348-ماشқ. Ўзбек тилига ўғиринг:

منذ ثلاثة اشهر، عن طريق بريد، عليه بالتوجه، استمتع بنصيحة العقلاء، استنكر علاقته، غرفة المكتب، انضمام الى الاتحاد، ملبس معدنى

349-машқ. Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб бирикмалар тузинг:

عضو، سجين، ذراع، استمتاع، عنصرى

350-машқ. Дарсхонада таржима қилинг:

على بعد ٨٠ كيلومترا من مدينة بغداد جنوبا نتجه الى باب الاله  
حيث نجد بابل التي اشتهرت بملكها حمورابي و حيث بقايا مدينة خالدة  
على مرالعصور والاعوام و حيث بناء غريب يتألف من اربع عشر حجرة  
متشابهة في شكلها وحجمها. اعجب ما في هذه الاثار باب عشتار حيث  
نجد به ١٥٢ صورة من الحيوانات الملونة في جدران الباب.  
(النصوص)

351-машқ. Қарама-қарши сўзларни ёзинг:

قوى، معدنى، عاقل، سجين، ذراع، انضمام

352-машқ. Қолипларини топинг, маъноларини ёзинг:

امتنع، استنكار، معرفة، انتصار، استدعاء

353-машқ. Ҳхпаш (синоним) сўзларни ёзинг:

متوسط السن، ترك، مات، ضمير، اتى

354-машқ. Арабчага ўғиринг:

1. Бундан уч ой олдин Абду-л-Қодир почта орқали чақириқ олди.  
2. Унда ёзилишича, Абду-л-Қодир зудлик билан полиция департа-  
ментига боради. 3. Хонадаги катта стол орқасида семиз гавдали  
бир жаноб ўтирарди. 4. «Биздан яширмай қўяқол, сенинг ҳақингда  
қўп маълумотларни биламиз!» 5. «Ҳой, итнинг боласи! Қамоқдан  
бутун умринг чиқа олмайсан!»

355-машқ. «Яна бир чақириқ» мавзусида уй яншоси ёзинг.

356-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

صديق بلا عيب قليل الوجود.  
العين بصيرة واليد قصيرة.

## СУЗЛИК

اتجاه	(итгижа.ҳун) йў-налиш	شوق	(шаввақа) ташвиқ қилмоқ
خوف	(хаввафа) қўрқит-моқ	عطف	(‘ат.фун) интиқлик
رصاص	(рас.а.с.ун) қўрғошин	اخفاء	(‘ихфа.‘ун) берки-тиш
زنزارة	(зинза.натун) камера	استدعاء	(‘истид‘а.‘ун) чақи-риқ
سوط	(савт.ун) қамчи; хивич	امتد	(‘имтадда) чўзилмоқ

انضمام	(‘инд.има.мун) қў-шилиш	ان طرح	(‘инт.арах.а) ағда-рилмоқ
جدیر	(жади.рун) арзигули	تمیز	(тамйи.зун) ажра-тиш
حاول	(х.а.вада) уринмоқ	حذر	(х.аз.ара) огоҳ қилмоқ
حد	(х.аддада) белгила-моқ	خاله	(халидун) абадий
فول	(фу.лун) ловия	قبضة	(қабд.атун) чангал; мушт
متجر	(матжарун) савдо-хона	متعرج	(мута‘аррижун) өг-ри-бугри
محاظ	(мух.а.т.ун) ўралган	متناسق	(мутана.сиқун) мос, симметрик
معصم	(ми‘с.амун) билак	معدنی	(ма‘динийун) ме-тал... и
مستوصف	(муставс.афун) по-ликлиника	مقهی	(маққан) қаҳвахона
منسجم	(мунсажимун) мо-наңд	منجز	(мувжазун) ютуқ
اتی	(‘ата.) (и) келмоқ	ميناء	(ми.на.ун) порт
احتل	(‘их.талла) эгалла-моқ	نام	(на.мин) ривожла-наётган
ذراع	(з.ира.ун) қулоч	سباحة	(сиба.х.атун) чўми-лиш
سجين	(сажи.нун) маҳкум	وجهة	(вужҳатун) йўна-лиш
ضمير	(д.ами.рун) виждон	نزع	(наз‘ун) ...сиз (ла-ниш)
عامر	(‘а.мирун) гавжум	فرض	(фард.ун) бурч
فحم	(фах.мун) кўмир		
ارتجالی	(‘иртижа.лийун) тайёргарликсиз		
استاجل	(иста‘жала) кочик-тирмоқ		

## Йигирма учинчи дарс:

### ИСТАК МАЙЛИ

Истак майли шакли феълнинг ҳозирги-келаси замонидан охири-даги даммати фатҳага айлантириш билан ясалади. Қолиши: **يفعل** (йаф‘ала, йаф‘ила, йаф‘ула). Қондани амалга ошириш жараёнида чўзиқ унлилардан кейинги «нун»лар тушириб қолдирилади. Қўп-ликларда «нун»лар ўрнига алиф орттирилади. Алиф талаффузда иштирок этмайди — у шакл ажратувчигинадир. Суқунланган ўзак увдошидан кейинги «нун»лар эътиборсиз қолдирилади.



ذهب (з:ахаба) (а) «бормоқ» феълининг тусланиши

Шахс	Жинс	Истак майли		
		қўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	ذهب (паз:хаба)	—	ذهب ('аз:хаба)
2	музак.	تذهبوا (таз:хабу.)	تذهبيا (таз:хаба.)	ذهب (таз:хаба)
	муан.	تذهبين (таз:хабна)		تذهبي (таз:хаби.)
3	музак.	يذهبوا (йаз:хабу.)	يذهبيا (йаз:хаба.)	يذهب (йаз:хаба)
	муан.	يذهبين (йаз:хабна)		تذهب (таз:хаба)

Истак майли шакли сўзловчи тахмин қилаётган, имкониятини ҳис этаётган, лозим топаётган ёки шак келтираётган ва шу каби модал иш-ҳаракатларни ифодалашда қўлланилади. Истак майли шаклидаги феълларни расмийлаштиришда модал юкламалар ان ('ин), كى (кай), حتى (хатта.), ل (ли-) ва уларнинг ҳосилалари لان (ли-'ан), لكى (ли-кай), حتى ان (хатта.'ан), الى ان ('ила.'ан), كىلا (кай-ла.) кабилар иштирок этади. Араб феълининг истак майли шакллари одатда эргаш гаплар таркибида ишлатилади ҳамда истак, гумон, тахмин, имконият, зарурият, шак, буйруқ, таъқиқ, қўрқув, рухсат, шодлик, ҳаяжон, ажабланиш каби турли модал мазмунларни англатувчи қўйидаги феъллардан кейин қўлланилади:

اراد ('арада) истамоқ	استطاع ('истат.а.'а) бажара билмоқ
امكن ('амкава) имкон бермоқ	احب ('ах.абба) истамоқ
شك (шакка) (у) шак келтирмоқ	امر ('амара) (у) буюрмоқ
ظن (з.авна) (у) тахмин қилмоқ	ينبغي (йанбағи.) зарур бўлмоқ
وجب (важаба) (и) керак бўлмоқ	سعى (са'а.) (а) иштилмоқ

اريد ان اكتب رسالة الى صديقي. Дўстимга хат ёзмоқчман.

اخذ الدب قطعة حجر ليقتل بها الذبابة. Айиқ пашшани ўлдириш учун бир тош парчасини олди.

يسعى لكى يتخرج من الجامعة بعلامات جيدة. У дорулфунунни яхши баҳолар билан тугатишга иштиляпти.

Шунигадек,

«من الممكن ان» «мумкиндирки...»      «من المسحوح ان» «рухсатдирки...»  
«المهم ان» «муҳимдирки...»      «من المستحيل ان» «шложсиздирки...»  
«من الخطأ ان» «хатодирки...»      «من الواجب ان» «керакдирки...»

каби модал бирикмалар гагда предикативликда қўлланилганда ҳам истақ майли шаклидаги феъл ишлатилиши талаб этилади:

المهم ان نبدأ هذا العمل العظيم.      Бу улкан ишни бошлаб юборишимиз муҳимдир.  
من المستحيل ان نرجع من القرية قبل الساعة العاشرة مساء.      Қишлоқдан кечки соат ўндан эрта қайтишимизнинг иложи йўқ.

Маълумки, ўзбек тилида феълларнинг махсус истақ майли шакли йўқ. Шунга кўра, юқорида баён қилинган турдаги мазмунлар ўзбекчага ўттирилганда кўпроқ ҳаракат номлари ёки ноаниқ шакл (инфинитив)дан фойдаланилади. Истақ мазмуни ирреал бўлганлиги учун келаси замонга тааллуқли бўлади. Бироқ гап ўтган замонда рўй берган иш-ҳаракат хусусида бўлса, феъл модал юкламалардан сўнг ўтган замонда қўйилиши ҳам мумкин:

وصل هذا العامل الى المدينة بعد ان تخرج من المدرسة الثانوية.      Бу ипчи ўрта мактабни қишлоқда тугатгач, шаҳарга келди

Барча ҳосила боблардан ҳам истақ майли шакллари зикр этилган умумий қайдалар асосида ясалади ва ишлатилади.

#### МОДАЛ ФЕЪЛЛАР

Қуйидаги феъл шакллари ўз табиатларига кўра модалдир:

يمكن لـ      (йумкину ли-) мумкиндир  
يجب على      (йажибу 'ала.) зарурдир  
يجوز ان      (йажузу 'ан) керакдир, жоиздир

Бу феъллар бирламчи мазмунларини йўқотган ва гагда бошқа феъллар билдирган иш-ҳаракатларга турли модаллик мазмунларини сингдириш учун хизмат қилади. Модал феъллар гагда доим бир шаклда иштирок этади, шаклан замон ва шахсда бўлишига қарамай, уларнинг ҳеч бирига ишора қилмайди. **يجب على** ва **يمكن** модал феъллари қошидаги кўмакчилар эргаш гап ағасини ифодаловчи сўзни бошқариб келади:

يجب على المدير ان يكون في الاجتماع في الساعة الثانية نهارا.      Мудир кундуз соат иккида мажлисда бўлиши лозимдир.

يمكن لنا ان نستفيد من خدمات هذه المكتبة الكبيرة.      Биз бу катта кутубхона хизматидан фойдаланишимиз мумкин (дир).

يجوز ان تاسдиқ мазмунида қўлланилса, унинг ижкор мазму-  
нида لاييجوز ان ишлатилади:

يجوز ان صديقى قد وصل الى  
قرينته.

Дўстим қишлоғига етиб олган  
бўлиши керак.

لايجوز ان تدخلوا الغرفة الا  
بسماحة.

Хонага рухсатсиз киришингиз  
жоиз эмас.

Модал феъллардаги мазмун қайси замонга тегишли эканлиги одатда ёрдамчи феъллар ёки айрим сўзлар воситасида англашилади:

يمكن له ان يزور خالته اليوم  
فقط.

У ўз холасини бугунгина зиёрат  
қилиши мумкин.

### КҮЧИРМА ВА ҲЗЛАШТИРМА ГАПЛАР

Сўзловчи айрим шахс гапини ўз нутқида келтириши мумкин. Бундай гап ўзганинг гапи дейилади. Ўзганинг гапи араб тилида икки турли: кўчирма ва ўзлаштира.

Кўчирма гап деганда сўзловчи томонидан нутқ ичида ўзганинг гапини ўзгартирмай, қандай бўлса, ўшандайлигича келтирилишини айтамыз. Кўчирма гаплар сўзловчи нутқидан кейин келади. Сўзловчи ўз нутқида гап кимга тегишли эканлигига, қандай шароитда ва нима сабабли айтилганига ишора қилади. Замонавий арабча матнларда сўзловчи гапи билан кўчирма гап ўртасига икки нуқта қўйилади:

فانتفخ ناجع بك و قال: تستغرق  
وحلتى ثمانية اشهر.

Ножиъ Бек чуқур нафас олди ва  
деди: Сафар саккиз ойга чўзи-  
лади.

قال وكيل الوزارة المالية: فقد  
اخذت القوة الشرائية  
للدولار الامريكى فى هذه السنة  
تنخفض بسرعة.

Молия вазирининг ўринбосари  
деди: Америка долларининг хар-  
рид қуввати бу йил тезлик билан  
пасая бошлади.

Сўзловчи гапи икки таркибли биргина гапдан иборат бўлади. У кўп таркибли ёки қўшма гап шаклида жуда кам қўлланилади. Кўчирма гап эса бир содда ёки бир неча қўшма гаплардан иборат бўлиши мумкин. Араб матнларида у баъзан тўлиқ бобларни эгаллайди.

Ўзлаштира гапда бировнинг гапи сўзловчи томонидан тўлиқ олинмайди; балки айрим имтиёзли қисм олингани ҳолда, ўзлаштирилиб, ҳикоя қилиниб берилади:

و قالت الشركة في التماسها  
انها اضطرت الى اتخاذ هذا  
القرار لتركم ديونها.

Ширкат ўз узрида қарзлари кўна-  
йиб кетганлиги учун шу қарорга  
келишга мажбур бўлганлигини  
айтди.

Исталган кўчирма гап ўзлаштирмага айлантирилиши мумкин.

1. Кўчирма гап дарак гацдан иборат бўлса, ўзлаштирмага ай-  
лантирилганда тўлдирувчи эргаш гап тусини олади:

кўчирма гап:

قال المدرس: هذا الرفيق رجع  
امس من الرحلة الى البلدان  
العربية المتقدمة.

Ўқитувчи деди: Бу ўртоқ илгор  
араб ўлкаларига саёҳатдан ке-  
ча қайтди.

ўзлаштирма гап:

قال المدرس ان هذا الرفيق رجع  
امس من الرحلة الى البلدان  
العربية المتقدمة.

Ўқитувчи бу ўртоқ илгор араб  
ўлкаларига саёҳатдан кеча  
қайтганини айтди.

2. Агар кўчирма гап сўроқ гацдан иборат бўлса, ўзлаштирма гап  
мен «ким», متى «қачон», اين «қаерда» боғловчи сўзлари билан  
бирикиб келувчи эргаш гап шаклини олади:

кўчирма гап:

سألت منه: من طلبنى صباحا  
بالتفون؟

Ундан сўрадим: Эрталаб ким  
мени телефонда чақирди?  
سأل المدير: اين السائق الذي  
يقود السيارة؟

Мудир сўради: Машинани бош-  
қараётган шофёр қани?

سأل جها: هل رأيتم حمارى  
الحبيب.

Жуҳо сўради: Севикли эша-  
гимни кўрдингизми?

ўзлаштирма гап:

سألت منه من طلبنى صباحا  
بالتفون.

Ундан эрталаб ким мени те-  
лефонда чақирганини сўрадим.  
سأل المدير اين السائق الذي  
يقود السيارة.

Мудир машинани бошқараёт-  
ган шофёр қаердалигини сў-  
ради.

سأل جها هل رأيتم حماره  
الحبيب؟

Жуҳо севикли эшагини кўр-  
ганлигимизни сўради.

## ЭГА ЭРГАШ ГАПЛАР

Гап шаклидаги ёйиқ эга — эга эргаш гап деб юритилади. Эга  
эргаш гап бош гапнинг кесими билан икки усулда боғланади:

1. Боғловчи вазифасини ўтайдиган нисбий олмош **الذى** ва  
унинг гуруҳи воситасида:

قرأ المكتوب الذي يتقدمهم.  
حدث عن هذه الهجمة الذي قد  
اشترك فيها.

Уларнинг олдиндагиси хатини ўқиди.  
Бу ҳамла ҳақида унда иштирок этган кимса гапириб берди.

2. ان ('анна) эргаштирувчи боғловчиси ва ان ('ан) истак юк-  
ламаси воситасида:

كان اهم شيء للمدرس ان تقرأ  
النص بلا خطأ و نجيبه لاسئلته  
النحوية كلها صحيحا.

Ўқитувчи учун энг муҳими мат-  
ни хатосиз ўқишимиз ва грамма-  
тик саволларнинг барчасига тўғ-  
ри жавоб беришимиз эди.

Шунингдек, эга эргаш гаплар булар ёрдамида бирикканда, кў-  
пинча, бош гапнинг кесими вазифасини **من المعلوم ان، من المعروف**  
каби шахси топилмас бирикмалар бажаради:

لا بد ان نذهب الى السينما و ان  
نشاهد هذا الفلم العربي المعجب.  
المهم في الصناعة ان نخرط  
القطع بلا سقط.

Албатта кинотеатрга боришимиз  
ва бу қизиқарли араб фильмини  
кўришимиз керак.  
Нуқсонсиз деталлар йўнишимиз  
саноатда муҳимдир.

#### КЕСИМ ЭРГАШ ГАПЛАР

Гапнинг кесими феълдан ифодаланган чоғда, ўз-ўзидан маълум-  
ки, мазкур феъл-кесимнинг ўзи тугал гап вазифасини бажара  
олади. Айни пайтда, гапда феъл-кесимга бўйсундирилган бошқа  
бўлақлар мавжуд бўлса, улар қанчалик узун силсилани ташкил  
қилмасин, гап ёйиқлигича қолаверади ва ҳеч қачон қўшма гап бўла  
олмайди. Бинобарин, феъллий гапларда феъл-кесимни гап билан  
алмаштириш масаласи келиб чиқмайди. Исмий гапларда бўлса нис-  
бат бошқачароқдир. Унда кесим эга билан сон, жинс ва келишиқда  
қийёслаштирилган исмдан иборат. Эгадан кесимни ажратадиган омил  
исмий гапларда, асосан, ҳолатдаги турлилик ёки ҳамма вақт ҳам  
зарурлиги тақозо қилинмовчи ажратувчи олмошдир. Исм предика-  
тив бирлик эмас. Бас, шундай экан, тўлиқ гап исмий кесимга тенг  
кела олади. Бинобарин, уни алмаштира олади ҳам. Хулоса қилсак,  
кесим эргаш гаплар амалда исмий гаплар кесими вазифасини ба-  
жара олиши мумкин.

Кесим эргаш гаплар бош гапга воситасиз ва воситали эргашиб  
келиши мумкин. Воситасиз ҳолатга қаранг:

أخي رفيقه مريض.  
هذا المهندس عمل ابوه في هذا  
المصنع قبل سنوات الحرب  
العالمية.

Акамнинг ўртоғи бемордир.

Бу илженернинг отаси ушбу за-  
водда Жаҳон урушидан олдинги  
йилларда ишлаганди.

Воспитали ҳолатга келсак, бунда кесим эргаш гап эгага турлича эргашади:

а) нисбий олмош /الذى، من، ما/ воситасида:

ما الذى يفيدنا فى الارض؟ Ер (юзи) да бизга фойдали нарса нима?  
ال قريب من يقرب نفسه. Узини яқинлаштираувчи кимсагина яқининг (бўла олади).

б) ان ('ан) юкламаси воситасида:

قصد الطالب النشيط ان يدرس كل المواد الدراسية جيدا. Фаол толибнинг ягона нияти барча фойдаларни яхши ўзлаштиришидир.

в) ل (ли-) юкламаси воситасида:

ذلك لتعلموا اننا نشطاء! Бу — бизнинг фаоллигимизни билиб қўйишингиз учун!

## ИСТАК МАЙЛИ ШАКЛИДАГИ ФЕЪЛНИНГ ГАПДА ҚУЛЛАНИЛИШИ

Истак майли шаклидаги феъл қўшма гап тарқибда эргаш гапнинг кесими бўлиб келади. Истак майлининг модал юкламалари эса эргаштираувчи боғловчилар вазифасини бажаради. Бунда икки ҳолни ажратамиз:

1. Истак майли шаклидаги феъл воситасиз тўлдирувчи талаб қилувчи феъл ҳамда модал феъл ва модал иборалардан кейин келганда, тўлдирувчи эргаш гапни бошлаб келади:

قال الذئب للخروف: انت تريد ان تكذبنى. Бўри қўзичоққа деди: Сен мени алдамоқчисан.

دعا مؤتمر البترول العربى ان تلتزم شركات البترول الاجنبية فى الاراضى العربية بتعويض النقص. Араб нефти (давлатлари) конференцияси араб ерларидаги чет ёл ширкатларини боқимандаларни тўлашга чақирди.

2. Истак майли шаклидаги феъл предикативлик қўлланишдаги модал сўз ва бирикмалардан кейин келганда, эга эргаш гапнинг кесим вазифасини бажаради. Бунда бошқа эргаш гаплардан фарқли равишда, эга эргаш гап кесим вазифасини бажарувчи модал сўз ва модал бирикмаларга эргаштирилади:

يمكن للطلاب ان يتكلموا باللغة العربية بسهولة فى نهاية الصف الثالث. Толибларнинг араб тилида жўнгина гаплашишлари учинчи курснинг охиридагина мумкин бўлади.

يجب على هذا المساعد ان  
يشغل في جنى الطماطم.

Бу ёрдамчи помидор йиғиш би-  
лан шуғулланиши керак..

## لن ЮКЛАМАСИ

لن (дан) юкламаси кучайтирув-инкор мазмунини ифодалайди.

Бу юкламадан сўнг гапда истак майли шаклидаги феъл келиши талаб қилинади. У келаси замонга тааллуқли қатъий кучайтирув инкори мазмунини аниқлаб келади ва ўзбекчага «ҳеч қачон», «сир-а ҳам» ёки шунга ўхшаш тарада таржима қилинади:

ما رجعنا و لن نرجع من طريق  
النضال لاجل حرية الشعوب في  
البلدان المستعمرة.  
لن اشرب هذا السم الدخاني  
الذي يسمى سيكارة.

Мустамлака ўлкалардаги халқлар-  
нинг озодлиги учун кураш йўли-  
дан қайтмаганмиз ва сира ҳам  
қайтмаяжакмиз.

Сигарета деб аталувчи тутунли  
заҳарли ҳеч қачон чекмаяжак-  
ман.

## Биринчи матн

ثم عاد السيد الى ان يرجع الفلاح من السوق. اراد الطواحيني ان يذهب الى السوق ليبيع حمارا له. كان عليك ان تمشي نفسك و ان تركب الشيخ على الحمار (اسطورة). ثم رجعنا الى الشاطيء. لن جمع مقداراً ما من ثمر الجوز لناكل منه. لا اقدر ان ارفع قامتي من التعب الشديد. اريد ان اقوم ببعض التجارب التي احسنها. يحسن ان تعينوا قبل ان نضع الورقة و لتكونوا على يقين من انها ورقة عادية. ولكنه لن يستطيع ان يتصور مقدار سخطى (المازنى).

لن ينسى العرب من المحيط الى الخليج العربي ان عدوهم هو الامبريالية (الجمهورية). انت لا تفهمين و لن تفهمي شيئا (مكى محمد على).

357-машқ. Истак майлида тусланг:

استطلع، تشكل، افتخر، كاتب، رقص

358-машқ. Қуйидаги модал феъллар иштирокида тўртта жумла тузинг:

يمكن ل، يجب على، يجوز ان، لا يجوز ان

359-машқ. Қуйидаги модал мазмундаги феълларнинг ҳар бирига биттадан жумла ёзинг:

ظن، ينبغي، اراد، استطاع، امر، وجب

360-машқ. Кўчирма ва ўзлаштира гапларни арабчага ўғиринг:

1. Бу толиб менга дедики, у қишқи таътил вақтида қишлоққа бормоқчи эмас. 2. Элчихонанинг масъул ходими деди: «Давлатимиз қолақ давлатларга ҳар қандай шароитда ҳам ёрдам бераверади». 3. Эшитдимки, у чет тиллар институтига ўқишга киришни истайди. 4. Бақа ўрдакларга улар билан кетмоқчилигини, уларсиз бу ерда яшай олмаслигини айтди.

361-машқ. Қуйидаги кўчирма гапларни ўзлаштира гапларга айлантинг.

الذئب: انك، الخروف، قد عكرت على الماء الذي اشربه.  
الخروف: لا، يا سيدي، فان الماء يجري من عندك و من ناحيتك الى  
ناحيتي.

الذئب: ولكنك شتمتني في العام الماضي.  
الخروف: ان عمري ستة شهور فقط و ما كنت قد ولدت منذ عام فكيف  
شتمتك؟

الذئب: اذا لم تكن انت الذي شتمتي فابوك هو الذي شتمني.  
الخروف: انني يتيم و لا اعرف لى ابا

362-машқ. Таржима қилинг:

1. Бу яманлининг барча гапларини ўзим яхши тушува оламан, менга таржимоннинг кераги йўқ. 2. Толибалар дорилфунуннинг асосий кутубхонасига ўқиш ва вазифаларни тайёрлаш учун кирдилар. 3. Қимки ўз соғлигини сақламоқчи бўлса, эрталаб бадантарбия қилиши лозимдир. 4. Сиз сафардан тез қайтишингиз керак.

363-машқ. Эга ва кесим эргаш гапларни ажратиб ёзинг ва таржима қилинг:

١ - تحدثت معي التي جاءت بالمكتوب من الهيئة الادارية. ٢ -  
اخوك من صدقك. ٣ - يظهر ان هذا الرياضي يسافر من طشقند الى  
موسكو بمعنويات جيدة للاشتراك في الالعاب الاولمبية الصيفية. ٤ -  
الوطن الشرعي هو الذي ولدت فيه. ٥ - انه هو الذي درس اللغة العربية  
في جامعة بغداد. ٦ - الخمر فيه جنون. ٧ - فخر المفخر ان يصبح  
اخونا بطل العمل الاشتراكي.

## Иккинчи матн

### العصان المسروق

دخل اللص اسطبل فلاح و سرق اجمل حصان فيه. وبحث الفلاح  
كثيرا عن حصانه فما وجده. فذات يوم قصد الفلاح الى السوق لشراء  
بعض احتياجاته و مر بقسم بيع الحصان و فجأة ابصر حصانه مع رجل



يعرضه للبيع فعرفه معرفة فتعلق به ثم صاح صياحا باعلى صوته و قوته:

- هذا حصاني، وقد عثرت عليه اخيرا. هلموا الي، ايها الناس!  
اجتمع الى الصياح خلق كثير و انقسم الناس فريقين: فريقا يناصر  
الرجل و فريقا يناصر الفلاح. فقال الرجل اللص للفلاح.  
- تقول ان حصاني الذي ربيته من صغره لك. فربما حصانك كان  
شبيها بحصاني. خطرت للفلاح فكرة في هذه اللحظة فوضع يديه بسرعة  
على عيني الحصان ثم قال للص:

- لا تؤاخذني، من فضلك، اية عينيه عوراء؟ اليمنى او اليسرى؟  
ما كان اللص تنبه لهذا الامر من قبل و لم يلاحظ ان الحصان اعور.  
- انه اعور بعينه اليسرى.

فصاح الفلاح: كذبت لان عينه اليسرى سليمة.  
فسمكت قليلا و هو لا يعرف كيف يجاوب. ثم قال بتردد:  
و رفع يده عنها. ضحك الناس و تضحك اللص ايضا.  
- لقد اخطأت، يا سيدى. ان الحصان اعور بعينه اليمنى.  
فرفع الفلاح يده الاخرى عن العين اليمنى للحصان و قال فرحا:  
- انظروا، ايها الناس، حصاني يبصر بكلتا عينيه و ليس باعور.  
فتكاثرت الناس على اللص و قبضوا عليه. و هكذا ارجع الفلاح  
العاقل حصانه المسروق

#### СҮЗЛИК

اسطبل	(ист.аблун) отхона	حصان	(х.ис.а.нун) от
تكاثرت على	(така.с:ара 'ала.) ёпирилмоқ	طواحيني	(т.ава.х.п.виййун) тегирмончи
صاح	(с.а.х.а) (и) қич- қирмоқ	ناصر	(на.с.ара) тарафини олмоқ
سخط	(сахт.ун) газаб	يقين	(йақи.нун) қатъий ишозч
تردد	(тараддада) олаза- рак бўлмоқ	كلا، كلتا	(кыла., килта.) ик- ков
تنبه	(танаббаҳа) диққат қилмоқ	هلموا	(ҳалумму.) тез ке- линглар!

#### Бирикма ва иборалар

عرض للبيع	бозорга солмоқ
لا تؤاخذني	кечирسان!
ايها الناس!	Хой одамлар!

صاح صياحا باعلى صوته تكاثر الناس عليه.	бор овоз билан қичқирмоқ Одамлар унинг устига ёпирилишди.
رباه من صغره يبصر بكلتا عينيه خطرت للفلاح فكرة.	Гўдаклигидап тарбияламоқ икки кўзи билан кўрмоқ Деҳқонга бир фикр келди.

364-машқ. Саволларга оғзаки жавоб бering:

لماذا افترق الجمهور للفريقين؟ لماذا وضع الفلاح يديه على عيني  
الحصان؟ هل لاحظ اللص ان الحصان الذي سرقه اعور؟ لماذا تكاثر  
الجمهور على اللص؟ ارجع الفلاح حصانه المسروق؟ من ربي الحصان  
من صغره؟

365-машқ. Қўйидаги сўзлардан фойдаланиб бешта гап тузинг:

حصان، فلاح، لص، اسطبل، يسرى، يمنى، ارجع، وضع

366-машқ. Сўз шаклларини аниқланг, қолипларини топинг:

فريق، تبسم، معرفة، سليم، عوراء، ربي

367-машқ. Неча турли ўқий оласиз?

يبصر، تنبه، حصان، لاحظ، ناصر، تضاحك

368-машқ. Икки ёқлама таржима учун матн:

هل الامهات فى اوزبكستان يحصلن على نفقات من الدولة؟

— Худди шундай! Бизда оналарнинг барчаси ёрдам олади.

هل تحصل على المساعدة كل ام بدون اعتبار لكمية اولادها؟

— Икки болали оналар бундай ёрдамни учинчи болалари ту-  
тилганда оладилар.

وكيف تعوض الدولة هذه المصروفات؟

— Давлат сарф бўлган маблағни бўйдоқ ва кам болали фуқаро-  
лардан жамғаради, солиқлардан ажратади.

اشكركم شكرا جزيلاً لاخبارك الصحيحة و الكاملة.

369-машқ. Қўйидаги сўзлар ёрдамида «Оналарга нафақа» мавзусида беш-  
та гап тузинг:

ولادة، اعانة، قليلة الاولاد، كثيرة الاولاد، حصل على، مساعدة

370-машқ. Таржима қилинг:

1. Кунларнинг бирида деҳқоннинг уйига ўғри кирди ва унинг  
отларидан бирини ўғарлади. 2. Деҳқон отини узоқ қидирди, лекин  
унини топа олмади. 3. Жўма кўни деҳқон оиласига керакли нарсалар-  
ларни сотиб олиш учун шаҳарнинг марказий бозорига борди. 4. У,

одатига кўра, бозорнинг ҳайвонлар сотиладиган қавотига кирди ва отларни узоқ тамошо қилди. 5. Шу пайт деҳқон отлар орасидан ўзининг ўғирланган отини кўриб қолди. 6. Бир гуруҳ бозорчилар деҳқонни ҳақ деса, иккинчи гуруҳдагилар сотаётган одам тарафни олдилар.

371-машқ. «Ўғирланган сизир» мавзусида уй ишоси ёзинг.  
372-машқ. Ўқинг:

يا للخسارة

سألت تلميذة صديقتها: — ماذا كتبت في الامتحان؟

— لقد اودعت الورقة بيضاء.

— يا للخسارة، وانا كذلك. سيقول المدرس باننا نقلنا عن بعضنا.

### Иигирма тўртинчи дарс:

#### ФЕЪЛ ДАРАЖАЛАРИ. АНИҚ ДАРАЖА

Феъл даражалари соф наҳвий (морфологик) категория бўлиб, у объект ва субъект ўртасидаги грамматик муносабатларни ифода-лайди.

Ҳаракат, унинг объекти ва субъект ўртасидаги муносабатлар турлича кечиши мумкин. Ўзбек тилида беш хил феъл даражалари мавжуд. Булар: аниқ (ювди), мажҳул (ювилди), ўзлик (ювинди), биргалик (ювишди) ва орттирма (ювдирди). Феъл даражаларининг ўзаро фарқи махсус қўшимчалар воситасида англатилади.

Араб тилида эса иккита феъл даражаси шакли ажратилади: аниқ ва мажҳул. Уларнинг ҳар бири тусланади — замон, шахс ва сон тусларига эга. Қолган даражалар боблар воситасида англатилади:

а) ўзлик — 7, 8 ва 9 боблар воситасида;

б) биргалик — 3 ва 6 боблар воситасида;

в) орттирма — 2 ва 4 боблар воситасида;

Феъл (кесим)нинг даражасидаги ўзгариш гап қурилишида ўзгалик вужудга келишига ишора қилади. Бу ўзгариш даражаларнинг сарфий (синтактик) хусусиятларидан келиб чиқади. Умуман олганда, араб тилида даража категорияси эга билан кесим алоқалари характерини ва уларнинг объектга муносабатини кўрсатади.

Аниқ даража феълда мужассамланган иш-ҳаракатни шахс (варса) бажаришини кўрсатади. Бундай гапларда эга мантқиқий субъектга тўғри келади. Мантқиқий объект эса иккинчи даражали бўлаклардан бири бўлиб келади:

قرأ الطالب نصا. Толиб матн(ни) ўқиди.

صنع الخراط قطعة. Токар детал(ни) ясади.

Бундай гапларда субъект бажараётган иш-ҳаракат объектга фаол (актив) йўналган бўлади. Мазкур гапларда объект тўлдирувчидир.

Араб тилида аниқ даражадаги бир феъл воситасида ўзаро бирин-кетинликда алоқадор икки ҳаракатни ифодалаш мумкин. Бошқача айтганда, икки ишни бир бажарувчи бир аниқ даража феъли шакли воситасида адо этади:

اطعمت الضيف لحما. Меҳмонни гўштга тўйдирдим.  
 كتبت الجريدة مقالة. Газетага мақола (ни) ёздим.

Аниқ даража феъли иштирокидаги гаплар фаол таркиб (актив конструкция) да бўлади.

### ФЕЪЛЛАРНИНГ МАЖҲУЛ ДАРАЖАСИ

Араб феълларининг мажҳул даражаси ҳаракатнинг бажарувчиси ва объекти ўртасидаги шундай муносабатга ишора қиладиганида ҳаракат объекти гапда эга тарзида, субъекти (бажарувчиси) эса тўлдирувчи тарзида иштирок этади. Бошқача айтганда, мажҳул даражадаги феъл ҳаракатнинг грамматик объект томонидан бажарилиб, грамматик субъектга ўтганлигини билдиради. Мажҳул феъл эга англатган шахс-нарсанинг азмини бажарувчи эмас, балки бошқанинг ҳаракатини ўзига қабул қилувчидир.

Мажҳул даража шакли араб тилида аниқ даражадаги ўтган замон феълидан ўзакнинг биринчи ундошини дамма, иккинчисини касра ўқиш билан ясалади. Ўзакнинг учинчи ундоши ва шахс ясовчи қўшимчалар ўзгаришсиз қолади. Қолипи: **فعل** (фу'ила):

درس (дараса) ўрганмоқ — درس (дуриса) ўрганилмоқ  
 كتب (катаба) ёзмоқ — كتب (кутиба) ёзилмоқ  
 نشر (нашара) тарқамоқ — نشر (нушира) тарқалмоқ

Мажҳул даража феълининг ҳозирги-келаси замони аниқ даражанинг айни шу замон шаклидан ўзакнинг иккинчисини фатҳа ўқиш билан ясалади. Бунда шахс ясовчи олд қўшимчалар даммали ўқилади, қолганлари ўзгаришсиз қолади; қолипи — **يفعل** (нуф'алу):

يدرس (йадрусу) — يدرس (йудрасу)  
 يكتب (йактубу) — يكتب (йуктабу)  
 ينشر (йаншуру) — ينشر (йуншару)

Ўз-ўзидан тушунарлики, мажҳул даража феъллари ҳар икки замон шаклларида ҳам аниқ даража феъллари каби тусланади. Мажҳул даража феъллари кесим бўлиб келган гапларда грамматик тўлдирувчи иштирок этса, ундан олдинга **من قبل** (мин қибали), **من طرف** (мин т.арафи), **من جانب** (мин жа.ниби) «тарафидан, томонидан» бирикмаларидан бири орттирилади:

كتب المكتوب. Мактуб ёзилди.

كتب المكتوب من قبل الطالب.  
 نشرت الكتب المطبوعة في  
 مكتبة المعهد الاستشراقي في  
 طشقند من قبل المحيين للكتب  
 في العصر الماضي.

Мактуб толиб томонидан ёзилди.  
 Топшектдаги шарқшунослик илм-  
 гоҳи кутубхонасидаги босма ки-  
 тоблар китобсеварлар томонидан  
 ўтган асрда нашр қилингандир.

### ҲОСИЛА БОБЛАРДА МАЖҲУЛ ДАРАЖА

Амалда 9 боб феълларидан бошқа барча ҳосила боблардан маж-  
 ҳул даража шакли ясаш мумкин. У ўтган замонда ўзакнинг иккин-  
 чи ундошини касра, биринчисини эса дамма ўқиш билан ясалади.  
 Агар феълнинг аниқ даража шаклида дастлабки ундошдан сўнг  
 чўзиқ унли «а.» орттирилган бўлса, чўзиқ «у.»га айланттирилади.  
 Агар ўзакнинг биринчи ундоши суқунланган бўлса, ундан олдинда  
 мавжуд ҳаракатлар даммага айланттирилади. Маълумки, ўзакнинг  
 учинчиси одатда фатҳалидир:

درس (дарраса) ўргатмоқ	درس (дурриса) ўргатил- моқ
رافق (ра.фақа) ҳамроҳ бўлмоқ	روفق (ру.фиқа) кузатил- моқ
افتتح (ифтатах.а) очмоқ	افتتح ('уфтутих.а) очилмоқ
استملك (истамлака) эгал- ламоқ	استملك ('устумлика) эгал- ланмоқ

Барча ҳосила феъллардан мажҳул даражанинг ҳозирги-келаси  
 замон шакллари қуйидагича ясалади: Ўзакнинг иккинчи ундоши  
 фатҳали ўқилади (ўзи фатҳали бўлса, шу ҳолича қолдирилади).  
 Қолган биринчи, учинчи ундошлари ва қўшимча киритилган ҳарф-  
 ларнинг ҳаракатлари ҳам ўз ҳолича қолдирилади. Шахс ясовчи  
 қўшимчаларнинг ҳаракатлари эса даммага айланттирилади (асли  
 даммалик бўлса, ўз ҳолича қолдирилади):

يدرس (йударрасу), يرافق (йура.фақу), يفتتح (йуфтатах.у),

Барча ҳосила бобларнинг умумий қолиплари қуйидагича:

Боб	Ўтган замон		Ҳозирги-келаси замон	
	ёзилиши	ўқилиши	ёзилиши	ўқилиши
2	فعل	(фу'ила)	يفعل	(йуфа'алу)
3	فوعل	(фу'ила)	يفاعل	(йуфа'алу)
4	افعل	(уф'ила)	يفعل	(йуф'алу)
5	تفعل	(туфу'ила)	يتفعل	(йутафа'алу)
6	تفوعل	(туфу'ила)	يتفاعل	(йутафа'алу)
7	انفعل	(унфу'ила)	ينفعل	(йунфа'алу)
8	افتعل	(уфту'ила)	يفتعل	(йуфта'алу)
10	استفعل	(устуф'ила)	يستفعل	(йуста'алу)

Маълумки, араб тилида феълларнинг замон шакллари яхши ривожланмаган. Бу ҳол ҳаракат ва ҳолатларнинг тугалланганлик ва тугалланмаганлик (вид) мазмунларини ифодалашда маълум қийинчиликлар туғдиради. Бу етишмовчилик ёрдамчи сўзлар (юкламалар — *سوف، ثم، و، ف، ثم* боғловчилар — воситасида маълум миқдорда тўлдирилади. Бироқ улар иш-ҳаракат ва ҳолатнинг барча иккир-чикирларини ифодалаш учун мутлақо kiffoя эмас. Бу вазифани тўлиқ ифодалашда кўмакчи феъллар хизматида ҳам фойдаланилади.

Шуни таъкидлаш керакки, араб тилида нуқул кўмакчилик мазмунида қўлланувчи феъллар мавжуд эмас. Кўмакчи вазифасини бажарувчи феъл айни пайтда тўлиқ феъл мазмунига ҳам эга. Кўмакчилик мазмунини эса бошқа сўзлар билан таркибдагина ифодалайди.

Кўмакчи феълларнинг бошқа сўзлар билан бир таркибни ташкил қилишида икки асосий хусусият мавжуд:

1. Кўмакчи феъл гапларда тўлиқсиз феъл мазмунини ифодалаш мумкин. Бу ҳолда у ўзидан ортда тушум келишигидаги ёки кўмакчи бошқарувидаги бирор исм (мас. сифатдош) келишини талаб қилади.

2. Кўмакчи феъл гапларда асосий мазмунни ифодаловчи феълдан олдинда келади ва у билан жинс, сон ва шахсда умумий қонда асосида мослик олиб мураккаб феълий кесимнинг бўлагини ташкил қилади.

Кўмакчи феъллар ўз мазмунига кўра тўрт гуруҳга ажратилади:

- а) «бошламоқ» мазмунини ифодаловчи кўмакчи феъллар;
- б) «давом» ва «бетўхтовлик»ни ифодаловчи кўмакчи феъллар;
- в) «мавжудлик» ва «бўлишсизлик»ни ифодаловчи кўмакчи феъллар;
- г) «бўсаға» мазмунини ифодаловчи кўмакчи феъллар.

Шундай қилиб, барча кўмакчи феъллар бошқа сўзлар билан бириккандагина кўмакчилик вазифасини адо этиш билан бирга, гапта исмлар кузатувида келса, тўлиқсиз феъл вазифасини ҳам бажаради.

#### «МАВЖУДЛИК» ВА «БОШЛАМОҚ» МАЗМУНЛАРИНИ ИФОДА ЭТУВЧИ КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАР

«Мавжудлик» мазмуни *كان* феълнинг кўмакчи вазифасидан ангилашилади. Бунда *كان* феъли «эди» ва унинг шакллари воситасида ўзбекчага ўгирилади. Мазкур мазмуннинг бўлишсиз шакли *ليس* феъли воситасида англатилади. Шунингдек, бу феъл бошқа феъллар билан таркибда замон ва тугалланганликни ҳам ифодалаши мумкин.

«Бошламоқ» мазмунини ифодаловчи феъллар қуйидагилар:

بدأ (бада'а) (а)	صار (с.а.ра) (и)	اصبح ('ас.бах.а)
شرع (шара'а) (а)	راح (ра.х.а) (у)	امسى ('амса.)
بقي (бақийа) (а)	بات (ба.та) (и)	جعل (жа'ала) (а)
اخذ ('ахаз:а) (у)	ظل (з.алла) (и, а)	

Юқоридаги феъллар «бошламоқ» мазмунини, илгари ҳам эслатиб ўтганимиздек, бошқа феъллар билан таркибда англатади ва ўзлари алоҳида келса, тўлиқ мазмун ифодалайди. Ҳар бир кўмакчи феъл асосий феъл билан бизга маълум қондалар асосида шахс, сон ва жинсда мослик олади.

بدأت اقرأ المجلات التي كانت  
على المنضدة.

Стел устидаги журналларни ўқий  
бошладим.

جعلنا نتحدث عن دراسة اللغة  
العربية و عن صعوباتها.  
لقد رأيت من النافذة انكن  
اخذتن ترجعن من نزهة الى  
حديقة الحيوان.

Биз араб тилини ўрганиш ва  
унинг қийинчиликлари ҳақида  
гашира бошладик.  
Ҳайвонот боғига сайрдан қайта  
бошлаганингизни деразадан  
кўрдим.

Гапдаги эга учинчи шахсда бўлса, прамматик сонда мослашув унинг ўрни — эгага нисбатан тутган мавқега боғлиқ:

اخذت سوريا تطالب بزيادة  
العائدات لقاء ضخ البترول  
بواسطة الانابيب المارة عبر  
اراضيها.

Сурия ўз ерларидан ўтган трубо-  
провод орқали нефть ҳайдаш  
учун тўловларни орттиришни  
талаб қила бошлади.

اصبح العملا ينكرون اعمالهم  
المرتبطة بقتل العمال الفعاليين.

Сотқинлар фаол ишчиларнинг  
ўлдирилишига боғлиқ кирдикор-  
ларини ишкор эга бошладилар.

## ҚОМУСЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Арабча матнларда учрайдиган нотаниш сўзлар йиғирма учинчи дарсадан бошлаб сўзликларга киртилмади (бундан иккинчи матнлар мустасно). Керакли сўзларни толиблар энди ўзлари қомуслардан топа оладилар.

Араб тилига хос қомуслар турли тасниф усулларига эга, улардан сўзлар турли усуллар билан топилади. Сўнгги даврларда нашр қилинган кўпчилик қомусларда «ўзак-негиз-ҳосила» усули кўпроқ қўлланилади. Бунинг маъноси шуки, қариндош сўзлар бирламчи ўзак ҳамжиҳатлигига йиғналган. Бошқача айтганда,

خبر (хабура) (y)	تخبر (тахаббара)
خبر (хаббара)	تخاير (тахабара)
خابر (ха.бара)	اختبر ('ихтабара)
اخبر ('ахбара)	استخبر (истахбара)

Феълларини ва уларнинг барча ҳосилаларини «хабардор бўлмоқ» умумий тушунчасини англатувчи «х-б-р» ўзагидан қидириш керак.

### МАСДАРНИНГ ФЕЪЛ ШАКЛИ УРНИДА ҚўЛЛАНИЛИШИ

Феълнинг шахс шаклларини мутлақ ҳаракат ёки ҳолат билдирувчи (отлашмаган) масдар билан алмаштириш мумкин. Бу ҳол, одатда, «бошланмоқ» ва «давом» мазмунидаги феъллардан ҳамда модал ва модал мазмунидаги феъллардан сўнг рўй беради.

«Бошланмоқ» ва «давом» мазмунидаги феъл билан таркибни ташкил қилган асосий феъл — аниқ шаклга қўйилган масдар билан алмаштирилиши мумкин. Бунда бошланиш ёки давом феъли ва масдар ўртасида **فى** (фи.) кўмакчиси пайдо бўлади:

شرعنا نكتب بالصمت.	Жимгина ёза бошладик.	شرعنا فى الكتابة بالصمت
بدأ يبرهن النظرية.	У теоремани исбот қила бошлади.	بدأ فى برهان النظرية.
ظل الطلاب يقرؤون النص.	Толиблар матни ўқишда давом этишди.	ظل الطلاب فى قراءة النص.

Модал мазмундаги феъллар ёки соф модал феъллардан кейин келаётган эргаш гапларнинг истак майли иштирокида тузилган узвий бирликларини ҳам аниқ шаклдаги масдарлар билан алмаштириш мумкин. Бунда масдарнинг келишиги алмаштирилган феълнинг бошқарилув даражасига боғлиқ бўлади;

а) ўтимсиз бошқарув:

يجب عليكم ان تتجمعوا عند المتحف فى الساعة التاسعة الا عشر دقائق.	Сизлар музей олдида ўн дақиқа кам тўққизда йиғилишингиз керак.	يجب عليكم التجمع عند المتحف فى الساعة التاسعة الا عشر دقائق.
هل يمكنكم ان تحضروا واجباتكم اليومية فى اليوم نفسه.	Бугунги вазифаларингизни шу куннинг ўзида бажаришингиз мумкинми?	هل يمكنكم تحضير واجباتكم اليومية فى اليوم نفسه؟



б) воситали ва воситасиз ўтими бошқарилув:

اريد فى نهاية قولى ان انصحكم فى هذا الموضوع.	Сўзимнинг охирида шу мавзуда сизга насихат қилмоқчи- ман.	اريد فى نهاية قولى نصحكم فى هذا الموضوع.
امر المدير للمهندس بان يجي بالتقرير الكامل عن الاعمال الانشائية فى المصنع.	Мудир инженерга заводдаги қурилиш ишлари ҳақида тў- лиқ баённома би- лан келишни буюрди.	امر المدير للمهندس بالمجئنة بالتقرير الكامل عن الاعمال الانشائية فى المصنع.

Инкор мазмундаги феъл шакллари масдарлар билан алмаштирилмайди. Шунингдек, модал бирикмали иборалардан сўнг ҳам феъл шаклларини масдарлар билан алмаштириш тавсия этилмайди.

### САБАБ ЭРГАШ ГАПЛАР

Сабаб эргаш гаплар бош гаптаги воқеа ёки ҳодисанинг юзага келиш сабабини кўрсатади. У бош гапга эргаштирувчи  $\Delta$  (ли-<sup>1</sup>авна) боғловчиси воситасида бирикиб келади. Одатда боғловчидан сўнг гапнинг эгаси келади ва боғловчи уни тушум келишигида айтилишга мажбур қилади:

هذا الطالب المتأخر قد نجح فى  
الامتحانات الاخيرة لان رفاقه  
ساعدوه فى تحضير واجباته.

Бу қолоқ толиб сўнгги имтиҳон-  
лардан муваффақиятли ўтди,  
чунки ўртоқлари вазифаларни  
тайёрлашда унга ёрдам беришди.

Эргаштирувчи боғловчидан сўнг эргаш гапнинг кесими келган ҳолатда, феъл-кесим ва боғловчи орасига «грамматик эга» қўйилади. Грамматик эга бирикма шаклдаги ажратувчи олмош бўлиб, у бевосита боғловчига қўшиб ёзилади.

Грамматик эга иштирокининг янги хусусияти бор:

1. Феъл-кесимнинг эгаси эргаш гапта зикр қилинса, барча ҳолатларда ҳам учинчи шахс, бирлик ва музаккардаги бирикма олмош грамматик эга вазифасини бажаради:

بدأ عمال صناعة السيارات  
الأمريكية عند منتصف الليل  
الماضى اضرابا ضد شركة  
«فورد» لانه فشلت المفاوضات  
بينهم و ممثلى الشركة.

Ўтган ярим кечада Америка ав-  
томобиль савоати ишчилари  
«Форд» ширкатига қарши иш  
ташладилар, чунки улар билан  
ширкат вакиллари ўртасидаги  
музокаралар муваффақиятсиз-  
ликка учради.

2. Феъл-кесимнинг эгаси олмошдан ифодаланган бўлса, грамматик эга ва феъл-кесим шахсда ўзаро мослик олади:

ان افراد جيئنا انتصروا على  
الفاشية فى القتال لانهم دافعوا  
عن وطنهم الحبيب من طاعون  
الناشست.

ما اشتركت فى الاجتماع الاخير  
لصفا لاننى كنت مريضا.

Қўшинимиз жангчилари фа-  
шизмни жангда енгдилар,  
чунки улар ўз суюкли ватан-  
ларини ҳимоя қилган эдилар.

Курсимизнинг сўнгги мажлиси-  
да иштирок эта олмадим, чунки  
мен бемор эдим.

Шувиингдек, لما (ламма.) «сабабли» ва ان (из:) «учун ҳам»  
эргаштирувчи боғловчилари ҳам сабаб эргаш гапларни бош гапга  
бириктирувчи восита бўлиб келишлари мумкин.

### РАВИШ ЭРГАШ ГАПЛАР

Равиш эргаш гаплар араб тилида ўзбек тилидагидан бирмунча  
фарқ қилади. Маълумки, равиш эргаш гаплар ўзбек тилида бош  
гап кесимидан англашилган иш-ҳаракатнинг қай тарзда рўй бери-  
шига ишора қилади. Араб тилида эса равиш эргаш гаплар ҳаракат  
субъекти ёки объектининг ҳолатини, шунингдек, бош гапда ифо-  
даланган иш-ҳаракат содир бўлаётган пайтдаги сиртқи вазиятни  
ифодалайди. Шунга кўра, араб тилидаги равиш эргаш гапларни  
«ҳол» эргаш гаплар деб ҳам юритилади. Равиш (ҳол) эргаш гап-  
лар бош гапда икки усулда эргашиб келади:

Боғловчисиз эргашув:

و بعد الدقيقتين لاحظت ذلك  
المضرب يرتفع سطح مبنى  
البوليس ليقيم العلم (الخميسى).

Боғловчили эргашув; бунда эргаштирувчи боғловчи вазифасини  
(ва) бажаради:

قرأ الطالب هذا الكتاب بالاهتمام  
و هو يتصفح اوراقه حيناً بعد  
الحيان.

Икки дақиқадан сўнг ҳалиги иш  
ташловчини полиция биноси то-  
мига байроқ ўрнатиш учун кў-  
тарилаётган ҳолда кўрдим.

رأيت الهلال و هو يرتفع فوق  
الارض رويدا رويدا.

Толиб саҳифаларни аҳён-аҳёнда  
варақларкан, китобни диққат  
билан ўқиб чиқди.

Янги ойни кўрдим, у ер устидан  
аста-секин кўтариларди.

Равиш (ҳол) эргаш гаплар ўзбек тилига кўпинча равишдош ё  
сифатдош иштирокидаги грамматик усуллар билан ўгирилади.

### Биринчи матн

عثر اعرابي على آخر فقال له: ما اسمك؟ فقال: فيضان بن الفرات  
بن ابي بحر. فقال له الاعرابي: ليس لنا ان نكلمك الا فى زورق (كليلة  
و دمنة). ركب زورقه واتجه به الى الصخرة الكبيرة التى اشار اليها

الملك (اسطورة). في حجرة من هذا ولدت (احمد امين). معمل الحرير، هل جاك ثباً دودة القز التي من اجلها بساتين التوت منذ زمن بعيد ... يرزم الحرير المحلول خصلاً تشحن الى اوربا (احمد امين). منذ ما قبل الحرب شيدت المحطات الكهربائية و الكهرمائية (الاتحاد السوفيا-تى).

بدأ السيد بالفلاح يستجوبه مهددا متوعدا حتى يعترف له بالحقيقة. وقد بدأ وجهه يشرق القديم (اسطورة). امسك يدي و جعل يلحفها في الحاح ... اخذ طفل صغير يقفز بخفة على الاعشاب حتى ابتعد عن الكهف و انقطع عن رفاقه (النار الاولى).

373-ماشқ. Қолишлар асосида ҳосила бобларга биттадан мажҳул даража феъллари ёзиғ ва маъноларини белгилағ.

374-ماشқ. Мажҳул даража феълларини замонларда тусланғ:

افتتح (уфтутих.а) (унтижа) انتج (с.уни'а) صنع

375-ماشқ. «Боцламоқ» мазмунидағи қуйндағи феъллардан фойдаланиб бешта гап тузанғ:

اخذ، شرع، بقى، ظل، اصبح، صار

376-ماشқ. Масдарларни мувофиқ феъл шакллари билан алмаштиринғ:

صدرت الاوامر من القيادة الى قائد الاسطول العربي بقيام ثلاثة زوارق لمنع الاسطول للعدو من الاقتراب من الشواطىء العربية و كان الغرض من ذلك اتاحة الفرصة للقوات العربية من سيناء من الانسحاب الى خط القناة و الدفاع عنها. خرجت الزوارق الثلاثة لاستقبال اسطول العدو و تدميرها. و قدرت الزوارق الثلاثة اغراق الزوارق الثلاثة الفرنسية و اسقاط اربع طائرات للعدو الى قاع البحر (محمد حمدى).

377-ماشқ. Сабаб ва равиш эргаш гапли қўшма гапларни арабчага ўғиринғ:

1. Тоғлиб беморлиғи сабабли дарсга келмади. 2. Спортнинг бу тури фойдали эканлиғини билганим сабабли ҳар куни шуғулланаман. 3. Мен дўстим Миржалол ҳақида кўпроқ билишни истайман, чунки уни кўндан кўрмадим. 4. Кимса менга диққат билан тикиларкан, «Сиз Ўтқирнинг дўсти бўласизми», деб сўради. 5. Мен бу муҳтарам ёшли одамга меҳр билан узоқ тикиларканман, беихтиёр унга ёрдам бериш фикри келди.

378-ماشқ. Аниқ даража феълларини мажҳулга айлантиринғ:

كتب ذلك الكاتب العربى هذه الرواية الكبيرة المعجبة. قرأت الطالبة هذه القصيدة للشاعرة العراقية المعروفة. ان المستعمرين قد اعطوا ارض فلسطين لجماعة عنصرية. استخرجت هذه الفرقة النفط

من عمق عميق. تطبع المطبعة ملايين من الكتب المختلفة سنويا. يحتفل الشعب بعيد العمال في اول مايو.

379-ماشқ. Таржима қилинг:

1. Қўлингиздаги китоб жуда қадимгидир ва у ўтмишдаги одамлар томонидан терига битилган. 2. Ўзбекистон ишчилари делегацияси Сурия пойтахтидаги саройда олий аҳтиром билан кутиб олинди. 3. Кафедранинг катта ўқитувчиси ўртоқ Аҳад араблар тарихидан маъруза ўқий бошлади. 4. Толиблар бир ойдан сўнг арабча матнларни жўнгина таржима қила бошлайдилар. 5. Дўстим чет элдан отасига хат ёза бошлади. 6. Бу йил имтиҳонлар кеч бошланди, чунки кузда деҳқонларга ёрдам бердик.

## Иккинчи матн

### احب العامل

احب العامل من الناس.

احب الذي يشتغل بفكره فيبتدع من التراب صورة حية جميلة جديدة نافعة.

احب ذلك الذي يجد في حديقة ورثها عن ابيه شجرة تفاح واحدة و يفرس الي جانبها شجرة ثانية.

احب الرجل الذي يتناول الاخشاب الجافة المهملة ليصنع منها مهدا للاطفال او قيثارة ممتلئة بالانغام و احب الذي يصنع من الصخور الثمايل و الهياكل و المنازل.  
احب من الناس العامل.

احب ذلك الذي يحول الطين الي آنية للزيت و احب الذي يحول من القطن قميصا و من الصوف جبة و من الحرير ثوبا.

احب الحداد الذي ما انزل مطرقة على سندانه الا و انزل معها قطرة من دمه.

احب النجار الذي لا يدق مسامارا الا و دفين معه شيئا من عزمته.  
احب جميع هولاء. احب اصابعهم مغموسة بعناصر الارض. احب وجوههم بما عليها من سيما الصبر و التجلد. احب جبهاتهم المشعشة بجواهر الاجتهاد.

احب من الناس العامل لانه يجدد ايامنا وليالينا. احبه لانه يطعمنا و يحرم نفسه. احبه لانه يغزل و يحوك لنلبس الاثواب الجديدة و بينما و يسكن في الاكواخ الحقيرة (جبران خليل جبران).

استجوب	(‘истажваба) сўроқ-қа тутмоқ	اشار	(‘аша.ра) кўрсатмоқ, нишора қилмоқ
الحاج	(‘илх.а.х.ун) қунт	الحف	(‘алх.афа) чидам кўрсатмоқ
آنية	(‘а.нийятун) идиш	امسك	(‘амсаса) тутмоқ
ثوب	(с:авбун) кийим	خفة	(хиффатун) муко-иймлик
حلو	(х.улвун) ширин	خصلة	(хус.латун) калава
دودة	(ду.датун) қурт	دم	(дамун) қон
سدیم	(сади.мун) туман-лик	رزم	(разама) (у) тур-макхламоқ
عزیمه	(‘азиматун) ният, қарор	فیضان	(файад.авун) тошқин
قفز	(қафаза) (и) сак-рамоқ	غزل	(ғазала) (а) йлғир-моқ
قز	(қаззун) пилла	قیثارة	(қи.с:аратун) гита-ра, лира
كوخ	(ку.хун) кулба	كهف	(каҳфун) ғор
محلول	(мах.лу.лун) эрит-ма, чувилган	مغموس	(магму.сун) батган, буланган
مستبک	(муштабакун) ча-гилган, йўғрилган	مشعشع	(му.ша.ша.ун) тў-йинган
مهد	(махдун) бешик	مهمل	(муҳмалун) ташлаб юборилган
مهدهد	(муҳаддун) кўр-қитувчи	نبأ	(наба.ун) хабар

380-машқ. Оғзаки жавоб беринг:

ماذا تقم تحت عبارة «جبهة مشعشعة» بجواهر الاجتهاد؟ من يقوم بتجديد ايامنا؟ من يساعدنا لنلبس الاثواب الجديدة؟ من يبني المنازل المتشامخة؟ من يطعم الشعب؟ هل تحب الحداد الاوزبكي الذي ينزل مطرقة على السندان لكي يصنع الحصادات و الزراعات؟ انت فلاح غمست اصابعك بعناصر الارض؟ انت عامل يريد تجديد ايامنا؟

384-машқ. Арабчага ўғиринг ва ёд олинг:

жонли манзара, болалар бешиги, жўшқин лира, темирчи сан-донн, ипак кийим, ивтилиш дурдоналари, бир томчи қон.

382-машқ. Таржима қилинг:

1. Мен ўз фикрини жамлаб, халқ фойдасига йўналтирувчи одамни севаман. 2. Мен боғлардаги мевали дарахтларни кўнайти-ришга аزمи-қарор қилган одамни севаман. 3. Сен умрингда таш-ландиқ ёғочдан йўловчи ўтириши учун бирорта курси ясаганми-сан? 4. Тошдан ҳайкал ясаган сангтарош, ёғочдан саз исовчи дурадгор мен учун муҳтарам ва азиздир. 5. Темирдан аҳтиёт қисм

ясаш учун болга ураётган ва деҳқон ишини енгиллатаётган темирчига таҳсин айтаман.

383-машқ. Товуш чиқариб ўқинг:

كان جد الفيلة فيلا ضخما و قويا ذا ذنب طويل و انف قصير.  
فحدث ذات يوم ان الفيل كان نائما و بالقرب منه اسد و نمر. مر بهم  
ارنية صغيرة فربطت الاسد بذنب الفيل. و شدت النمر الى انفه. ثم  
صعدت الى تل و صرخت: يا فيل، يا فيل ذنبك مربوط و انفك مشدود!  
استيقظ الفيل و صاح صيحة و اضطرب لها الاسد و النمر فنهضا و  
اخذ كل يشد الى جهته فانقطع ذنب الفيل و امتد انفه و من ذلك الحين  
صار للفيل ذنب قصير و خرطوم صغير.

384-машқ. «Деҳқонни севаман» мавзусида уй ишоси ёзинг.

## Йигирма бечинчи дарс:

### ФЕЪЛЛАРНИНГ ШАРТ МАЙЛИ

Араб тилида феълларнинг шарт майли шакли ҳозирги-келаси замондан охири даммаи сукунга айлантириш усули билан ясалади. Қолипи: **يفعل** (йаф‘а (и, у) л).

Бунда чўзиқ унлилардан орқадаги нунлар сукунлаштириш баробарида тушириб қолдирилади. Сукунли учинчи ундошдан кейингилари эса ўз ҳолича қолдирилади.

درس (дараса) (у) «ўрганмоқ» феълнинг шарт майлида тусланиши

Шахс	Жинс	Шарт майли шаклидаги феъл		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	تدرس (тадрус)	—	أدرس ('адрус)
2	музак.	تدرسوا (тадрусу.)	تدرسا (тадруса.)	تدرس (тадрус)
	муаб.	تدرسنا (тадрусна)		تدرسى (тадруси.)
3	музак.	يدرسوا (йадрусу.)	يدرسا (йадруса.)	يدرس (йадрус)
	муаб.	يدرسنا (йадрусна)	تدرسا (тадруса.)	تدرس (тадрус)

Кўпликнинг 2 ва 3 шахс музаккар шаклларидаги нунлар туширилгач, ўрнига алиф орттирилади. У талаффузда иштирок этмайди.

Шарт майли шаклининг билдирган маънолари турли-тумандир. У бевосита шарт мазмунини ифодалаш билан бирга яна бошқа мақсад (мас. буйруқ) ларда ҳам қўлланилиши мумкин. Шунга кўра, унинг шаклига ишора қилганимиз ҳолда, «қисқа» ё «кесик»

майл деб атасак ҳам бўлади. Ҳар бир алоҳида гапда шарт (кесик) майл шакли айнан қандай вазифани бажараётгани унинг қандай юклама кузатувида эканлигига кўра ҳал қилинади.

1. Шарт майли шаклидаги феъл **ان** (ин) «агар» ва **متى** (мата.) «қачонки» шарт-модал юкломалари ҳамда уларнинг ҳосилаларидан сўнг келса, шарт мазмунини ифодалайди:

**ان تكتب** агар ёзсанг, ...      **ان تدرسوا** агар ўргансангиз, ...  
**متى تفهم** қачонки тушунсанг, ...      **متى يقرأ** қачонки ўқиса. ...

Шарт майли шаклидаги феъл фақат амалий (реал) шартлигина ифодаланиши мумкин ва у шарт эргаш гапли қўшма гаплар таркибида қўлланилади.

2. Шарт (ёки қисқа) майл шаклидаги феъл **ل** (ли-) «-сия!» юкломасидан сўнг келганда, 1 ва 3 шахсларга буйруқни англатади:

**ليكتب** ёзсин!      **ليقرأ** ўқисин!  
**لنكتب** ёзайлик      **لنقرأ** ўқийлик!

3. Мазкур майл шаклидаги феъл **لا** (ла.) «-ма» инкор юкломаси билан келганда тақиқлаш, ман қилиш маъносини англатади:

**لا تدخل** кирма!      **لا تذهبوا** бормангиз!  
**لا يدخلوا** кирмасинлар!      **لا تذهب** бормаимиз!

4. **لم** (лам) «эмас» инкор юкломаси билан келганда шарт (қисқа) майл шаклидаги феъл ўтган замонга тегишли «ман қилиш — тақиқлаш» мазмунини ифодалайди. Уни ўзбекчага ўгиришда қўшимча «асло» ёки «сира» воситаларидан фойдаланган маъқул:

**لم اكتب** ёзмадим, асло ёзмадим, сира ёзмадим  
**لم يقرأ** ўқимади, асло ўқимади, сира ўқимади

#### ШАРТ МАЗМУНИНИНГ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Шарт эргаш гаплар, маълумки, бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг қандай шарт билан юзага келишига ишора қилади. Улар ёрдамида икки турли шарт мазмунини ифодаланиши мумкин: реал (амалий) ва ирреал (амалиймас).

Реал (амалий) шарт деганда, амалга ошиши аниқ бўлган воқеа-ҳодисани тушунамиз. Эргаш гапдаги амалий шартда ифодаланган мазмун бош гапдаги натижани келтириб чиқариши табиийдир.

Ирреал (амалиймас) шартли эргаш гапларда эса аксинча — амалга ошиши тахмин қилинаётган, мўлжалланаётган воқеа-ҳодиса назарда тутилади.

Шарт эргаш гапнинг бош гап билан боғланишида грамматик шакл муҳим аҳамиятга эга ва аслида, у шартнинг моҳиятини белгилайди.

### ШАРТ МАЙЛИ ШАКЛИНИНГ ЭРГАШ ГАПЛАРДА ҚўЛЛАНИЛИШИ

Шарт майли шаклидаги феъл қўйидагилардан сўнг келганда шартни ифодалайди:

а) модал-шарт юкламалар: ان ('ин) «агар», اذا ('из:а.) «агар», متى (мата.) «қачонки»;

б) юқоридаги юкламаларнинг ҳосилалари: لئن (ла-'ин) «агарки», «агарда», اذا ما ('из:а.-ма.) «агарчи»;

в) шарт равишлари: كلما (куллама.) «агар ҳар сафар», حيثما (х.айс:у-ма.) «агар қаердаки»;

г) нисбий олмош: من (ман) «агар кимки».

Зиёр қилинган воситалар билан ифодаланган шарт реал (амалий) бўлиб эргаш гапни қўшма гаплар таркибидаги шарт эргаш гапларда қўлланилади.

Шарт эргаш гаплар бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг қандай шарт билан юзага келишига ишора қилади. Бошқача айтганда, эргаш гап таркибидаги шарт майли феълидан ифодаланган реал шарт хулоса сифатида бош гапдаги натижани келтириб чиқаради. Агар эргаш гапдаги шарт бўлмаса, бош гапдаги натижа бўлмайди. Шарт эргаш гапни эргашган қўшма гапнинг расмийлаштирилишида уч ҳолатни кўрамиз:

1) эргаш гапдаги шарт феъли бош гапнинг феъл-кесимини ҳам шарт майли шаклида келишини талаб этади:

ان تذهب الى المدينة تدخل  
المسرح المأسى الموسيقى  
باسم مقيمى.

Агар шаҳарга борсанг, Муқимий номидаги музыкали драма театрига кирсан.

من يعمل بكل اجتهاده يحترمه  
وطنه وشعبه.

Кимки буткул интилиб ишласа, уни ватани, халқи эъзозлайди.

2) бош гапдаги феъл-кесим буйруқ шаклида бўлиши мумкин:

ان ترفى موسكو الرفيق  
اي فانوف قل له

Агар Москвада ўртоқ Ивановни кўрсанг, унга айтгилки...

ان تقرأ هذه المجلة فاقراً تلك  
الجريدة الملحقة بها ايضاً.

Агар ушбу журнални ўқисанг, унга илова қилинган анови газетани ҳам ўқи!



3) бош гапнинг феъл-кесими ўтган замонда қўйилиши ҳам мумкин; бунда реал (амалий)ликка путур етмайди:

فان تنهض في الصباح باكرا  
فنهضت معك.

Агар тонгда эрта уйғонсанг, сен билан тураман.

ان تتجه الى المكتبة الاساسية  
ذهبت معك.

Агар асосий кутубхонага йўналаётган бўлсанг, сен билан бораман.

Юқоридаги шакллардан ташқари яна боғловчиларсиз эргашув шакли ҳам учрайди:

اجتهد تنجح.

Интил — (ишинг) ўнгидан келади!

### ШАРТ МАЗМУНИНИ ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛЛАРИ ВОСИТАСИДА ИФОДАЛАШ

Ўтган замон феъл шакллари ёрдамида ҳам реал ва ирреал шарт мазмунларини ифодалаш мумкин.

1. Ўтган замон феъл шакллари реал шарт мазмунини ифодалаганда, улар бевосита модал-шарт юкламалари **إذا** «агар», **متى** «қачонки» ва уларнинг ҳосилалари **إذا ما** ҳамда равишлар **حيثما** «агар қаердаки», **كلما** «агар ҳар сафар», шунингдек, нисбий олмош **من** «агар кимки» кабилар кузатувида келади.

Улар шарт эргаш гаплардаги ўтган замон феълнинг шаклига бирор даражада таъсир қилмайди, бироқ унга реал шарт мазмунини слангдиради. Ўтган замон шаклидаги феъл-кесим барча реал шарт мазмунлари каби ҳозирги-келаси замонда тушунилади ва таржима қилинади:

إذا شاهدت هذا الفيلم قلت لي  
مبحثه.

Агар бу фильمنى тамошо қилсанг, менга унинг мазмунини сўзлаб берасан.

متاما دخلت شقتك فاضرب  
الهاتف الى الاستاذ صالح.

Қачонки хонадоинингга кирсанг, у ердан устоз Солиҳга телефон қил!

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, айрим ҳолларда бош гап феъл-кесимининг олдида **ف** (фа-) юкламаси пайдо бўлади. Бироқ бу ҳол иш-ҳаракатнинг айни ўша лаҳзадаги амалга ошиш маромига ишора бўлиб, асло шарт тарзидан келиб чиқувчи нисбат эмас.

2. Ирреал шарт араб тилида фақат ўтган замон феъли воситасидагина ясалади. Бунинг учун **لو... لو** (лав... ла-) «агар...са, ...арди» мураккаб таркибли юкламадап фойдаланилади. Мазкур мураккаб юкламанинг биринчи қисми шарт эргаш гапларнинг олдида, иккинчи қисми эса бош гап олдида қўйилади:

لو وجد الشاب ظريفا واحدا من  
هذه الجماعة لاستمع الى  
نصائحها.  
لو عثرت على بدلة لا بأس بها  
لاشتريتها.

Йигитча бу гуруҳдан бирорта  
оқилни топганида эди, унинг  
насихатларига қулоқ оingan  
бўларди.

Тузуқроқ костюм учратганимда,  
уни сотиб олган бўлардим

Шуни эслап чиқармаслик керакки, ирреал шарт ўтган замон  
фeyли воситасида ифодаланиши устига, бош гапнинг кесимини  
ҳам ўтган замон фeyлидан ясалмишини талаб этади. Шунингдек,  
ирреал шарт исмдан ифодаланганида ҳам бош гапнинг кесими ўт-  
ган замон фeyлидан ясалиши шарт:

لو لا رقيقك لهلكت. Агар ўртоғинг бўлмаганда, ҳалок бў-  
лардим.  
لو لاه لهلكت. Агар у бўлмаганда, ҳалок бўлардим.

### УЧ УНДОШЛИ ФЕЪЛЛАРНИНГ 11—15-БОБЛАРИ

Уч ундошли ўзаклардан ташкил топган фeyлларнинг 11—15-  
боблари жуда кам қўлланилади. Бу бобларда ясалган фeyллар ва  
уларнинг ҳосила исмлари адабиётларда аҳён-аҳёндагина учраб  
туради. Бунинг устига, барча уч ундошли фeyл ўзакларидан маз-  
кур 11—15-бобларнинг шакллари ясалавермайди; маълум ўзак-  
дан бирор шаклига қўлланиши мумкин.

11-боб фeyли тўққизинчи бобнинг ўтган замонидан ўзакнинг  
иккинчи ундоши ҳаракатини чўзиқ талаффуз қилиш орқали яса-  
лади. Бу, амалда, ўзакнинг иккинчисидан сўнг битта алиф ортти-  
ришга тенгдир. Қолиплари: افعال ('иф'алла), يفعل (йаф'аллу).

11-бобдаги фeyлнинг мазмуни тўққизинчи бобдаги иш-ҳаракат-  
ни кучайтириш, унга яққоллик аломати (оттенкаси) берилгидир:

احمر (их.марра) қизармоқ — احمرار (их.марра) жуда қизар-  
моқ, қип-қизил бўлмоқ  
اصفر (ис.фарра) саргаймоқ — اصفرار (ис.фарра) жуда саргай-  
моқ, сап-сарик бўлмоқ  
اسود (исвадда) қораймоқ — اسوداد (исвадда) жуда қорай-  
моқ, қоп-қора бўлмоқ

11 боб фeyлларидан масдарлар افعيال ('пф'и.ла.лун) қолипида  
ясалади:

احميرار (их.мя.ра.рун) қип-қизил бўлиш, қирмизи тус олиш  
اصفيرار (ис.фи.ра.рун) сап-сарик бўлиб, саргайиб кетип

Сфатдошлар эса бу бобда биттагина مفعال (муф'алуя) шак-  
лидадир:

مسواد (мусва.длун) қоп-қорайиб бораётган  
 محذاب (мух.да.блун) жуда букчайиб юрүвчи

12-боб феъллари افوعول ('иф'ав'ала), يفوعول (йаф'ав'илу)  
 қолипларида ясалади:

أخشوشن — خشن (ихшавшана) жуда қўпол бўлмоқ, қаттиққўл бўлмоқ

اعشوشب — عثسب ('ишавшаба) ўт-алаф босмоқ, ўт ичида қолмоқ

13-боб феъллари افوعول ('иф'аввала), يفوعول (йаф'аввилу)  
 қолипларида ясалади:

اجلوز — جزل (ижлавваза) роса югуроқ бўлмоқ, чопарон бўлмоқ

اعلود — علد ('илаввада) жуда босиқ бўлмоқ

14-боб феъллари افعنلل ('иф'анлала), يفعنلل (йаф'анлилу)

اعلنكك — علك ('и'ланкака) қалин бўлмоқ, зич бўлмоқ

اعننجج — عنج ('и'нанжажа) роса урмоқ, дўппосламоқ

15-боб феъллари افعنلى ('иф'анла.) ва يفعنلى (йаф'анли.)  
 қолипларида ясалади:

اسلنقى — سلق ('исланқа.) чанқанчасига ётмоқ

اعلندى — علد ('и'ланд.) йўғон бўлмоқ, кучли бўлмоқ

### СЎЗ ЯСАШ

Сўз ясаш деганда илгари маълум бўлган лексик ва грамматик унсурларни ўзаро алмаштириш (комбинациялаш) усули билан янги сўзлар ҳосил қилиш назарда тутилади. Шунингдек, ўзақларни кенгайтириш, такрорлаш каби оддий усуллар ҳам мавжуд.

Сўз ясадаги алоқадорлик соф лексик муносабат бўлиб, у грамматик муносабатлардан фарқ қилади. Қиёсланг:

сўзлар бирлиги:

мураккаб сўз:

رأس مال (ра'су ма.ли)

— رأسمال (ра'сма.лун)

رأس المال (ра'су-л-ма-ли)

— الرأسمال ('ар-расма.лу)

رؤوس اموال (ру'у.су 'амва.ли)

— رساميل (раса.ми.лу)

رؤوس الاموال (ру'у.су-л-амва-ли)

— الرساميل ('ар-раса.ми.лу)

Сўз ясаш — «иштиқоқ» (الاشتقاق 'ал-'иштиқа.қу)да ният янги сўз шакли келтириб чиқаришга қаратилган бўлади; бунда

янги сўз аввалгиси билан шакл (ўзак) ва мазмун алоқадорлигини сақлайди.

Араб тилида сўз ясашнинг, тўрт усули мавжуд ва улар жуда ўзига хос номланади:

- |                              |                   |
|------------------------------|-------------------|
| 1) оддий сўз ясаш усули      | ؛ الاشتقاق الصغير |
| 2) катта сўз ясаш усули      | ؛ الاشتقاق الكبير |
| 3) анча катта сўз ясаш усули | ؛ الاشتقاق الكبار |
| 4) жуда катта сўз ясаш усули | ؛ الاشتقاق الاكبر |

### ОДДИЙ СЎЗ ЯСАШ УСУЛИ

Оддий (кичик) сўз ясаш *الاشتقاق الصغير* — бир сўз шаклини ўзгартириб, бироқ ўзак ундошларининг тартиби ва миқдорини ўзгартирмаган ҳолда янги сўз ясашидир. Бу усулнинг араб лексикологиясида баъзан «умумий сўз ясаш усули» *الاشتقاق العام* деб ҳам аташади. Бунда сўзларнинг ички (морфологик) қурилишини ўзгартиришнинг ёки синтактик функцияларини алмаштиришнинг катта аҳамияти бор.

Шу пайтгача биз ўрганган тайёр сўз ясовчи қолиплар асосида янги сўзлар ясаш — мавжуд сўзларга ясовчи қўшимча (флексия) орттириш билан бошқа сўзлар ясаш усуллари араб тилидаги энг оддий морфологик сўз ясаш йўриқларидан. Сибавайҳнинг ўша машҳур «ал-Китоб»ида исм ясашнинг 308 та қолипи келтирилган. Сўнроқ яшаган олим ал-Каттнинг гувоҳлик беришича, исмлар араб тилида 1210 қолипда ясалиши мумкин. Феъл ясашнинг эса ҳаммаси бўлиб 59 та қолипи мавжуддир. Кўриниб турибдики, феъл ясашнинг қолиплари исмларникига нисбатан оз сонли бўлиб, умумий ҳисобда ҳар бир ўзақдан сўз ясаш имкониятининг бор-йўти 10—15 фоизини ташкил қилади.

Мавжуд формулалар асосида янги ҳосила сўзлар ясаш аналогияси барча шаклларга тааллуқли. Айниқса, аналогия асосида масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, оддий ва нисбий сифатлар, кичрайтма отлар, барча ситиқ қўнликлар, қурол-аслаҳа ва ҳунар отлари ясаш жуда кенг тарқалган. Қуйида айрим характерли шаклларни келтирамиз, бироқ сўз ясаш қолипларининг барчаси ҳам мисол бўла олишини таъкидлаймиз:

1) иш-ҳаракатни доимо бажарувчилар исмлари *فعال* (фа'алун) қолипида ясалади:

- |             |                                     |
|-------------|-------------------------------------|
| <i>نحات</i> | (нах.х.а.тун) тошйўнар; скульптор   |
| <i>صراف</i> | (с.арра.фун) банкир; пул майдаловчи |
| <i>مطاط</i> | (мат.т.а.т.ун) эластик; резина      |

2) فعالة (фа'алатун) қолипида ясалган исмлар мазмунни кучайтириб англатади. Шунингдек, бу қолида замонавий механизмлар, аппаратлар номлари ясалади:

علامة (алла.матун) билағон, аллома  
سيارة (сайя.ратун) машина  
حلاية (х.алла.батун) сут соғувчи (машина)

3) касб отлари فعالة (фи'алатун) қолипида ясалади:

سباحة (сибах.атун) сузиш  
خراطة (хира.т.атун) токарлик

4) асбоб ва қуролларни ифодаловчи отлар ясалган қолишлар янги сўзлар ясашда кенг қўлланилади; бундайлар тўрт турли:

مقبض (миф'алун) тури — (миқбад,ун) қўндоқ  
محرث (миф'алун) тури — (мих.ра.с:ун) омор  
مطرقة (миф'алатун) тури — (мит.рақатун) олға  
مصفاية (миф'алатун) тури — (мис.фа.йатун) галвир, филтер

5) макон ва замонни ифодаловчи исмлар қолипларидан ҳам ранг-баранг отлар ясашда фойдаланилади:

مكتب (маф'алун) тури — (мақтабун) ёзув столи; бюро  
موقع (маф'илун) тури — (мавқи'ун) мавқе, позиция  
مركبة (маф'алатун) тури — (маркабатун) арава; вагон

6) فعال (фу'алун) қолипида иллат номлари ясалади:

كبد (кабдун) жигар — كباد (кубад,ун) жигар касали  
طحال (т.их.алун) қоражигар — طحال (т.ух.алун) қоражигар касали

7) флектив қўшимчалар ёрдамида отлар ясаш ҳам арабчада анча кенг тарқалган; энг кўп қўлланиладиган қўшимчалар турлари:

а) ة (-атун) тури:

جزر (жазарун) сабзи — جزيرة (жазаратун) бир дона сабзи (яккаликни)  
ضرب (д.арбун) уриш — ضربة (д.арбатун) зарба; мушт (бир бораликни)

б) ى (-ийун) тури:

عرب ('арабун) араблар — عربى ('арабийун) араб ...п, араб-ча (нисбий сифат)

в) اتي (-атийун) тури:

خضراء (хадра.у) кўк — خضرواتي (хадрава.тийун) кўк  
сотувчи (касб)

г) ية (-ийатун) тури:

عبود ('убу.дун) қуллар — عبودية ('убу.дийатун) қулчи-лик (мавҳум от)

رأى (ра'а.) (а) «кўрмоқ» феълнинг шарт майлида тусланиши

Шахс	Жинс	Шарт майли шакллари		
		кўшлик	иккилик	бирлик
1	умумий	نر (нара)	—	ار ('ара)
2	музак.	تروا (тарав)	تريا (тарайа.)	تر (тара)
	муан.	تريين (тарайина)		تري (тарай)
3	музак.	يروا (йарав)	يريا (йарайа.)	ير (йара)
	муан.	يرين (йарайина)	تريا (тарайа.)	تر (тара)

### Биринчи матн

إذا تركنى اهلى فانت لا تركينى. فان ابتعد عنى اجابى فانت لا  
تبتعدى عنى. و ان تنقم على جميع الحياة فانت تصفحى و ترحمى (امين  
مشرق). اذا كان الحمار نشيطا عند بيعه بعته بثمان جيد (اسطورة).  
ان تداهمك المصاعب والمصائب فلتكن شكواك من نفسك. من طلب  
المزيد يقع فى نقصان (جبران). لو كان الوقت كافيا لكتبت النص فى  
دفترى. لو كنت قادرا ان اتكلم فى اللغة العربية بطلاق لقلت. لو كان  
الجو معتدلا لذهبت الى المدينة و احضرت لك ما تحتاجين اليه من  
الكتب. و لو تغير الجو لذهبت الى المزرعة القريبة (جنا).  
فاذا جاءك هذه المرة فلم تقولى له عن ذهابنا الى المدينة. ولم  
يلبث هؤلاء الابطال ان يذهبوا الى اقرب قرية و لم يغادر جلال مكتب  
القائد للقوات البحرية و لم يتكلم الا فى صوت خفيف حازم (محمد حمدى)

جلسمت للدرس فتشمتز نفسى احيانا من عبوس الدرس (مى  
زيادة). ويتكون النهر بحيرة لازوردية بين السهول المزروعة  
والمرتفعات المخضوضرة (امين الريحانى).

385-ماشق. Шарт майлида тусланг:

دخل، كاتب، تخرج، افتتح، استسلم

386-ماشق. У ва لم юкнамалари иштирокида тусланг ва маъноларини  
belgilang:

تسابق، انفتح، اقترب، استعمل، ترجم

387-ماشق. Барча замон шаклларида тусланг:

احضوضر، اسلنقى طمان، اشماز

388-ماشق. Арабчага ўғиринг:

1. Агар сафардалик пайтимда дўстларимдан хат келса, уни мен  
нинг адресимга жўнатинг. 2. Агар ёз ойларида Тошкентга борсангиз,  
мўл-қўл мевалардан истаганингизча ейсиз. 3. Ўқитувчига  
қанча кўп савол берсангиз, мавзунини шунча яхши тушунасиз.  
4. Агар шарқ тиллари факультетининг анови толиби мени ўйинга  
таклиф қилса, арабча рақсга тушман. 5. Агар тож хоҳ олтин, хоҳ  
зардир, халойиқ бошига буткул зарардир. 6. Агар сен якшанба  
кунини кинотеатрга борсанг, араб фильминини кўрасан.

389-ماشق. Ўқинг, шарт майли шакллариини таҳлилдан ўтказиб таржима  
қилинг:

فاذا جاءك ذلك الطالب فقولى له كيلا ينتظرنى هذه المرة. ان لم  
تقدر الصعود و ان لم تقدر ان تمسكنى سلمت و اخراجى منك  
(اسطورة). لم ار المدينة الكبيرة فى حياتى. و حاولت ان اذهب الى  
منزلك مساءً ولم اقدر (تيمور). تعب الصياد و حزن و لكنه لم يجمع  
شبكة. ان تذهب الى بيتنا فلا تحدث اننى مريض. ان صنعت اعجوبة  
مرة واحدة لم تصنعها مرة اخرى (النصوص، ٢).

390-ماشق. Арабчага ўғиринг, жумлалардаги ирреал шартнинг тўғри ифо  
даланишига аҳамият беринг:

1. Устозга мурожаат қилганингда, у сенга чуқур илмий наси  
ҳат (консультация) берган бўларди. 2. Агар кутубхонада кўп  
мутолаа қилганингда эди, араб тилини яхши билган бўлардинг.  
3. Агар улар ушбу қиссани ўқиб чиққанларида эди, унинг мазму  
нини сўзлаб бера олган бўлардилар. 4. Агар икковингизнинг бўш  
вақтингиз бўлганда эди, Тошкент музейларидан бирини тамош  
қилган бўлардингиз.

391-ماشق. У (ивкор буйруқ) ва لم иштирокида тўртта жумла тузинг.

392-машқ. Ҳаракатлантиринг ва ифодали ўқинг. Отларни ажратиб дафтарингизга кўчиринг ва қолипларини топинг:

فصدم محراثه جسدا صلها مدفونا في الارض (اسطورة). فلف  
منقاره تحت جناحه (عمر ابو ريشة). رأيت على مقربة من الغابة وردة  
(ابراهيم المازني). فان اختبار نيوتون حول نقل نور الشمس بواسطة  
موشور أصبح أساسا لصنع مختلف المناظير الطبيعية (النور و الشمس).

393-машқ. Икки ёқлама таржима учун матн:

— Муҳтарам халқ қўмитаси котиби! Маълумки, нефт Ливия иқтисодининг асосини ташкил қилади. Йиллик қазиб чиқарилиши қанча?

— توقف في ليبيا بعد الثورة استغلال الثروات الطبيعية بصورة  
وحشية و خفض استخراج البترول السنوى من ١٥٩ الى ١٠٠ مليون  
طن.

— Бу ҳолат давлат хазинасига нефтдан тушадиган даромадларни камайтирмайдими?

— لا، بالعكس. نتيجة لزيادة اسعار الذهب الاسود ازادات واردات  
النفط الى الخزنة الليبية من ١,٤ مليار دولار الى مليارين.

— Жамоҳириямнинг ўзида ҳам нефт саноати яратилаяптими?

— طبعا، تنشأ في البلاد الصناعة الوطنية للبترول و من الجملة  
مصنعان لتكرير البترول.

— Самимий гапларингиз учун ташаккур! Раҳмат сизга, хайр!

## Иккинчи матн

### مدينة فأس

مدينة فأس هو فريدة في العالم لم تدخلها السيارة حتى الآن لسبب بسيط: هو انها لا تستطيع ذلك لضيق شوارعها. وهي تعد ثلثمائة الف نسمة يمكن قطعها من اولها الى آخرها من سطح الى سطح. انها كتلة واحدة من مباني يرجع عهد اوائلها الى عام مائة و اثنين و تسعين للهجرة و يحيط بها سور سليم و تخترق شوارع ضيقة مستقوفة اكثر الاحيان تصعد و تهبط و تتعرج و تلتوى و تدخل منها احيانا الى دور فسيحة على الطراز الدمشقي.

و في هذه الاسواق العتيقة تتجمع حرف تقليدية من مئات سنين: حرف دباغة جلد و الحياكة و صنع الاواني النحاسية و الخ.



و فى وسطها يقوم جامع القرويين الذى يرجع تاريخه الى اكثر من الف عام و هو جامع للعبادة و الدراسة على سواء. انه من اقدم الجامعات فى العالم. و فيه مكتبة غنية بالمخطوطات النادرة و على جانبه انشئت مؤخرًا كلية القرويين بمنهاج التدريس الحديث.

لقد بدت لى فأس كانها متحف كبير حى يحفل بتأريخ شعب و ثقاليده و ذكرياته لم تستطع الحضارة الحديثة ان تقتحم اسواره.  
(من «المطالعة»)

### С Җ З Л И Қ

فريد (фаридун) ягона	بسيط (басит.ун) оддий
نسمة (насаматун) жон,	التوى ('илтава.) қийшай-моқ, бурилмоқ
احاط ('ах.а.т.а) ўрамоқ	تقليدى (тақлидийун) анъанавий
ضيق (ди.қун) торлик	ضيق (д.айиқун) тор
اخترق ('ихтарақа) кириб турмоқ	حياة (х.ийа.катун) тўқи-мачилик, тўқиш
عبادة ('иба.датун) сиғи-виш	سواء (сива.'ун) тенглик
مستوف (масқу.фун) ёпилган	اناء ('ина.'ун) идиш-товоқ
انشىء ('унши'а) қурилмоқ, бино бўлмоқ	اقتحم ('иқтах.ама) аёвсиз ҳужум қилмоқ, бар-тараф қилмоқ
سور (су.фун) тўсиқ, девор	دباغة (диба.ғатун) ошлаш

### Бирикма ва иборалар

منهاج التدريس	ўқув пропраммаси
مكتبة غنية	бой кутубхона
حرف تقليدية	анъанавий касб-корлар
دباغة الجلد	тери ошлаш, тери ийлаш
تدريس حديث	янгича ўқиштиш
اوان نحاسية	мис товоқлар, мис идишлар
تأريخ الشعب	халқ тарихи
حضارة حديثة	замонавий маданият
على سواء	тенг равишда
بدا لى	менга туюлди

394-машқ. Ҳазингизга маълум сўзлардан қуйидаги қолипларнинг ҳар бирига учтадан мисол ёзинг:

فَعَالٌ، فَعَالَةٌ، مَفْعَلٌ، مَفْعَلَةٌ

395-машқ. Қуйидаги мураккаб сўзларни аниқ ва ноаниқ шаклларда турланг:

رسّال، حامل، اللّواء، اربعمائة، عبد الملك

396-машқ. Бирикмалар иштирокида бешта гап тузинг:

مئات السنين، طراز دمشقي، كتلة واحدة، سوق غلية، من سطح الى سطح، تعرج و التوى، الى اكثر

397-машқ. Таржима қилинг:

Фас — дунёда бирор кўчасига ҳозиргача автомобиль кирмаган ягона шаҳардир. Унда уч юз мингдан ошмиқ жон яшайди. Шаҳарнинг атрофини баланд ва қалин девор ўраб туради. Шаҳардаги уйларнинг томлари бир-бирларига тутаниб кетгандир. Фас шаҳри кўчаларининг усти ёпилгандир. Минг йилдан ортиқроқ олдин ташкил қилинган Қуравийлар дорулфунуну шу шаҳарнинг марказида жойлашгандир. Яқингинада бу олийгоҳнинг юбилейини халқаро жамоатчилик байрам қилди. Фас шаҳрида ҳунармандчилик жуда ривожланган. Менинг кўзларимга бу ажойиб шаҳар катта музей бўлиб кўринди. Фасликлар ўз қадим маданиятлари обидаларини, ўз анъаналарини севадилар ва асрайдилар.

398-машқ. Бирикмаларни таржима қилинг ва ёд олинг:

шаҳар тарихи, тарихий шаҳар, шаҳардаги уйлар, шаҳар марказидаги дорулфунун, оламда ягона, омон қолган девор, тор кўчалар, кўп ҳолларда, дамашқча усулда қурилган

399-машқ. Таржима қилинг ва ёд олинг:

من فعل ما شاء لقي ما ساء.  
سراسيرك فاذا تكلمت به صرت اسيره.  
لو كان فى البومة خير ما تركها الصياد.

**Йигирма олтинчи дарс:**

### ИККИЛАНГАН ФЕЪЛЛАР

Ўзагининг иккинчи ва учинчиси бир турли ундошдан иборат бўлган феълларни «иккиланган» аташ расм бўлган:

سر (сарра) (у) хурсанд бўлмоқ, حل (х.алла) (у) ечмоқ, ҳал қилмоқ

Бу феълларнинг биринчиси аслида سرر (сарара), иккинчиси حل (х.алала) деб тушунилади.

سر (сарра) (у) «шод қилмоқ» феълнинг тусланиши

Шахс	Жинс	Ўтган замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	ساررنا (сарарна.)	—	ساررت (сарарту)
2	музак.	ساررتم (сарартум)	} ساررتما (сарарту-ма.)	ساررت (сарарта)
	муан.	ساررقتن (сарартун-на)		ساررت (сарарти)
3	музак.	ساررا (сарру.)	سارا (сарра.)	سر (сарра)
	муан.	ساررنا (сарарна)	ساررنا (саррата.)	ساررت (саррат)
Ҳозирги-келаси замон				
1	умумий	ناسرر (насурру)	—	اسرر ('асурру)
2	музак.	تاسررون (тасурру-на)	} تاسرران (тасурра-ни)	تاسرر (тасурру)
	муан.	تاسررون (тасурруна)		تاسررين (тасурри-на)
3	музак.	ياسررون (йасурру-на)	ياسرران (йасурра-ни)	ياسرر (йасурру)
	муан.	ياسررون (йасурруна)	تاسرران (тасурра-ни)	تاسرر (тасурру)

سر (сарра) (у) феълдан масдар سرور (сурурун) «шод қилиш» шаклида, сифатдошларнинг аниқ даражаси سار (саррун) «шод қилувчи» ва مسرور (масрурун) «шодланган» шаклларидадир.

**ИККИЛАНГАН ФЕЪЛЛАР ТУСЛАНИШИНИНГ ФОНЕТИК ТАВСИФИ**

Иккиланган феъллар ва улардан ясалган ҳосилаларда **икки** бир табиатли ундошнинг «иккиланиб» талаффуз қилиниши қуйидаги ҳолларда рўй беради:

1. Агар ҳаракатли **икки** бир хил ундошнинг биринчиси қисқа ҳаракатланган бўлса, **иккинчиси** қандай ҳаракатланганидан қатъи назар «иккиланиш» ҳодисаси рўй беради:

سرر (сарара) — سر (сарра)

ساررا (сарару.) — ساررا (сарру.)

2. Ҳаракатли **икки** бир табиатли ундош сукунланган бошқа **бир** ундошдан кейин турса ҳам **иккиланиш** рўй беради:

اسرر ('асуруру) — اسرر ('асурру)

Бунда **иккиланиш** олдиндаги бошқа ундош сукуни билан ҳаракатнинг ўрн алмашиши (метатеза) ҳисобига рўй беради.

3. Ҳаракатли икки бир хил ундошдан олдинда чўзиқ унли кузатувидаги бошқа бир ундош турганда ҳам иккиланиш ҳодисаси рўй бериши кузатилади:

سار (саррун) → سار (саррун)

Иккиланиш қуйидаги ҳолларда рўй бермайди:

а) икки бир хил ундошнинг иккинчиси ёпиқ бўғинни тугаллаганда; бошқача айтганда, икки бир хил ундошнинг иккинчиси сукунли ҳаракатга эга бўлса, иккиланиш кузатилмайди:

تسررن (тасрурна) يسرن (йасрурна)

б) икки бир хил ундошнинг биринчиси чўзиқ унлидан олдин турса:

سرور (сурурун) مسرور (масрурун)

в) агар икки бир хил ундошнинг олдинда тургани иккиланган бўлса ҳам, табиийки, яна бир иккиланишни инкор этади:

سرر (саррара) يسرر (йусарриру)

### ИККИЛАНГАН ФЕЪЛЛАРНИНГ ШАРТ ВА БУИРУҚ ШАКЛЛАРИ

Иккиланган феълларнинг шарт майли шакли ҳозирги-келаси замондан қуйидаги икки усулда ясалади:

1. Иккиланган шаклларнинг охирида, қондага мувофиқ, сукун қўйилса, «иккиланиш»га барҳам берилади — метатеза йўқолиши рўй беради; бу — тўғри феъллар туридан шарт майли шакли ясашига тенгдир:

يسر (йасурру) → يسرر (йасрур)

اسرر ('асурру) → اسرر ('асрур)

2. Ҳозирги-келаси замон шакли охиридаги ҳаракатни тушириб қолдириш жараёнида, ўз-ўзидан маълумки, қўш ундошли ҳолат рўй беради. Бу ҳол араб тили учун характерли эмас. Бундай ноқулайликни осонлаштириш мақсадида қўш ундошдан сўнг қўшимча битта қисқа унли орттирилади. Унли қуйидаги қонда асосида танланади: агар феълнинг ўрта ундоши ҳозирги-келаси замонда «и» ёки «а» ли бўлса, қўш ундошли ҳолатдан сўнг ўша «и» ёки «а»лардан бирини талаффуз қилиш мумкин. Агар феълнинг ўрта ундоши ҳозирги-келаси замонда даммали бўлса, уч ҳаракатнинг бири ўқилаверади:

аслида: اسرر ('асурру) — اسرر ('асурр);

ўқиймиз: اسرر ('асурру, 'асурра, 'асурри)

سر феълнинг шарт майлида тусланиши

Шахс	Жинс	Шарт майли шакллари		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	نسرر (пасрур)	—	اسرر ('асрур)
2	музак.	تسرروا (тасурру.)	تسرا (тасурра.)	تسرر (тасрур)
	муан.	تسررن (тасурруна)		تسرى (тасурри.)
3	музак.	يسرروا (йасурру.)	يسرا (йасурра.)	يسرر (йасрур)
	муан.	يسررن (йасурруна)	تسرا (тасурра.)	تسرر (тасрур)

Буйруқ иккиланган феъллардан юқоридаги қоидаларни татбиқ қилиб ясалганда, қуйидагича кечади (2 шахс, музаккар шакл):

تسرر (тасурру) → سرر (сурр) → ا) اسرر (усрур)

б) سرر (сурра, сурри, сурру)

Барча шакллар учун:

اسرروا ('усурру.)    اسرا ('усурра.)    اسرر ('усрур)  
اسررن ('усурруна)    اسررى (сурра, сурри, сурру)

ИККИЛАНГАН ФЕЪЛЛАРНИНГ ҲОСИЛА БОБЛАРИ

Боблар	Ўтган замон	Ҳозирги-келаси замон	Маъноси	Масдар	Сифатдошлар	
					аниқ	мажҳул
1	2	3	4	5	6	7
2	سدد (саддада)	يسدد (йусадди-ду)	тўламоқ	تسدديد (тасди.дун)	مسدد (мусадди-дун)	مسدد (мусадда-дун)
3	واد (вадда)	يواد (йувадду)	севиш-моқ	وداد (вида.дун)	مواد (мува-ддун)	مواد (мува-ддун)
4	امد ('амадда)	يمد (йумидду)	ёрдам бермоқ	امداد ('имда.дун)	ممد (мумид-дун)	ممد (мумад-дун)
5	تلفف (талаффа-фа)	يتلفف (йаталаффафу)	ўралмоқ	تلفف (талаффу-фун)	متلفف (муталаффи-фун)	متلفف (муталаффа-фун)
6	تراص (тара.с.-с.а)	يتراص (йатара.-с.с.у)	сафлан-моқ	تراص (тара.с.-с.ун)	متراص (мутара.-с.с.ун)	متراص (мута-ра.с.с.ун)
7	انقص ('инқас.-с.а)	ينقص (йанқас.-с.у)	кесил-моқ	انقصاص ('инқис.а.-с.ун)	منقص (мунқас.-с.ун)	منقص (мунқас.-с.ун)

1	2	3	4	5	6	7
8	احتج ('их.таж-жа)	يحتج (йах.таж-жу)	эътироз билдир-моқ	احتجاج ('их.тижа-жун)	محتج (мух.таж-жуи)	محتج (мух.таж-жуи)
10	استقل ('иста-қалла)	يستقل (йастақил-лу)	эирал-моқ	استقلال ('истиқла-лун)	مستقل (муста-қиллун)	مستقل (муста-қаллун)

Э с л а т м а: баъзи бобларда ҳар икки даража сифатдошлари шаклан ўхшаш бўлсада, қолиш ва мазмун жиҳатидан улар ўзаро кескин фарқланади:

مواد (мува.дидун) — مواد (мува.ддун) совинувчи  
مواد (мува.дадун) — مواد (мува.ддун) севи(ши)лган

### ЮКЛАМАЛАР

Кенг маънода тушунилганда араб юкламалари ( **الحروف** 'ал-х.у-ру.фу) таркибига махсус юкламалардан ташқари яна кўмакчи (предлог), боғловчи ва ундовларни ҳам киритиш керак бўлади.

Махсус юклама деганда биз исмлар таркибига ҳам, феъллар таркибига ҳам кирмайдиган, айрим сўз ёки гапга турли маъно аломат (оттенка)лари бериш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар гуруҳини тушунамиз. Юкламалар шакл нуқтаи-назаридан иккига ажратилади:

1. Юклама-аффикс (қўшимча)лар; булар **ا** ('а-), **تا** (та-) ва **سا** (са-) кабилар бўлиб, ўзлари билан муносабатда бўлган сўзлар олдига бевосита бириктирилиб ёзилади.

2. Юклама-сўзлар; булар **ما** (ма.), **هل** (ҳал) ва **لن** (лан) туридагилар бўлиб доимо ўзлари билан грамматик муносабатга киришган сўздан олдинга ажратиб ёзилади.

Ҳар икки турга тааллуқли бўлган айрим юкламалар ўзининг асосий вазифалари — янги маъно аломати беришдан ташқари, яна бир муҳим вазифани бажаради; бу — янги шакл, янги сўз ясовчилик юмушидир. Юкламаларнинг бу хусусиятларидан, айниқса, замонавий араб тилида лексикани бойитишда — янги сўзлар ясашда қўлланилади.

Сиртдан қараганда, юклама-аффикслар бир қисқа бўғиндан ташқил топган. Юклама-сўзлар эса бир чўзиқ бўғиндан иборат бўлиши ёки ундан ортикроқ ҳам бўлиши мумкин. Юкламалар ўзлари бажараётган маънавий вазифалари (функциялари)га қараб ҳам тасниф қилиниши мумкин. Бунда уларнинг нутқ оқимидаги

бирор сўзни алоҳида ажратиб кўрсатиш, таъкид, кучайтирув, чегаралов, гумов, инкор ва қасам каби маънолар ажратишларига эътибор берилади.

### ЮКЛАМА-АФФИКСЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. ى (та-) юкламаси қасамни ифодалашда қўлланилади. У ўзи қўшилиб келаётган исмни қаратқич келишигида келишга мажбур қилади ва кўпинча аниқ шаклда бўлишини талаб этади:

تالله (та-лла.ҳи) Парвардигор ҳаққи!

2. ب (би-) юкламаси аслида кўмақчи бўлиб баъзан соф қасам англатувчи юклама вазифасини бажаради:

بلحية ابي. Отам соқоли ҳаққи!

برأس حسانى الاصيل. Зотдор тулпоримнинг боши ҳаққи!

3. ل (ла-) айна вақтда исм олди ва феъл олди юкламаси ҳамдир. Билдирган мазмуни ҳам шунга яраша ранг-барангдир. Феъл олди ل (ла-) юклама-аффикси кучайторма майл ифодачи-сидир:

لينبزن (ла-йунбазанна) У рад қилинажак!

Исм олди ل (ла-)си таъкид, тасдиқ, кучайтириш мазмунларини ифодалайди. У исмнинг келишигига таъсир кўрсатмайди:

ان فى ذلك لسر. Ановида бир сир бор-ку!

ان الصبى لذكى. Бола, дарҳақиқат, заковатли!

Мисоллардан кўришиб турибди-ки, мазкур юклама-аффикс гоҳ эгани, гоҳ кесимни бошлаб келиши мумкин.

4. ل (ли-) юкламаси феъл олдидагина қўлланилади ва феълнинг шарт майли шакли олишини талаб этади. У учинчи шахсга буйруқ ва биринчи шахсга буйруқ-хитоб маъноларини беради:

ليكتب (ли-йактуб) ёзсин!

لاكتب (ли-'актуб) ёзай!

5. ا ('а-) юкламасининг вазифаси умумий сўроқ англатишдир. У هل (ҳал) юклама-сўзга мазмун жиҳатидан ҳам, вазифа жиҳатидан ҳам тўлиқ мос тушади ва сўроқ гапдаги дастлабки сўздан олдинга қўйилади. У او / ام лар билан таркибни ташкил қилганда альтернатив сўроқни ифодалайди.

6. **س** (са-) юкламаси ҳозирги-келаси замон феъли олдига қўшилиб ёзилади ва ундан келаси замон шакли ясайди. Шунга қўра, вазифаси ҳам шакл ясовчиликдир. **س** (са-) юклама аффикси аслида **سوف** (савфа) юклама-сўзнинг эквиваленти дир.

### ЮКЛАМА-СЎЗЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. **نعم** (на'ам), **اجل** ('ажал) ва **بلى** (бала.) юкламалари тасдиқни ифодалайди. Улардан сўнггиси инкор мазмунига тасдиқдир.

2. **ما** (ма.), **لم** (лам) ва **لا** (ла.) юкламалари инкорни ифодалайди. Улардан биринчи иккитаси ўтган замон мазмунига, сўнггиси ҳозирги-келаси замон мазмунига инкордир.

**ما** юклама-сўзи ўтган замон феъли шакли олдига қўйилади. У оддий инкорни ифодалайди.

**لا** юклама сўзи ҳозирги-келаси замон шаклидаги феълнинг исталган шахси олдига қўйилиши мумкин. У оддий инкорни ифодалайди. Бундан ташқари, ушбу юклама-сўз яна бир қатор инкор-модал мазмунларни ҳам ифодалаши мумкин:

а) инкор буйруқни; бунда эргашиб келаётган феъл шарт майли шаклида қўйилади:

**لا تفعل ذلك** ундай қилма!

б) исмлардан олдинда келганда уларнинг тугалланмаган тушум-келишигида келишини талаб этади ва мутлақ инкор мазмунини беради:

**لا ريب** (ла.райба) шаксиз

в) янги сўзлар ясаш; у янги сўз ясашда қомпонент бўла олади:

**لا دينية** ('ал-ла.-диниййату) атеизм

**لا نهائي** (ла.-ниҳа.'иййуи) сўнгсиз

**لم** юклама-сўзи эса ўздан кейин келаётган феъл шаклини шарт майлида келишга мажбур қилгани ҳолда, унга тугалланганлик, ўтган замон ва қатъий инкор мазмунларини беради:

**لم يرجع ولن يرجع الشعب عن عزمه على بناء الحياة الجديدة.** Халқ ўлкада янги ҳаёт қуриш ниятидан қайтмади ва қайтмая-жақдир.

**لا، ما** ва **لم** юкламаларидан жуда кўп ҳосилалар мавжуд. Булар **فما** (фа-ма.) «асти», **لما** (ла-ма.) «сира», **كلا** (калла.) «сира ҳам».



3. **لن** (лан) юкласи желаси замон мазмунига қатъийлик, жиддийлик тусини беради. У ўзи бошлаб келаётган феъл шаклини истак майлида келишини талаб этади:

**لم اقل ولن اقول هكذا.** Мен бундай демаганман ва демайман ҳам!

4. **قط** (қат.) ва **فقط** (фақат.) — чегараловчи-ажратувчи юк-ламалар. Улар ўтган замон феълидан сўнг ишлатилади.

5. **قد** (қад) ва **فقد** (фақад) лар чегараловчи-тасдиқ юк-ламаларидир.

6. **يا** (йа.) ва **ايها** ('аййуха.) юкламалари ундов ва мурожа-атни ифодалайди. Сўнгиси муаннас шаклига ҳам эга: **ايتها** ('аййатуҳа.).

7. **ان** ('инна) — ажратувчи-кучайтирма юклама.

8. **هل** (ҳал) — умумий сўроқни ифодалайди, у юклама-аффикс **أ** ('а-) нинг синоними; мазкур юклама **او / ام** билан таркибда альтернатив сўроқни ифодалайди.

9. **ها** (ҳа.) — таъкид-кўрсатиш юкласи, у анчагина яқиндаги нарса-предметга ишора қилади:

**ها هو ذا** Ана унинг ўзи!

У янги сўз ясовчилик хусусиятига ҳам эга. Чунончи, у таркиб-да келганда, алифсиз ёзилиши мумкин:

**هكذا** (ҳа.каз:а.) шунга ўхшаш, **هؤلاء** (ҳа.'ула.'и) мановилар

10. **كذا** (каз:а.) юкласи кўрсатишни ифодалайди:

**كذا وكذا** ундай-бундай

11. **وا** (ва-) юкласи афеусни ифодалайди:

**واحسرتاه** Қавдай наҳомат!

12. **ما** (ма.) воаниқлик юкласи янги сўзлар ясашда ишти-рок этади:

**كلما** (куллама.) ҳар қанча

**كثيرا** (кас:и.ран ма.) кўпинча

13. **ايا** ('иййа.) юкласи ёрдамчи грамматик вазифани бажа-ради — олмошни гапда расмийлаштириш унинг юмуши:

**أيًاك نعود، يا وطنی.** Сенга қайтамиз, эй Ватан!

14. **لا ... و** (ла... ва ла.) «на... на», «хам... ҳам» қўш юк-  
ламаси таъкидни ифодалайди; агар таркибда феъл бўлса, у ҳозир-  
ги-келаси замонда қўйилади:

**لا تكتب و لا تقرأ** На ёзасан ва на ўқийсан.

15. **ما ... و** (ма... ва ла.) қўш юкламаси ҳам айна мазмулда  
қўлланади; бироқ биргина эътиборга молик фарқ — ундан сўнг  
ўтган замон шаклидаги феълнинг келиши шартлигидир.

16. **هل /أ/ ... او /ام/** (ҳал ('а-)... 'ав ('ам) мураккаб юкламаси  
альтернатив сўроқни гапда расмийлаштиради.

### ДАВОМ ВА БЎСАҒА МАЗМУНИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФЕЪЛЛАР

Қуйидаги феъллар «давом этмоқ» мазмунини ифодаловчи кў-  
макчи феъл вазифасида келиши мумкин:

**بقي** (бақийа) (а), **ظل** (з.алла) (и, а), **عاد** ('а.да) (у)

Бироқ шунинг эсдан чиқармаслик керакки, мазкур феъллар бош-  
қа асосий маъно берувчи феъллар, шунингдек, сифатдошлар би-  
лан бириккандagina ёрдамчи вазифасини бажариши мумкин. Бош-  
қа ҳолларда улар ўз асосий мазмунарини ифодалайди.

Давом мазмунидаги феъллар асосий маъно берувчи феъл ёки  
сифатдош билан шахс, сон ва жинсда (бизга маълум қоидалар  
асосида) мослик олади:

**بقي العمال يتزاحمون في فناء  
المصنع و لكنهم لا يقتربون من  
الماكينات و لا يبدئون في العمل.  
ظللنا نكتب تمارين هذا  
النص في دفاترنا بإشارة من  
مدرس اللغة العربية.**

Ишчилар завод ҳовлисида сиқи-  
лишиб туришда давом этишар,  
бироқ дастгоҳларга яқинла-  
шишмас, иш бошламас эдилар.  
Араб тили ўқитувчисининг кўр-  
сатмаси билан бу матннинг  
машқларини дафтаримизга кў-  
чира бошладик.

**دام** (да.ма) (у) феъли ҳам кўмакчи мазмулда давомни англа-  
тади. Бироқ у тўхтовсизликка ишора қилувчи **ما الديمومة** юк-  
ламаси билангина қўлланади:

**يجمل لى ان اخبرك عن هذا و  
لكنك ما دمت تنصت لوصاياہ  
(النصوص ۲).**

Бундан сени огоҳ қилиш менга  
қулай, лекин сен унинг панд-  
ларига қулоқ осинда давом  
этар эдинг.

**زال** (за.ла) (а) феъли ҳам кўмакчи мазмулда давомни англа-  
тиши мумкин. Бунда у ҳар икки замон шаклида ва мувофиқ ивқор  
юкламалари билан қўлланади:

ما زلنا نتأمل النجوم معا التي  
 بقيت تراقمنا بنظراتها.  
 و النجوم الساخرة لا تزال  
 تلاحظنا في الليل بنظرة و عتاب

Ўз милтиллашлари билан бизни  
 пмлаб турган юлдузларга бирга-  
 ликда қарашда давом этардик.  
 Сехрли юлдузлар эса бундай кеча-  
 да бизни жабрдийдалик ва алам-  
 ноклик билан қузатишда давом  
 этишяпти.

Шунингдек, қатор феъллар борки, улар инкор юкламалар би-  
 лан таъминланганлари ҳолда давом ва тўхтовсизлик кўмағчи маз-  
 мувларини ифодалайди: ما انفك (ма.-нфакка) (ма. фути'а).

«Бўсағада бўлмоқ», яъни бирор ҳаракат, ҳодиса ё ҳолатнинг  
 бажарилишигача қолган «бир оз» муддатга ишора қилувчи феъл-  
 лар араб тилида қўйидагилардир:

كاد (ка.да) (а)	كرب (каруба) (у)
اوشك ('авшака)	حري (х.ара.) (и)
عسى ('аса) (фақат шу шаклда)	

Юқорида зикр қилинган феъллар кўмағчи бўлиб, асосини маъно  
 берувчилардан олдинга қўйилади ва мослик олади:

اوشكت اموت من الجوع.	Очликдан яна қоқишимга сал қолди.
عسى الطبيب ان يشفيك من هذا المرض.	Доктор сени бу иллатдан даво- лашига оз қолди.

#### ОЛҚИШ ВА ҚАРҒИШ БИЛДИРУВЧИ СЎЗЛАРНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ

Олқиш мазмунидаги نعم (ни'ма), муаннас шакли نعمت (ни-  
 'мат) сўзлари шу ҳолича — бирлик ва учинчи шахсда қўлланилади:

نعم هذا الرفيق النشيط.	Бу фаол ўртоққа қойил!
نعمت هذه البناية التي بنيناها بانفسنا.	Ўзимиз қурган бу бино қандай соз!

Қарғиш мазмунидаги بس (би'са), муаннас шакли بست  
 (би'сат) сўзлари ҳам шу ҳолича — бирлик ва учинчи шахсда қўл-  
 ланади:

بس هذا الرجل القبيح الوجه.	Бу бадбашара кимса қанчалек ёмон!
بست القيادة بلا انتباه.	(Машивани) эътиборсиз бош- қариш қандай ёмон!

Қўриниб турибдики, мисол тариқасида келтирилган феъллар ўз  
 шакллари билан бошқалардан бирмунча фарқли. Жуда кам ҳол-

ларда уларнинг иккилик ёки кўплик шакллари учрашиб қолиш мумкин:

نعمن، نعموا، نعمتا، نعما

Шунингдек, **حبذا** (х.абба-з:а.) бирикмаси олқини мазмунида, инокор шакли **ما حبذا** (ма.х.абба-з:а.) қарғини мазмунида қўлланади:

حبذا استاذنا الجديد      Янги (желган) устозимиз қандай яхши!

### Биринчи матн

يفاخر الهواء بأنه يلف الأرض كلها (حنا الفاخوري). امتد بنا الانتظار فاهتزت ضاحكة ثم قالت (جبران). اللون الابيض في جدران بيوت التونسيين في نظري دليل على حبهم للنظافة. فقد احببت في تونس ناسها و احببت فيها مناخها: برده و حره. لمست في تونس وعيا قوميا يحس به الزائر احساسا لا يمكن اغفاله (عبد السلام على نور). استمر الفلاح في الحراسة طوال النهار. مر بهم ثلاثة من التجار (اسطورة). إن جبال اورال تعج بالمصانع و المعامل («الاتحاد السوفياتي»)

لعل احدا يسمع صوتها و يساعدنا على انقاذ طفلها من تهديد الذئب. انه، والله، لمهزلة عجيبة (اسطورة). يا للعار، يجر هذا الولد ورجليه و يركب الشيخ الابله (جحا). ما لكن و ما لنا، اذهبن في طريقكن، ليكن هذا المشهد امثولة (جبران). و يلك، يا مشؤوم، العلك رجعت الى السكر و ضربت امك؟ (الف ليل و ليلة). و كانت لا تزال واقعة في صالة و تنتظره هنا و اوشك يعود زوجها الى الحجرة.

400-машқ. Иккиланган феълларни замон шаклларида тусланг:

(a) مص, (и) رق, (y) عد

401-машқ. Қуйидаги иккиланган феъллардан сифатдошлар ясанг, мас-дарларини тошинг, маъноларини белгиланг, истак ва шарт майллариде тус-ланг:

(a) عص, (и) شد, (y) كر

402-машқ. Қомусдан фойдаланиб ёзма таржима қилинг, иккиланган феъллар ва уларнинг ҳосилалари шакллари таҳлил қилинг:

فاحس الولد النائم في الحال ان العاصفة شدة شديدا جدا (اسطورة). فجأة تردد في سكون الليل صفير فيتردد في قلبي صفير مثل صفيره (بن جلون). تمتد المنطقة منطقة السهل عبر البلاد كلها من الغرب الى الشرق (الاتحاد السوفياتي). يعرف العرب من الغرب الى

المحيط الى الخليج ان عدوهم اللدود هو الامبريالية (الاهرام). ثم امسك الرجل بالحصان و استعد الركوب (جحا).

403-ماشқ. Арабчага ўғиринг. Давом ва бўсага мазмулларининг тўғри шакл олишларига аҳамият беринг:

1. Биз илгари ўрғанилган матни араб тили ўқитувчимиз ёрдамида такрорлашда давом этдик. 2. Улар бизга фақат араб тилида саволлар бераверишди. 3. Сен дўстларинг билан дорулфунун томонга юришда давом этасан, биз эса бу ерда қолганларни қутиб тураверамиз. 4. У шундай тез юрдик, манзилга бир соатдаёқ етай деб қолди. 5. Бошқаришни яхши билмаганингиз сабабли, кемангиз денгизга ғарқ бўлаёзди.

404-ماشқ. Олқин ва қарғиш англатувчи сўزلардан фойдаланиб тўртта гап тузинг.

## Иккинчи матн

### ايام في طشقند

كنت اول مرة ارى طشقند. و هي مدينة تشير الخيال سواء كمدينة قديمة عريقة او كعاصمة من عواصم الحضارة الشرقية و تشير اكثر كتجربة عصرية و طليعية، كاحدى عواصم الشرق التي قفزت عالية من الاقطاع و القبلىة الى الاشتراكية العلمية وكاحدى النماذج الثورية الاولى لبعث الشرق و شعوب الشرق على اسس القومية و الاشتراكية معا ...

و سرنا فى شارع طويل يزخر بالبناء و التشييد و بضجيج الآلات الكبيرة و العمال ولكن تختلف اطرزة البناء فيه من مسافة اخرى. قال المرافق لنا ان كل جمهورية من جمهوريات الاتحاد السوفيتى اخرى قررت المساهمة فى اعادة بناء طشقند بعد الزلزة و ان تقيم شارعاً و منطقة سكنية على حسابها و بذلك مدينة جديدة تعكس كل اطرزة العمارة فى الاتحاد السوفيتى. هنا شارع جورجيا و هنا شارع اوكرانيا و آخ. و قد سميت كلها «مدينة الصداقة».

و قد خرجنا من مدينة الصداقة هذه بصورة منشرحة اذا رأينا مثل ندرة الانسان على التعمير و على ترميم الحياة و رأينا ايضا نموذجاً لعلاقات انسانية بين شعوب مختلفة اختلافاً كبيراً.

و كانت النزهة فى الريف الى المزرعة ممتعة. و قد استمعنا خلالها الى قصة القضاء على الاقطاع فى اوزبكستان و حينما طلبنا ان نرى بيت احد الفلاحين دخل بنا بيت اهم علامات الرخاء فيه، دواليب محتشدة بالسجاجيد و الالحقة.

و قد كانت المزرعة نموذجية حقا مثلا اعلى لما يمكن ان يكون على المجتمع الزراعي: المدرسة و المستشفى و ملعب الرياضة. و على مائدة الغدا تبادلنا الانخاب و الخطب على الطريقة الاوزبكية. و كنا فى قبول وزير الزراعة ايضا. كان الوزير شابا شرح لنا و ناقش معنا الزراعة و مشاكلها بصراحة كاملة و اهم من هذا ناقش معنا مشاكل الزراعة العربية بالممام كبير و قال انه زار مصر و لا ينسى هذه الزيارة و قد قال له الرئيس جمال عبد الناصر: «من يشرب مرة من ماء النيل لا بد ان يعود».

(محمد عودة، كاتب عربى مصرى)

#### СҮЗЛИК

ابله	(’аблаҳу) калтафаҳм	الممام	(’илма.мун) хабар-дорлик
اعادة	(’и’а.датун) қайта...	سجاد	(сажжа.дун) гилам
اهتز	(’иҳтазза) титрамоқ	عاصفة	(’а.с.ифатун) қасирға
بعث	(ба’с:ун) Уйғониш	رخاء	(раха.’ун) тўқинлик
تعمير	(та’ми.рун) тиклаш	طليعى	(т.али.’иййун) зарбдор
طراز	(т.вра.зун) нусха, тур	مائدة	(ма.’идатун) хонтахта, дастурхон
عريق	(’ари.қун) асил, донгдор	قفزة	(қафзатун) сақраш
سمى	(суммийа) аталмоқ	مرافق	(мура.фиқун) кузатувчи
عج	(’ажжа) гиж-гиж бўлмоқ	منشرح	(муншариҳун) қувноқ
مجئته	(мажн.’атун) пойқадам	نموذج	(нуму.з:ажун) намуна
اثار	(’ас:ара) қўзғатмоқ	مهزلة	(маҳзилатун) комедия
اغفال	(’иғфалун) назардан қочириш	نخب	(нахбун) қадаҳ (кў-тариш)
امثلة	(’умс:у.латун) сабоқ, намуна	سطوع	(сут.у.’ун) балқиш

#### Бирикма ва иборалар

قفز قفزة عالية.	Роса баланд сақради.
كنت ارى اول مرة.	Биринчи марта кўриб турардим
اطرزة العمارة	қурилиш услуби
عاصمة الحضارة	маданият маркази
على طريقة اوزبكية	ўзбекча усулда, ўзбекчасига
منشرحا	қувониб

اعادة الترميم، تعمیر      қайта тиклаш, қайта қуриш  
علاقة الرخاء      фаровонлик белгиси

405-машқ. Сўзлардан фойдаланиб истаган мавзуда ҳикоя тузинг:

ندرة الانسان، علاقات انسانية، تجربة عصرية، علامات الرخاء، طراز  
البناء اعادة البناء، قال المرافق، منشرح

406-машқ. Бирикмаларни арабчага ўғиринг ва ёд олинг:

дўстлик шаҳри, номи билан атамоқ, қишлоқ хўжалик жумбоқ-  
лари, хушчақчақлик билан, энг буюк ўрнак, меъморчилик наму-  
налари, юқорига сакраш, меҳмоннинг пойқадами, ўзбекчасига  
меҳмон қилиш

407-машқ. Сўзларнинг шаклларини аниқланг, қолипларини топинг:

مشاكل، طليعى، المام، اطرزة، مهزلة، منشرح

408-машқ. Таржима қилинг:

1. Бу — Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрига дастлаб келишим эди. 2. Тошкент шаҳри Шарқ маданияти марказларидан биридир. 3. Дўстона кўмақдан манфаатдор тошкентликлар шаҳар кўчаларидан бирини «Дўстлик кўчаси» деб атадилар. 4. Қишлоққа сафаримиз кўнгили бўлди, унда биз янги турмуш учун кураш йиллари ҳақидаги ҳикояларни тингладик. 5. Қишлоқлик бир оқсоқол сафар ниҳоясида деди: Қишлоғимиз сувидан бир бор ичган кимса, йиллар ўтса ҳамки, унга яна бир бор қайтиб келади.

409-машқ. «Самарқанд, Қоҳира, Дўстлик» мавзусида уй иншоси ёзинг.

410-машқ. Матнни ўқинг, тушунганларингизни арабчада қайта сўзлаб беринг:

قال احمد: ذهبت امس مع رفاقي الى حديقة الحيوان التي توجد في  
وسط طشقند و قد اعجبنا بالقردة التي تداعب القرد و تدور حوله و  
كذلك اعجبنا كثيرا بحمارى الزرد اللذين يخيل للانسان ان يدا ماهرة  
رسمت على جسميهما الخطوط العجيبة المختلفة. سرنا منظر الزرافة  
ايضا: عنقها طويل جدا و هو يساعدها على ان تأكل حبات واوراقا من  
الاشجار.

*Йигирма еттинчи дарс:*

#### ҲАМЗА ТУРЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

Маълумки, ҳамзалар икки турли: ажратувчи (қатъ — همزة /  
همزة الوصل — васл) ва бириктирувчи (васл —

Ажратувчи ҳамза маълум сўзнинг қайси ўрнида бўлишидан қатъи назар, тўлиқ талаффуз қилинади. Бу турга қуйидагилар киради:

а) феъл бирламчи ўзагидаги ундошларнинг бири вазифасини бажариб келаётган ҳамзалар:

اخذ ('ахаз:а) олмоқ  
سأل (са'ала) сўрамоқ  
قرأ (қара'а) ўқимоқ

б) феълдаги даража (аниқ, мажҳул) ва майл (истак, шарт, кучайтирма)ларнинг биринчи шахс бирлик шаклидаги ҳамзалар:

اكتب ('актубу) ёзяман

в) тўртинчи боб феъли ва унинг барча ҳосилаларидан иштирок этувчи ҳамзалар:

اخبار ('ахбара) хабар қилмоқ, хабар қилди  
اخبار ('ихбарун) хабар қилиш  
اخبر ('ахбир) хабар қил!

г) баъзи ҳосила исм (мас. сифатдош)ларнинг ўртасида талаффуз қилинадиган ҳамзалар:

قائل (қа.'илун) сўзловчи  
سائل (са.'илун) сўровчи

д) сифатлар таркибидаги ҳамзалар:

اسود، سوداء ('асваду, савда.'у) қора  
اكبر ('акбару) энг катта

Шуvinгдек, синиқ кўпликлар таркибидаги барча ҳамзалар ҳам ажратувчидир.

Бириктирувчи ҳамза фақат сўз бошида келади. Мутлақ бошда келганда у тўлиқ талаффуз қилинади. Агар мутлақ бошда бўлмаса, олдидаги бўгин (сўз) охирига «васл» қилинади — бириктириб ўқилади. Ёзувда ҳамзанинг тирговичи (алиф) устига **ص** (васла) аломати қўйилади. Бириктирувчи ҳамзалар қуйидагилардир:

а) аниқлик артикли таркибидаги ҳамза;

б) кўпчилик феъл боблари ва масдарлари таркибидаги сукунли бошланишни бартараф қиладиган ҳамзалар (тўртинчи боб мустасно);

в) буйруқ майли шакллари таркибидаги ясовчи ҳамза (тўртинчи бобники мустасно).

### ҲАМЗАЛИК ФЕЪЛЛАР

Ҳамзалик феъллар деганда ўзагидаги ундошларидан бири ҳамзадан иборат бўлган феълларни тушунамиз. Бундай феъллар уч турли:



Ўзгачининг дастлабки ундоши ҳамза бўлган феъллар; булардан ясалган ҳосилаларнинг имлосига қаранг:

Ҳамза билан ёнма-ён алиф келганда, ёзувда бундай таркиб «мадд» ( **ماد** ма-д-дун) ли алиф билан алмаштирилади; бобларда:

3 боб: **أمر** → **أمر** ('а.мара) жазоламоқ

6 боб: **تأمر** → **تأمر** (та'а.мара) маслаҳатлашмоқ

Сифатдошларда:

1 бобники: **أمر** → **أمر** ('а.мирун) буюрувчи

**أذن** → **أذن** ('а.з:инун) пэн берувчи

Қўш ҳамзали бошланишда биринчи ҳамзанинг ҳаракати қисқа ва иккинчисиники сукун бўлса, чўзилиш ҳисобига биринчи ҳамзанинг тушиб қолиши кузатилади:

а) чўзилиш биринчи ҳамзанинг ҳаракатига мувофиқлашиш асосида бўлади (биринчи бобнинг буйруқ шакллари):

**أؤمر** ('у'мур) — **أؤمر** ('у.мур! буюр!

**ائسر** ('п'сир) — **ائسر** ('и. сир) асир қил!

**ائنس** ('и'нас) — **ائنس** ('и.нас) одат қил!

б) биринчи ҳамзанинг ҳаракатига мовандлашишга янтилиш натижасида ҳамза йўқотилгач, дастлабки қондага мувофиқ мад ёзилади (биринчи шахс феъли):

**أأخذ** ('а,хуз:у) — **أأخذ** ('а,хуз:у) мен оламан

**أأمن** ('а'муну) — **أأمن** ('а'муну) мен ишонаман

в) юқоридаги қондалар мутлақ бошда келган ҳамзага хос; агар у гап орасида бўлса, ўзгаришга йўл қўйилмайди:

**قال أئمن** (қала-'мун) У «ишон!» деди.

**قال أئنس** (қала-'нас) У «одатлан!» деди.

Ўзгачининг биринчиси ҳамзали бўлган феълларнинг **فعل** (фа'ала) (у) туридан кўп ҳолларда **عل** ('ул) қолипда буйруқ ясалади:

**أكل** ('акала) (у) «емоқ»дан:

**كل** (кул), **كلى** (кули), **كلا** (кула.), **كلوا** (кулу.), **كلن** (кулна)

**أخذ** ('ахаз:а) (у) «олмоқ»дан:

**خذ** (хуз:), **خذى** (хуз:и.), **خذا** (хуз:а.), **خذوا** (хуз:у.),

**خذن** (хуз:на)

Баъзи ҳамзамар ҳосила бобларда «вов»лар билан алмаштирилиши учрайди. Бу адабий тилга омма тилининг таъсиридир.

أمر ('амара) буюрмақ — 6 توامر (тавалара) маслаҳат-машмоқ

Ҳамзалик феъллардан 8 боб шакллари ясашда, айрим ҳолларда ҳамза «т» фойдасига сингиб кетади (ассимиляцияланиши):

أخذ ('ахаз:а) (у) бошламоқ — 8 اتخذ ('иттаҳаз:а) бошланмоқ  
أهل ('аҳала) (у) уйланмоқ — 8 اتهل ('иттаҳала) оила қурмоқ

Бироқ:

ألف ('алифа) (а) дўстлашмоқ — 8 ائلف ('италафа) улфат бўлмоқ

Бошқа барча ҳолларда ўзагининг дастлабки ундоши ҳамза бўлган феъллар ўз ҳамзасини тугал сақлаб қолади.

Ўзагининг иккинчи ундоши ҳамза бўлган феъллар тусланганда ҳамзаси сақланади.

Ўзагининг сўнги ундоши ҳамза бўлган феъллар тусланганда эса кўпроқ ўзгариш содир бўлишини тахмин қилиш мумкин. Чунки бу ҳолатда ҳамза сўзнинг хотимасида туради, қисқа ва чўзиқ унлилар ҳамда ундошлар билан ёнма-ён бўлади. Бундай мавқе ҳамзанинг талаффузи ва имлосига маълум таъсирини кўрсатади, албатта. Бироқ таъсир умумий имло қоидаларида аксланган даражада рўй беради.

Бундай феъллардан масдар иккинчи бобда تفعلة (таф'илатун) қолишида ясалади:

هنا (ҳанна'а) муборакбод килмоқ, табрикламоқ — تهنة (тахни'атун) муборакбод қилиш, табрикланиш

### МУРАККАБ ЗАМОНЛАР

Иш-ҳаракатнинг у ёки бу замонга нисбий алоқадорлигини ифодалашда сўзларни бириктириш (синтактик композиция) усулидан кенг фойдаланилади. Бунда икки сўз муваққат биригиб семантик ва прагматик бир бутунликни ташкил этади. Бу ҳол ўзаро бириккан ҳар икки сўз (масалан, икки феъл)нинг бир синтактик вазифани бажариши, бир яхлит маънони англатиши билан ифодаланса-да, мазкур бирикмалар маълум ўзига хосликка эга: улар ўзаро синтактик муносабатда қолади. Шунинг учун уларни «қўшма феъллар» деб номлашдан кўра, «мураккаб замон қурилма (конструкция)лари» деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Мураккаб замон қурилмалари араб тилида كان (ка.на) феъли пштирокида ясалади. Бунда таркибдаги كان ўз асосий маъноси-

ни ифодалашдан маҳрум бўлади. Унинг вазифаси асосий мазмунни ифодалаётган сўзда мужассамланган иш-ҳаракатнинг замонга нисбатини аниқлаш билан чегараланади; у тўлиқсиз феъл вазифа (Функция)сини ўтай бошлайди.

Араб тилида бундай замон қурилмалари икки турда ясаллади:

а) тўлиқсиз феъл — асосий мазмунни ифодаловчи феъл;

б) тўлиқсиз феъл — сифатдош.

Бунда сифатдошнинг фақат аниқ даража шакли, феълларнинг эса ўтган ва ҳозирги-келаси замон шакллари қўлланади. Кўриниб турибдики, тўлиқсиз феъл доимо олдинда, асосий мазмунни ифодаловчи феъл ёки сифатдош ундан кейин келади. Гапда уларнинг ўрни бевосита тўлиқсиз феълдан кейин бўлиши шарт эмас — у эга ва унинг гуруҳи билан ажратилган бўлиши мумкин. Барча ҳолларда ҳам қурилманинг умумий йўналишига путур етмаса бўлгани. Феъллар эга билан умумий қоидалар асосида шахс, сон, жинсда, сифатдош эса фақат грамматик сон ва жинсда мослик олади.

Ҳозирги замон адабий араб тилида узоқ ўтган, давом ўтган, келаси-тахмин замонлар мураккаб қурилмалар воситасида ифода этилади.

### УЗОҚ ЎТГАН ЗАМОН

Узоқ ўтган замон мазмуни ўтган замон шаклидаги тўлиқсиз феъл ва тугалланган ўтган замон шаклидаги асосий феъл воситасида англатилади. Умумий қолипи: كان قد فعل

Узоқ ўтган замон мураккаб феъли иш-ҳаракатнинг оддий ўтган замонда ифодаланганидан анча илгари рўй берганини тасдиқлайди. У ўзбек тилига ўтган замон сифатдоши ва тўлиқсиз феъл билан таржима қилинади. Баъзи ҳолларда таржимада ўзбек тилида тарихий ўтган замондан ҳам фойдаланса бўлади:

كانت الولايات المتحدة قد  
احتاجت لمضاعفة حجم انتاج  
المنتجات الصناعية الى 18  
سنة.

كانت قد تطورت بين البلدين  
التجارة المفيدة للطرفين.

Қўшма Штатлар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини икки бора ўстириш учун ўн саккиз йилга муҳтож бўлган эди.

Ҳар икки мамлакат ўртасида икки тараф учун фойдали савдо муваффақиятли ривожланган эди.

Узоқ ўтган замон қурилмасидан маълум бир иш-ҳаракатдан олдин юз берган бошқа бир иш-ҳаракатни ифодалаш учун ҳам қўлланиш мумкин. Бироқ у ҳолатда кўпинча сўзловчига аввалдан маълум бўлмай, кейингига ифодаланган иш-ҳаракат ифодаланади. Бундай бирикмани ўзбекчага ўгиришда ҳикоя замонининг «экан» тўлиқсиз феъли иштирокидаги қурилмадан фойдаланган маъқулдир:

عندما استيقظ محمد من نومه  
كان اخوانه قد ذهبوا الى الصيد.  
كما يقول الراوى انه كان رستم  
قد ذهب فى تلك الاوان الى فتح  
توران.

Муҳаммад уйғонганда, унинг ака-  
лари овга аллақачон кетиб қол-  
ган экан.

Достоялчининг айтишича, Рустам  
ўша онлари Туронга босқинга  
кетган экан (эди).

Шунигдек, бундай қурилма воситасида ифодаланган иш-ҳара-  
кат бошқа бир иш-ҳаракатга йўл очиши мумкин:

كان العملاء قد انتظروا فعال  
الحزب عند مدخل بيته ورموا  
عليه النار.

Сотқинлар фирқа фаолининг уй-  
га кираверишда кутиб туришган  
эди, унга ўқ узишди.

Узоқ ўтган замоннинг инкор шаклларида инкор юкламаси асо-  
сий маъно ифодаловчи феълдан олдинга қўйилади:

كان قد ما دخل هذه الغرفة قبلا. Бу хонага у илгари кирмаган эди.

## ТУГАЛЛАНМАГАН ЎТГАН ЗАМОН

Иш-ҳаракатнинг тугалланмаганлиги (давом ўтган замон)ни  
англайтиш учун араб тилида иккита қурилма мавжуд.

Дастлабки қурилма ўтган замон шаклидаги тўлиқсиз феъл ва  
ҳозирги-келаси замон шаклидаги асосий маъно англатувчи феъл-  
лардан тузилган. Қолини: كان يفعل

Кенг тарқалган бу қурилма қуйидаги мазмунларни ифодалашда  
қўлланилади:

1. Маълум лаҳза билан боғлиқ бўлмаган, давр билан чегара-  
ланмаган иш-ҳаракат жараёнини:

كان يختلط بياض شعره بسواده.

Унинг қора соқолига оқ арала-  
шиб қолганди.

كنا نعرف رجلا يسمى الشيخ

Биз бир кимса билан таниш эдик:  
Уни шайх Муҳаммад аташар,  
касб-кори тўқувчилик (эди).

محمدنا صناعته نساج (تيمور).

2. Узоқ давом этган ёки такрорланиб турадиган иш-ҳаракатни:

كنت افتح عينى فكان يستيقظنى  
بالغناء و كانت تسيل الحانه على  
قلبي (مى زيادة).

Тонгда кўзимни очардим, у мени  
кўшиқ билан уйғотар, қалбимга  
оҳанглари оқарди.

كان يرحب بى و يقدم لى فى كل  
مرة ازوره فيها فنجانا من  
قهوته الريفية (تيمور).

Мени у салом билан қаршилар,  
ҳар зиёратимда ўзининг қишлоқ-  
ча қаҳвасидан бир ниёла тутарди.

3. Ўтган замон феъллари билан бир қаторда, қўшма гап таркибида қўлланган тугалланмаган ўтган замон қурилиши ўзга бир иш-ҳаракатдан олдин бошланган ва унинг жараёнида ҳали давом этаётган (ёки такрорланаётган) иш-ҳаракатни:

<p>كان يصطحبهم اينما ذهبوا          فى تلك السنوات الصعبة          وبينما كان العمال يعملون فى          معمل النسيج القديم بنت          الحكومة الشعبية لاجلهم معملا          كبيرا جديدا.</p>	<p>Қаерга боришса, уларни кузатиб борарди.          Ўша оғир йилларда ишчилар қадимги тўқимачилик фабрикасида ишлар эканлар, халқ ҳукумати улар учун янги катта фабрика қурди.</p>
--	--

Юқоридаги мисоллардан аён бўладики, зикр қилинган вазифалардаги тугалланмаган ўтган замон қурилиши, асосан, ўтган замонда содир бўлаётган иш-ҳаракат ёки ҳодиса вазиятини тавсифлаш учун қўлланади.

Тугалланмаган ўтган замоннинг иккинчи шакли **كان** тўлиқсиз феъли ва ноаниқ шакл ҳамда тушум келишигидаги сифатдош иштироки билан ясалади. Қолини: **كان فاعلا** Қурилманинг ҳар икки қисми ҳам сон ва жинсда эга табиатига монандлашиб, шакл ўзгартириб келади. Бу турдаги тугалланмаган ўтган замон ўзиде ифодаланган иш-ҳаракатнинг узоқ давом этишига ишора қилади. Бироқ сифатдошлик қурилманинг асл моҳияти шундаки, у юқорида келтирилган соф феъллик қурилмадан фарқли равишда, тугалланмаган иш-ҳаракатни жараён сифатида эмас, балки субъектнинг маълум давр билан чегараланган муваққат ва ўзгарувчан хоссаси тариқасида кўрсатади:

<p>كنت فى احد الايام ذاهبا الى          المدرسة.          كان جدى فى تلك السنوات          ذاهبا يوميا الى المدينة و          كان شاغلا هناك فى مصنع كبير.</p>	<p>Кунларнинг бирида мактабга борардим (борувчи эдим).          Бобом ўша йиллари ҳар кун шаҳарга қатнар ва у ердаги катта заводда ишларди (ишловчи эди).</p>
---	---

Тугалланмаган ўтган замоннинг инкор шакллари қуйидагича:

а) нуқул феъллардан ясалган шаклларда инкор юклагиси асосий мазмун англатувчи феълдан олдинга қўйилади:

<p>هذه كانت الطالبات لايجبن هذه          المادة الدراسية.</p>	<p>Бу фанни толибалар ёқтирмас эдилар.</p>
---	--

б) сифатдошлик қурилмаларда инкор юклага тўлиқсиз феълдан олдинга қўйилади:

عند ما دخل الاستاذ غرفة  
التدريس ما كنا جالسين على  
المقاعد بعد.

Устоз дарсхонага кирганда биз  
ҳали ўриндиқларга ўтирмаган  
эдик.

## КЕЛАСИ-ТАХМИН ЗАМОН

Келаси-тахмин замон қурилмаси кетма-кет келаётган ҳозирги-келаси замон шаклидаги тўлиқсиз феъл ва ўтган замон шаклидаги асосий маъно берувчи феъл шакллари мажмуидан ясалади. Асосий феълдан олдинга юклама қўйилади. Қолипи: **يكون قد فعل**

Келаси-тахмин замон қурилмаси матнга ёки ўзи эгаллаган мав-қага кўра мазмун касб этади.

Қўшма гап таркибида қўлланилган келаси-тахмин замон қу-рилмаси бир келаси замондаги иш-ҳаракатдан олдин тугаллана-диган бошқа бир иш-ҳаракатни ифодалайди:

قبلما تقترب السفينة من هذا  
الكوكب تكون قد سجلت  
معلومات عن الحقل المغنطيسي  
والاحزمة الاشعاعية.

Станция бу юлдузга яқинлашу-видан олдин унинг магнит майдо-ни ва нур камарлари ҳақидаги маълумотни қайд қилган бўлади.

Мисолдан кўриниб турибдики, иш-ҳаракатнинг ўтган замон тугалланганлик мазмуни келаси-тахмин замон ёрдамда келгувси фоида кўрсатилган.

Қўшма гаплар таркибида қўлланилган келаси-тахмин феъл би-рикмаси келгувсида рўй бераётган иш-ҳаракатнинг давоми ёки натижаси сифатида юзага келаётган ва келгувси замонга тааллуқ-ли бўлган бошқа бир иш-ҳаракатни ифодалайди. Бунда унинг маз-муни ва вазифаси ўзбек тилидаги келгувси замон гумон феълни-кига мантиқан мос бўлади:

بعدما يتصل ابن الفلاح المدينة  
يكون قد دخل بيت خاله العجوز.

Фаллоҳнинг ўғли шаҳарга етиб  
келгач, қари тоғасиникига кири-  
ши мумкин.

Шунингдек, келгувси-тахмин замон қурилмаси келгувси замон-монга тааллуқли бўлган ва тахмин, гумон, эҳтимол тутилаётган иш-ҳаракатни ифодалайди:

لما يقول هذا الطالب انه يكون  
قد حصل على الدبلوم في ربيع  
السنة المقبلة.

Бу толибнинг айтишича, у кел-гувси йилнинг баҳорида диплом олса керак.

## ЧЕКЛОВ ЮКЛАМАСИ

قط (қат.) — чеклов юкламасидир. У гаптада бирорта бўлакнинг маъносини алоҳида таъкидлаб ва чеклаб кўрсатади. Қаранг: استلمت من المكتبة كتابا قط. Кутубхонадан биргина китоб олдим, холос.

Бу юклама, одатда, ўз вазиѳаси билан гап маъносини ойдинлаштиради. Айниқса, у ف (фа-) юклама-олд қўшимчаси билан қўлланилганда гапнинг маъносини янада яққоллаштиради:

رأينا في مدخل الجامعة عشرين طالبا بالتقريب فقط. Дорулфунунга кираверишда йигирма чоғли толибни кўрдик, холос.  
و كان المؤتمر الاول في صيف عام ١٩٦٣ و بعد عامين فقط من بداية نشاطنا التجاري في افريقيا (الجمهورية). Биринчи анжуман 1963 йилнинг ёзида, бизнинг Африкадаги савдо фаолиятимиз бошланганидан атиги икки йил олдин бўлганди.

قط/ فقط юкламаси инкор шакллар билан ёнма-ён ишлатилганда, чеклаш билан бирга ажратувчи-чегараловчи мутлақ инкор маъмуини ҳам кўрсатиши мумкин:

بعد افتراقنا ما رأيت قط. Ажралишганимиздан кейин мен уни сира кўрмадим.  
ما تطورت التجارة المفيدة بعد هذا بين بلدينا فقط (الجمهورية) Ушавдан сўнг бундай фойдали савдо фақат бизнинг икки давлатимиз орасидагина ҳеч ўсмади.

### «КАТТА» СЎЗ ЯСАШ УСУЛИ

«Катта» дөб аталадиган сўз ясаш усули الاشتقاق الكبير\ лексик субстанция асосида қурилган. Унда мавжуд сўзлардан бир ундошни алмаштириб янги сўзлар ясалади:

مدح (мадах.а)	—	مده (мадах) мақтамоқ, мадх қилмоқ
شرب (шариба)	—	زرب (зариба) сизгимоқ
فلج (фалажа)	—	فلق (фалақа) ёрилмоқ, ажралмоқ

### «АНЧА КАТТА» СЎЗ ЯСАШ УСУЛИ

«Анча катта» сўз ясаш الاشتقاق الكبار\ да лексик метатеза асос қилиб олинган. Сўз ўзагидаги ундошларнинг миқдорини ўзгартирмаган ҳолда, уларнинг тартибини бироз ўзгартирибгина янги сўз ясаладиган бу усулда маъно деярли ўзгаришларга учрамай, тўлиқ сақланади:

حمد (х.амида)	—	مدح (мадах.а) мақтамоқ, мадҳ қилмоқ
غدر (ғадара)	—	غرد (ғарада) кетмоқ, ташлаб кетмоқ
سكب (сакаба)	—	سبك (сабака) қуймоқ
بعض (ба'д.ун)	—	بضع (бид.'ун) бир неча

Булардан ташқари, ҳар бир уч ва тўрт ундошли ўзакнинг ис-талган бирикма (комбинация)даги йиғиндиси шу ўзакка мужассам умумий мазмунни сақлаб қолади. Бу ўринда метатезанинг сўз ясовчи усул сифатида алоҳида ажратиб кўрсатилишига сабаб — ҳар бир ундошнинг ўзи дастлаб сомиёй ўзакда алоҳида мазмунга эга эканлиги ҳақидаги назарияга асосланган. Шунга кўра, ҳар бир ундошнинг бир ўзак қўбиғи ичида ўрин алмашиши мазмунда катта ўзгаришлар содир бўлишига олиб келмайди.

### «ЖУДА КАТТА» СЎЗ ЯСАШ УСУЛИ

«Жуда катта» деб номланган сўз ясаш усули *الاشتقاق الاكبر* / яна «йўниш» деб ҳам юритилади. Бунда икки сўздан бир ёки ун-дан ортиқ ундош тушириб қолдирилади — «йўниб» *انت* / таш-ланади. Қолганлари бир фонетик бирликка жамланади. Бу турда ясалган 300 дан ортиқ ўзак борлигини пбн Форис қайд қилган. Уларнинг деярли барчаси тўрт ундошли ўзақлар бўлиб, аслида, иккита уч ундошлилардан ясалгандир. Мисоллар:

دحرج (дах.ража) сирғалмоқ	—	{	دحر (дах.ара) сурмоқ
		{	جرى (жара.) оқмоқ
هرول (ҳарвала) шопмоқ	—	{	هرب (ҳараба) қочмоқ
		{	ولى (валла) жўнатмоқ

### Биринчи матн

و قالت النحلة: انت تملأ البستان وردا و انا املأ لك الدنيا شهدة فيه شفاء للأكلين (عز الدين الفراج). اذا تركنا الهواء ورانا نهارا احتلت الليل و تترأت في سماء الليل (احمد زكى). ملئت الاطباق بالما كل الشهى. و مرت الايام و تكررت زيارتى للمزرعة و كنت دائما اسأل عن الشيخ عسافا ينحدر من سيك ال اسوا حتى سار كالهيكل. و ظل هكذا في ثورة صامته ثم هدا تدريجيا و عاد الى حمولة الاول (تيمور). ايتها الامراة كيف تسألينى عن ذات شريفة (اسطورة). كنا نتحرك كالآلات. كانت الشوارع مزدحمة بالمارة و كانت السيارات تتعاقب فى نظام و الدراجات النارية تتسلل فى ضجيج و صخب و كان الناس



متسارعين الى العمل (الاهرام). كان فلاح فقير من ضواحي مدينة  
يحرث في يوم من ايام الربيع حقل سيده (اسطورة). و يكون قد فرح  
مسرور من هذا العمل الخير. يكون قد رأى ذلك الفلاح قطنه مفتحا  
بلونه الابيض الجميل يستعد بجنيه (الصديق).

411-ماشқ. Замон шаклларида тусланг; буйруқ, ыстақ, шарт майлларш  
шакллари ҳамда масдар ва сифатдошлар ясанг:

امر، زار، ملاً

412-ماشқ. Қуйидаги ҳосила феълларни ўтган ва ҳозирги-келаси замон  
шаклларида тусланг, масдар ва сифатдошлар ясанг ва маъволарини белги-  
ланг:

ايد، اسأل، تأخر، تفاعل، استسأل

413-ماشқ. Таржима қилинг, феълларнинг замон шаклларини таҳлил қи-  
линг:

كانت عائلتنا قد سكنت خلال الحرب العالمية الثانية في مدينة  
نمجان. و كان جدى حصل على شهادة تربوية في الثلاثينات و كان عمل  
في احدى مؤسسات مدينتنا التربوية مدة طويلة. و كان ابي استعد ان  
يدرس في جامعة طشقند و لكنه اخر هذا الغرض بسبب ارساله الى  
الحرب الوطنية العظمى.

414-ماشқ. Арабчага оғзакн ўғиринг:

1. Биз дорулфунун ҳовлисига қирганимизда дарсга қўнғироқ  
чалинган бўлади. 2. Улар кинотеатр залига қирганларида, кўрса-  
тув бошланган бўлади. 3. Араб тили ўқитувчиси айтдики, Азиз бе-  
тоблиги туфайли дарсга келмаслиги мумкин. 4. Поезд бекатга ўз  
вақтида етиб келса керак. 5. Мен кутубхонага етиб борганимда  
унинг толибларга хизмат кўрсатиш бўлими ёпилса керак.

415-ماشқ. Ифодали ўқинг, мазмунини сўзлаб беринг:

من جميع انحاء العالم شرقا وغربا و جنوبا و شمالا كان الناس  
يتوجهون الى سمرقند. لقد توجه العلماء لكسب الحكم من لدى عالم  
النجوم العظيم ميرزا اولوغبيك. و توجه التجار لشراء الورق السمرقندى  
المشهور الذى تفوق آنداك على الاوراق فى العالم الاسلامى. ان الجمال  
الخالد الذى ابدعته هنا عبقرية المعمارين قد سيطر على كل احساسات  
عليشير نوائى و الهمة لايجاد الاشعار ليس لها مثال.

416-ماشқ. Дарсхонада ёзма таржима қилинг:

1. Бу уйда беш йил олдин бир муҳтарам устоз яшар эди. 2. Ме-  
нинг содиқ дўстим ўша пайтларда дорулфунунда ўқир ва араб  
тилини қизиқиб ўрганар эди. 3. Уша куни Қобул билан Тошкент  
ўртасида қатновчи тайёра шаҳар аэропортига роса соат тўққизда

қўнган эди. 4. Биз қишлоқда бўлган кун деҳқонлар даладан қуёш  
ботғач қайтишган эди. 5. Билдикки, Туйғун уй вазибаларини яхши  
бажарган экан.

## Иккинчи матн

### ارنب واسد

زعموا ان اسدا كان فى ارض كثيرة المياه و العشب و كان فى  
تلك الارض من الوحوش شىء كثير الا انه لم يكن ينفعها ذلك لخوفها  
من اسد كان مستبدا بالامر فيها.

فاجتمعت الوحوش و جاء الى الاسد فقالت له: «انك تصيد  
الدابة بعد الجهد و التعب. و قدرأينا لك رأيا فيه صلاح لك و امن  
لنا. فان انت امتتنا فلك علينا، فى كل يوم، دابة نبعث بها اليك فى  
وقت غدائك».

فرضى الاسد بذلك و صالح الوحوش عليه. و وقت الوحوش  
للأسد الى ان اصابت القرعة الارنب. فقالت للوحوش: «ان انتن وافقتن  
بى فى ما لا يضركن. ارجو ان اريحكمن من الاسد» فقلن: «وما الذى  
تكلفيننا من الامور؟» قالت: «تأمرن الذى ينطلق بى الى الاسد ان يهلنى  
ريثما ابطى عليه بعض الابطاء». فقلن لها: «ذلك لك».

فانطلقت الارنب متباطئة حتى جاوزت الوقت الذى كان يتعدى  
فيه الاسد. ثم تقدمت اليه وحدها رويدا. و عند ما جاءت غضب الاسد  
و قام من مكانه نحوها و قال: «من اين اقبلت؟» قالت: «انا رسول  
الوحوش اليك بعثتنى و معى ارنب لك. فتبعنى اسد فى بعض تلك  
الطريق اخذها منى غضبا و قال: «انا اولى بهذه الارض و ما فيها من  
الوحوش».

فقلت له: «ان هذا غداء الملك ارسلت به الوحوش معى اليه  
فشتمك فاقبلت مسرعة لახبرك».

فقال الاسد: «انطلقى معى و ارينى موقع هذا الاسد».

فانطلقت الى البئر العميقة فيه ماء كثير. فنظرت فيها و قالت:  
«هذا المكان».

فتطلع الاسد فرأى ظله و ظل الارنب فى الماء فلم يشك فى قولها  
ثم وثب اليه ليقاتله فغرق فى البئر. و اقبلت الارنب الى الوحوش و  
اعلمتهن صنعها بالاسد.

(من كتاب «الف ليل و ليلة»)

СҮЗЛИК

ابطال	(‘абт.а’а) секинлат-моқ	اراح	(‘ара.х.а) халос қилмоқ
اسد	(‘асадун) арслон	اصاب	(‘ас.а.ба) мўлжалга урмоқ
امن	(‘аммана) таъминламоқ	اقبل	(‘ақбала) келмоқ
اولى	(‘авла.) энг биринчи	اهمل	(‘аҳмала) ўз ҳолига қўймоқ
تغدى	(тағадда.) тушлик емоқ	ترائى	(тара’а.) рай билдирмоқ; ўйлаб қўймоқ
دابة	(да.ббатун) жонвор	خمول	(хуму.лун) бўшанглик
شهى	(шаҳиййун) иштаҳадор	صالح	(с.ала.х.ун) наф
صخب	(с.ахбун) уввос	شهد	(шаҳдун) мумкатакдаги асал
صنيع	(с.анп.‘ун) қиялиш	ضر	(д.арра) (у) зарар келтирмоқ
غصب	(ғас.бун) зўравонлик	مستبد	(мустабиддун) зулмкор
مأكل	(ма’калун) емак	وتب	(вас:аба) ташланмоқ (ўлжага, га-нимга)
هدأ	(ҳада’а) (а) сусаймоқ	وفى	(вафа.) (п) вафо қилмоқ
وحوش	(вух.у.шун) ваҳший ҳайвонлар	شك	(шакка) (у) шак келтирмоқ
اعلم	(‘а’лама) хабардор қилмоқ		

Бирикма ва иборалар

رأى رأيا	Бир фикрга келди.
ان يهملنى	Мени ўз ҳолимга қўйса...
ريشما	Қаерданки
كلف من الامور	тадбир таклиф қилмоқ
انطلق متباطئا	шошилмай бормоқ
روايدا رويدا	аста-секин

417-машқ. Бирикмалар ёрдамида бешта гап тузинг:

كلف من الامور، لك علينا، اقبل مبطنًا، اقبل مسرعًا، اصابت القرعة، رأى رأيا

418-машқ. Ушбу бирикмаларни арабчага ўғиринг ва ёд олинг:

ёввойи ҳайвонлар шоҳи, фойдали таклиф, қуръа ташламоқ, аста-аста, ҳайвонлар элчиси, бир фикрга келмоқ, секин етиб бормоқ

419-машқ. Арабчага ўғиринг:

1. Ҳозиргача араб бўлимизининг толиблари «Калила ва Димна» китобининг кўп бошқа қиссаларини ўқиб чиққан бўлишлари мумкин. 2. Бор экан, йўқ экан, ёввойи ҳайвонлар шохи арслон бор экан. 3. Ёввойи ҳайвонлар арслондан жуда қўрқишарди, негаки, у ҳар кун ҳайвонларга ҳужум қилиб уларнинг тинчини бузарди. 4. Агар бизга ҳужум қилмасанг, бизнинг хавфсизлигимизни таъминласанг, ҳар кун нонуштанга биттадан жоввор юбориб турамиз. 5. Қайси ҳайвонга қуръа тушса, у бошқалар саломатлигини ўйлаб арслон ҳузурига йўл олар экан. 6. Тадбиркор қуённинг ҳийласи билан золим арслон қудуқда тушиб кетган экан.

420-машқ. «Арслон ва қуён» мавзусида баён ёзинг.

## Йигирма саккизинчи дарс:

### ИЛЛАТЛИ ТОВУШ БИРИКМАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ДОИР

Тўғрига ўхшаш, бўш ва етишмовчи феъллар таркибларидаги мавжуд иллатли «в» ва «й» товушлари иштирок этадиган бирикмалар муқаррар эмас. Улар тез ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Чунончи, бу ўзгаришлар тилнинг товуш ва талаффуз йўриқларини жўнлаштириш йўлидаги уриниш бўлиб, улар маълум қонуниятлар асосида рўй беради:

а) кучлироқ талаффуз этилувчи унли кучсиз айтилувчи бошқа товушларни сиқиб чиқаради;

б) бир хил унлиларнинг чўзини қисқасига нисбатан кучлидир; демак, уни сиқиб чиқара олади;

в) иллатли бирикмаларнинг бошида турган унли орқадагиларига нисбатан кучли бўлади;

г) иллатли товуш бирикмаларининг таркибидаги «и» ва «и.»лар бошқа унлиларга нисбатан кучли ҳисобланади ва кўп ҳолларда, қайси ўринда турганлигидан қатъи назар, бошқа товуш ва товуш бирикмаларини «ўзларига ўхшатиб олади» — ўзгартиради;

д) сукунлини ҳаракатли сиқиб чиқариши ёки ўрнини эгаллаши мумкин.

Юқоридаги қондаларни шккилик шакллар таркибидаги иллатли бирикмаларга татбиқ қилиб бўлмайди, — улар қатъий бирикмалардир.

### ТЎҒРИГА ЎХШАШ ФЕЪЛЛАР

Тўғрига ўхшаш феълларда ўзакнинг биринчиси иллатли «в» ё «й» дан иборат бўлади:

وعد (ва'ада) (п) ваъда қилмоқ

يمن (йамуна) (у) омади келмоқ

Бу турдаги феълларнинг ўтган замон шакллари оддий тўғри феълларникидан фарқ қилмайди — ҳеч қандай ўзгаришсиз тусланади.

Ҳозирги-келаси замон шаклида дастлабки сукунланган ўзак ундоши «в» кўпчилиги ҳолларда тушиб қолади:

يُوعِد (йав'иду) → يَعِد (йа'иду)

تُوعِد (тав'иду) → تَعِد (та'иду)

وَعِد (ва'ада) (и) «ваъда қилмоқ» феълининг тусланиши

Шахс	Жинс	Ҳозирги-келаси замон		
		кўплик	иккилик	бирлик
1	умумий	نَعِد (на'иду)		أَعِد (а'иду)
2	музак.	تَعِدُونَ (та'иду.на)	تَعِدَان (та'ида.ни)	تَعِد (та'иду)
	муан.	تَعِدْنَ (та'идна)		تَعِدِينَ (та'иди.на)
3	музак.	يَعِدُونَ (йа'иду.на)	يَعِدَان (йа'ида.ни)	يَعِد (йа'иду)
	муан.	يَعِدْنَ (йа'идна)	يَعِدَان (та'ида.ни)	تَعِد (та'иду)

Ҳозирги-келаси замонда тусланаётган тўғрига ўхшаш феъл шаклидан биринчи иллатли қуйидаги ҳолларда тушиб қолмайди:

а) ўзакнинг биринчиси «й» бўлганда:

يَبِس (йабиса) → يَبِيس (йайбасу) қуримоқ

يَمُن (йамуна) → يَمِين (йаймуну) иши ўнгидан келмоқ

б) ўрта ундоши ҳар икки замонда даммали ҳаракатланганда:

وَسِع (васу'а) → يَوْسِع (йавсу'у) кенг бўлмоқ

وَتَّق (вас:уқа) → يُوْتِق (йавс:уқу) мустаҳкам бўлмоқ

وَقَر (вақура) → يُوَقِر (йавқуру) виқорли бўлмоқ

в) айрим فَعَلَ (фа'ила) (а) туридаги феълларда; бундайлар унчалик кўп эмас:

وَجِع (важи'а) → يُوَجِع (йавжа'у) оғриқ сезмоқ

وَحَلَ (вах.ила) → يُوَحِل (йавх.алу) ифлосланмоқ

وَجَلَ (важила) → يُوَجِل (йавжалу) ҳайиқмоқ

г) иккиланган тўғрига ўхшаш феъллар турида ҳам биринчи ўзак ундоши ўз ўрнида қолади:

وَدَّ (вадда) → يُوَدُّ (йавадду) севмоқ, истамоқ

وَزَّ (вазза) → يُوَزُّ (йаваззу) ундамоқ; фитна солмоқ

Тўғрига ўхшаш феълларнинг буйруқ шакллари ҳар бир алоҳида феълдан унинг ҳозирги-келаси замонда тусланиш даражасига қараб алоҳида ясалади:

عد دان: وعد (‘ид), عدى (‘иди.) «ва’да қил!»

وثق دان: أوثق (‘у.с:уқ), أوثقى (‘у.с:уқи.) «инон!»

Мажҳул даража шаклларида ҳеч бир ундошнинг тушиб қолиш ҳолати кузатилмайди. Аксинча, аниқ даражанинг ҳозирги-келаси замон шаклида тушириб қолдирилган иллатли мажҳул даражада ўз ўрнига қайтарилади:

يعد، وعد، (ва’ада, йа’иду) — يوعد، وعد، (ву’ида, йу’аду)

### ТУҒРИГА УХШАШ ФЕЪЛЛАРДАН МАСДАР ВА СИФАТДОШЛАР ЯСАШ

Тўғрига ўхшаш феълларнинг иллатли «в»лик туридан масдар, аслида، فعلة (фа’алатун) ёки فعلة (фа’илатун) қолишларидан бирида ясалган бўлса، дастлабки иллатли тушиб қолади:

وثق دان: ثقة (с.иққатун) ишонини

وسع دان: سعة (са’атун) кенг бўлиш

وصف دان: صفة (с.иффатун) сифатлаш

Масдар ясашда дастлабки иллатлини тушириб қолдириш қондаси бошқа қолишларга, шунингдек, «й»лик феъллардан масдар ясаш қондасига татбиқ қилинмайди.

Сифатдошларга келсак, улар тўғрига ўхшаш феъллардан умумий қонда асосида ясалади, таркибда алоҳида ўзгариш кузатилмайди:

وثق دان: واثق (ва.с.иққун) ишонувчи, инонувчи

موثق (мавс:у.қун) ишонилган, инонилган

وصف دان: واصف (ва.с.иффун) сифатловчи, тавсиф қилувчи

موصوف (мавс.у.ффун) васф қилинган, тавсифланган

### ТУҒРИГА УХШАШ ФЕЪЛЛАРНИНГ ҲОСИЛА БОБЛАРИ

Тўғрига ўхшаш феълларнинг ҳосила бобларида содир бўлувчи ўзгаришлар унча кўп эмас. Мавжуд ўзгаришлар ҳам юқорида ўрганилган қондаларга мос бўлади. Тўғрига ўхшаш феъллардан ҳосила боблар ясашда қуйидагиларга амал қилинади:

а) 8 бобдаги ясовчи «т» иллатли «в» билан яқин муносабатга киришганда, уни «ўзига айлантириб» олади — «в» ассимиляциялашади. Ёзувда бу ташдид орттиришга тенг бўлади:

1. واحد (вах.ада) — اوتحد (‘ивтах.ада) — اتحد (‘иттах.ада)

«бир бўлмоқ»

«бирлашмоқ»

اتصل (иттас.ала) — «боғланмоқ»  
 اتصل (иттас.ала) — «боғланмоқ»  
 وصل (вас.ала) — «етиб келмоқ»

Ўзгаришнинг биринчиси «й» бўлган тўғрига ўхшаш феъллар туркумидан 8 боб феъллари ясалмайди.

б) 8 боб масдарида ҳам юқоридаги ўзгариш кузатилади:

اتصل (иттас.ала) — اتصال (иттис.алун) боғланиш

в) 4 ва 10 боблар масдари ясашда «ив» ва «ий» иллатли бирикмаларидаги сукунланган ундошлар кучли «и»нинг таъсирида бўйинга сингади — ассимиляцияланади. Натижада, товуш бирикмаси чўзиқ «и.» билан алмашилади:

4 اوجد (ивжа.дун) → ايجاد (и.жа.дун) яратиш  
 ايقاظ (ийқа.з.ун) → ايقاظ (и.қа.з.ун) уйғотиш  
 10 استوراڧ (истивра.дун) → استيراد (исти.ра.дун) импорт  
 استوزار (истивза.рун) → استيزار (исти.за.рун) вазир этиб тайинлаш

Қолган бобларда ўзгариш кузатилмайди.

## ذو НИНГ ҚУЛЛАНИШИ

ذو (з:у.) «эга» аслида от бўлиб, унинг кўплиги ذوو (з:аву.) шаклида. Ушбу от муаннас шаклда ذات (з:атун) тусини олади; кўплиги ذوات (з:авату).

Кўриниб турибдики, унинг таркибиде иллатли бирикма мавжуд. Мазкур от иккилик шаклига эга эмас. У ўзи алоҳида равишда ишлатилмайди, балки бошқа сўзлар билан бирикма ҳолатидагина қўлланади. Бирикма изофа шаклида расмийлаштирилади:

ذو القرنين икки давр эгаси; Зулқарнайн (музак.)  
 ذات الجمال ҳусн эгаси, ҳусндор (муан.)

## ذو (з:у.) отининг турланиши

Келишиклар	Кўплик		Бирлик	
	муаннас	музаккар	муаннас	музаккар
Бош	ذوات (з:авату)	ذوو (з:аву.)	ذات (з:ату)	ذو (з:у.)
Қарат.	ذوات (з:авату)	ذوى (з:аву.)	ذات (з:ату)	ذى (з:и.)
Тутшум			ذات (з:ата)	ذا (з:а.)

Ушбу отнинг бирикма тарзидагина ишлатилиш хусусиятидан кенг фойдаланилади — араб лексикасида унинг иштироки билан ясалган қўшма сўзлар кўп учрайди.

### ЎРИН ЭРГАШ ГАПЛАР

Ўрин эргаш гаплар бош гапнинг кесми ифодалаган иш-ҳаракатнинг юзага келиш, бошланиш, йўналиш ўринларига ишора қилади. Уларнинг бош гаплар билан алоқаси эргаштирувчи равиш боғловчи *حيث* (х.айс:у) «қаердаки», унинг ҳосилалари: *الى حيث* «қаергаки», *من حيث* «қаерданки», *حيثما* «қайси жойдаки», ва *اينما* «қаердаки» воситасида бўлади. Ўрин гап, асосан, бош гапдан кейин келади:

هذا البطل من اوزبكستان حيث  
تد الارض الابطال عقب الابطال.  
تفتح الجامعة في بداية السنة  
الدراسية ابوابها على مصاريها  
حيث يدرس الطلاب العلوم  
والفنون نظريا و عمليا.

Бу қаҳрамон — Ўзбекистондандир, унда ер ботириллар орғидан ботирилларни етиштиради.  
Ўқиш бошланиши билан дорулфунун ўз эшикларини ланг очиб қўяди, у ерда толиблар билимларини ва техникани ҳам назарий, ҳам амалий ўрганадилар.

Айрим ҳоллардагина ўрин эргаш гап бош гапдан олдинда келиши мумкин:

حيث كان زائرا فدخل مكاتب  
المخطوطات.

У қаерни зиёрат қилган бўлса, (ўша ерда) қўлёзмалар мавжуд кутубхоналарга кирди.

### ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛАР

Пайт эргаш гап деганда, мазмуни бош гапники билан вақтда қиёслаштирилаётган эргаш гапни тушунамиз. Пайт эргаш гап бош гапга *بينما* «ҳар сафар», *كلما* «қачонки», *اذا* «متى», *لما* «حينما», *عندما* «шу ора», *بعد ما* «...дан сўнг», *قبلما* «...дан олдин», *حتى* «...гача», *منذ* «...дан бери» каби пайт ифодаловчи эргаштирувчи боғловчилар воситасида эргашиб келади. Боғловчиларнинг қайси бири қачон ишлатилиши масаласи қиёс қилинаётган иш-ҳаракатнинг пайтга муносабатига кўра белгиланади. Кўпчилик ҳолларда пайт эргаш гаплар бош гапдан олдинда келади:

لما ابتعد الحارس من الباب  
اقترب الكشاف منه.  
فلما نام الصياد اخذ الدب  
يحرصه.

Қоровул эшикдан узоқлашгач, кашшоф унга яқинлашиб келди.  
Овчи ухлаган пайтда айяқ уни қўриқлаб турарди.



Шувингдек, пайт эргаш гапниг бош гацдан кейин келган ҳолати ҳам учраб туради; мисоллар:

اتجه الباص الى المدينة حينما  
جلس الركاب كلهم على مقاعد هم  
قد امتت الحكومة الشعبية هذه  
الاملاك بعد ما انتصرت الثورة.

Йўловчиларнинг барчаси ўз жойларига ўтиргач, автобус шаҳарга йўл олди.  
Инқилоб галаба қилгач, халқ ҳукумати бу мулкларни мусодара қилди.

### БИРИКМАЛАРНИНГ СЎЗГА АЙЛАНИШИ. МУРАККАБ ИСМЛАР

